

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

А.А.ОМОНОВ, Т.М.ҚОРАЛИЕВ

ПУЛ, КРЕДИТ ВА БАНКЛАР

ДАРСЛИК

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги томонидан “Банк иши” таълим йўналиши
талабалари (ўқитувчилари) учун дарслик
сифатида тавсия этилган*

ТОШКЕНТ – 2012

ПУЛ, КРЕДИТ ВА БАНКЛАР

дарслик

Масъул муҳаррирлар:

и.ф.д., профессор – А.В.Вахабов

и.ф.н., доцент – Э.Ф.Гадоев

Тақризчилар:

О.Ҳ.Ҳамраев – и.ф.д., профессор

Т.И.Бобоқулов – и.ф.д., доцент

С.Х.Норқобилов – и.ф.н., доцент

Пул, кредит ва банклар: “Банк иши” таълим йўналиши талабалари (ўқитувчилари) учун дарслик. А.А.Омонов, Т.М.Қоралиев.Солиқ академияси, Тошкент молия институти –Тошкент: “Иқтисод-Молия” 2012. 324 б.

Дарслик Ўзбекистонда узлуксиз таълимнинг Давлат таълим стандартларининг қоидаларига мувофиқ тайёрланган бўлиб, таълимнинг “Ижтимоий фанлар, бизнес ва ҳуқуқ” билим соҳаси бўйича “Пул, кредит ва банклар” фанининг намунавий дастуридаги бўлимларини қамраб олган.

Дарсликда пул, кредит ва банкларнинг вужудга келиши, ривожланиши ва такомиллашув жараёнининг назарий жиҳатлари, шунингдек, халқаро молиявий ташкилотларнинг ташкил топиши, вазифа ва мақсадлари қисқа, аниқ ва равлон тилда ёзилган.

Китобда Ўзбекистон пул ва банк тизимининг ташкил этилиши ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари, шунингдек, мамлакатимизнинг халқаро молиявий институтлар билан амалга ошираётган ўзаро иқтисодий ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор берилган.

Дарслик иқтисодиёт йўналишидаги талабалар ва ўқитувчилар, илмий тадқиқотчилар, банк ва молия соҳасидаги мутахассислар учун мўлжалланган.

КИРИШ

Замонавий бозор иқтисодиёти шароитда товар ишлаб чиқариш ва айирбошлаш муносабатлари пул, кредит ва банкларнинг иштирокисиз амалга ошмаслиги барчамизга маълум. Шунингдек, бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай фаолиятнинг асосий мақсади фойда олишга қаратилган бўлиб, ушбу фаолиятнинг асосини ҳам пул, кредит ва банк тизими билан боғлиқ қатор муносабатлар ташкил этади. Бу ўз – ўзидан, кейинги йилларда, мамлакатимиз ўқув юртларида иқтисодчи мутахассисларни тайёрлашда “Пул, кредит ва банклар” курсининг аҳамиятини кескин оширмоқда.

Эътироф этиш жоиз, мамлакатимизнинг иқтисодиёт ва молия йўналишидаги олий ўқув юртлари профессор – ўқитувчилари томонидан “Пул, кредит ва банклар” ўқув курси бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар нашр этилган. Бироқ, шунга қарамасдан, ушбу дарслик ва ўқув қўлланмалар мавжуд талабни тўлиқ ва самарали қондириш имкониятини бермаяпти. Бунинг қатор сабаблари мавжуд бўлиб, фикримизча уларнинг асосийлари қуйидагилар бўлиши мумкин:

- биринчидан, миллий таълим стандартлари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларга қўйилаётган талаб ва қоидалар такомиллашиб бормоқда. Хусусан, улар қисқа, мазмунли ва ўқувчига тушунарли тилда ёзилиши лозим;

- иккинчидан, жаҳон ва мамлакатимиз иқтисодиётида юз бераётган ижтимоий – иқтисодий жараёнлар мавжуд дарслик ва ўқув қўлланмаларни доимий равишда янгилаб ва такомиллаштириб боришни талаб этмоқда;

- учинчидан, интернет ва электрон тизимнинг ривожланиб бораётганлиги туфайли талабаларга тақдим этилаётган дарслик ва ўқув қўлланмалар рақобатбардош бўлиши, уларни ўзига жалб қила оладиган хусусиятларга эга бўлиши лозим.

Мазкур дарслик, юқорида қайд этилган талаб ва тартибларни инобатга олинган ҳолда, Ўзбекистонда Давлат таълимининг “Ижтимоий фанлар, бизнес ва ҳуқуқ” билим соҳасининг “Банк иши”, “Бизнесни бошқариш”, “Молия”, “Солиқлар ва солиққа тортиш” ва бошқа йўналишлари бўйича қўйилган талаблари доирасида тайёрланган. Буни дарсликнинг “Пул, кредит ва банклар” фанининг намунавий дастуридаги барча бўлимларини қамраб олганлигида ҳам кўриш мумкин.

Дарслик таркибий тузилиши жиҳатидан тўртта бўлим ва 17 бобдан иборат бўлиб, ҳар – бир бобдан сўнг ўқувчининг билимини мустаҳкамлаш мақсадида бобларнинг мавзуларига оид саволлар ва тестлар мажмуи келтирилган.

Биринчи бўлим “Пул”га бағишланган. Бўлим 8 та бобдан иборат бўлиб, унда пулнинг вужудга келиши, пул тизими, пул назарияси ва пул муомаласи ҳамда инфляциянинг ижтимоий – иқтисодий оқибатлари атрофлича ёритилган. Ушбу бўлимнинг ўзига хос бўлган жиҳатларидан бири шундаки, унда мамлакатимиз ҳудудида танга ва қоғоз пулларнинг вужудга келиши ва амал қилиши, шунингдек, Ўзбекистон пул тизимининг ташкил топиш ва ривожланиш жараёнларига алоҳида ўрин берилган.

Иккинчи бўлим “Кредит”га бағишланган бўлиб, бўлимда кредитнинг иқтисодий категория сифатида вужудга келиш сабаблари, унинг шакллари ва турлари ўрганилган. Шунингдек, кредитнинг иқтисодиётда тутган ўрни ва миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти алоҳида ёритилган.

Учинчи бўлим “Банклар”га бағишланган. Бўлим ўз таркибига бешта бобни олган. Жумладан, бўлимнинг ўнинчи бобида банкларнинг вужудга келиши, функциялари ва иқтисодиётдаги роли масалаларига эътибор қаратилган бўлса, ўн биринчи ва ўн иккинчи бобларида мамлакатимиз банк тизимининг ташкил топиш босқичлари, Марказий ва тижорат банкларининг ўзига хос жиҳатлари атрофлича баён этилган. Шунингдек, ушбу бўлимда АҚШ ва Буюк Британия мамлакталари банк тизимининг ташкил топиши ва

ривожланиши ҳамда мамлакатимизда нобанк кредит муассасаларининг фаолияти баён этилган.

Тўртинчи бўлимда халқаро валюта муносабатлари ва ҳисоб – китоблари, тўлов баланснинг тузилиши ва аҳмияти, халқаро молиявий ташкилотларнинг ташкил топишининг мақсад ва вазифалари, улар билан мамлакатимиз томонидан олиб борилаётган ишларнинг мазмун – моҳияти баён этилган.

Дарсликнинг “Пул муомаласи ва пул массаси” номли 4 – бобини и.ф.н., доцент М.Д.Марпатов тайёрлаган, “Валюта тизимининг ривожланиш босқичлари” номли 15.2 – параграфи Солиқ академияси ўқитувчи – тадқиқотчиси М.У.Ахмедов, қолган барча бўлим, боб ва параграфлар и.ф.д. А.А.Омонов ва и.ф.н., проф. Т.М.Қоралиев томонидан тайёрланган.

Халқаро иқтисодий доирада, шунингдек, Ўзбекистон молия – кредит тизимида рўй бераётган жадал ижтимоий – иқтисодий жараёнлар қатор соҳа ва тармоқларда бўлгани сингари таълим тизими олдига, хусусан, дарслик ва ва ўқув қўлланмалар таёрлашнинг таркиби ва мазмунига жиддий талабларни қўймоқда. Шу жиҳатдан, муаллифлар “Пул, кредит ва банклар” дарслигини вақти – вақти билан халқаро доирада ва Ўзбекистонда рўй бераётган ижтимоий – иқтисодий жараёнлар асосида назарий – амалий жиҳатдан бойитиб боришни ўз олдига мақсад қилиб, унинг ушбу нашрини *“биринчи наشري”* сифатида ўқувчилар эътиборига ҳавола этмоқда.

I БЎЛИМ. ПУЛ

1 – БОБ

ПУЛНИНГ ЗАРУРЛИГИ ВА МОҲИЯТИ

1.1. Пулнинг вужудга келиши ва зарурлиги

Пулнинг вужудга келиши кишилиқ жамияти цивилизациясининг буюк кашфиётларидан ҳисобланади. ”Пул” деб номланган махсус товарнинг пайдо бўлиши натижасида одамлар ўртасида айирбошлаш билан боғлиқ зиддиятлар ва «эҳтиёжларнинг бир – бирига мос келмаслиги» каби муаммолар барҳам топди.

Пулнинг вужудга келиши, унинг эволюцион ривожланиши, назарияси, моҳияти ва функциялари ҳақида хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар, назариячилар, мутахассислар жуда кўп илмий асарлар, мақолалар ва тадқиқот ишлари яратган. Ҳозирги кунда ҳам ушбу жараён давом этмоқда. Иқтисодий адабиётларда пулнинг вужудга келиши ва унинг ҳозирги кундаги кўриниши ҳақида ягона ёндашув мавжуд эмас.

Пулнинг вужудга келиш сабабини билиш учун қадимда одамлар ўртасида рўй берган айирбошлаш муносабатларини амалга ошириш жараёнига эътибор қаратиш лозим. Чунки, айнан мана шу табиий айирбошлаш жараёни ҳозирги кунда сиз билан биз кундалиқ ҳаётда ва ҳисоб – китобларда фойдаланиб келаётган пулнинг вужудга келишига замин яратган. Хусусан, пулнинг вужудга келишига қуйидаги омиллар асос бўлиб хизмат қилади:

- қадимги даврда одамлар ўз эҳтиёжидан ортиб қолган истеъмол маҳсулотлари туриб қолмаслиги ва сақлашнинг имконияти бўлмаганлиги боис уларни ўзларига яқин ёки таниш одамларга берган, бу ўз – ўзидан

одамлар ўртасида стихияли равишда бир томонлама айирбошлаш муносабатлари вужудга келишига сабаб бўлган;

- кейинчалик одамларнинг онги, дунёқараши ва ҳаёт кечириш тарзи ривожланганлиги натижасида, икки томонлама айирбошлаш муносабатлари вужудга кела бошлади. Бу даврда, кишиларда ўзига зарур бўлмаган буюмнинг ўрнига нимадир олиш эвазига, иккинчи кишига бериши лозимлигини англай бошладилар.

Буларнинг барчаси дастлаб стихияли равишда содир этилиб, бу одамларнинг кундалик учун зарур бўлган буюмлар, озиқ – овқатлар, кийим – кечаклар ва бошқа эҳтиёжларини қондириш натижасида рўй берган. Бу давр ишлаб чиқариш усулининг натурал хўжалик тузуми даврига бориб тақалади. Маълумки, натурал хўжалик тузумидан илгариги даврда ҳар бир киши кунлик эҳтиёж учун зарур бўлган маҳсулотни мустақил равишда ишлаб топган (яратган)лиги боис, улар ўртасида айирбошлаш муносабатларига эҳтиёж мавжуд бўлмаган.

Юқорида қайд этилган икки омил, кишилар ўртасида айирбошлаш муносабатларининг шаклланишига замин яратди, натижада одамлар ихтиёридаги ортиқча маҳсулотни ўзи учун зарур бўлган бошқа маҳсулотга айирбошлашга эҳтиёж сеза бошлади.

Айирбошлаш – бу кишиларнинг истак – хоҳишлари ва эҳтиёжлари маҳсули сифатида амалга ошириладиган жараён бўлиб, бунинг натижасида, томонлар эҳтиёжини қондириш мақсадида ихтиёридаги нарсадан воз кечиб, зарур бўлган нарсанинг ўрнига беришдир. Айирбошлаш кишининг эҳтиёжи бўлган буюмга эга бўлиш имкониятини берадиган жараёндир.

Демак, айирбошлаш “А” ва “Б” томонлар ўртасидаги ўзаро келишув натижасида содир бўладиган жараён бўлиб, “А” ўзига тегишли товар ёки хизматини “Б” томоннинг товар ёки хизмати учун беришдир. Мадомики, ушбу алмашув жараёни икки томонга ҳам иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлиб, “А” томон воз кечган товар ёки маҳсулот ўрнига ўзи учун зарур бўлган, ундан ҳам фойдалироқ товар ёки хизматни олади.

Шунингдек, натурал хўжаликнинг ривожланиб бориши, жамиятда меҳнат тақсимотини шаклланишига олиб келган. Вақт ўтиши билан одамлар ўртасида маҳсулот айирбошлаш жараёни ривожланиб, ишлаб чиқаришнинг ихтисослашув жараёни рўй бера бошлаган. Хусусан, пулнинг вужудга келишида чорвачиликнинг деҳқончиликдан ажралиб чиқиши, кейинчалик хунармандчиликнинг шаклланиши жуда муҳим аҳамият касб этди. Ушбу даврда, одамлар ўртасида маҳсулотларни фаол айирбошлаш жараёни бошланди. Ўша даврдаги айирбошлаш муносабатларини фаоллашишига асосий омиллар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- ишлаб чиқаришнинг натурал хўжалик шаклидан товар ишлаб чиқариш даврига ўтиши;
- ишлаб чиқарувчи субъектларнинг бир – бирига ўзаро боғлиқлигининг вужудга келиши;
- айирбошлаш жараёнида товарлар эквивалентлигининг таъминланганлиги.

Иқтисодий адабиётларда пулнинг вужудга келишини ёритишда асосий эътибор, унинг қиймат шаклининг ривожланиш эволюциясига қаратилади. Чунки, пулнинг вужудга келишида унинг қиймат шакллари жуда муҳим ўрин тутди. Пулнинг қиймат шакллари, асосан, бешта кўринишдан иборатлиги эътироф этилиб, улар қуйидагилардан иборат.

1.Қийматнинг оддий шакли. Қийматнинг ушбу шакли натурал хўжалик тузумига хос бўлиб, маҳсулотларнинг ортиқчалиги вақти – вақти билан вужудга келган шароитда амал қилган. Қийматнинг оддий шаклида ишлаб чиқариш ҳажмининг пастлиги, яратувчи ва олувчининг манфаатлари доимо ҳам бир – бирига мос келмаган айирбошлаш жараёнида маълум товарларгина иштирок этган.

Ушбу даврда одамлар ўртасида вужудга келган айирбошлаш муносабатларининг вужудга келишига ортиқча маҳсулотни бузилмаслиги ва туриб қолмаслигининг олдини олишга бўлган эҳтиёж туртки бўлган. Масалан, бир қоп дон = битта қўйга алмашилган ва ҳ.к.

2.Қийматнинг кенгайтирилган шакли. Қийматнинг кенгайтирилган шакли жамиятда меҳнат тақсимотининг вужудга келиш даври билан бевосита боғлиқ бўлиб, ушбу даврда, кишилар ўртасида айирбошлаш муносабатлари ривожланди. Энди кишилар маҳсулотнинг асосий қисмини айирбошлаш учун ишлаб чиқара бошлади. Натижада, ишлаб чиқариш салмоғи ортиб борди, маҳсулотлар тез – тез товар сифатида айирбошлаш жараёнида иштирок эта бошлади. Битта товар бир неча товарга айирбошланадиган бўлди. Айирбошлаш жараёнининг вужудга келишида, томонларнинг мафаатлари ўзаро мос келиши асосий омил сифатида майдонга чиқди.

Қийматнинг кенгайтирилган шакли амал қилган даврда айрим товар турлари, меҳнат қуроллари ва моллар пулнинг вазифасини бажарган. Масалан, бир қоп дон = битта қўй, битта болтага айирбошлана бошлади. Албатта, мамлакатнинг географик хусусияти ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражаси, улар ўртасида пул вазифасини бажарадиган товарлар ва маҳсулотларни ажралиб чиқишига сабаб бўлди. Масалан, АҚШда тамаки, Шарқий Хиндистонда қанд, фил суяги, Қадимги Грецияда буқа, Шотландияда мих, Мисрда мис, шунингдек дон, туз ва жун каби маҳсулотлар умумэквивалент вазифасини бажара бошлади.

3.Қийматнинг умумий шакли. Бу шароитда умумэквивалент сифатида эътироф этилган товарлар эрампиздан олдинги V – IV асрларга қадар пул вазифасини бажарди. Қийматнинг умумий шакли даврида, ишлаб чиқариш кенгайди ва унинг асосий мақсади барча учун зарур бўлган товарни ўзлаштиришга қаратилди.

Умумий эквивалент сифатида қўй, дон, жун, қимматбаҳо буюм ва бошқалар эътироф этилди, лекин улар ўзининг хоссасидан келиб чиққан ҳолда узоқ вақт умумэквивалент вазифасини бажармади. Чунки, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, кишилар ўртасида иқтисодий муносабатларни тезлаштирди, бу шароитда умумэквивалент вазифасини бажарадиган товарларни олиб юриш, сақлаш ва бошқа жараёнлар турли ноқулайлик ва қийинчиликларни келтириб чиқарди.

Бунинг қийинчилиги шунда эдики, масалан, деҳқон устига киядиган кийим олиш учун тўқувчига донни таклиф этса, тўқувчига дон эмас, балки қўй зарурлигини айтади. Бундай пайтда деҳқон донни қўйга алмаштириш ва шундан сўнг тўқувчига қўйни бериб ўзига зарур бўлган кийимни олиши мумкин, яъни айирбошлаш жараёнларида иштирок этаётган томонларнинг манфаатлари доимо ҳам бир – бирига мос келмаслиги оқибатида, турли қийинчилик ва зиддиятли ҳолатлар вужудга келди. Бунинг натижасида, қийматнинг пул шакли вужудга келди.

4.Қийматнинг пул шакли. Айирбошлаш муносабатларининг ривожланиши, жаҳон бозорининг вужудга келиши, кумуш ва олтиннинг барча товарлар ичидан умумэквивалент восита сифатида ажралиб чиқишига олиб келди. Ушбу металлларнинг табиий хоссаси (ягона жисмлиги, қийматининг ўзгармаслиги, сифатининг бузилмаслиги) узоқ давр жамиятда пул вазифасини бажаришига хизмат қилди.

Қимматбаҳо металллар умумэквивалент сифатида муомалага киритилишининг дастлабки даврида ҳар хил қўйма шаклдан (сим, пластинка, юмалоқ ва бошқа шакллар) иборат эди.

Бозор муносабатларининг ривожланиши ва меҳнат тақсимотининг таборо такомиллашиб бориши металл пуллардан маълум шакл ва миқдорга эга бўлган тангаларни зарб қилиш заруриятини келтириб чиқарди. Тарихий манбаларга кўра, дастлабки металл тангалар эрамиздан аввалги VII асрда Хитой ва Лидия (Малая Азия) давлатларида зарб этилган.

Металл пулларнинг номинал қиймати ҳақиқатдаги қийматига тенг бўлиб, ноёб қимматбаҳо металлдан тайёрланади ва пулнинг барча функцияларини бажаради.

Эътиборли жиҳати шундаки, муомалада ҳақиқий пуллар айирбошлаш воситаси вазифасини бажарган даврда иқтисодиётда пул муомаласи автоматик равишда тартибга солинади. Натижада, иқтисодиётда пулнинг кадрсизланиши, баҳоларнинг ўсиши ва инфляция ҳолати кузатилмайди. Чунки қимматбаҳо металлларнинг муомалада ортиқчалик ҳолатининг вужудга

келиши, уларни жамғарма ва бойлик сифатида сақлашга йўналтирилиши орқали бартараф этилади. Агар, муомалага қўшимча айирбошлаш қиймати зарур бўлса, улар қиймат ўлчови, муомала ва тўлов воситаси сифатида қайтадан муомалага чиқарилади.

Олтиннинг муомалада амал қилиши XX асрнинг 30 – 70 йилларида бекор қилинди, яъни олтин демонитизацияси юз берди. Олтин айирбошлаш воситаси сифатида муомаладан чиқарилишининг дастлабки даврида аввал муомала ва тўлов воситаси функциясини, 1975 йилдан сўнг эса жаҳон пули функциясини тўхтатди. Ушбу вазифаларни ички ва жаҳон бозорига олтиннинг ўрнига кириб келган қоғоз ва кредит пуллар эгаллади.

5. Қийматнинг қоғоз – пул шакли. Дастлабки қоғоз пулларни муомалага чиқарилиши тахминан X асрнинг охири XI асрнинг бошларига тўғри келади. Шу даврдан бошлаб, муомаладаги олтин ва кумуш пуллар ўрнини қоғоз пуллар эгаллай бошлади. Муомалада олтин ва кумуш амал қилган шароитда улар билан параллел равишда тўлов воситаси сифатида қоғоз пулларни кириб келишининг сабаблари сифатида қуйидагиларни таъкидлаш лозим:

- қимматбаҳо металлларни олиб юриш, сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш юзасидан муаммоли ҳолатларнинг вужудга келиши;
- олтин ва кумуш муомалада қўлдан қўлга ўтиши натижасида едирилиб, ўзининг дастлабки ҳажми ва хоссасини йўқотиши;
- қимматбаҳо металллар зебу зийнат ва бойлик тимсолида муомаладан чиқиб кетиши;
- иқтисодий тараққаетнинг юқори даражада ривожланиши натижасида товар ва хизматлар массасининг қимматбаҳо металллар (олтин, кумуш) массасига нисбатан шиддат билан ортиб бориши.

Дастлаб муомалага чиқарилган қоғоз пулларнинг асоси олтин билан таъминланган бўлиб, ушбу пуллар билан биргаликда олтин тангалар ҳам муомалада иштирок этган.

Қоғоз пуллар мустақил қийматга эга бўлмасдан, улар давлатнинг қонуний ҳужжатлари асосида мамлакатда тўлов ва муомала воситаси ролини бажаради. Шунинг учун қоғоз пулларнинг қиймати ўзгарувчанлик хусусиятига эга бўлиб, у мамлакат ички бозорида чет эл валютасига бўлган талаб ва таклиф, миллий иқтисодиётнинг барқарорлиги ҳамда ижтимоий – иқтисодий ҳолатлар таъсирида ўзгариб туради. Бу унинг сотиб олиш қобилиятининг мустаҳкамлиги, инфляция даражаси ва бошқа иқтисодий кўрсаткичларда намоён бўлади.

1.2. Пулнинг моҳияти

Пулнинг иқтисодий моҳияти хусусида иқтисодий адабиётларда турли таърифлар ва талқинлар мавжуд бўлиб, унинг моҳиятига нисбатан ягона ёндошув мавжуд эмас. Чунки, жамиятда хўжалик юритиш тузумининг ва ижтимоий – иқтисодий шароитнинг ўзгариши пулнинг моҳиятини турлича талқин этилишини талаб этмоқда. Жумладан, иқтисодчи олимлар ва соҳа мутахассислари пулни – иқтисодий категория сифатида, қиймат ўлчови воситаси, умумэквивалент товар, махсус товар, айирбошлаш воситаси эканлигини эътироф этади.

Пул жамиятда содир бўлаётган ижтимоий – иқтисодий муносабатларда, жами ижтимоий маҳсулотни яратиш, тақсимлаш ва қайта тақсимлашда, бозордаги талаб ва таклиф асосида товарлар баҳосини аниқлашда бевосита қатнашиши унинг моҳиятини намоён қилади.

Пулнинг иқтисодий моҳияти ва унинг заруриятига хориж иқтисодчилари алоҳида эътибор қаратган бўлмасаларада¹, иқтисодий назариячиларнинг асарларида унга нисбатан берилган фикрларини учратиш мумкин. Масалан, А.Смит пулни иқтисодий категория даражасига кўтариб,

¹ Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. –Т.: “Иқтисод – молия”, 2007, 8 – б.

унга “пул – бу муомаланинг буюк ғилдираги“, “савдо сотиқнинг юксак куроли” сифатида таъриф беради².

Д.Юм А.Смитнинг пул хусусидаги қарашларига эътироз билдириб, “Пул бу – савдо – сотиқнинг ғилдираги эмас, балки у ёғ, шу савдо – сотиқ ғилдирагини эркин ва юмшоқ юришига имконият яратадиган воситадир” деган фикрни билдиради³.

Россиялик иқтисодчи олимлар ҳам пулнинг иқтисодий моҳиятига алоҳида эътибор қаратишган. Жумладан, иқтисод фанлари доктори, профессор Б.И.Соколов пулнинг моҳиятига “пул меҳнат тақсимооти чуқурлашиб бораётган ушбу жамиятда товарларни айирбошлаш ва тўловларни амалга ошириш ишларини енгиллаштиради” дея таъкидлайди⁴.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олима Ш.З.Абдуллаева пул, кредит ва банклар масаласига бағишланган иқтисодий адабиётларда пулнинг моҳиятини очишда урта жиҳатига эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлайди. “Биринчидан, пулнинг истеъмол қийматида бошқа товарларнинг қиймати ўз аксини топади. Иккинчидан, пулда ифодаланадиган аниқ меҳнат асосини абстракт меҳнат ташкил этади. Учинчидан, пулда ифодаланувчи хусусий меҳнат ижтимоий меҳнат сифатида намоён бўлади. Шунга асосланган ҳолда, пул ҳам товар, лекин бошқа товарлардан фарқ қилувчи хусусиятларга эга бўлган махсус товар деган хулосага келиш мумкин”⁵.

Иқтисод фанлари доктори, профессор О.Ю.Рашидов ва бошқалар иштирокида нашрдан чиқарилган дарсликда “Пул – бу умумий эквивалент сифатида қўлланиладиган универсал товарнинг алоҳида тури бўлиб, бошқа барча товарларнинг қиймати у орқали ифодаланади. Пул – бу бошқа неъматларнинг қимматини ўлчаш воситаси (умумий эквивалент) ёки айирбошлашда ҳисоб – китобларни амалга ошириш воситаси (айирбошлаш

² Смит А. Исследовние природе и причинах богатства народов. Том 1. –С.418, 421.

³ Юм Д. Опыты. –М.: Издание К.Т.Солдатенкова, 1986. –С.20.

⁴ Соколов Б.И. Деньги, кредит и банки. Учебник. –М.: ТК Вебли, Изд – во. Проспект, 2008. –С.8.

⁵ Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. –Т.: “Иқтисод – молия”, 2007, 7 – 6.

воситаси) функцияларини бажарувчи неъматдир. Пул – бу мутлок ликвидлиликка эга бўлган неъматдир. Пул – бу иқтисодий категория бўлиб, одамлар ўртасидаги муносабатлар унда намоён бўлади ва унинг ёрдамида курилади. Пулнинг мақсади бозорга оид ўзаро ҳаракатларнинг трансакцион харажатларини тежашдан иборат”⁶.

Пулнинг иқтисодий моҳияти хусусида фикрларни эрамиздан олдинги даврда яшаган Аристотель (э.о.лдинги 384 – 322 йй.), кейинчалик саркарда Александр Македонский каби буюк шахслар томонидан қолдирган манбаларда ҳам кўриш мумкин⁷.

Юқорида баён этилганлардан кўриниб турибдики, пулнинг моҳиятига хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар, мутахассислар ва назариячилар ўзларининг ёндашувларини билдирган. Биз уларнинг ушбу фикр ва ёндашувларини тадқиқ қилиш мақсадидан йироқмиз.

Пул–иқтисодий категория бўлиб, барча товарлар учун умумэквивалент вазифасини бажарадиган махсус товардир. Пул фақат айирбошлаш жараёнида зарур бўладиган, ҳукумат томонидан ўрнатилган тўлов воситасидир. Пул – қатъий ўрнатилган кафолатланган баҳони аниқлайдиган восита эмас. У оддий товар, фақат бошқа товарлардан унга эҳтиёжнинг юқорилиги ва қолган барча товарлар учун айирбошлаш воситаси сифатида фойдаланганлиги билан ажралиб туради. Бошқа товарлар сингари пул ҳам кишилар томонидан жамғарилади. Кишилар товарларни сотиш ва хизматларни кўрсатиш орқали уни «сотиб» олади ёки жамғаради. Товарларни сотиб олиш ва турли хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш натижасида уни «сотади».

Пулнинг моҳияти унинг турларида ва функцияларида янада аниқроқ намоён бўлади, кейинги параграф ва бобларда ушбу масалаларга атрофлича ўрин берилади.

⁶ Рашидов О.Ю. ва бош. Пул, кредит ва банклар. Дарслик. –Т.: ТДИУ, 2008. 11 – б. (432б).

⁷ Аристотель. Сочинения: 4 т. –М.: 1983. Т. С.325.

1.3. Пулнинг ривожланиш тарихи

Пул ҳозирги кундаги кўриниши, ҳолати ва даражасига етгунга қадар жуда узоқ тарихий даврни бошидан кечирди. Ер юзида пулдан айирбошлаш воситаси сифатида фойдаланиб келинаётганига етти минг йилдан ортиқ вақт бўлди⁸. Бу давр ичида дастлабки пуллар товар, буюм, оддий металл ва қимматбаҳо металллар кўринишидан ҳозирги кунда кенг фойдаланиб келинаётган қоғоз ва электрон пуллар кўринишигача етиб келди.

Жамиятда ижтимоий – иқтисодий жараёнлар такомиллашиб ва ривожланиб боргани сари пулнинг шакли, пул ишлари ва пул иштирокидаги ҳисоб – китоблар ҳам доимий равишда такомиллашиб ва ривожланиб келмоқда.

Пулнинг ривожланишига туртки бўлган асосий омиллар қуйидагилар ҳисобланади. 1.Товар ишлаб чиқаришнинг кенгайиши ва меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви. 2. Барча шакллардаги мулк қийматларининг ўсиши. 3. Товарлар олди – сотдиси бўйича айланмалар ҳажмининг ортиши.

Танга пулларнинг ривожланиш тарихи. Мавжуд иқтисодий адабиётларда дастлабки танга пуллар Хитой мамлакатада ва қадимги Лидия хонлиги даврида милоддан аввалги VII асрда пайдо бўлганлигини таъкидлайди. Манбаларга кўра, биринчи олтин пуллар бизнинг эрамизгача бўлган VII асрда Лидия шоҳи Гигеснинг буйруғи билан зарб этилган. Олтинга ўзининг тасвирини тушириб зарб қилган биринчи шоҳ Александр Македонский ҳисобланади, ўша даврда олтиннинг қиймати унинг пробаси ва оғирлиги билан ўлчанар эди.

АҚШда монеталар 1793 йилда зарб этилган, шу даврга қадар ва ундан кейин узоқ муддат давомида мамлакатда хорижий мамлакатларнинг тангалари тўлов воситаси сифатида амал қилган. Мамлакатда айрим хорижий тангалар 1857 йилгача тўлов воситаси сифатида муомалада иштирок этди.

⁸ Деньги, кредит, банки: учебник/кол. авт.: под ред.засл.деят. науки РФ, д.э.н. проф. О.И.Лаврушина. – 5 – е изд., стер. –М.: КНОРУС, 2007. –С. 25.

Муомалада олтин тангалар тўлов воситасини бажарганда улар ҳақиқий пул сифатида ўзининг соҳибига иқтисодий зарар келтирмайди ва автоматик равишда бошқарилиб туриш хусусиятига эга бўлган. Яъни, уларни ҳозирги пайтдаги каби қоғоз пулларни эмиссияси орқали тартибга солиб туришга эҳтиёж бўлмаган. Агар олтин тангаларнинг ҳажми эҳтиёждан ортиб кетадиган бўлса, улар бойлик сифатида автоматик тарзда жамғармага ўтади, аксинча бўлганда эса тўлов воситаси сифатида муомалага чиқади. Шу боис ҳам олтин тангалар тўлов воситасини бажарган пайтда пул тизимини тартибга солиш аппарати ва пул – кредит сиёсатини амалга оширишга эҳтиёж бўлмаган.

Ўзбекистон ҳудудида дастлабки металл тангалар милоддан илгариги VI асрда Аҳмоний шоҳ Доро I томонидан зарб этилган. Ушбу металл тангаларнинг оғирлиги 8,4 граммни ташкил этган бўлиб, “дарик” деб номланган тилла тангалар эканлиги тахмин қилинади. Ўша вақтларда, яъни милоддан илгариги VI – IV асрларда ҳозирги Ўзбекистоннинг асосий қисми, яъни Хоразм, Суғдиёна ва Сак қабилалари яшаган ҳудудлар Аҳмонийлар давлати таркибида бўлганини ҳисобга олсак, ушбу “дарик”лар Ўзбекистон заминидан амал қилган бизга маълум биринчи тангалар бўлган десак хато қилмаймиз.

Милоддан аввалги 330 – 327 йилларда македониялик Искандар Аҳмонийлар салтанатини тор – мор қилиб, ҳозирги Ўзбекистон заминидан жойлашган Бактрия ва Суғдиёнага бостириб киради. Македониялик Искандар сурати туширилган тангалардан вазни 4,1 г. бўлган кумуш драхма, вазни 8,2 г. бўлган кумуш дидрахма (икки драхма) ҳамда вазни 16,4 г. бўлган кумуш тетрадрахма (тўрт драхма)лар зарб қилиниб, улар муомалада бўлгани маълум. Шунингдек, вазни 8,4 г. бўлган олтин танга (старер) ва вазни 40 граммдан ортиқ бўлган кумуш декадрахма ҳам зарб қилинган.

Юнон – Бактрия давлати томонидан зарб этилган тангалардан 100 донага яқини Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида топилган. Ушбу

давлат пул тизими асосини ўша пайтда драхма, дидрахма, тетрадрахма ва декадрахмалар ташкил этганлиги тарихий манбалардан маълум.

Ўрта Осиё эрамизнинг V асрида тарихан қисқа муддат давомида сосонийлар тасарруфида бўлган. Бу даврда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида турли даврларда зарб этилган тангалар муомалада бўлган. Жумладан, сосонийлар тангалари асосан олтин, кумуш ва бронзадан зарб қилинган бўлиб, уларда сосоний шоҳлариинг суратлари билан бирга, турли ҳайвонлар ва қушлар акси ҳам туширилган.

Ҳозирги Ўзбекистоннинг асосий қисми V асрнинг иккинчи ярмида Сирдарёнинг шарқий соҳилидан кириб келган деб тахмин қилинаётган ва тарихда эфталийлар номи билан қолган қабилалар томонидан босиб олинади.

Эфталийлар даврида Ўрта Осиё аста секин ривожлана бошлаган. Халқаро савдо ҳам ривожланган. Ташқи савдо асосан Хитой, Хиндистон, Эрон ва Византия (Рум) билан амалга оширилган.

Эфталийлар дастлабки пайтларда сасоний ҳукмдорлари Баҳром ва Перознинг кумуш тангаларидан кенг фойдаланишган. Бунинг асосий сабаби сифатида сосонийлар томонидан эфталийларга ўлпон сифатида тўланган жуда кўп миқдордаги кумуш тангалар хазинада тўпланганлигига боғлиқ деб тахмин қилинади.

Эфталийлар ҳукмронлиги даврида жуда кўп миқдорда, баъзи маълумотларга қараганда 200 дан кўпроқ марта металл тангалар зарб қилинган. Ҳар бир вилоят, ҳар бир ярим қарам ҳудуд ўзи танга зарб қилиш ҳуқуқига эга бўлган.

Умуман, V – VI асрларда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига шимол ва шарқ томонлардан турли кўчманчи халқлар тинимсиз босқинчилик қилиб кириб кела бошлайди. VIII асрнинг ўрталарида Ўрта Осиё араблар томонидан босиб олиниб, ўлкада ислом дини жорий этилади ва қадимий юрт Мовароуннаҳр деб атала бошлайди. Шу даврдан бошлаб муомалада бўлган металл тангалар кўринишида ўзгаришлар юз бера бошлайди. Аста – секин тангалардан шоҳ ва

хокимларнинг суратлари ўрнини ислом оятлари эгаллайди. Натижада «куфи» номи билан тарихда маълум бўлган тангалар даври бошланади.

Ислом империясида марказлаштирилган бошқарув тизими ташкил этилгандан кейин халифа Абдумалик 696 йилда империянинг бутун ҳудудида ягона пул тизимини жорий этди. Шу даврдан бошлаб, йирик савдо битимларини амалга ошириш учун вазни 4,3 грамм бўлган олтин динар зарб этилган. Маош ва солиқлар тўлови учун вазни 2,8 грамм бўлган кумуш драхмалар чиқарилади. Кундалик савдо – сотиқ эса мис тангалар – фулуслар ёрдамида (юнонча «фоллис» ҳамён маъносини англатади) амалга оширила бошлади. Бу пул бирликлари Мовароуннаҳрда ҳам ўша даврда муомалада бўлган.

IX асрга келиб, Мовароуннаҳрда сомонийлар давлати вужудга келади. Сомонийлар халифа ҳукмронлигини расман тан олишган бўлсада, улар амалда мустақил эдилар. Сомонийлар давлатининг пойтахти Бухоро шаҳри бўлган. Сомонийлар давлати ўз тасарруфига ҳозирги Ўзбекистоннинг асосий қисми, Туркменистон ва Тожикистон ҳамда Эроннинг Хуросон вилоятини қамраб олган, марказлашган давлат эди. Бу давлат тахминан 120 йилдан кўпроқ муддат давомида мавжуд бўлди.

XII асрнинг ўрталарида, хоразмшоҳ Отсиз даврига келиб, Хоразм давлати кучайиб кетади. XII аср 80 – 90 йилларига келиб Хоразм ўзига Моварроуннаҳр, Эрон, Форсий Ироқни бўйсундиради. Хоразм давлати хоразмшоҳ Текаш (1172 – 1200 йиллар) ва унинг ўғли Муҳаммад (1200 – 1220 йиллар) ҳукмронлиги давларида айниқса гуллаб – яшнаган.

Хоразмшоҳлар давлатида ҳам анъанавий мусулмон пул бирликлари – олтин динарлар, кумуш дирҳамлар ва мис фулуслари муомалада бўлган. Бу тангаларда ҳам анъана тарзида халифа номи қайд қилиниб, ундан сўнг хоразмшоҳ номи битилган.

Мўғуллар истилоси даврида (1220 йил ёзидан) Хоразмда ва унинг тобелигидаги ҳудудларда вазни 1,8 – 1,9 грамм бўлган кумуш дирҳамлар муомалада бўлган. Майда савдо – сотиқ учун мис пуллар чиқарилган.

Мўғуллар зулмига қарши халқ бош кўтаради. Бу ҳаракат тарихда “Сарбадорлар” кўзғолони деб ном олган. Бу кўзғолон натижасида Самарқанддан мўғуллар ҳайдаб чиқарилади. 1370 йилда Самарқанд тахтига Амир Темур ўтиради ва “Буюк Темур” салтанатини барпо этади. Ушбу империя таркибига ҳозирги Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон, Қирғизистон, Афғонистон, Арманистон, Эроннинг барча ҳудуди, Ироқ, Ҳиндистон, Озарбойжон, Грузия, Қозоғистоннинг бир қисми кирган. Катта миқдорда вазни 2 граммни ташкил этган олтин динарлар, шунингдек, вазни 1,8 грамм бўлган кумуш тангалар – миралар ҳам зарб этила бошлаган.

Амир Темурнинг 40 дан ортиқ танга зарбхоналари бўлганлиги ва бу ерларда зарб этилган олтин ва кумуш тангалар Европада ҳам машҳур бўлганлиги ҳақида кўп маълумотлар мавжуд. Биргина Ғарбий Эрон ва Озарбойжонда Амир Темурнинг номи битилган 120 турдан ортиқ олтин ва кумуш тангалар муомалага киритилган⁹.

Россияда XIX асрда ва XX асрнинг бошларида нақд пул шаклида олтин тангалар кенг қўлланилган, хусусан 1895 – 1897 йиллардаги пул ислохотларидан кейин ҳам биринчи жаҳон урушига қадар муомалада ўн ва беш сўмлик олтин тангалар мавжуд бўлган. Ўзбекистон территориясида ҳам октябр инқилобига қадар Чор Россиясининг тангалари билан бир қаторда Бухоро ва Хива хонлигининг олтин тангаларидан фойдаланилган.

Жаҳон цивилизациясининг таборо ривожланиб бориши ва иқтисодий муносабатларнинг такомиллашуви муомалада қоғоз пулларнинг вужудга келишига замин яратди. Натижада, қимматбаҳо металллар ўрнини қоғоз пуллар эгаллади.

Қоғоз пулларнинг муомалага киритилиши. Манбаларга кўра, дастлабки қоғоз пуллар X асрнинг охири XI асрнинг бошларида Хитойда чиқарилган. Хитойда қоғоз пуллар муомалага чиқишида мамлакатда қоғознинг кашф этилганлиги ва босма машиналарининг яратилганлиги

⁹ Ўзбекистон ҳудудида танга ва қоғоз пулларнинг чиқарилиши ва амал қилиши билан боғлиқ материаллар Ф.Муллажоновнинг Ўзбекистон Республикаси банк тизими китоби (–Т.: «Ўзбекистон» 2001й. 6 – 27 бетлар)дан фойдаланилган ҳолда тайёрланди.

муҳим аҳамият касб этган. Дастлаб муомалага чиқарилган қоғоз пуллар “эркин танга”, кейинчалик “қимматбаҳо қоғоз тангалар” деб юритилди, улар мамлакатда эркин айланадиган тўлов воситалари бўлсада олтин ёки товарлар билан таъминланмаган эди.

Қоғоз пуллар квадрат шаклда бўлиб, бир томонида императорнинг номи ва династицияси ҳақидаги маълумотлар, иккинчи томонида эса “Ғазначилик бошқаруви илтимосига кўра қарор қилинди, ҳукумронлик қилувчи император томонидан тасдиқланган ва ушбу ёзув бўлган бу қоғоз танга қийматга эга ва ҳақиқий кумуш танга қаторида тўловга қабул қилиниши шарт. Ушбу тартибни бузган ҳар қандай шахснинг боши кесилади” деган мазмундаги сўзлар битилган эди.

Хитойда муомалага чиқарилган қоғоз пулларнинг ҳажми ортиб кетганлиги ва уларни тартибга солиш механизмлари мавжуд бўлмаганлиги боис жуда тез вақт ичида қадрсизланиб кетади. Натижада 1500 йилларга келиб қоғоз пулларни муомалага чиқариш бекор қилинади.

Европада дастлабки қоғоз пуллар Стокголим банки томонидан 1661 йилда эмиссия қилинган. Европада қоғоз пуллар эмиссиясининг намояндаларидан бири шотландиялик Джон Ло (1671 – 1729) ҳисобланади. Унинг таълимотига кўра, муомалага чиқарилган қоғоз пуллар ишлаб чиқарувчилар фаоллигини оширади ва давлатнинг хазинасини тўлдиришда жуда қулай восита ҳисобланди. У ўзининг таълимотини 1716 – 1720 йилларда Францияда ўзи ташкил этган банк орқали амалга оширишга эришди. Бироқ, муомалада қоғоз пуллар ҳаддан ортиқ кўпайиб кетиши натижасида пулларнинг қадри тушиб кетди ва унинг таълимоти инқирозга юз тутди.

Ўзбекистонда қоғоз пуллар 1918 йилдан бошлаб дастлаб Бухоро амирлигида муомалага чиқарилган. Муомалага чиқарилган номинали 20, 60, 100, 200, 300, 500, 1000, 2000, 3000, 5000, ва 10000 қоғоз пуллар танга деб аталган.

1920 йилда Бухоро Шўро қўшинлари томонидан босиб олиниб, Бухоро амирлиги ўрнига Бухоро Совет Халқ Республикаси (БСХР) ташкил этилади. Янги БСХР да 1920 йилда Бухоро амирлиги томонидан чиқарилган металл ва қоғоз тангалар муомалада бўлиб келади, ҳамда уларни бир оз ўзгартирилган ҳолда чиқариш, яъни совет символикаси қўйилган ҳолда танга номи билан қоғоз пуллар муомалага чиқариш давом этган. 1921 йилда БСХР муомалага янги, номинали рублда кўрсатилган қоғоз пулларни чиқара бошлайди. Бу пуллар 3000, 10000 ва 20000 рубл номиналда муомалага чиқарилган.

1922 йилда БСХР томонидан деноминация амалга оширилиб, пулларнинг номинали юзлаб марта камайтирилган ва 1, 5, 10, 25, 100 рубллик янги пуллар муомалага чиқарилган. Аммо кўп ўтмасдан, кучли инфляция натижасида паст номиналдаги пул бирликлари бозор эҳтиёжларини қондира олмай қолади ва 1000, 2500 ва 5000 рубллик пуллар босиб чиқарила бошлаган¹⁰.

Хулоса қилиб айтганда, пулнинг вужудга келиши жамият ижтимоий – иқтисодий жараёнларини ривожланиши ва такомиллашиб бориши билан бевосита боғлиқ бўлиб, буларнинг ичида кишилар ўртасида меҳнат тақсимотининг пайдо бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, биз яшаб истиқомат қилаётган заминда пулларнинг вужудга келиши унинг тарихи ва цивилизацияси жуда бой ва қадимий эканлигидан далолат беради.

Бобга оид саволлар

1. Пул нима учун махсус товар ҳисобланади?
2. Пул хўжалик юритиш тузумининг қандай шаклида вужудга келди?
3. Натурал хўжалик тузумида кишилар ўртасидаги қандай ҳолатлар пулнинг вужудга келишига туртки бўлди?
4. Пулнинг вужудга келиши айирбошлаш муносабатларида қандай муаммоларни ҳал этди?
5. Пулнинг айирбошлаш муносабатларини фаоллашишига қандай омиллар таъсир этган?
6. Пулнинг қандай қиймат шакллари биласиз?

¹⁰ Ўзбекистон ҳудудида танга ва қоғоз пулларнинг чиқарилиши ва амал қилиши билан боғлиқ материаллар Ф.Муллажоновнинг Ўзбекистон Республикаси банк тизими китоби (–Т.: «Ўзбекистон» 2001й. 6 – 27 бетлар)дан фойдаланилган ҳолда тайёрланди.

7. Ўзбекистон ҳудудида дастлабки металл тангалар қачон ва ким томонидан зарб этилган?

8. Амир Темур ҳукмронлиги даврида қандай пул ислохотлари амалга оширилган ва пуллар зарб этилган?

9. Пул нима учун иқтисодий категория ҳисобланади?

10. Пулнинг зарурлигини белгиловчи омиллар нималардан иборат?

Бобга оид тестлар

1. Дастлабки даврда пулнинг вужудга келишига нима сабаб бўлган?

А. Ишлаб чиқарувчиларнинг фойда олишга бўлган ҳаракати.

Б. Товар – пул муносабатларининг ривожланиши.

В. Айрибошлаш муносабатларининг вужудга келиши.

Г. Меҳнат тақсимотининг ривожланиши.

2. Айрибошлаш муносабатларининг фаоллашишига нималар туртки бўлди?

А. Ишлаб чиқаришнинг натурал хўжалик шаклидан товар ишлаб чиқариш даврига ўтилиши.

Б. Ишлаб чиқарувчи субъектларнинг бир – бирига ўзаро боғлиқлигининг вужудга келиши.

В. Айрибошлаш жараёнида товарлар эквивалентлигининг таъминлан – ганлиги.

Г. Барча жавоблар тўғри.

3. Пулнинг вужудга келишини ёритишда асосий эътибор унинг:

А. – айрибошлаш хусусиятига қаратилади;

Б. – эволюцион назариясига қаратилади;

В. – қиймат шаклининг ривожланишига қаратилади;

Г. – сотиб олиш қобилиятига қаратилади.

4. Пулнинг қиймат шакли нечта кўринишда намоён бўлади?

А. Тўртта.

Б. Бешта.

В. Учта.

Г. Тўғри жавоб йўқ.

5. Дастлабки тангалар қачон зарб этилган?

А. Эрамиздан аввалги X асрнинг бошларида.

Б. Эрамиздан аввалги VII асрда.

В. Эрамиздан аввалиги V асрда.

Г. Эрамиздан аввалги III асрда.

6. Дастлабки тангалар қаерда зарб этилган?

А. Хитойда.

Б. Мисрда.

В. Ливияда

Г. Ҳиндистонда.

7. Қоғоз пуллар муомалага қачон чиқарилган?

А. IX асрнинг охири ва X асрнинг бошлари.

Б. X асрнинг охири XI асрнинг бошлари.

В. XII асрда.

Г. XIII асрда.

8. Қоғоз пуллар муомалага қаерда чиқарилган?

А. Ҳиндистонда.

Б. Хитойда.

В. Мисрда.

Г. Қадимги Римда.

9. Ўзбекистон ҳудудида дастлабки металл тангалар қачон ва ким томонидан зарб этилган?

А. Меллоддан аввалги 320 – 327 йилларда македониялик Искандар томонидан.

Б. XIII асрда араблар томонидан.

В. Милоддан илгари VI асрда ахмоний шох Дорон – I томонидан.

Г. IX асрда сомонийлар томонидан.

10. Амир Темур номи битилган неча турдаги олтин ва қумуш тангалар муомалага чиқарилган.

А. 70 дан ортиқ.

Б. 100 дан ортиқ.

В. 120 дан ортиқ.

Г. 150 дан ортиқ.

11. Ўзбекистон ҳудудида қоғоз пуллар қачон муомалага чиқарилган?

А. 1912 йилда.

Б. 1918 йилда.

В. 1920 йилда.

Г. 1922 йилда.

12. Бухоро амирлигининг қоғоз пуллари нечанчи йил бекор қилинган?

А. 1917 йилда.

Б. 1920 йилда.

В. 1922 йилда.

Г. 1924 йилда.

2 – БОБ

ПУЛНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ ВА ТУРЛАРИ

2.1. Пулнинг функциялари

Пулнинг моҳияти унинг функцияларида янаям яққолроқ намоён бўлади. Пул иқтисодий категория сифатида нечта функцияни бажариши иқтисодчи олимлар, назариячилар ва иқтисодчилар ўртасида жуда узок даврдан буён тортишувларга сабаб бўлиб келмоқда.

Иқтисодиётни марказдан бошқариш шароитида нашр этилган адабиётларда, пул бешта, яъни *қиймат ўлчови, муомала воситаси, тўлов воситаси, жамғарма воситаси ва жаҳон пули функцияларини* бажариши таъкидланади.

Иқтисодиётни бошқаришнинг бозор муносабатлари жорий этилган мамлакатлар иқтисодий адабиётларида, пул учта, яъни қиймат ўлчови, муомала воситаси ва жамғарма воситаси функцияларни бажариши баён этилади.

П.Самуэльсон Аристотельнинг таълимотларига таянган ҳолда пул фақат иккита, яъни айирбошлаш воситаси, баҳо масштаби бирлиги ёки ўлчов ҳисоби функцияларини бажаришини таъкидлайди¹¹.

Англия – америка иқтисодчи олимлари пулнинг учта функцияси (муомала воситаси, қиймат ўлчови ва жағарма воситаси) мавжудлигини эътироф этишади¹². Жумладан, Эдвин Дж. Долан, Колин Д. Кэмпбелл, Розмари Дж. Кэмпбелллар пул муомала воситаси, қиймат ўлчови ва жамғарма воситаси функцияларини бажаришини таъкидлайди¹³.

¹¹ Самуэльсон П. Экономика вводной курс. –М.: 1964. –С. 69.

¹² Масалан: Харрис Л. Денежная теория. –М.: 1990. –С.75; Долан Э., Линдсей Д. Макроэкономика. – СПб.: 1994, – С. 7 – 8.

¹³ Эдвин Дж. Долан, Колин Д. Кэмпбелл, Розмари Дж. Кэмпбелл. Деньги, банковское дело и денежно – кредитная политика. Пер. с. англ. к.э.н. А.А.Лукашевич, А.П.Маноцкова, к.ф.н. Е.Б.Ярцева, к.ф – м.н. М.Б.Ярцев. –М. – СПб., 1991. –С. 26.

Немис иқтисодчи олими К.Книс (1821 – 1898) пулнинг тўртта яъни, қиймат ўлчови, муомала воситаси, тўлов воситаси ва жамғарма воситаси функцияларини эътироф этади.

С.Фишер, Р.Дорнбуш, Р.Шмалензилар ҳам пулнинг тўртта функцияларини бажаришларини эътироф этиб, уларни қуйидаги кетма – кетликда амал қилишини таъкидлайди: биринчиси – муомала воситаси ва тўлов воситаси, иккинчиси – ўлчов ҳисоби, учинчиси – қийматни сақлаш воситаси, тўртинчиси – кечиктирилган тўловларни ўлчови¹⁴.

К.Маркс пулнинг функциялари концепциясида уни учта функцияси мавжудлигини таъкидлайди. У пулнинг функцияларини қуйидаги кетма – кетликда ифодалайди. Биринчиси – қиймат ўлчови, иккинчиси – муомала воситаси, учинчиси – молиявий пул. К.Маркснинг пулнинг учинчи функцияси айрим иқтисодчилар томонидан жамғарма воситаси, тўлов воситаси ва жаҳон пули каби вазифаларини бажариши мумкинлигини илгари сурилади¹⁵.

Россиялик иқтисодчи олим, профессор О.И.Лаврушин¹⁶, профессор В.А.Щегорцова¹⁷, профессор В.В.Иванов ва профессор Б.И.Соколовлар¹⁸ таҳрирлари остида чоп этилган Пул, кредит, банклар дарсликларнинг барчасида пул бешта функцияни бажариши эътироф этилади.

Ўзбекистонлик иқтисодчи, профессор Ш.З.Абдуллаева пул тўртта функцияни бажаришини, улар қиймат ўлчови, муомала воситаси, тўлов воситаси ва жамғарма воситаси функциялари эканлигини таъкидлайди¹⁹.

Профессор О.Ю.Рашидов таҳрири остида чоп этилган Пул, кредит ва банклар дарслигида пул бешта, яъни қиймат ўлчови, муомала воситаси, тўлов

¹⁴ Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. –М.: 1993. –С. 474 – 475.

¹⁵ Пезенти А. Очерки политической экономики капитализма: в 2 т.: пер. С итал. Т.1. – С. 472 – 473.

¹⁶ Деньги, кредит, банки: учебник/кол. авт.: под ред.засл.деят. науки РФ, д.э.н. проф. О.И.Лаврушина. – 5 – е изд., стер. –М.: КНОРУС, 2007. –С. 57.

¹⁷ Деньги, кредит, банки: Учебник для вузов. Под. ред. проф. Щегорцова В.А. –М.:ЮНИТИ – ДАНА, 2005. –С. 14.

¹⁸ Деньги, кредит, банки: Учеб. – 2 – е изд., перераб. и доп./под ред. В.В.Иванова, Б.И.Соколова. –М.: ТК Велби, изд – во Проспект, 2008. –С. 26.

¹⁹ Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. –Т.: “Иқтисод – молия”, 2007, 13 – б.

воситаси, жамғарма воситаси ва жаҳон пули вазифаларини бажаришини таъкидланади²⁰.

Кўриниб турибдики, пулнинг функциялари ҳақида хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг фикрлари турлича бўлиб, биринчи гуруҳ олимлар пулни бешта функцияси мавжудлигини таъкидлашса, иккинчи гуруҳ иқтисодчи олимлар унинг тўртта функцияни бажаришини эътироф этади. Учинчи гуруҳ иқтисодчи олимлар, асосан англо – америкаликлар уни учта функцияни бажаришини баён этади. Ҳатто айрим иқтисодий адабиётларда пулни олтита функцияни бажариши қайд этилиб, олтинчи функция сифатида баҳо масштаби эканлигини исобтлашга уринишади²¹.

Иқтисодчи олимлар пулнинг функциялари ҳақида турлича талқин этишига қуйидагилар сабаб бўлади. Бир гуруҳ иқтисодчи олимлар, пулнинг функциясини замонавий шароитда унинг хоссаларидан келиб чиқиб баён этади, бошқа гуруҳ олимлар эса турли мамлакат олимларининг пулни функциялари хусусидаги фикрларига таянган ҳолда унга талқин беради. Яна бошқа гуруҳ иқтисодчи олимлар эса пулнинг функцияларини таърифлашда унинг тарихан вужудга келиши билан боғлиқ воқелик ва назарияларга таянади.

Пулнинг функциялари хусусида фикр юритганда унинг асл (ҳақиқий пул) қийматига эга бўлган ва асл қийматига эга бўлмаганлиги (ўринбосар пуллар) га эътибор қаратиш лозим. Чунки муомалада асл қийматга эга бўлган пуллар тўлов воситасини бажарганда уларда пулнинг барча функциялари намоён бўлади ва аксинча. Асл қийматга эга бўлган пуллар сифатида қимматбаҳо металллар олтин ва кумушни, кредит пулларни ва 100 фоиз олтин билан таъминланган пулларни қайд этиш мумкин. Асл қийматга эга бўлмаган пулларга қоғоз пуллар, олтин асосига эга бўлмаган кредит пуллар киради.

²⁰ Рашидов О.Ю. ва бош. Пул, кредит ва банклар. Дарслик. –Т.: ТДИУ, 2008. 22 – б.

²¹ Деньги, кредит, банки: Учеб. – 2 – е изд., перераб. и доп./под ред. В.В.Иванова, Б.И.Соколова. –М.: ТК Велби, изд – во Проспект, 2008. –С. 25.

Ҳақиқатда ҳам қимматбаҳо металллар тўлов воситасини бажарган пайтда улар пулнинг барча функцияларини бажарган. Қимматбаҳо металллар ўрнини қоғоз пуллар эгаллагандан сўнг, қоғоз пулларнинг инфляцияга учраши натижасида улар пулнинг барча функцияларини бажармай қўйди. Шунинг учун бўлса керак, юқорида кўриб чиқилганидек, вақт ўтиши билан пулнинг функциялари ҳақида турли қарашлар вужудга кела бошлади.

Пулнинг функциялари хусусидаги фикрларга таяниб, пул тўртта, яъни **қиймат ўлчови, муомала воситаси, тўлов воситаси ва жамғарма воситаси функцияларини** бажаради деган фикрга келдик.

Пулнинг **қиймат ўлчови** функцияси асосан товарлар қийматини баҳо шаклида акс эттириш орқали намоён бўлади. Пулнинг қиймат ўлчови барча товарлар учун умумэквивалент воситаси сифатида уларнинг қийматини ўлчайди. Барча товарларнинг қиймати пул ўлчови воситаси, яъни баҳо масштаби, дастлабки босқичда ҳукумат томонидан ўрнатилади. Масалан, метр ўлчови билан узунликни, килограмм ўлчови билан оғирликни ўлчаган каби, пулнинг қиймат ўлчови функцияси билан барча товарларнинг қиймати ўлчанади.

Ўзбекистонда қиймат ўлчови бевосита миллий валюта «сўм», АҚШда доллар, Европа иттифоқида аъзо мамлакатларда евро, Буюк Британияда фунт стерлинг, Японияда иена қиймат ўлчови воситаси ҳисобланади.

Пулнинг инфляция даражаси юқори бўлган пайтда унинг қиймат ўлчови функциясининг амал қилиши бир қадар чегараланади. Масалан, 1939 йилдан 1949 йилгача Япония иенасининг инфляция даражаси юқори бўлганлиги учун кўпчилик япон савдогарлари товарларнинг баҳосини белгилашда, айрим ҳолларда савдо сотиқни ҳам АҚШ долларида амалга оширганлар. Чунки АҚШ долларининг қиймат ўлчови иенага нисбатан бир неча баробар мустаҳкам ва барқарор бўлган. Шунинг учун, Японияда 1939 – 1949 йилларда барча товарлар баҳоси иккита нархда, доллар ва иенада юритилар эди. Айни пайтда, иенада белгиланган товарлар баҳоси ошиб

бориш тенденциясига эга эди, долларда эса баҳолар дастлабки ҳолатидан ўзгармасдан қолган.

Ҳукумат мамлакатда пул ислоҳотини амалга ошириш орқали пулнинг қиймат ўлчовини ўзгартириши мумкин. Пул ислоҳоти – муомаладаги пул массасини камайтириш орқали, унинг жорий қиймат ўлчовидан бошқасига ўтишдир. 1944 – 1952 йилларда Европа мамлакатларида 24 мартадан ортиқ пул ислоҳотлари амалга оширилган.

Собиқ иттифоқ даврида рубл кучли инфляцияга учрамаган ва иқтисодиёт нисбатан барқарор даражага эга бўлган бўлсада, 1961 йилда мамлакатда пул ислоҳоти амалга оширилган. Ҳукумат муомалада мавжуд бўлган рублларни янги чиқарилган рублларга 1/10 нисбатда пул ислоҳотини амалга оширган. Ўша даврда ўтказилган пул ислоҳотининг асосий мақсади мамлакатдаги хуфёна иқтисодиётнинг улушини камайтириш ва баҳо масштабини пасайтиришга қаратилган бўлиб, хуфёна иқтисодиёт иштирокчилари эски рублларни тўлиғича янги банкноталарга алмаштира олмаганлиги натижасида иқтисодий жиҳатдан зарар кўрган ва баҳо масштаби 10 мартага камайган.

Пулнинг *муомала воситаси* бозор иштирокчилари ўртасида товарларни олди – сотдиси ва хизматларни кўрсатиш жараёнида намоён бўлади. Ушбу жараёнда пул воситачи ролини бажаради.

Пулнинг муомала воситаси функциясини бажаришининг бир шарти мавжудки, у ҳам бўлса, товарларни сотиб олиш ва хизматларни кўрсатиш учун тўлов бир вақтда амалга оширилади. Пулнинг ушбу функциясини бажаришда бевосита нақд пуллар иштирок этиши талаб этилади.

Айирбошлаш жараёнида товарлар бир марта қатнашиб муомала майдонини тарк этса, пул муомала воситаси функцияси ёрдамида ушбу жараёнга қайта – қайта келаверади. Иқтисодиётда пулнинг банклар орқали айланиш тезлиги қанча юқори бўлса, товарларни сотиб олиш учун муомалага зарур бўлган пул массасига талаб шунча пасаяди.

Пулнинг муомала воситаси функцияси ўзаро иқтисодий муносабатларда иштирок этаётган томонларнинг фаолияти устидан назорат воситаси сифатида майдонга чиқади. Марказдан режалаштириш даврида пулнинг муомала воситаси бир мунча чегараланган эди. Натижада, одамларнинг қўлида нақд пуллар бўлишига қарамасдан ўзлари истаган товарларни сотиб ололмасди ёки сотиб олишга имконият бўлмаган.

Бозор муносабатларининг такомиллашуви ва ривожланган мамлакатларда фан – техника тараққиётининг таборо жадаллашиб бориши пулнинг муомала воситаси функциясининг аҳамиятини бир қадар пасайишига сабаб бўлмоқда. Чунки, мамлакат пул обороти таркибида нақд пул билан амалга оширилаётган ҳисоб – китобларнинг улуши камайиб бормоқда. Нақд пуллар асосан аҳоли томонидан фойдаланиши, кейинги йилларда пластик карточкаларнинг кўплаб турлари жорий этилиши, ҳисоб – китобларда нақд пулсиз тўловлар ҳажмининг ортиб бориши каби ҳолатлар пулнинг муомала воситаси функциясининг аҳамиятини пасайишига олиб келмоқда. Масалан, 1994 – 1997 йилларда Англия ва Францияда 10%, Канада ва Германияда 7%, АҚШда 2% ишчи ходимларгина иш ҳақларини нақд пулда олишган.

Товарлар сотилганда ва хизматлар кўрсатилганда, улар учун тўлов кечиктириб амалга оширилган барча ҳолатларда пул *тўлов воситаси* функциясини бажаради. Демак, сотилган товар ва кўрсатилган хизматлар тўлов жараёнида узилиш бўлмаса, пул муомала воситасини бажаради, агар ушбу жараён маълум даврга узилиши, яъни тўлов кечиккан ҳолатларнинг барчасида, пул автоматик тарзда, ўзининг тўлов воситаси функциясини бажаради.

Пулнинг тўлов воситаси функцияси асосан қуйидаги ҳолатларда намоён бўлади;

– жами ижтимоий маҳсулотни яратиш, тақсимлаш ва қайта тақсимлашда;

- давлат бюджети харажатларини шакллантириш ва қайта тақсимлашда;
- хўжалик субъектлари ўртасида амалга оширилаётган нақд пулсиз ҳисоб – китобларни амалга оширишда;
- кредит муассасалари ссуда ва инвестиция операцияларини бажарганда ҳамда пул ўтказмаларини амалга оширганда;
- корхона ва ташкилотлар ўз ходимларига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган маблағларни тўлашда;
- ва бошқа ҳолатларда.

Пулнинг тўлов воситаси функцияси юридик шахслар ўртасида амалга оширилаётган нақд пулсиз ҳисоб – китобларда жуда кенг фойдаланилади. Бунда нақд пулларнинг иштирокига зарурият бўлмайди, барча операциялар банк ҳисобрақамларида бирдан иккинчисига ўтказиш орқали амалга оширилади.

Айрим иқтисодий адабиётларда, айниқса ривожланган мамлакатларда чоп этилган адабиётларда, пулнинг тўлов воситаси функцияси, унинг алоҳида функцияси сифатида эътироф этилмайди. Пулнинг ушбу функцияси унинг муомала воситаси функцияси билан ҳамохонг тарзда ўрганилади. Пулнинг иккита функцияси бир – бирига қўшиб ўрганилганда «...пул товарлар ва хизматларнинг тўлови ва қарзларнинг тўлов воситаси»²² тарзида таъкидланади.

Назаримизда, ривожланган мамлакатлар иқтисодчилари томонидан пулнинг тўлов воситаси ва муомала воситаси функцияларини бир – бирига қўшиб юборилиши натижасида, унинг тўлов воситаси функциясини эътироф этилмасликлари мақсадга мувофиқ эмас.

Пул ўзининг муомала ва тўлов воситаси функцияларини бажармаган вақтда *жамғарма функциясини* бажаради. Демак, пуллар пул обороти жараёнида товарлар ва кўрсатилган хизматларнинг муомала воситаси

²² Долан Э., Кэмпбелл., Кэмпбелл Р. Деньги банковское дело и денежно – кредитная политика. – М.: Профико, 1991. –С. Шунингдек, Харриса Л. Денежная теория. –М.: Прогресс, 1990. –С.82.

сифатида намоён бўлмаганда, шунингдек, олдиндан кўрсатилган хизматлар ва сотиб олинган товарлар учун тўлов воситаси вазифасини бажармаган пайтларда жамғарма функциясини бажаради. Агар, жамиятда юз бераётган иқтисодий муносабатлар ва аҳолининг ижтимоий – иқтисодий фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, пул асосан жамғарма воситаси функциясини бажараётганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Пулнинг жамғарма воситаси функцияси аҳолининг вақтинча фойдаланмасдан кишилар ўзи билан олиб юрганда ёки уйда сақлаганда, банкнинг омонат ҳисобварақларида сақланиши, шунингдек, барча турдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг нақд пул кўринишида кассада сақланадиган вақтинча бўш маблағлари ва банк ҳисобварақларида нақд пулсиз кўринишда намоён бўлади.

Пулнинг жамғарма функцияси кредит муассасаларида иқтисодий жиҳатдан муҳим вазифани бажаради. Кредит муассасалари жамият миқёсидаги вақтинча бўш пул маблағларни (нақд ва нақдсиз пул кўринишида) маълум шартлар асосида ўзида жамлаб, ушбу маблағларга эҳтиёжи бўлган юридик ва жисмоний шахсларга тўловилилик, мақсадлилилик ва қайтаришлик асосида бериши орқали, мамлакатда жами ижтимоий маҳсулотни кўпайтиришда пулнинг жамғарма функциясидан фойдаланади.

Иқтисодиётда юқори инфляция даражаси пулнинг аҳоли қўлидаги ва кредит муассасаларида жамғарма воситаси функциясини бир қадар чегаралайди. Аҳоли ўзининг вақтинча пул маблағларини банкларда ва уйда сақлашдан кўрадиган иқтисодий самарадорлиги паст бўлиши, иқтисодиётда товарларнинг баҳосини кундан кунга ўсиб бориш тенденциясига эга бўлган шароитда, ушбу, пулларни қимматбаҳо металлларни, кўчмас мулк ва хорижий валюталарни сотиб олишга сарфлайди. Бунинг натижасида, мамлакат Марказий банки томонидан олиб борилаётган пул – кредит сиёсатининг самараси кўзланган мақсадга эришиш имкониятини бермайди.

Пулнинг жамғарма функциясининг аҳамиятини ошириш учун қуйидагиларни таъминлаш лозим:

- омонатчиларнинг кредит муассасаларда сақланаётган пул маблағларидан иқтисодий манфаат кўриш, истаган пайтда тўлиқ ва зудлик билан қайтариб олиш имкониятини таъминланганлиги;

- қўйилган маблағларнинг кафолатланганлиги (сир сақланиши, иқтисодий барқарорлиги, тўлиқ қайтарилиши);

- риск даражасининг пастлиги.

Пулнинг функциялари бир – бирига бевосита боғлиқ бўлиб, улар доимо бир – бирини тўлдирган ҳолда иқтисодиётда ҳаракатда бўлади.

2.2. Пулнинг турларига умумий тавсиф

Кишилиқ жамиятида айирбошлаш муносабатларининг чуқурлашуви, меҳнат тақсимотининг ривожланиши пулнинг оддий товар шаклидан, ҳозирги кунда ҳисоб – китобларда қўлланилаётган электрон пуллар кўриниши даражасигача етиб келишига сабаб бўлди. Албатта бу жуда узоқ даврни ўз ичига олади. Кишилар стихияли тарзда ҳаёт кечирган ва натурал хўжалиқ тузуми шароитида турли буюмлар, ҳайвонлар, маҳсулотлар пулнинг вазифасини бажарган бўлса, милoddан олдинги VII – VI асрларда металлар пул сифатида амал қилган, XI ва XII асрларда қоғоз пуллар, XX асрдан эса электрон пуллар иқтисодиётга тўлов воситаси сифатида кириб келди.

Демак, пул бугунги кундаги кўринишига етиб келгунча жуда узоқ давр ва ижтимоий – иқтисодий жараёнларни босиб ўтган. Пулнинг турларини ўрганишда уни асл қийматга эга бўлган (ҳақиқий) пул ва асл қийматга эга бўлмаган (ўринбосар) пул сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқ. Одатда ҳақиқий пуллар тўлов воситасини бажарганда улар ўз қиймати бўйича айирбошлаш жараёнида иштирок этган, иқтисодиётда пул массасини тартибга солиш бўйича муаммолар мавжуд бўлмаган.

Асл қийматга эга бўлмаган пулларнинг ҳақиқий қиймати номинал қийматига нисбатан бир неча марта паст бўлиб, улар муомалага чиқарилгандан кейин доимий равишда тартибга солиниб туриш лозим. Акс

ҳолда иқтисодиётда пул массаси товар массасига нисбатан ортиб кетади ва қоғоз пуллар ўзининг тўлов воситаси сифатидаги қобилятини йўқотади.

Ҳақиқий пуллар куйидаги хоссаларга эга бўлган:

- номинал қийматнинг реал қиймат билан мутаносиблиги;
- қийматнинг қардсизланмаслиги, яъни ҳақиқий пуллар ҳар қандай шароитда ҳам ўзининг дастлабки қийматини йўқотмаган;
- уларни бошқа товарлар каби истеъмол қилиш мумкинлиги.

Бироқ, натурал пулларнинг ҳаммаси ҳам юқоридаги хоссаларни узок муддатга сақлаб туриш имкониятига эга бўлмаган. Масалан, буғдой, тамаки, чой, балиқ, жун кабилар вақт ўтиши билан ўзининг дастлабки хусусиятларини йўқотган.

2.3. Натурал пуллар

Жамиятнинг дастлабки даврларида тўлов воситаси сифатида фойдаланилган пуллар буюм ёки натурал кўринишида бўлган. Натурал пуллар – бу реал кўринишга эга бўлган товарлардир, ушбу пулларнинг қиймати товарнинг ўзида акс эттирилган бўлиб, уларнинг сотиб олиш қобиляти товарлар қиймати билан ифодаланган. Маълум бир товарнинг пул ўрнида фойдаланишда унинг истеъмол қиймати муҳим аҳамият касб этган.

Натурал шаклдаги пулларни учта гуруҳга ажратган ҳолда таснифлаш мумкин.

1. Ҳайвонлар шаклида. Ушбу пул таркибига тирик ҳайвонлар ва улардан тайёрланган буюмлар киради. Масалан, қўй, буқа, жун, суяк ва бошқалар.

2. Буюм шаклида. Бу шаклдаги пуллар таркибига фойдали қазилмалар ва металллар ҳамда улардан ясалган меҳнат қуролларини келтириш мумкин. Масалан, қимматбаҳо тошлар ва металллар, туз ва бошқалар.

3. Ўсимлик шаклида. Буларнинг таркибига турли ўсимликлар ва уларнинг мевалари киради. Масалан, буғдой, мевалар, тамаки ва бошқалар.

Натурал пулларнинг пайдо бўлиши ва улардан фойдаланиш тарихи жуда чуқур ва қизиқарлидир. Одамлар дастлаб ёввойи ҳолда яшаган даврда барча кишилар топгани ўртада бўлган, биргаликда истеъмол қилган, кейинчалик бир уруғга мансуб кишилар қабила – қабила бўлиб яшай бошлаган. Қабила ичида одамлар бир – бирига ёрдам бериши, озиқ – овқатларни баҳам кўриши керак бўлган. Бу беғараз тартибда амалга оширилиб, бунинг ўрнига улар бир – биридан ҳеч нарса умид қилмаган, ҳамма нарса ўртада бўлган.

Кейинчалик ибтидоий уруғчиликнинг ривожланиши натижасида турли қабила қатламлари вужудга келган. Вақти – вақти билан улар ўртасида даҳшатли қонли тўқнашувлар бўлиб турган. Ушбу тўқнашувлар натижасида бир қабила иккинчиси устидан ғалаба қозонгандан кейин, уларнинг барча нарсаларини талон тарош қилган. Шу боис, айрим қабилалар тинчликни сақлаш мақсадида кучли қабилаларга нарсалар, асосан истеъмол қилинадиган нарсаларни берган. Айнан шу жараён ҳам кишилар ўртасида бир томонлама айирбошлалаш муносабатларини вужудга келишининг асосий сабабларидан бири ҳисобланади.

Тош асри даврида кишилар ерларни ўзлаштириб экин эка бошлаган, кейинчалик деҳқончиликдан чорвачилик ажралиб чиққан. Дастлаб яратилган нарсалар барчаси бир йўла истеъмол қилинган бўлса, энди маълум миқдорда захиралар қилина бошлаган. Захира қилиндими, у ерда ортиқчалик вужудга келган. Ортиқча нарсалар эса унга эгалик қилувчи томонидан эркин равишда тасарруф қилинган. Бунинг натижасида айирбошлалаш жараёни жонлана бошлаган. Шунингдек, кейинчалик ҳунармандчилик вужудга келган, буларнинг барчаси кишилар ўртасидаги бир томонлама айирбошлалашдан икки томонлама айирбошлалаш заруриятини келтириб чиқарган.

Одамлар ўртасида дастлаб айирбошлалаш воситаси сифатида жуда кенг тарқалгани меҳнат қуроллари ҳисобланади, 1 – расмга қаранг. Меҳнат қуролларига деҳқонда, чорвадорда ёки ҳунармандда жуда катта эҳтиёж мавжуд бўлиб, улар ўз маҳсулотларини иложи борида меҳнат қуролларига

айирбошлашга интилар эди. Меҳнат қуроллари энг қадимий товар – пуллар ҳисобланади.

Масалан, тош асрида Европада энг кўп тарқалган айирбошлаш воситаси кремнийе болталар ҳисобланган. Манбаларга кўра улар жуда йирик бўлиб, айримларини оғирлиги 40 кгни ташкил этган. Европада кремнийе болталар жуда кенг тарқалган бўлиб, унга эга бўлган кишилар жуда бой ва мавқие юқори ҳисобланган²³.



Бронза пул-попатка. Милоддан олдинги III аср. Хитой.



Тошдан ясалган пул-пичок. Мексика-XVI аср.
1-расм.



Пул бугу шоҳи. Милоддан олдинги XII-X аср. Италия.

Агар Европада болта жуда кенг тарқалган тўлов воситаси ҳисобланса, Россияда истеъмол моллари айирбошлаш воситаси сифатида жуда кенг тарқалган. Масалан, истеъмол товарлар ичида буқалар асосий тўлов воситаси сифатида тан олинган. Барча нарсанинг қиймати, ҳатто ерлар ҳам буқалар билан ўлчанган.

Манбаларга кўра, Хитойнинг Хуанхэ провинциясида одамлар чорвачилик билан шуғуллангани боис, бундан 4 минг йил олдин Хитойда натурал пуллар сифатида буқалар, майда тўлов воситаси сифатида қўйлар хизмат қилган. Деҳқончиликнинг ривожланиши натижасида буғдой ўлчов бирилиги воситасида фойдаланилган. Буғдойни узоқ сақлаш имконияти бўлмаганлиги, у маълум муддат ўтгандан сўнг бузилиши мумкинлиги учун

²³ Деньги мира. Ред. группа: О.Елисеева, Т.Евсеева и др. –М.: Мир энциклопедий Аванта+, Астрель, 2009. – 184 с.: ил. –(Самые красивые и знаменитые). –С. 14.

каураларнинг чиғоноқлари, тош болта ва шу каби бошқа нарсалардан пул воситасида фойдаланилган, 2 – расмга қаранг.



*Тош пул-болта.
Милоддан олдинги VIII-
III аср.*



*Бронза танга “Юань-тун бао”
ёзуви билан. Хитой, Милоддан
олдинги III аср.*



*Расм солинган пул-чиғаноқ.
Европа. 900-1100 йй.*

2-расм.

Қадимда натурал пуллар турли кўринишда бўлиб, (2 – расмга қаранг) улардан тўлов воситаси сифатида фойдаланишга қатор омиллар таъсир қилган. Хусусан:

- одамларнинг кунлик эҳтиёжи учун жуда зарур бўлган буюмлар;
- мамлакатнинг табиий иқлими ва географик жойлашуви;
- камёб буюмлар ва уларни етиштиришнинг мураккаблик даражаси;
- узоқроқ муддат давомида сақлаш имкониятининг мавжудлиги.

2.4. Металл пуллар

Кишилар ўртасида айирбошлаш жараёнларининг тезлашуви ва меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви айирбошлаш ҳажмининг ортишига олиб келди. Иқтисодий муносабатларнинг такомиллашуви натижасида кишилар метални кашф этдилар, ундан турли хил меҳнат қуролларини ясаб кундалик ҳаётида фойдаландилар. Шу билан бирга, ушбу меҳнат қуроллари тўлов воситаси вазифасини ҳам бажарди. Кейинчалик эса металдан танга пулларни зарб қилиш йўлга қўйилди. Буларнинг барчаси айирбошлаш муносабатлари жараёнида фойдаланиб келинаётган натурал пул шакллари металл пул шаклига ўтишига замин тайёрлади.

Металдан ясалган меҳнат куролларининг тўлов воситаси сифатида фойдаланганлигининг хусусияти шунда эдики, кишилар металдан тайёрланган болта ва шунга ўхшаш нарсалардан тўлов воситаси сифатида фойдаланган бўлсада, улар бошқа мақсадда, яъни кундалик ҳаётда фойдаланиш учун яратилган эди. Масалан, кишилар металдан ясалган болтадан айирбошлаш воситаси сифатида кенг фойдаланган, лекин у тўлов воситасини бажарадиган танга кўринишига эга бўлмаган. Одамлар стихияли равишда металдан ясалган болтани тўлов воситаси ўрнида фойдаланишган.

Пулнинг натурал кўринишидан металл танга шаклига ўтиши, юқорида таъкидланганлардан ташқари қуйидаги омиллар муҳим аҳамият касб этган.

1. Кишилар металлларга турли шаклда ишлов беришни кашф этилиши. Таъкидлаганимиздек, болта ва шунга ўхшаш темир куроллардан пул воситаси сифатида фойдаланилган, лекин уларни пулдан фойдаланишнинг металл даври деб юрита олмаймиз. Чунки, ушбу меҳнат куролларининг функциялари бошқа бўлган. Кишилар метални кашф қилганларидан кейин орадан жуда кўп даврлар ўтиши билан унга ишлов бериш йўлларини ўргандилар. Бу ўз – ўзидан металл тангаларни зарб этишга туртки бўлди.

2. Давлатчиликнинг пайдо бўлиши. Металл кашф этилиб, одамларга унга ишлов бериш йўллари маълум бўлгандан сўнг, маълум ҳудуд ва қабилалар алоҳида кишиларнинг ҳукмронлиги, хонлиги ва қироллиги остида бошқарила бошланди. Бу ўз ўзидан ўша даврнинг ҳукмрони, хони ёки қиролининг мақиени ошириш, ўзининг чегараларини мустаҳкамлаш ва қонунларини юритиш заруриятини келтириб чиқарди. Буларнинг барчаси турли тасвирлар ва ёзувлар туширилган тангаларни зарб этишга асос бўлди.

3. Кишилар ўртасида товар айирбошлаш ҳажмининг ортиб бориши натижасида ушбу жараённинг мураккаблашуви. Масалан, деҳқон бир қоп буғдойни битта болтага айирбошлаши учун темирчи косибнинг ҳохиши деҳқоннинг ҳохишига мос келиши лозим. Яъни мазкур ҳолатда, темирчининг бир қоп буғдойга эҳтиёжи бўлиши керак. Бироқ, темирчига бир қоп буғдой эмас, балки битта қўй керак бўлса, у ҳолда деҳқон буғдойни қўйга

алмаштириши, сўнгра қўйни темирчига олиб келиб битта болтага алмашиши зарур бўлар эди. Кўриниб турибдики, кишилар ўртасида меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви ва айирбошлаш ҳажмининг ортиши натурал пулларни тўлов воситаси сифатидаги вазифасини амалга ошириш имкониятларини чегаралаб қўйди.

4. Натурал шаклдаги пулларни сақлаш ва олиб юришининг қийинлиги. Алабатта, ўша пайтларда пулнинг вазифасини бажарган болта ёки бошқа меҳнат қуролларини сақлаш қийин бўлмаган бўлсада, лекин уларни олиб юриш ва хавфсизлигини таъминлаш одамларга турли ноқулайликларни келтириб чиқарган. Пулнинг вазифасини бажарган буғдой, жун, қўй ёки бошқа шунга ўхшаш нарсалар эса вақт ўтиши билан бузилган, ўзининг дастлабки хусусиятини йўқотган. Шу билан бирга, уларни олиб юриш, айниқса сақлаш ҳам одамларга қўшимча ташвиш келтира бошлаган.

Буларнинг барчаси натурал пуллар ўрнига металл пулларни муомалага тўлов воситаси сифатида кириб келишига замин яратди.

Дастлаб металл тангалар қора рангли темирлардан слитка кўринишида тайёрланган бўлса, кейинчалик тўртбурчак, учбурчак, юмалоқ кўринишдаги танга шаклини олган.



Александр Македонский сурати туширилган кумуш тетрадрахма, аверс, реверс. Миср, Милoddан олдинги 310-305 йй.

Олтин 10 рубль, аверс, реверс. Россия, Елизавета Петровна.

3-расм.

Вақт ўтиши билан темир тангалар ўрнини бронза, кумуш ва олтин эгаллади, 3-расмга қаранг. Темир металллардан ясалган танга тўлов воситасини бажарганда уларнинг баҳо масштабини танганинг оғирлиги билан анқиланган. Кейинчалик бронза, мис ва олтин тангалар тўлов

воситасини бажарганда эса баҳо масштаби қимматбаҳо металлнинг нафақат оғирлиги, балки уларнинг хоссалари орқали ҳам аниқланадиган бўлди.

Муомалада металл тангалар, айниқса олтин тангалар пулнинг вазифасини бажарганда иқтисодиётда пул муомаласини тартибга солишга эҳтиёж бўлмайди. Чунки, қимматбаҳо металллар ҳақиқий қийматга эга бўлган асл пул ҳисобланиб, унинг ҳажми товар массасига нисбатан автоматик тарзда тартибга солиниб борилади. Яъни, агар иқтисодиётда товар массаси олтин массаси (қиймати)га нисбатан кам бўлса муомаладаги ортиқча олтин тангалар бойлик сифатида хазинага жойлаштирилади. Агар, аксинча, муомалада олтин тангалар массаси товар массасига нисбатан кам бўлса бойлик сифатида хазинага жойлаштирилган маблағлар муомалага чиқариш орқали ўзаро мувозанат таъминланади.

2.5. Қоғоз пуллар

Қоғоз пулларнинг муомалага киритилиши жамиятда ижтимоий – иқтисодий воқелик бўлиб, ушбу жараён ўзи билан биргаликда қатор муаммоларни келтириб чиқарди. Бу муаммоларнинг асосийси инфляция ҳисобланади. Қоғоз пулларнинг муомалага чиқарилиши натижасида инфляция муаммосининг пайдо бўлишини асосий сабабларидан бири, ушбу пуллар ҳақиқий қийматга эга бўлмаган, яъни ҳақиқий пулларнинг ўринбосарлари ҳисобланади. Қоғоз пулларда акс эттирилган номинал қиймати уларнинг ҳақиқатдаги қийматидан жуда юқоридир. Чунки қоғоз пулларнинг ҳақиқий қиймати жуда паст.

Мазкур дарсликнинг биринчи боби 1.1–параграфида олтин тангаларнинг ўрнига қоғоз пулларнинг кириб келиши билан боғлиқ тавсилотлар атрофлича баён этилган. Уларни қайтарилишига йўл қўймаслик мақсадида, олтин тангаларни сақловчилар ва олтинни сақлашга берувчилар ўртасида ўзаро муносабатлар натижасида қоғоз пулларни муомлага чиқариш

билан боғлиқ жараёни қисқача баён этмоқчимиз. Ушбу жараён Европанинг айрим мамлакатлари ва АҚШ амалиётида қоғоз пулларнинг кириб келиш тажрибасида рўй берган.

Чунки, ушбу мамлакатларда қоғоз пуллар Хитой, Туркистон, Россия малакатларидан кейин муомалага киритилган бўлсада, олтин тангаларни муомаладан чиқиб кетиши натижасида уларнинг ўрнига қоғоз пулларни кириб келиши стихияли тарзда рўй берган. Ваҳоланки, манбалардан Хитой, Туркистон ва Россияда қоғоз пуллар давлат томонидан муомалага чиқарилганлиги маълум.

Жамиятда товар – пул муносабатларининг жадал ривожланиб бориши натижасида, кишилар ўртасида айирбошлаш ҳажми мисли кўрилмаган даражада ўсиб борди. Бу жараён олтинларни сақлаш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш борасида қатор муаммоларни келтириб чиқара бошлади. Буларни бартараф этиш мақсадида олтинларни сақлаб бериш эвазига даромад олувчилар пайдо бўлди²⁴. Олтин сақловчилар аста – секинлик билан одамларнинг ишончига кириб бориши натижасида кишилар вақтинчалик бўш олтин тангаларини маълум ҳақ тўлаш эвазига уларга топшира бошлади. Олтин сақловчи олтинларни сақлар, уларнинг хавфсизлигига жавобгар эди, шунингдек, кимга, қачон ва қанча олтин керак бўлса тегишли ёзувларни (олтинни олганлигини тасдиқловчи тилхатлар) юритган ҳолда бера бошлади.

“А” шахс “Б” шахсга сотиб олган товари учун тўлаган олтин тангани “Б” шахс ҳам ўз навбатида эҳтиёжидан ортиқча қисмини олтин сақловчига элтиб топширар эди. Бу олтин сақловчи ва олтинни сақлашга берувчилар ўртасида ўзаро ишончнинг пайдо бўлишига олиб келди. Кейинчалик олтин сақловчи одамлар орасида танилиб, ишончга кира бошлаганларидан сўнг одамлар эҳтиёжлари учун зарур бўлган олтинни олмасдан, товар ва маҳсулот учун сотувчига тилхатларнинг ўзини тўлов воситаси сифатида бера бошлади. Ўз навбатида сотувчи ушбу тилхатларни тўлов воситаси сифатида қабул

²⁴ Бир неча асрдан кейин ушбу “олтин сақловчилар” банкларга айландилар.

килди, зарур ҳолларда ушбу тилхат асосида олтин сақловчидан керакли миқдордаги олтинларни олди, ёки учинчи шахсга тўлов воситаси сифатида ўтказиб юборди. Шу тариқа муомалада қоғоз пуллар пайдо бўлди.

Бу жараён шу даражада ривожланиб кетдики, барча таниқли ва етарли даражада ишончга эга бўлган олтин сақловчиларнинг тилхатлари муомалада тўлов воситасини бажара бошлади. Дастлаб муомалага чиқарилган қоғоз пуллар тўлиғича олтин билан таъминланган эди. Кейинчалик эса олтин сақловчининг касодга учраши, ёки одамларнинг ишончини суистеъмол қилиши натижасида муомалада таъминланмаган қоғоз пуллар пайдо бўла бошлади. Натижада ушбу пуллар олтин сақловчиларга тақдим этилганда улар бунинг эвазига олтин тангалар беришдан бош тортди. Буларнинг барчаси мамлакатда пул муомаласини издан чиқиши оқибатида хўжалик юритиш ва ҳисоб – китобларни амалга оширишда таназулликларни келтириб чиқарди. Айнан шу жараёнда давлат қоғоз пулларни тартибга солиш ва ягона эмиссия қилишни ўз қўлига олди. Бунинг учун алоҳида давлат банки, яъни Марказий банкни ташкил этди, унга муомалага қоғоз пулларни чиқариш, пул муомаласини тартибга солиш вазифалари юклатилди. Тижорат банклари эса муомалга нақд пулларни эмиссия қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилиб, миждозларга банк хизматларини кўрсатадиган тижорат муассасаларига айлантирилди.

Англияда қоғоз пулларни тижорат банклари 1817 – 1843 йилларда муомалага чиқарган, 1813 йилда Англия Банки ўз банкнотасини муомалага чиқарди. 1844 йилдан бошлаб эса тижорат банкларига пулни эмиссия қилиш бекор қилинди ва Р.Пилнинг қонунига асосан Англия Банкнинг эмиссия ҳуқуқи жорий этилди.

Қоғоз пуллар таъминланмаган, асл қийматга эга пуллар бўлмаганлиги сабабли айрим давлатларда муомалага чиқарилган пуллар дастлабки даврларда тўлов воситаси сифатида ҳисоб – китобларда кенг қўлланилишида муаммолар учраб турган. Бунинг олдини олиш мақсадида оғир чоралар қўлланилган. Масалан, Хитойда қоғоз пулнинг ўзига уни тўлов воситаси

сифатида қабул қилмаган шахснинг боши кесилиши қайд этилган, Францияда 25 йил камоқ жазоси, баъзи ҳолларда ўлим жазоси ҳам қўлланилган. Англияда чиқарилган қоғоз пулларни тўлов воситаси сифатида қабул қилмаган кишиларни давлатга қарши хиёнат даражасигача олиб чиқилган.

Давлат томонидан эмиссия қилинган қоғоз пуллар бевосита ва билвосита таъминланган эди. Бевосита таъминлангани олтин тангалар билан, давлатнинг солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни шу қоғоз пулларда қабул қилиши билвосита таъминланганлиги сифатида белгилаб қўйилди.

Иқтисодий адабиётларда “эмиссия қилиш” ва “муомалага пул чиқариш” тарзидаги маъноси бир – бирига яқин бўлган иқтисодий терминларни учратамиз. Бироқ бу икки иқтисодий термин маъноси ва иқтисодиётга таъсири жиҳатидан бир – биридан тубдан фарқ қилади.

Нақд пулларни муомалга эмиссия қилиниши иқтисодиётда пул массасининг ҳажмини оширади. Бу ишни мамлакат Марказий банки амалга оширади. Муомалага нақд пулларни чиқариш эса мавжуд пул массаси ҳажмини ўзгартирмаган ҳолда тижорат банклари томонидан амалга оширади.

Мамлакатда иқтисодий инқирозлар, табиий офатлар ва урушлар рўй берганда давлатнинг харажатлари жуда ортиб кетарди. Ушбу харажатлар давлатнинг топшириғи билан муомалага чиқариладиган қўшимча пул эмиссияси орқали ҳал этилар эди, бу ўз навбатида қоғоз пулларнинг кадрсизланишига ва пул муомаласининг издан чиқишига олиб келарди.

Шунинг учун ҳам қоғоз пуллар асл қийматга эга бўлмаган, ўринбосар пуллар ҳисобланиб, уларни доимий равишда тартибга солиб бориш ва тегишли назоратни амалга оширишни талаб этади.

2.6. Электрон пуллар

Банкларнинг ривожланиши, ўзаро тўловлар ва ҳисоб – китоблар хажмининг ортиши, шунингдек, техника ва технологиянинг такомиллашуви натижасида XX асрнинг иккинчи ярмидан электрон пуллар вужудга келди. Электрон пулларнинг тўлов инструменти бўлиб – пластик карталар ҳисобланади.

Пластик карта – бу пулларни нақдсиз кўринишда кўчириш ёки нақд пул кўринишда олиш имкониятини берадиган, банклар ва бошқа кредит муассасалари томонидан чиқарилган номли тўлов ҳужжат ҳисобланади.

Пластик карталар банк тизими ва ундан фойдаланувчилар учун қулайлик жиҳатлари жуда кўп. Хусусан:

- киши 1, 2, 3 млн сўмни ҳамёнида олиб юролмайди, лекин пластик картада бундай муаммо мавжуд эмас;

- ҳамёнингиздаги пулни йўқотсангиз ёки унутиб бирор жойда қолдирсангиз уларни бегона шахс фойдаланиши мумкин, лекин пластик карталардан бегона шахсларни фойдаланиш имконияти жуда чегараланган. Чунки уларнинг махсус пароли мавжуд, шу билан бирга, пластик картани йўқотган шахс зудлик билан банкка хабар берса унинг ҳисобрақамлари бўйича тўловларни тўхтатиб қўйиш мумкин;

- банклар нақд пулларни ташиш, сақлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва миқдорларга бериш каби қўшимча меҳнат ва сарф харажатдан фориғ бўлади;

- банклар депозит сиёсатидан келиб чиқиб фойдаланувчи пластик картадаги вақтинчалик фойдаланмай турган қолдиқ суммаларига қўшимча фоиз тўлаши мумкин.

Ўзбекистонда пластик карточкаларни жорий қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорлари қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Пластик карточкалар асосида ҳисоб – китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида” 445 – сонли

Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 августдаги “Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб – китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ – 433 – сонли ва 2010 йил 19 апрелдаги “Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб – китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ – 1325 – сонли Қарорлари шулар жумласидандир.

Ҳозирги кунда барча тижорат банклари ўз пластик карточкаларига эга бўлиб, уларнинг сони йилдан – йилга ортиб бормоқда.

Ўзбекистон тижорат банклари томонидан жорий этилган пластик карталар билан ҳисоб – китобларни амалга оширишда айрим зиддиятли ҳолатлар мавжуд. Хусусан:

- савдо нуқталарида пластик карталар билан ҳисоб – китобларни амалга ошириш учун зарур бўлган терминалларнинг етарли равишда таъминланмаганлиги;

- иш ҳақи ва унга тенглаштирилган маблағларни пластик карталарга ўтказиш учун бевосита банкларга боришнинг зарурлиги;

- нақд пул зарур бўлиб қолган пайтда пластик карталардан зудлик билан исталган банкдан олиш имконияти мавжуд эмаслиги.

Юқорида қайд этилган ҳолатларни тўлиқ бартараф этилиши мамлакатимиз тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган пластик карталарни янада кенгроқ ва самарали ишлашига имконият яратади.

2.7. Товар хўжалиги шароитида пулнинг роли

Жамиятда меҳнат тақсимоти ва ишлаб чиқариш жараёнининг мавжудлиги иқтисодий ҳаётда пулнинг роли доимо ошиб бораверади. Биргина меҳнат тақсимотиға эътибор қаратадиган бўлсак, компания ёки фирма бирор нарсани ишлаб чиқариш ёки хизмат турини кўрсатиш учун зарур хом – ашё ва материалларни олиш мақсадида бир неча хўжалик

юритувчи субъектлар билан иқтисодий алоқаларни ўрнатади, ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатиш жараёнида иштирок этаётган ходимларнинг меҳнати учун ҳақ тўлайди ва бошқа қатор ишларни амалга оширади. Буларнинг барчаси томонлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий ҳамкорлик ва манфаатдорлик асосида амалга оширилади. Мана шу иқтисодий ҳамкорлик ва манфаатдорликни амалга оширишнинг иқтисодий механизми сифатида пулнинг роли алоҳида аҳамият касб этади.

Бозор иқтисодиётининг асосий тамойилларида бири ҳар қандай фаолиятнинг асосида иқтисодий манфаатдорлик ётади. Ишлаб чиқарувчи корхона, ташкилот ёки фирма яратаётган товар ёки хизматларни шахсий истеъмоли учун эмас, балки бозорда сотиш орқали тегишли иқтисодий фойда кўриш илинжида ишлаб чиқаради. Бу ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар ўртасида товар – пул муносабатларини вужудга келтиради, ушбу муносабатда пул ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўратасида айирбошлаш воситаси сифатида муҳим рол ўйнайди.

Бу ерда ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида айирбошланадиган товар ёки маҳсулотнинг баҳоси муҳим роль ўйнайди. Уларнинг баҳоси бозордаги талаб ва таклиф асосида пулда ифодаланади. Пулнинг ролини амал қилишида баҳо муҳим иқтисодий механизм ҳисобланади, товар ва хизматлар баҳосига қатор омиллар таъсир қилади. Хусусан, товар ва хизматларнинг сифати, унга бўлган талаб даражаси, сотиб олувчининг тўлов қобилияти ва бошқа қатор омиллар шулар жумласидандир.

Ҳақиқатда ҳам юқорида қайд этилган жараёнларни ташкил этишда пулнинг иштироки муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, пулнинг товар хўжалиги шароитида амал қилишининг самарадорлигини ошишига қатор омиллар таъсир қилади. Хусусан улар қуйидагилардан иборат.

1. Иқтисодиётнинг барқарорлиги ва рақобатбардошлиги. Мамлакат иқтисодиётининг барқарорлиги ва рақобатбардошлиги аҳолининг истеъмол товарлар ва хизматларга бўлган талабини маҳаллий ишлаб чиқариш ҳисобидан қондириш имкониятини беради. Бу бозор иқтисодиёти шароитида

жуда муҳим ҳисобланади. Биринчидан, импорт ҳажмини қисқартириш асосида хорижий валюталарни четга чиқиб кетишининг олдини олади. Иккинчидан, миллий валютанинг хорижий валюталарга нисбатан барқарорлигини оширади.

2. *Марказий банкнинг мустақиллигини таъминланганлиги.* Маълумки, Марказий банкнинг бош мақсади миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган, ушбу мақсадни самарали амалга ошириш учун Марказий банк ҳукумат ва давлат бошқарув органлари босимидан ҳоли бўлиши лозим. Акс ҳолда миллий валютанинг барқарорлиги заифлашади ва унинг халқ ҳўжалигидаги роли пасаяди.

3. *Аҳоли ва мижозларнинг банк тизимида ишончининг мустаҳкамлиги.* Мамлакат аҳолиси ва мижозларнинг банк тизимида бўлган ишончининг юқорилиги пулнинг ролига бевосита ва билвосита таъсир қилади. Чунки аҳоли ва мижозларнинг банкларга нисбатан ишончининг юқорилиги уларнинг вақтинчалик бўш пул маблағларини банкларга муддатли омонат сифатида қўйишга ундайди. Бу эса пулнинг жамғарма воситаси ва тўлов воситаси ролини оширади, шу билан бирга, биринчидан, пул эгаларига қўшимча даромад келтиради, иккинчидан, банкларнинг реал секторни кредитлаш имкониятларини оширади. Буларнинг барчаси товар ҳўжалиги шароитида пулнинг ролини ошишига ижобий таъсир кўрсатади.

4. *Инфляция даражасининг тегишли меъёрларда сақлаб турилиши.* Миллий валютанинг инфляция даражаси халқаро амалиётда қабул қилинган меъёрлардан ортиб кетиши унинг иқтисодиётдаги ролига салбий таъсир кўрсатади. Инфляция даражаси юқори бўлган шароитда аҳолининг реал даромадлари пасаяди, кредит муассасаларида узоқ муддатли омонатлар ҳажми қисқаради, корхона ва ташкилотлар ишлаб чиқариш ҳисобидан эмас, балки ўзаро олиб сотиш йўли билан даромад излаш пайига тушиб қолади. Натижада аҳолининг истеъмол товарларга бўлган талаби маҳаллий ишлаб чиқариш ҳисобидан эмас, балки импорт ҳисобидан қондирилади. Буларнинг

барчаси миллий валютанинг иқтисодиётдаги ролини пасайишига олиб келади.

Бобга оид саволлар

1. Нима учун пулнинг функциялари иқтисодчи ва мутахассислар томонидан турлича талқин этилади?
2. Пулнинг функцияларини санаб беринг?
3. Пул қачон барча функцияларини бажаради?
4. Пулнинг тўлов воситаси функцияси қандай намоён бўлади?
5. Пулнинг функцияларини ўзаро алоқадорлиги қандай намоён бўлади?
6. Ҳақиқий пуллар ва ҳақиқий бўлмаган пулларга тавсиф беринг?
7. Натурал шаклидаги пулларни қандай гуруҳларга ажратиш мумкин?
8. Бир томонлама ва икки томонлама айирбошлаш жараёнларини вужудга келиш сабаблари?
9. Металл пулларни вужудга келишига қандай омиллар таъсир қилган?
10. Нима учун қимматбаҳо металллар пулнинг вазифасини бажарганда пул муомаласини тартибга солишга эҳтиёж бўлмаган?
11. Нима учун қоғоз пулларнинг номинал қиймати уларнинг ҳақиқий қийматидан анча юқори, бу пул муомаласига қандай таъсир қилади?
12. Нима учун дастлаб банкларга қоғоз пулларни муомалага чиқариш рухсат берилган, кейинчалик бунинг бекор қилиниши қандай изоҳланади?
13. "Пул эмиссияси" ва "муомалага пул чиқариш"нинг моҳиятини тушунтиринг, уларни қандай банклар бажаради?
14. Пластик карталарнинг афзалликлари ва камчиликлари нимадан иборат?
15. Товар хўжалиги шароитида пулнинг роли қандай намоён бўлади?
16. Пулнинг ролига инфляция қандай таъсир қилади?
17. Пулнинг ролига Марказий банкнинг қандай таъсири мавжуд?
18. Иқтисодиётда пулнинг ролини ошишига нималар таъсир қилади?
19. Бозор иқтисодиёти шароитида баҳони белгилашда пулнинг роли қандай намоён бўлади?
20. Пулнинг ҳозирги кундаги кўринишга етиб келишига нималар сабаб бўлган?

Бобга оид тестлар

1. Пулнинг моҳияти нимада аниқ намоён бўлади?

А. Пулнинг айирбошлаш жараёнида.

Б. Пулнинг функцияларида.

В. Ҳисоб – китоб жараёнида.

Г. Пул айланмасида.

2.Англо – америкалик иқтисодчилар пулнинг нечта функциясини эътироф этади?

А. 2 та

Б. 3 та

В. 4 та

Г. 5 та

3.Россиялик иқтисодчи олимлар пулнинг нечта функцияси мавжудлигини таъкидлайди?

А. 3 та

Б. 4 та

В. 5 та

Г. 6 та

4.Пулнинг муомала воситаси функцияси қачон намоён бўлади?

А.Товар ва хизматлар учун тўлов маълум муддатдан кейин амалга оширилса?

Б.Сотувчи ва сотиб олувчи ўртасида айирбошлаш бир вақтда бажарилса.

В.Сотилган товар ва кўрсатилган хизматлар учун тўлов олдиндан амалга оширилса.

Г.Тўлов маълум муддатга кечиктирилса.

5.Вақтинча фойдаланилмаётган пуллар қандай вазифани бажарди?

А. Тўлов воситаси функциясини.

Б. Муомала воситаси функциясини.

В. Жамғарма воситаси функциясини.

Г. Қиймат ўлчов функциясини.

6. Меҳнат тақсимооти жараёнида пулнинг роли нимада намоён бўлади?

А. Ишлаб чиқаришда

Б. Товарларни айирбошлашда

В. Маҳсулот тақсимоотида

Г. Меҳнатни ташкил этишда

7. Товар хўжалиги шароитида пулнинг ролини ошишига нималар таъсир кўрсатади?

А. Миллий валютанинг барқарорлиги

Б. Монопол ишлаб чиқаришнинг мавжудлиги

В. Импорт ҳажмининг ортиши

Г. Пул массасининг ортиб бориши

8. Иқтисодиётнинг марказдан бошқариш шароитида пулнинг нечта функцияси эътироф этилган?

А.3 та

Б. 4 та

В. 5 та

Г. 6 та

9. *Хорижий иқтисодчи олимлар пулнинг қандай функцияларини инкор этади?*

А. Муомала воситаси

Б. Қиймат ўлчови

В. Тўлов воситаси

Г. Жамғарма воситаси

10. *Бозор иқтисодиёти шароитида товар ва маҳсулотларнинг қиймати қандай аниқланади?*

А. Товар ва маҳсулотнинг таннархи асосида

Б. Ишлаб чиқарувчининг фойда миқдори асосида

В. Бозордаги талаб ва таклиф асосида

Г. Тўланадиган солиқ ставкалари асосида

11. *Металлар қачондан бошлаб пулни вазифасини бажара бошлаган?*

А. Милоддан олдинги VI – V асрларда

Б. Милоддан олдинги VII – VI асрларда

В. Милоддан олдинги V – IV асрларда

Г. I ва II асрларда

12. *Дастлабки қоғоз пуллар қачон муомалага киритилган?*

А. X ва IX асрларда

Б. XII асрнинг охирида

В. XI ва XII асрларда

Г. XI асрнинг бошида

13. *Пластик карточкалар қачон пулнинг вазифасини бажара бошлаган?*

А. XVIII асрнинг охиридан

Б. XX асрнинг иккинчи ярмидан

В. 2000 йилдан

Г. 2002 йилдан

14. *Натурал шаклдаги пулларни гуруҳланиши қайси жавобда тўғри келтирилган?*

А. Ҳайвонлар, буюмлар ва ўсимликлар шаклида.

Б. Ҳайвонлар, тошлар ва мевалар шаклида.

В. Озиқ – овқат, тошлар ва ўсимликлар шаклида.

Г. Ҳайвонлар, мевалар ва ўсимликлар шаклида.

15. *Ҳақиқий пулларнинг хоссалари қандай жавобда нотўғри келтирилган?*

- А.Номинал қийматнинг реал қиймат билан муносиблиги
- Б.Қийматнинг қардсизланмаслиги
- В.Уларни бошқа товарлар каби истеъмол қилиш мумкинлиги
- Г.Уларнинг муомалада амал қилишини назорат қилиш зарурлиги**

16.Хитойнинг айрим провенциялари ва Россияда қандай натурал пуллар жуда кенг тарқалган?

- А. Туз
- Б. Буқа**
- В. Тамаки
- Г. Жун

17.Натурал пуллардан фойдаланишга таъсир қилган омил қандай жавобда нотўғри келтирилган?

- А.Одамларнинг кунлик эҳтиёжи учун жуда зарур бўлган буюмлар.
- Б. Мамлакатнинг табиий иқлими ва географик жойлашуви
- В.Айирбошлаш муносабатларининг ривожланиши**
- Г.Узоқроқ муддат давомида сақлаш имкониятининг мавжудлиги

18.Пулнинг натурал кўринишидан металл танга шаклига ўтишига таъсир қилган омил қандай жавобда нотўғри келтирилган?

- А.Кишилар металларга турли шаклда ишлов беришни кашф этилиши
- Б.Давлатчиликнинг пайдо бўлиши
- В.Натурал пуллар ўзининг қийматини йўқотганлиги
- Г.Натурал шаклдаги пулларни сақлаш ва олиб юришнинг қийинлиги

19. “Эмиссия қилиш” ва “муомалага пул чиқариш” терменлари маъноси жиҳатидан бир – биридан фарқи мавжудми?

- А.Деярли фарқ мавжуд эмас
- Б. Тубдан фарқ қилади**
- В.Қисман фарқ қилади
- Г. Қўлланилишида фарқ мавжуд

20. Пластик карталарнинг қулайлиги қандай жавобда нотўғри берилган?

- А. Олиб юришда ва фойдаланишда қулай
- Б. Йўқотиб қўйсангиз ҳам пулингиз сақланиб қолади
- В. Банкларнинг харажат қиладиган маблағлари тежалади
- Г. Истаган миқдорда ва пайтда нақдлаштириш мумкин**

3 – БОБ

ПУЛ АЙЛАНМАСИ ВА ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

3.1. Пул айланмасининг моҳияти

Нақд пул ва нақд пулсиз шаклида ҳисоб – китобларни амалга ошириш пул айланмасини ташкил этади.

Нақд пул айланмаси – бу қоғоз пуллар ва танга пуллар воситасида амалга оширилиб, нақд пуллар ҳаракати жараёнида намоён бўлади. Нақд пул айланмаси асосан жисмоний шахслар ва юридик шахслар ўртасида вужудга келадиган айирбошлаш муносабатларини амалга оширишга хизмат қилади.

Нақд пулсиз айланмалар – бу кредит муассасаларида очилган ҳисобрақамлар ёрдамида пулларни ҳисобдан ҳисобга кўчириш орқали амалга оширилади.

Пул доимий равишда “ҳаракатда” бўлади, бу ҳаракат давомида жуда кўплаб товар ва хизматларни сотиш ва сотиб олиш жараёнида бевосита иштирок этиб, сотувчи ва сотиб олувчиларга хизмат қилади. Хусусан, пул ўз ҳаракати жараёнида бозордаги талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда товарлар ва хизматлар баҳосини белгилайди, бу пулнинг қиймат ўлчови, муомала воситаси ва тўлов воситаси функциялари орқали амалга оширилади.

Пул вақтинчалик ҳисоб – китоблар ва айланмаларда иштирок этмаган вақтда жамғарма воситаси функциясини бажариш орқали, ўзининг соҳибига қўшимча даромад келтирди ва реал иқтисодиётда муҳим рол ўйнайди.

Пул айланмаси таркибида нақд ёки нақдсиз ҳисоб – китоблар билан амалга оширилаётган тўловлар ҳажмининг юқори ёки пастлигига пулнинг барқарорлиги, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ва бошқа қатор омиллар таъсир қилади.


Пулнинг айланмаси моҳиятини янаям чуқурроқ аниқлаш учун унинг объекти ва субъектларига эътибор бериш мақсадга мувофиқ. Пул айланмаси субъектлари сифатида давлат ва давлат муассасалари, Марказий банк, кредит ва молия муассасалари, мамлакат резиденти ва норезидентлари, корхона ва ташкилотларни келтириш мумкин. Унинг объекти эса товар ва товарсиз операциялар жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар, яъни айланмалар ҳисобланади.

Пул айланмаси субъектлари ўртасида амалга ошириладиган иқтисодий муносабатлар нақд ва нақд пулсиз кўринишида амалга оширилади. Хорижий мамлакатлар иқтисодий адабиётларида пул айланмаси деярли ўрганилмайди. Бунинг асосий сабабларидан бири, балки мазкур мамлакатлар банк муассасаларида ҳисоб – китобларни амалга оширишда пул айланмаси нақд ва нақд пулсиз кўриниши шакллари ўртасида фарқ мавжуд эмаслиги бўлиши мумкин. Ҳақиқатда ҳам ривожланган ва айрим ривожланаётган мамлакатлар банкларида нақд ва нақдсиз пул ҳисоб – китобларни амалга ошириш ўртасида фарқ мавжуд эмас.

Шу билан бирга, МДҲ мамлакатлари иқтисодий адабиётларининг деярли барчасида “пул айланмаси” ва “тўлов айланмаси” алоҳида – алоҳида ўрганилади. Уларни бир – биридан фарқлашда асосий эътибор ҳисоб – китобларни амалга оширишда нақд пулни иштирок этиши ёки этмаслигига қаратилади. Пул айланмасида бевосита нақд пуллар тўловларни амалга оширишда иштирок этади. Кейинги йилларда ҳисоб – китобларни амалга оширишда пластик карточкалар, ҳисоб – китоб чекларни жорий этилиши пул айланмаси таркибида нақд пулли ҳисоб – китоблар улушининг сезиларли даражада пасайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Хусусан, АҚШ, Ғарбий Европа мамлакатлари ва Японияда пул айланмаларининг улуши 1 – 1,5 фоизни ташкил этади.

Қуйидаги расмда пул айланмасининг таркибий тузилиши ва унинг ўзаро боғлиқлигини тавсифловчи ҳолатлар келтирилган.

Пул айланмаси таркиби



Чизмадан кўриниб турганидек, пул айланмасини тўртта йўналишга ажратиш мумкин.

Биринчи йўналиш, пул маблағлари шаклига кўра, нақд пулли айланмаси ва нақдсиз пул айланмасидан ташкил топган.

Иккинчи йўналиш, пул айланмасида иштирок этаётган субъектлар жойлашувига кўра, бир шаҳар ичидаги ва шаҳарлараро пул айланмасидан иборат.

Учинчи йўналиш, пул функцияларининг намоён бўлишига қараб муомала воситаси ва тўлов воситаларини ўз ичига олади.

Тўртинчи йўналиш, товар – пул муносабатларининг акс этишига кўра, товарли пул обороти ва товарсиз пул оборотлари кўринишида намоён бўлади.

Пул айланмаси таркибида нақд пулли ёки нақд пулсиз ҳисоб – китоблар ҳажмининг паст ёки юқори эканлиги қатор омиллар билан изоҳланади. Хусусан, улар қуйидагилардан иборат:

- мамлакатнинг ижтимоий – иқтисодий ривожланиш ҳолати, аҳолининг маънавий, иқтисодий ва ҳуқуқий онги;
- миллий иқтисодиётни бошқариш тартиби ва ривожланганлик даражаси;
- мамлакат банк тизимининг ривожланганлик даражаси ва унга аҳоли ишончининг мустҳкамлиги;
- реал секторнинг ривожланганлиги ва иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги;
- Марказий банкнинг пул – кредит сиёсатини амалга ошириш бўйича мустақиллигининг таъминланганлик даражаси.

Нақд пул ва нақд пулсиз ҳисоб – китоблари ўртасида жуда яқин боғлиқлик мавжуд бўлиб, нақд пуллар нақдсиз пул кўринишига, нақдсиз пуллар нақд пул кўринишига ўтиш орқали улар доимий равишда бир – бирини тўлдириб туради. Масалан, корхона ва ташкилотларнинг банкдаги нақдсиз пуллари ишчи ходимларга нақд пул ва унга тенглаштирилган маблағлар кўринишида берилади. Аҳолининг қўлидаги нақд пуллар эса банкларга омонат сифатида қўйилганда банклар учун кредит ресурси сифатида нақдсиз пул кўринишида майдонга чиқади. Шу тариқа нақд пул ва нақд пулсиз айланмалар бир – бирига чамбарчас алоқадорликда амал қилади.

3.2. Нақд пул айланмасини ташкил этиш

Аввалги бўлимларда таъкидлаганимиздек, пул айланмаси нақд пулсиз ва нақд пулли ҳисоб – китоблардан ташкил топади. Нақд пулли ҳисоб – китоблар бевосита нақд пуллар билан амалга оширилади. Иқтисодиётда пул айланмаси таркибида нақд пулли ҳисоб – китобларнинг улуши сезиларсиз даражада бўлиб, тахминан 5 – 12 фоиз атрофида тебраниб туради. Мамлакат пул обороти таркибида нақд пулли ҳисоб – китоблар улушининг пастлиги ёки ортиб бориши иқтисодиётда ишлаб чиқариш даражаси, молия – кредит

тизими ва миллий валютанинг барқарорлиги ҳамда бошқа қатор омиллар билан изоҳланади.

Ўзбекистонда пул муомаласини ташкил этиш ва нақд пулли ҳисоб – китобларни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 20 августдаги 18/1 – сонли қарори билан тасдиқланган, Адлия вазирлигида 2005 йил 10 октябрда 1518 – сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисида»ги (аввалги 6 – сонли) йўриқномаси асосида амалга оширилади.

Марказий банк пул муомаласини тартибга солишда ва нақд пулли ҳисоб – китобларни ташкил этишда қуйидаги ишларни бажаради:

Нақд пул айланмасини хомчўт (прогноз) қилади;

Пул муомаласини ташкил этади ва тартибга солади;

Нақд пулларни тижорат банкларига жўнатиш, қабул қилиш, сақлаш ва самарали фойдаланиш устидан назоратни ташкил этади.

Нақд пул айланмасини хомчўт (прогноз) қилиш тартиби.

Нақд пул айланмасини хомчўт қилиш тижорат банкларининг айланма кассаларини хомчўтини тузиш йўли билан амалга оширилади.

Марказий банк Ҳисоб – китоб касса марказлари (ХККМ) ва тижорат банкларининг тегишли ҳудудлар бўйича айланма кассаларни хомчўтини амалга оширади ва пул муомаласи ҳолатини таҳлил қилиб боради.

Банкларнинг касса айланмалари хомчўти маълум даврлар учун нақд пулларнинг тушуми ва чиқими асосида тузилади. Банклар касса айланмалари хомчўтини тузиш учун ўзлари хизмат кўрсатадиган юридик шахслардан уларнинг депозит ҳисобварағи бўйича ҳар чоракнинг бошланишидан 30 кун олдин буюртманомаларини оладилар.

Банк бўлими хизмат кўрсатадиган юридик шахсларнинг асосий депозит ҳисобварағи бўйича айланма касса хомчўти асосида банкда нақд пулларнинг тушум манбалари ва чиқим моддаларининг йиғма қайдномасини тузади.

Таъкидлаш лозимки, банклар томонидан тузилган айланма касса хомчўти амалиётда доимо ҳам бажарилавермайди. Ушбу ҳолат объектив ва субъектив сабаблар билан изоҳланади. Албатта, бу ижобий ҳолат сифатида баҳоланмайди. Чунки, банклар ўз мажбуриятларини тўлиқ равишда бажармаслиги аҳоли ва мижозларнинг уларга бўлган ишончини пасайишига сабаб бўлади.

Банклар юридик шахслардан олган чораклик айланма касса хомчўтини ойма – ой тақсимлаб чиқадилар. Бунда қуйидагилар ҳисобга олинади:

- ҳар бир ойнинг иш кунлари сони ва бошқа хусусиятлари;
- чакана товар айланмаси, иш ҳақи фондлари ҳажмининг ойлар бўйича ўзгариб туриши мумкинлиги;
- аҳолининг солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатлари.

Тижорат банклари айланма касса хомчўтини янги чорак бошланишидан 15 кун олдин Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармаларига тақдим этади, улар эса Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар бўйича умумлаштирилган айланма касса хомчўтларини чорак бошланишидан камида 5 кун олдин Республика Марказий банкига тақдим этадилар. Тижорат банклари ва Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари касса айланмалари хомчўти билан биргаликда тушунтириш хатларини ҳам қўшиб жўнатишлари лозим.

Тушунтириш хати қисқа бўлиши керак, унда касса айланмаларининг тўлиқ асосланган хомчўти ҳамда ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан ўзгаришларга тушунтиришлар берилади.

Пул муомаласини ташкил этиши ва тартибга солиши. Марказий банк пул муомаласини тартибга солишда пул – кредит сиёсатининг бевосита ва билвосита инструментлардан фойдаланади. Марказий банк пул муомаласини тартибга солишда тижорат банклари ва Марказий банкнинг Ҳудудий бош бошқармалари (МБ ҲББ) билан ўзаро ҳамкорликда фаолият юритади.

Пул муомаласини ташкил этиш ва тартибга солишда тижорат банклари қўйидаги ишларни амалга оширади:

жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилишга, жисмоний шахслар пул даромадларининг нақд пулсиз тартибда омонатларга ўтказилишини кенгайтиришга, товар ва хизматлар учун нақд пулсиз ҳисоб – китобларни, шу жумладан банк карталаридан фойдаланган ҳолда ривожлантиришга қаратилган чоралар кўрадилар;

юрidik шахслар билан келишган ҳолда уларнинг кассаларидаги нақд пул қолдиғи лимитлари, пул тушумларини банкка топшириш тартиби ва муддатларини белгилайдилар;

нақд пул маблағларининг ҳар куни келиб тушиши устидан доимий мониторингни амалга оширадилар;

ҳақиқатда тушган тушумлар ва берилган нақд пулларнинг касса айланмаларининг хомчўт ҳисоб – китобларидан фарқ қилиш сабабларини таҳлил қиладилар ҳамда нақд пул тушумларининг кўпайишини таъминлаш чораларини кўрадилар;

Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармаси (МБ ҲББ) зиммасига пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги тижорат банкларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва унинг мониторинги юклатилади. МБ ҲББлари хусусан қўйидаги ишларни амалга оширади:

пул муомаласининг ҳолатини ўрганади, банкларнинг касса айланмаларини таҳлил қилади, пул муомаласининг ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичларни жамлайди ва тартибга соладилар;

пул муомаласини мустаҳкамлашга қаратилган таклифларни тайёрлаб, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг жойлардаги давлат бошқарув органлари муҳокамасига қўядилар;

нақд пулга бўлган талабни узлуксиз таъминлашни назарда тутиб, минтақалар ва тижорат банклари филиаллари ўртасида нақд пул маблағларини тезкор қайта тақсимлашни амалга оширадилар;

тижорат банклари билан биргаликда нақд пул захиралари ҳажмининг энг кам миқдорини тасдиқлайдилар;

банкларнинг пул муомаласига доир ишларини таҳлил қилади ва ўрганадилар.

Хўжалик юритувчи субъектлар "Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидалари"га (1998 йил 17 декабрда 565 – сон билан рўйхатга олинган) мувофиқ ўз кассаларида нақд пул қолдиқлари бўйича белгиланган лимитлар доирасида нақд пулга эга бўлишлари мумкин.

Юридик шахслар кассадаги белгиланган нақд пул қолдиғининг лимитдан ортиқча қисмини банк билан келишилган тартибда ва муддатларда ҳисобвараққа киритиб қўйиш учун банкка топширишлари шарт.

Кассадаги нақд пул қолдиғи лимитларини, тушумни топшириш тартиби ва муддатларини белгилаш учун банклар йилнинг биринчи чорагида савдо ташкилотлари ва бошқа юридик шахслардан буюртманома – ҳисоб – китоб оладилар.

Кассадаги нақд пуллар қолдиғи лимити ҳар йили кассага эга бўлган ва нақд пулли ҳисоб – китобларни амалга оширувчи барча юридик шахсларга белгиланади.

Юридик шахснинг турли банкларда бир нечта ҳисобварақлари мавжуд бўлган тақдирда у ўз ихтиёрига қўра хизмат кўрсатувчи банкларнинг бирига кассадаги нақд пул лимитини белгилаш учун ҳисоб – китоб билан мурожаат этади. Банкларнинг бирида касса қолдиғи лимити белгилангандан сўнг юридик шахс белгиланган касса қолдиғи лимити тўғрисидаги хабарномани унга тегишли ҳисобварақлар очилган бошқа банкларга жўнатади.

Кассадаги нақд пуллар лимитини белгилаш учун буюртманома – ҳисоб – китобни хизмат кўрсатувчи банкларнинг бирортасига тақдим этмаган юридик шахслар бўйича касса қолдиғи лимити нолга тенг деб ҳисобланади, юридик шахс томонидан банкка топширилмаган нақд пул маблағлари эса лимитдан ортиқча деб ҳисобланади.

Кассадаги нақд пуллар қолдиғининг қуйидаги лимитлари белгиланади:

доимий нақд пул тушумига эга ва уни иш кунининг охирида банкка топшириши лозим бўлган юридик шахслар учун – кейинги иш куни эртасига нормал иш фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган миқдорда;

кейинги кунда топшириши шарт бўлган юридик шахслар учун – ўртача кунлик нақд пул тушумидан ортиқ бўлмаган миқдорда;

тушумни ҳар куни топширмаслик ҳуқуқига эга бўлган юридик шахслар учун – тушум суммаси ва уни топшириш бўйича белгиланган муддатга боғлиқ бўлган миқдорда;

доимий нақд пул тушумига эга бўлмаган юридик шахслар учун – ўртача кунлик нақд пул харажати миқдорида (меҳнат ҳақи тўловлари, вақтинчалик ишга лаёқатсизлик бўйича нафақа, мукофот ва стипендия харажатларидан ташқари).

Юридик шахслар ўз кассаларида нақд пуллари белгиланган лимитлардан ортиқча миқдорда фақат меҳнатга ҳақ тўлаш, ижтимоий суғурта бўйича нафақалар, пенсия ва стипендиялар бериш учун, банкдан олинган кунни қўшиб ҳисоблаган ҳолда, 3 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддат мобайнида (банклардан узоқ масофада жойлашган юридик шахслар эса 5 иш кунигача) сақлаш ҳуқуқига эга. Бу муддат тугагач, кўзланган мақсад учун ишлатилмаган пуллар банкка қайтарилади ва кейинчалик юридик шахсларга уларнинг биринчи талаби биланоқ ўша мақсадларга ишлатиш учун берилади.

Пулнинг айланишини тезлаштириш ва банк кассаларига тушумларнинг ўз вақтида тушиши заруратидан келиб чиққан ҳолда, банклар томонидан ҳар бир юридик шахсга уларнинг раҳбарлари билан келишилган тарзда тушум топшириш вақти ва тартиби белгиланади.

Кассадаги нақд пул қолдиқларининг белгиланган лимитлари, тушумни топшириш тартиби ва муддатлари банклар томонидан ҳар бир юридик шахсга ёзма равишда маълум қилинади.

Банклар юридик шахсларнинг пул тушумларини ўз вақтида ва тўлиқ топширишлари бўйича мониторинг олиб борадилар.

Нақд пулларни тижорат банкларига жўнатиш, қабул қилиш, сақлаш ва самарали фойдаланиш устидан назоратни ташкил этади.

Марказий банк тижорат банкларини нақд пулга бўлган талабини кондириш мақсадида касса буюртмаларига асосан уларга нақд пулларни жўнатади, улар ўртасида нақд пулларнинг тақсимланиши ва мақсадли фойдаланиши устидан умумий мониторингни ташкил этади.

Марказий банк тижорат банкларининг айланма кассасига нақд пулларни сақлашнинг максимал миқдорини ўрнатади. Унга тижорат банкларининг айланма кассасидаги нақд пуллар 10101 – «Айланма кассадаги нақд пуллар» ҳисобварағида ҳисобга олиб борилади. Ўрнатилган касса лимитидан ортган нақд пуллар тегишли 10102 – «Захирадаги нақд пуллар» ҳисобварағига кирим қилинади ва Марказий банкнинг тегишли рухсати билан ишлатилади. Марказий банк ушбу ҳисобварақдаги касса лимитидан ортиқча маблағларни ишлатиш бўйича тижорат банкига:

- тижорат банкига фойдаланишга рухсат бериши ҳақида;
- бошқа тижорат банкига жўнатиш ҳақида;
- Марказий банкнинг Ҳисоб – касса марказининг захира фондига топшириш ҳақида бўлиши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда тижорат банкларининг айланма кассасидаги нақд пулларни ва касса лимитидан ортиқча маблағларни ишлатиш ва назорат қилиш ишлари Марказий банкнинг Худудий бош бошқармалари орқали амалга оширилади.

3.2.1. Нақд пулларни қабул қилиш тартиби

Юридик шахслардан нақд пулларни банк кассасига қабул қилиш инкассация хизмат ёки истисно тарзида уларнинг ўзлари томонидан банкка олиб келиб топшириш орқали амалга оширилади.

Тижорат банклари қуйидаги ҳолларда юридик ва жисмоний шахслардан нақд пулларни қабул қилиши мумкин:

Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидан тушган тушумлар;
Солиқлар, йиғимлар, бож ва бошқа мажбурий тўловлардан тушган тушумлар;

Омонатларга топширилган тушумлар;

Почта ўтказмалари учун тушган тушумлар;

Банк карталарига тушган тушумлар;


Бошқа мақсадлардан тушган тушумлар.

Тижорат банклари кассасига қабул қилинган нақд пуллар банкнинг айланма кассасига кирим қилинади. Нақд пулларни инкассация қилиш мижоз, банк ва инкассация хизмати ўртасида тузилган шартнома асосида амалга оширилади.

Мижозлар истисно тарзида савдо ва бошқа нақд пул тушумларини банкка топширганда эълоннома расмийлаштирилади. Эълоннома учта қисмдан иборат бўлиб, эълоннома, квитанция ва ордердан иборат бўлади.

Қуйидаги чизмада мижозлар томонидан нақд пулларни банкларга топшириш тартиби келтирилган.

**Мижоз ўзи пул тушумларини банкка топширганда
хужжатларнинг айланиш тартиби.**



Мижоз нақд пулни эълоннома билан биргаликда кирим кассага топширади (1), банкнинг масъул кассири пулларни қабул қилади ва тегишли

хужжатларни расмийлаштириб (2), квитанцияни пул топширувчига қайтаради (3), эълонномадаги ордерни эса бухгалтерия бўлимига тақдим этади (4), бухгалтерия бўлими тегишли бухгалтерия ёзувини бергандан сўнг (5) миждани нақд пул топширганлиги ҳақида қайд этилган ҳисобварағидан кўчирмани беради (6).

3.2.2.Нақд пулларни бериш тартиби

Юридик ва жисмоний шахсларнинг эҳтиёжлари учун зарур бўлган нақд пуллар тижорат банклари томонидан берилади. Тижорат банклари асосан қуйидаги ҳолларда юридик ва жисмоний шахсларга нақд пулларни бериши мумкин:

Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган мақсадларга;

Пенсия, нафақа ва суғурта тўловларига;

Омонатларни қайтаришга;

Почта алоқаси корхоналарига мадад пуллар;

Банк карталарига;


Бошқа мақсадларга.

Тижорат банкларида нақд пулларни бериш чиқим кассаси орқали амалга оширилади. Қуйида тижорат банклари чиқим кассасидан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган мақсадлар учун бериладиган нақд пулларни бериш тартиби келтирилган.

Мижоз – юридик шахс банкдан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган мақсадларга нақд пул олиш учун банкка нақд пул чекини топширади (1), банкнинг масъул бухгалтери нақд пул чекини тегишли назоратдан ўтказгандан сўнг унинг милки (ремарка)ни миждозга (2), чекни эса банк ички назоратчисига тақдим этади (3), ички назоратчи нақд пул чекини қўшимча назорат қилгандан кейин уни чиқим кассага йўналтиради (4), чиқим касса кассири тегишли назоратдан сўнг чекнинг номери бўйича миждоздан милкни талаб этади (5) ва чекда ёзилган нақд пул суммасини миждозга беради (6),

бухгалтерия ёзувини бериш учун касса чиқим журналини бухгалтерияга жўнатади (7), нақд пул чеки эса айланма кассанинг кунлик ҳужжатлар жилдига тикилади.

Банк кассасидан нақд пуллари беришда ҳужжатларнинг айланиш тартиби



Иқтисодиётда нақд пулли ҳисоб – китоблар ҳажмини имконият даражасида пасайтириш асосида нақд пулсиз ҳисоб – китоблар билан амалга ошириладиган тўловлар ҳажмини ошириш лозим. Бунинг учун банкдан ташқари нақд пул айланамалар ҳажмини зарур даражада бўлишига эришиш зарур. Банкдан ташқари айланмаларнинг ҳажмини қисқартириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш керак:

а). Банкларнинг ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаришига эришиш лозим. Бунда асосий эътибор мижозларнинг ҳисобварақларидаги маблағларни улар истаган пайтда ва миқдорда тегишли манзилга ўтказиб бериши, нақд пул ва кредитга бўлган талабини тўлиқ қондириш лозим.

б). Аҳоли ва мижозларнинг банкларга бўлган ишончини тўлиқ қозониши лозим. Ишончининг пасайиши қуйидагилар билан изоҳланади:

–банкларнинг ўз вақтида мижозларнинг олдидаги мажбуриятларини бажармаслиги;

–аҳоли ва мижозларнинг кредитга, айниқса, нақд пулга бўлган талабининг тўлиқ ва ўз вақтида қондирилмаслиги;

–мижозларнинг пул ўтказмаларини исталган пайтда ва миқдорда тегишли манзилга ўтказилмаслиги;

–банкда омонатларни сақлашнинг иқтисодий манфаатдорлигини пасайиб кетиши ва бошқалар.

3.3. Нақд пулсиз ҳисоб – китобларнинг тамойиллари

Бозор иқтисодиёти шароитида юридик ва жисмоний шахслар ўртасида ҳар куни бир неча юз минглаб нақд пулли ва нақд пулсиз операциялар амалга оширилади. Ушбу операцияларнинг 85 – 90 фоизи, айрим ривожланган мамлакатларда 98 – 99 фоизи нақд пулсиз кўринишида амалга оширилади.

Ўзбекистонда нақд пулсиз ҳисоб – китоблар тижорат банкларининг ички ва ташқи вакиллик ҳисобварақлари орқали, электрон тўлов тизими ёрдамида, мижозларнинг ҳисобварақларида бухгалтерия ёзувлари кўринишида амалга оширилади. Мамлакатимиз банк тизимида 1997 йил март ойида жорий этилган электрон тўлов тизими банклараро амалга оширилаётган тўловларни жуда қисқа дақиқалар ичида амалга ошириш имкониятини беради. Бу давлат идоралари ва корхоналари, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги тўловларни нақд пулсиз кўринишида амалга оширишга жуда кенг қулайликлар яратилганлигидан далолат беради.

Нақд пулсиз ҳисоб – китобларни амалга оширишда қатор тамойиллар бажарилиши лозим. Уларнинг асосийлари сифатида қуйидагиларни келтириш мақсадга мувофиқ:

– нақд пулсиз ҳисоб – китоблар жараёнида иштирок этаётган ҳар иккала томоннинг ҳам банкда тегишли ҳисобварақлари мавжуд бўлиши лозим;

– мижознинг ҳисобварағидан маблағларни бошқа манзилга ўтказиш ва қилиш Марказий банк томонидан қабъий белгиланган тўлов ҳужжатлари асосида ҳамда улардаги реквизитларни тўлиқ тўлдирилган ҳолда амалга оширилади;

– банк миџознинг пул маблағларини ўтказиш ҳақидаги топшириғини унинг ҳисобварағида маблағ бўлгандагина қабул қилади. Миџознинг ҳисобварағида маблағ бўлмаган ҳолатда унинг ҳисобварағидан ундириш тўғрисида инкассо топшириқномаси (ўз вақтида тўланмаган солиқлар ва Давлат бюджетига ўтказиладиган солиқдан ташқари тўловлар (пеня, жарималар)ни ундириб олишда солиқ идоралари томонидан, бюджетдан ташқари фондлар – ўз вақтида тўланмаган тўловларни ундириб олишда, агарда бу қонуний ҳужжатларда кўзда тутилган ҳолатларда), тўлов талабномалар картотека 2 га кириш қилинади ва белгиланган тартибда тўловлар амалга оширилади;

– банк нақд пулсиз ҳисоб – китобларни фақат маблағ эгасининг топшириғи асосида белгиланган мақсадлар учун ўтказди, ҳисобварақ эгасининг ҳисобида маблағлар етарли бўлмаган ҳолатлар бундан мустасно;

– маблағлар тўловчининг ҳисобварағидан ўчирилгандан сўнг маблағ олувчининг ҳисобварағига кириш қилинади;

– тўловларни амалга ошириш Марказий банк томонидан белгиланган нақд пулсиз ҳисоб – китобларнинг шакллари қўллаган ҳолда, тегишли тўлов ҳужжатлари орқали амалга оширилади.

Нақд пулсиз ҳисоб – китобларнинг шакли ва тўловларни амалга оширишнинг тартиби товар сотувчи ва хизматлар кўрсатувчи ташкилот ҳамда уни сотиб олувчи ўртасида тузиладиган шартномада аниқ ва батафсил белгилаб қўйилади.

Банкда маблағларни кириш қилиш ёки ҳисобдан чиқариш учун асос бўладиган ҳужжатларнинг электрон нусхалари миџознинг ҳисобварағи хизмат кўрсатадиган бухгалтерия ходими томонидан имзоланади ҳамда тўлашга қабул қилиш ва тўлаш саналари кўрсатилган ҳолда ўзига бириктирилган штамп билан тасдиқланади.

Юқорида қайд этганимиздек, мамлакатимиз пул айланмаси таркибида нақд – пулсиз ҳисоб – китобларнинг улуши айрим мамлакатларга нисбатан юқорироқ миқдорни ташкил этади.

Пул айланмаси таркибида нақд пулсиз ҳисоб – китоблар ҳажмини оширишга қатор омиллар таъсир қилади. Хусусан:

1.Юридик ва жисмоний шахсларнинг банкларга бўлган ишончининг юқорилиги. Агар юридик ва жисмоний шахслар банкларга нисбатан ишончи юқори даражада бўлмаса, банкларга нақд пуллари топширишга бўлган мойиллиги пасаяди, ҳисоб – китобларни нақд пулларда амалга оширишга интилади.

2.Иқтисодиётда монетизация коэффиценти даражасининг тегишли меъёри таъминланган бўлиши лозим. Иқтисодиётнинг етарли даражада пул билан таъминланганлик даражаси монетизация коэффиценти асосида аниқланади. Монетизация коэффиценти мамлакат ялпи ички маҳсулотига нисбатан аниқланиб, халқаро молиявий ташкилотлар ва экспертларнинг фикрларига кўра унинг миқдори, ўтиш иқтисодиёти шароитидаги мамлакатларда камида 60 фоиздан иборат бўлиши лозим. Агар мамлакатда монетизация коэффиценти ушбу миқдордан паст бўлса иқтисодиётда пул тақчиллиги, тижорат банкларида ликвид маблағлар ва ресурсларнинг етишмаслиги, кредитлар ва омонатлар бўйича фоиз ставкаларининг юқорилиги кузатилади. Буларнинг барчаси нақд пулсиз ҳисоб – китоблар ҳажмига салбий таъсир кўрсатади;

3.Тижорат банкларининг ресурсларга бўлган эҳтиёжсининг етарли равишида қондирилмаслиги. Маълумки, тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган пуллар ўзининг бошланғич нуқтасига қайтиб келмаслиги банкларнинг ресурс базасига салбий таъсир кўрсатади. Бунинг оқибатида тижорат банкларининг реал секторни кредитлаш учун йўналтираётган ресурсларнинг тақчиллиги, омонатларга тўланадиган тўловлар миқдорининг ошиб кетиши, бу эса ўз навбатида нақд пулсиз ҳисоб – китоблар ҳажмини пасайишига олиб келади.

3.4. Накд пулсиз ҳисоб – китоб шакллари

Ўзбекистонда нақд пулсиз ҳисоб – китоблар Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг 2002 йил 12 январдаги 1/4 – сонли қарори билан тасдиқланган, Адлия вазирлигида 2002 йил 15 апрелда 1122 – сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб – китоблар тўғрисида» ги 60 – сонли Низомга асосан ташкил этилади.

Ўзбекистонда нақд пулсиз ҳисоб – китоблар шакллари жорий этиш, умумий талаб ва қоидаларини белгилаш ҳамда назорат қилиш Марказий банк томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон тижорат банклари, тегишли қонуний ва меъёрий ҳужжатлар асосида мулкчилик шаклидан қатъий назар хўжалик юритувчи субъектларга қуйидаги нақд пулсиз ҳисоб – китоблар шакллари амалиётга жорий этади:

Тўлов топшириқномалар;

Тўлов талабномалар;

Аккредитивга ариза;

Инкассо топшириқномаси;

Ҳисоб чеклари билан ҳисоб – китоблар.

Ўзбекистонда бозор муносабатларининг таборо чуқурлашиб бориши тижорат банклари хизматларининг турларини ошиб боришига туртки бўлмоқда. Мана шундай хизматлардан бири нақд пулсиз ҳисоб – китобларни пластик карточкалар орқали амалга ошириш бўлиб, ҳозирги пайтда ҳисоб – китобларнинг ушбу шакли асосан аҳоли ва хўжалик субъектлари ўртасида қўлланилмоқда. Таъкидлаш лозимки, пластик карточкалар билан ҳисоб – китобларни амалга ошириш жуда қулай ва осон бўлиб, келгусида аҳоли томонидан тўловларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этиши кутилмоқда.

Юқорида қайд этилган нақд пулсиз ҳисоб – китобларни амалга оширишда қуйидаги пул – ҳисоб – китоб ҳужжатларидан фойдаланади:

– тўлов топшириқномаси, ушбу ҳужжат асосида мижоз сотиб олган товарлар ёки хизматлар учун ўз ҳисобварағидан маблағни тўлаш ҳақидаги топшириғини ўзига хизмат кўрсатадиган банкка беради;

– тўлов талабномаси, ушбу ҳужжат асосида мижоз жўнатган мол ёки кўрсатган хизматлар учун тўловни мол сотиб олувчидан ундириб бериш ҳақида ўзига хизмат кўрсатадиган банкка тақдим этади;

– инкассо топшириқномаси, ушбу ҳужжат асосида Марказий банк томонидан белгилаб қўйилган ташкилотлар тўловчининг ҳисобварағидаги маблағни унинг розилигини олмасдан тегишли манзилга ўтказиб бериш ҳақида банкка топшириқ беради, агар тўловчининг ҳисобварағида маблағ етарли ёки мавжуд бўлмаса инкассо топшириқномаси картотека 2 да ҳисобга олиб борилади;

– аккредитивга ариза, мижоз сотиб оладиган товарлар ва хизматлар учун тўланадиган маблағларни депонентлаш ҳақида ўз банкига тақдим этадиган ҳужжат ҳисобланади;

– ҳисоб – китоб чеки, асосан жисмоний шахслар ва савдо ташкилотлари ўртасида қўлланиладиган ҳужжат бўлиб, учинчи шахс, асосан савдо ташкилотлари чекдаги маблағни талаб қилиб ўз банкига тақдим этади;

– мемориал ордер, ушбу ҳужжат банкнинг ички операцияларини бажаришда, шунингдек, шартномада кўрсатилган ҳолларда мижозларнинг ҳисобварақларидан маблағларни кўчиришда банк томонидан қўлланилади.

3.4.1. Тўлов топшириқномалари билан ҳисоб – китоблар

Нақд пулсиз ҳисоб – китоблар ичида тўлов топшириқномаси энг кўп қўлланиладиган ҳисоб – китоб шаклларида ҳисобланади. Бунга тўлов топшириқномалар билан ҳисоб – китобларни амалга оширишнинг тўловчи, сотиб олувчи ва ҳатто банк учун ҳам қулайлиги ҳисобланади.

Тўлов топшириқномаси – мол сотиб олувчи ташкилотнинг ўз ҳисобрақамидан мол сотувчининг ҳисобрақамига тўловни амалга ошириш

тўғрисида банкка берган топшириғи ҳисобланади. Топшириқномалар орқали сотилган товарлар, бажарилган иш, кўрсатилган хизматлар ва бошқа тўловлар бўйича ҳисоб – китоблар амалга оширилиши мумкин.

Топшириқноманинг санаси уни банкка тақдим этилган сана билан бир хил бўлиши керак, улар мос келмаган ҳолда тўлов топшириқномаси ижро учун қабул қилинмайди (бюджетга ва бюджетдан ташқари фондлар бўйича тўловлар бундан мустасно).

Ҳозирги кунда вилоят, шаҳар ва туман бўлимларига эга бўлган тижорат банклари ягона вакиллик ҳисобварақасига ўтказилган бўлиб, ушбу вакиллик ҳисобварақалари орқали тўловларни амалга оширишда ҳужжатларни расмийлаштириш ва айланиши ўзига хос хусусиятларга эгадир.

Қуйида акциядорлик тижорат Агробанкнинг иккита бўлими ўртасида тўлов топшириқномалар билан ҳисоб – китобларни амалга оширганда ҳужжатларни айланишининг шартли тартиби келтирилган.

*Тўлов топшириқномалар билан ҳисоб – китобларни
амалга ошириш тартиби*



Чизмадан кўриниб турибдики, сотувчи ва сотиб олувчилар ўртасида тўлов топшириқномалари билан ҳисоб – китобларни амалга оширганда ҳужжатлар айланиш тартиби жуда оддий бўлиб, унинг иштирокчиларига қатор қулайлик ва енгилликлар туғдиради.

Тўлов топшириқномалар билан ҳисоб – китобларни амалга оширишда дастлаб сотувчи ва сотиб олувчи ўртасида шартнома тузилиб, унда тўлов шакли ҳам келишилади (1), сотувчи олдиндан умумий тўлов суммасининг 15 фоизини тўлагандан сўнг, товарларни жўнатади ёки хизматларни кўрсатади (2), сотиб олувчи шартномада келишилган суммани мол сотувчининг ҳисобрақамига ўтказиш мақсадида тўлов топшириқномани банкка тақдим этади (3), банкнинг масъул бухгалтер ходими тўлов топшириқномаларни тегишли назоратдан ўтказгандан сўнг маблағни электрон тўлов тизими орқали республика банкига жўнатади (4), республика акциядорлик тижорат Агробанкида электрон тўлов топшириқнома тегишли дастурий назоратдан ўтказилгандан сўнг сотувчининг банкига жўнатилади (5), электрон тўлов топшириқнома Агрбанкнинг Оқтош бўлимида дастурий назоратдан, маблағ сотувчининг ҳисобига кирим қилинади ва бу ҳақда унга хабар қилинади (6).

Тўлов топшириқномалари билан амалга ошириладиган нақд пулсиз ҳисоб – китобларнинг қатор афзалликлари ва айрим камчиликлари мавжуд.

Афзалликлари:

- сотувчи бажариладиган иш ва кўрсатиладиган хизматлар учун олдиндан 15 фоизни олади;
- пул тўловчи ташкилот товар олингандан ва хизматлар кўрастилгандан сўнг тўлов топшириқномасини банкка тақдим этади;
- тўлов ҳужжатларининг, бошқа нақд пулсиз ҳисоб – шакллариغا нисбатан оддийли ва тезлиги;
- товарли ва товарсиз операцияларда қўлланилшининг мумкинлиги.

Камчиликлари:

- сотиб олувчи ҳисобварағида маблағ бўла туриб, ушбу суммани бошқа мақсадларга фойдаланиши натижасида сотувчи тўлов суммасини кечикиб олиши мумкин;
- маблағ олувчи ташкилот жўнатилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун оладиган маблағлар пул тўловчининг ҳисобварағида маблағ

бўлмай ёки етишмай қолганда маблағни олиш жараёни чўзилиб кетади. Бироқ ушбу жараён бошқа тўлов шаклларида ҳам учрайди.

3.4.2. Тўлов талабномалари билан ҳисоб – китоблар

Тўлов талабнома хўжалик субъектлари ўртасида тўловларни амалга оширишда қўлланиладиган нақд пулсиз ҳисоб – китобларнинг шакли ҳисобланади. Ўзбекистон тижорат банклари ўртасида тўлов талабномалар ҳисоб – китобларнинг қўлланилиши жуда кенг тарқалмаган. Бунинг асосий сабабларидан бири тўлов талабномалар билан ҳисоб – китобларда ҳужжатларнинг айланиши жуда кўп вақт олади ва ортиқча сарф харажатлар талаб қилади.

Тўлов талабнома – мол сотувчи томонидан белгиланган суммани банк орқали олиш ҳақидаги талабини ўз ичига олган ҳисоб – китоб ҳужжатидир. *Талабномалар асосан акцептли ва акцептсиз бўлиши мумкин.*

Акцептли тўлов талабномаларда банк аввал тўловчининг маблағни тўлаш ҳақидаги розилигини олади, сўнгра тўловни амалга оширади. Акцептсизда эса аввал тўлов амалга оширилиб, сўнгра мижозга тўлов ҳужжатларини беради.

Тижорат банкларининг ягона вакиллик ҳисобварақларига ўтиши тўлов талабномалар билан амалга ошириладиган ҳисоб – китобларни расмийлаштириш ва ҳужжатларнинг айланиш жараёнларини бир қадар енгиллаштирди.

Акцептли тўлов талабномалар билан ҳисоб – китоблар. Таъкидлаганимиздек, акцептли тўлов талабномалар сотиб олувчининг банкига келиб тушгандан сўнг, банк дастлаб тўловни амалга ошириш юзасидан тўловчининг розилигини олади. Бунинг учун банк томонидан тўловчиларга талабномаларни қуйидагича акцептлаш муддати ўрнатилади:

– бир шаҳар ичида жойлашган мижозлар учун – талабномаларни банкка келиб тушган кунни ҳисобга олмаган ҳолда, уч иш куни;

- бошқа шаҳарларда жойлашган мижозлар учун талабномаларни банкка келиб тушган кунни ҳисобга олмаган ҳолда, беш иш куни;
- тўловчининг асосли илтимосига кўра 10 кунгача.

Акцептлаш тартибида тўланадиган акцептли тўлов талабномалар муддатини кутаётган давр давомида тўловни кутаётган ҳужжатлар картотекаси (1 – картотека)да ҳисобга олиб борилади.

Тўловчи белгиланган муддатда ёзма равишда унга хизмат қилувчи банк бўлимига акцептлашни қисман ёки тўлиқ рад қилиш ҳуқуқига эга (товар – материал қимматликларини жўнатишда, хизматлар кўрсатишда ва бошқа ҳолатларда шартнома шартларига амал қилинмаганда, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларига асосан).

Белгиланган муддатда корхона ёзма равишда акцептлашни рад этмаса, талабнома акцептланган ҳисобланади.

Талабномани акцептлашдан қисман бош тортганда, тўловчи томонидан акцептланган сумма бўйича тўловлар амалга оширилади. Агар тўловчининг ҳисобварағида маблағлар бўлмаганда акцептли тўлов талабномалар 2 – картотекага жойлаштирилади.

Бунда банк тўловчи томонидан акцептлашни қисман рад қилинганлиги тўғрисида маҳсулот етказиб берувчининг (маблағ олувчининг) банкига ёзма равишда хабар беради.

Банк 2 – картотекадаги ҳисоб – китоб ҳужжатлари бўйича тўловларни амалга оширишда тўловчиларга пеня ҳисоблаш ва олувчилар фойдасига ўтказиш ҳуқуқига эга, агар бу банк ва мижоз ўртасида тузилган шартномада келишилган бўлса.

Банк тўловчилардан маблағларни олувчилар фойдасига муддати ўтказиб юборилган тўловлар бўйича ҳар бир кун учун қонунда белгиланган миқдорда пеня ундиради. Агар ушбу ҳолат банк ва мижоз ўртасида ҳисоб – китоб ва банк хизматларини кўрсатиш бўйича шаротномада белгилаб қўйилган бўлса.

Қуйидаги шартли чизмада акциядорлик тижорат Агробанкнинг иккита бўлими мижозларининг акцептли тўлов талабномалар билан ҳисоб – китоблар амалга оширилганда ҳужжатлар айланишини кўриб чиқамиз.

*Акцептли тўлов талабномалар билан ҳисоб –
китобларни амалга ошириш тартиби*



Мол сотувчи ва сотиб олувчи ўртасида товарлар сотиш ва хизматлар кўрсатиш ҳақида шартнома тузилади, ушбу шартномада тўлов шакли ҳам келишилади (1), сотувчи товарларни жўнатагандан ёки хизматларни кўрсатгандан кейин (2) акцептли тўлов талабномани банкка тақдим этади (3), банкнинг масъул бухгалтери тўлов талабномалар белгиланган тартибга жавоб беришини назоратдан ўтказгандан кейин почта орқали сотиб олувчининг банкка жўнатади (4), сотувчининг банки тўлов талабномани акцептлаш учун сотиб олувчига жўнатади (5), сотиб олувчи ёзма равишда тўловни рад этмаса унинг ҳисобидан маблағни сотувчи ҳисобига ўтказиш ҳақидаги электрон тўлов талабномани республика банкка жўнатади (6).

Агробанкнинг Косон бўлими сотувчининг ҳисобварағидан маблағни кўчиргандан сўнг бу ҳақда унга хабар қилади (7), ўз навбатида республика Агробанки электрон тўлов талабнома билан Косон бўлимининг вакиллик ҳисобварағидан маблағни Оқтош бўлимига ўтказиши (8), Агробанкнинг Оқтош бўлими маблағни сотувчининг ҳисобварағига ўтказиши ва бу ҳақда сотувчига тегишли ҳужжатларни тақдим этади (9).

Акцептли тўлов талабномалар билан ҳисоб – китобларни амалга оширганда тўловчининг ҳисобварағида маблағ бўлмаганда тўлов ҳужжатлари банкнинг иккинчи картотекасига кирим қилинади.

Акцептсиз тўлов талабномалар билан ҳисоб – китоблар. Акцептсиз тўлов талабномалар билан ҳисоб – китобларда банк тўловчининг розилигисиз унинг ҳисобварағидаги маблағни олувчининг ҳисобига ўтказиб беради. Тижорат банклари акцептсиз тўлов талабномалар билан ҳисоб – китобларни амалга оширишни айрим субъектларга рухсат беради. Хусусан улар жумласига қуйидаги ташкилотлар киради:

Иссиқлик энергияси учун ҳисоб – китобларда. Бу ҳолда талабнома ва ажратилган электр ва иссиқлик энергияси учун ҳисобварақ – фактура маҳсулот етказиб берувчи томонидан бевосита истеъмолчига хизмат кўрсатувчи банкка тақдим этилади. Тўлов талабномасининг мақсадида иссиқлик энергиясининг ўлчов асбоблари ёки таъриф асосида фойдаланилган миқдори ёзувда кўрсатилган бўлиши лозим;

Қарздор томонидан тан олинган сумма ҳақидаги жавоб хатининг асл нусхаси илова қилинган ҳолда. Талабномага бошқа ҳужжатлар илова қилинганда акцептсиз ҳисобдан чиқаришга қабул қилинмайди;

Қарздор бошқа банкларда очилган иккиламчи ҳисобварақлари бўйича кредитларни вақтида узмаганда банклар томонидан ҳам қўйилади.

Амалиёт (операцион) кун тугагандан кейин келиб тушган акцептсиз талабномаларда "кечки" деган штамп қўйилади ва улар кейинги иш куни тўланади ёки тўловчининг ҳисобрақамида маблағ бўлмаганда 2 – картотекага кирим қилинади.

Тўлов талабномаси билан ҳисоб – китобларнинг амалиётда нисбатан кам қўлланилишининг асосий сабаби, унинг камчиликлари афзалликларига нисбатан кўплигидадир. Жумладан, унинг асосий камчиликлари сифатида қуйидагиларни таъкидлаш мақсадга мувофиқ:

– маблағ олувчи товар жўнатгандан ва хизматларни кўрсатгандан сўнг тўлов талабномасини банкка тақдим этиши натижасида, маблағни тўловчига

товар ва хизматларнинг сифати тўлиқ қониктирмаган ҳолларда тўловдан воз кечиши турли зиддиятли ҳолатларни келтириб чиқаради;

– тўловчининг ҳисобварағида маблағнинг бўлмаслиги ёки етарли миқдорда эмаслиги банкларда дебитор ва кредиторлик қарзларининг ортиб кетишига олиб келади;

– тўлов ҳужжатларининг айланиши ва расмийлаштириш жараёни тўлов топшириқномаларига нисбатан қўшимча вақт ва ортиқча меҳнатни талаб этади.

Афзаллик жиҳатлари шундан иборатки, тўловчининг ҳисобрақамида маблағ бўлмаган ҳолларда ҳам жўнатишган товарлар ва кўрсатилган хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Умуман олганда, тўлов талабномаси билан ҳисоб – китобларни амалга ошириш маблағни олувчи ва берувчи учун ҳамда банк учун ҳам қўшимча вақт ва иш жараёнини талаб этади. Шу боис бўлса керак, ҳисоб – китобларнинг мазкур шакли амалиётда бошқа ҳисоб – китоб шакллариغا нисбатан камроқ қўлланилади.

3.4.3. Аккредитивлар билан ҳисоб – китоблар

Ҳисоб – китобларнинг аккредитив шаклида миждознинг (тўловчининг) топшириғига кўра маблағларни олувчи фойдасига тўловни амалга ошириш учун маблағ маълум муддатга депонентланади.

Аккредитив қопланган ва қопланмаган турларга бўлинади.

Қопланган аккредитивда сотиб олувчи шартномада кўрсатилган маблағни миждознинг банкида очилган 22602 – “Миждозларнинг аккредитивлар буйича депозитлари” ҳисобварағида депонентланади.

Қопланмаган аккредитивда эса сотиб олувчи шартномада кўрсатилган суммани ўзининг ҳисобварағидан алоҳида ҳисобварақга депонентламайди, балки миждознинг банки унинг ҳисобварағида маблағ бўлмаган тақдирда тўлов кафолатини олади.

Қопланган ва қопланмаган аккредитивлар чақириб олинадиган ёки чақириб олинмайдиган бўлиши мумкин. Унинг матнида ушбу белги мавжуд бўлмаган ҳолда, аккредитив чақириб олинадиган ҳисобланади.

Чақириб олинадиган аккредитив банк – эмитент томонидан маблағларни олувчи билан олдиндан хабардор қилмаган ҳолда, ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Аккредитивни чақириб олиш банк – эмитент зиммасига маблағларни олувчи олдида бирон – бир мажбурият юкламайди. Тўловчи чақириб олинадиган аккредитивнинг шартларини ўзгартириш ёки бекор қилиниши тўғрисидаги барча кўрсатмаларни маблағлар олувчига, фақат банк – эмитент орқали бериши мумкин, ушбу банк маблағларни олувчининг банки (ижрочи банк)ни, у эса – маблағ олувчини, хабардор қилади.

Агар ижрочи банк операцияларни бажариш пайтигача аккредитивнинг шартлари ўзгартирилганлиги ёки у бекор қилинганлиги ҳақида билдиришнома олмаган бўлса, у чақириб олинадиган аккредитив бўйича тўловни ёки бошқа операцияларни амалга ошириши мумкин.

Маблағ олувчининг розилигисиз, унинг фойдасига очилган чақириб олинмайдиган аккредитив, ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас.

Ижрочи банк, банк – эмитент билан шартнома асосида чақириб олинмайдиган аккредитивни тасдиқлаши мумкин. Бундай ҳолда, чақириб олинмайдиган аккредитив тасдиқланган аккредитив бўлади.

Тасдиқланган аккредитив бўлганда, ижрочи банк, банк – эмитентнинг аккредитив шартларига мувофиқ, тўловни амалга ошириш мажбуриятлари бўйича ўз зиммасига қўшимча равишда мажбуриятлар олади.

Тасдиқланган аккредитив ижрочи банкнинг розилигисиз ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас.

Аккредитив билан ҳисоб – китобларнинг ижобий жиҳати шундаки, корхона жўнатган товар ва кўрсатган хизматлари учун тўлов қафолатланади. Шу билан бирга айтиш лозимки, аккредитив билан ҳисоб – китобларда мол

сотиб олувчи корхонанинг маблағлари маълум муддатга ўз ихтиёридан чиқиб кетади.

Аккредитивлар билан ҳисоб – китоблар тартибини иккита банк бўлими мисолида қуйидаги чизмада кўриб чиқамиз.

*Қопланган аккредитив билан ҳисоб – китобларда
ҳужжатларнинг айланиш тартиби*



Барча ҳисоб – китобларда бўлгани сингари, дастлаб сотувчи – аккредитив бўйича маблағ олувчи ва сотиб олувчи – аккредитивга ариза берувчи ўртасида шартнома тузилади (1), сотиб олувчи шартномада кўрсатилган суммани сотувчининг ҳисобига депонентлаш учун аккредитивга аризани банкка тақдим этади (2), банк эммитент ўз навбатида аккредитивга аризада кўрсатилган суммани сотувчининг ҳисобига ўтказиш мақсадида электрон аризани бош банкка жўнатади (3), бош банкда Косон бўлими вакиллик ҳисобидаги маблағ Оқтош бўлими вакиллик ҳисобварағига ўтказилади ва бу ҳақда электрон аккредитивга аризани банк бўлимига жўнатади (4), сотувчининг банки шартномада кўрсатилган аккредитив сумма унинг ҳисобига депонентланганини хабар қилади (5), сотувчи ўз навбатида тегишли товарларни сотиб олувчига жўнатади ёки хизматларни кўрсатади (6), сотувчи товарларни жўнатганлиги ёки хизматлар кўрсатганлигини тасдиқловчи

хужжатларни банкка тақдим этади (7), банк ўз навбатида депонентланган сумманинг унинг ҳисобига ўтказди.

Маблағ олувчининг банкида аккредитивнинг амал қилиш муддати тугаганда, аккредитив шартларида кўзда тутилган тартибда маблағ олувчи уни бекор қилиш ҳақидаги ариза берганда, тўлиқ чақириб олинганда аккредитив ёпилади.

Аккредитив билан ҳисоб – китобларни амалга оширишда қатор ижобий ва салбий жиҳатлар мавжуд бўлиб, унинг салбий жиҳатлари асосан маблағ тўловчининг зиммасига тўғри келади. Ушбу салбий ҳолатлар қуйидагилар билан изоҳланади:

- пул тўловчининг ҳисобварағидан маблағни аккредитив ҳисобварағига депонент қилиниши натижасида ушбу маблағнинг оборотдан вақтинчалик чиқиб кетиши (одатда аккредитив суммаси 20 – 30 кунга депонент қилинади);

- тўловчи таъминланмаган аккредитивдан фойдаланган ҳолда ҳам олинган товарлар ва кўрсатилган хизматлар унинг талабига тўлиқ мос келмаган ҳолларда тўловни амалга оширишга рад жавобининг беролмаслиги ёки ушбу жараённинг вақтни олиши ҳамда қўшимча хужжатларни талаб этилиши ортиқча ишларни келтириб чиқаради;

- юқорида аккредитив бўйича хужжатларнинг айланишидан ҳам кўриниб турибдики, ушбу жараён бир мунча мураккаброқ.

Аккредитивлар билан ҳисоб – китобларда мол жўнатувчига қатор қулайлик жиҳатлари мавжуд бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

- аккредитив шартномаси тузилгандан кейин товарларни ишлаб чиқаришга киришиши мумкин. Чунки ушбу товарларни сотиб олувчи тайин ва ундан тегишли иқтисодий фойда келиши кафолатланади;

- жўнатилган товар ёки кўрсатилган хизматлар учун тўлов кафолатланган. Чунки таъминланган аккредитивда пул тўловчи товар ва хизматлар учун тўланадиган маблағни алоҳида ҳисобварағига депонентлаб

қўяди. Таъминланмаган аккредитивда эса товар ва хизматлар учун тўланадиган маблағ пул тўловчининг банки томонидан қафолатланади.

3.4.4. Инкассо топшириқномалар

билан ҳисоб – китоблар

Бизга маълумки, хўжалик юритувчи субъектларнинг банкдаги ҳисобварақларидан маблағларни фақатгина уларнинг топшириғи (тўлов топшириқномаси, аккредитив, ҳисоб – китоб ва пул чеки) ва розилиғи (тўлов талабномаси, кредит бўйича муддатли мажбуриятлар, шартномаларда келишилган бўлса, мемориал ордер) билангина ўтказиш қонунчилик ҳужжатларида белгилаб қўйилган.

Бозор муносабатларида хўжалик субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг кўпқирралиги ва кутилмаганда вужудга келган зиддиятларни ҳал қилишда қўлланиладиган шундай тўлов ҳужжатлари ҳам мавжудки, ушбу тўлов ҳужжати тегишли муассасалар томонидан банкка тақдим этилганда миқдорнинг ҳеч қандай розилигини олмасдан туриб, банк бўлими унинг ҳисобварағидан маблағни ҳужжатда кўрсатилган манзилга ўтказиб бериши лозим. Ушбу тўлов ҳужжати инкассо топшириқномасидир.

Инкассо топшириқномаси – банкка миқдор (тўловчи)нинг ҳисобварағидан сўзсиз тартибда маблағларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги талабини аниқлатади.

Инкассо топшириқномалари банкка қўйидаги ташкилотлар томонидан тақдим қилиниши мумкин:

ўз вақтида тўланмаган солиқлар ва Давлат бюджетига ўтказиладиган солиқдан ташқари тўловлар (пеня, жарималар)ни ундириб олишда солиқ идоралари;

бюджетдан ташқари фондлар – ўз вақтида тўланмаган тўловларни ундириб олишда, агарда бу қонуний ҳужжатларда кўзда тутилган бўлса;

божхона органлари – ўз вақтида тўланмаган божхона тўловларини ундиришда;


суд органлари уларга берилган ижро ҳужжатлари бўйича;

молиялаштиришга ортиқча ўтказилган маблағларни қайтаришда, юқори молия органлари қуйи бюджет ташкилотларга, давлат кафолати остида берилган муддати ўтган кредитларни қайтаришда ва бошқа ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигидан инкассо топшириқномалари қабул қилинади;

қонуний ҳужжатларга асосан бошқа органлар.

Тўловчининг ҳисобварағида маблағ бўлмаганда инкассо топшириқномаси 2 – картотекада тўловини кутаётган ҳужжатлар қаторига жойлаштирилади ва қонунчиликда ўрнатилган тартибда тўланади.

*Инкасса топшириқномалари билан ҳисоб – китобларда
ҳужжатларнинг айланиш тартиби*



Туман Давлат солиқ инспекцияси белгиланган солиқларни ўз вақтида тўламаган хўжалик субъектларига нисбатан инкассо топшириқномаларини банкларга тақдим этади (1), тижорат банклари хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисобварағида маблағлар мавжуд бўлса, инкассо топшириқномасида кўрсатилган суммани сўзсиз равишда республика ёки маҳаллий давлат бюджетига ўткази (2), ва тўловчига бу ҳақда хабар беради (3). Агар маблағ етарли бўлмаса ёки умуман мавжуд бўлмаса тўлов

хужжатлари иккинчи картотекага кирим қилинади, ушбу хужжатлар тўловчининг ҳисобварағида маблағлар пайдо бўлиб, тўловлар амалга оширилгунга қадар ҳисобга олиб борилади.

Инкассо топшириқномалари билан ҳисоб – китобларни амалга оширилмаганлиги иқтисодий жараёнларнинг ижобий ташкил этилганлиги ва хўжалик субъектларининг солиқлар бўйича тўловларни ўз вақтида амалга ошираётганлигидан далолат беради.

3.4.5. Чеклар билан ҳисоб – китоблар

Ҳисоб – китоб чеклари асосан аҳоли ўртасида бўладиган савдо муносабатларида кенг қўлланилиб, Давлат тижорат халқ банки бўлимлари амалиётида кўп учрайди. Шунини таъкидлаш лозимки, ҳисоб – китоб чеклари билан тўловлар нақд пулсиз шаклда амалга оширилиб, уларни нақд пулга айлантириш таъқиқланади.

Тижорат банклари ўртасида чеклар билан ҳисоб – китобларнинг асосан қўлда амалга оширилиши, миқдорнинг ҳисобварағини дебетлаш орқали маблағни ўтказиб бериш лозимлиги, банк бўлимида вакиллик ҳисобварағида маблағлар тақчиллиги пайтида қабул қилинган чеклар бўйича тўловларни ўз вақтида амалга оширилмаслиги, чекларнинг йўлда йўқолиши ва айрим ҳолларда реквизи́тларининг аниқ билинмаслиги ва тўғри расмийлаштирил – маганлиги каби муаммолар мавжуд.


Ҳисоб – китоб чеки бу миқдорнинг хизмат кўрсатувчи банкка чек берувчининг ҳисобварағидан чек қабул қилувчининг ҳисобварағига маълум миқдордаги маблағларни ўтказиб бериш учун банкнинг махсус бланкасида – банкка берган топшириғидир.

Чек бланкалари тижорат банклари буюртмасига кўра тайёрланади. Бунда чек рақами ва серияси, банк – эмитентнинг номи ва фирма белгиси типография усулида ёзилади.

Ҳисоб – китоб чеклари фақат товар ва хизматлар учун ҳўжалик субъектлари ва жисмоний шахслар орасидаги нақд пулсиз ҳисоб – китоблар қилишда қўлланилади.

Ҳисоб – китоб чекининг максимал суммаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўрнатади, минимал суммаси эса тижорат банклари томонидан мустақил равишда белгиланади.

*Чеклар билан ҳисоб – китобларда ҳужжатларнинг
айланиш тартиби*



Жисмоний шахс нақд пул ҳисобига ёки банкдаги омонати ҳисобидан ҳисоб – китоб чеки олиш учун банкга мурожаат этади (1), банк жисмоний шахс топширган нақд пул ёки омонат ҳисобидаги маблағлар эвазига ҳисоб – китоб чекини беради (2), жисмоний шахс ҳисоб – китоб чекини савдо ташкилоти ёки хизмат кўрсатувчи корхонага тақдим этади (3) ва эҳтиёжи учун зарур бўлган товарларни олади (4), савдо ёки хизмат кўрсатувчи ташкилот сотилган товар учун маблағларни ундириш учун чекни ўз банкига тақдим этади (5), банк бўлими чекдаги суммани савдо ташкилоти ҳисобварағига ўтказганлигини тасдиқловчи ҳужжатни беради (6).

Ҳисоб – китоб чеклари билан тўловлар амалга оширилганда қатор қийинчиликлар мавжудлигини юқорида таъкидлаган эдик, агар ушбу жараён бир шаҳар ёки иккита банк ўртасида амалга оширилса масала янада мураккаблашади. Шу боисдан бўлса керак, мамлакатимизда чеклар билан ҳисоб – китоб шакли жудаям кенг тарзда ривожланмаган.

3.4.6. Пластик карточкалар билан ҳисоб – китоблар

Мамлакатимизда бозор муносабатларининг таборо такомиллашиб бориши тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган банк хизматларининг турларини кўпайтирмоқда. Худди шундай банк хизматларидан бири бу пластик карточкалар билан амалга ошириладиган ҳисоб – китоблар ҳисобланади.

Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги барча тижорат банкларининг пластик карточкалари бўлиб, улар орқали нақд пулларни банкоматлардан олиш ва савдо шахобчаларида фойдаланиш мумкин. Пластик карточкалар асосан аҳоли ўртасида қўлланилиб, нақд пулга бўлган талабни камайтириш, олиб юришдаги қулайлиги, вақтинча фойдаланмасдан турган маблағларни даромад келтириш каби ижобий жиҳатлари мавжуд.

Пластик карточка тегишли банкда карточка эгасининг ҳисобварағи мавжудлигини тасдиқловчи ва нақд пулсиз товарлар, ишлар ёки хизматларни сотиб олиш ҳуқуқини берувчи, шахси белгиланган, банк томонидан чиқарилган тўлов воситасини ўзида ифода этади.

Пластик карточкалар жисмоний шахслар, юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар, бир томондан, ҳамда маҳсулотни сотувчи, иш бажарувчи ёки хизмат кўрсатувчи юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар (кейинги матнда – савдо ёки хизмат кўрсатиш корхоналари), иккинчи томондан, ўртасидаги бўладиган нақд пулсиз ҳисоб – китобларда, шунингдек, нақд пул бериш пунктлари (НПБП) ва банкоматлардан нақд пул олишда қўлланилади.

Ваколатли банклар халқаро пластик карточкалар чиқариши ва улар бўйича хизмат кўрсатиши мумкин, бунда улар халқаро тўлов тизимлари билан тузилган шартномаларга ва тегишли меъёрий ҳужжатларга мувофиқ, бажариладиган операция қоидаларига амал қилишлари шарт.

Битта электрон карточкада бир неча “электрон ҳамёнлар” жойлашган бўлиши мумкин.

Пластик карточкада, уни шахс номига бириктиришда, қуйидаги реквизитлар ёзилган бўлиши шарт:

- а) идентификация белгилари (картани рақами, серияси ва бошқалар);
- б) банк – эмитент (карточкаларни чиқарувчи банк)нинг коди;
- в) ҳисобварақ рақами ва карточка эгасининг фамилияси, исми, отасининг исми (ташкилот номи);
- г) карточканинг амал қилиш муддати;

Пластик карточкада бир неча ҳамёнлар мавжуд бўлганда, идентификация белгилари ҳар бир ҳамённи бир хил маъноли идентификациялаши лозим. Кўрсатилган реквизитлардан ташқари, карточкага операцияларни амалга ошириш ва улар ҳисобини юритиш учун зарур бўлган қўшимча белгилар киритилиши мумкин.

Пластик карточкалар билан амалга ошириладиган операциялар коғоз кўринишида (слип, электрон терминал квитанцияси) ва/ёки электрон шаклдаги (электрон терминал журналидан ёки банкоматдан олинган ҳужжат) ҳужжатларни, шунингдек, ҳисоб – китоблар қатнашчилари ўртасида тузилган шартномаларда белгиланган бошқа ҳужжатларни (банкомат квитанцияси ва бошқалар) тузиш лозимлигини кўзда тутди.

Электрон ҳужжатлар банк – эквайер (савдо ёки хизмат кўрсатиш корхоналарига хизмат кўсатувчи банк)га, банк – эмитентга ёки клиринг марказига, шартномада келишилган даврийликда жўнатилади.

Битта банк бўлимлари ўртасида карточкалар бўйича ҳисоб – китоблар қилиш технологияси, Бош банк томонидан, ўз имкониятлари ва фойдаланадиган карточкалар турларидан келиб чиққан ҳолда, мустақил белгиланади.

Карточкалар бўйича банклараро ҳисоб – китоблар технологияси қуйидаги вариантларни кўзда тутди:

- а) Ҳисоб – китобларни амалдаги электрон тўловлар тизими (ЭТТ) орқали ялпи ҳисоб – китоб асосда ўтказиш;
- б) Ҳисоб – китобларни ҳисоб – китоблар қатнашчилари томонидан

ташкил этилган процессинг марказларидан кун давомида ўтказилиб, якуний ўзаро мажбуриятлар ҳисобланган ҳолда, тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварақларидан якуний ҳисоб – китоблар суммасини ўтказиш.

ЭТТ орқали пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда, амалга оширилган операциялар бўйича ялпи ҳисоб – китоблар қилиш, қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1) банк – эмитент томонидан авторлаштирилмаган ҳолда амалга оширилган ҳисоб – китобларда:

а) банк – эквайер хизмат кўрсатилаётган савдо ёки хизмат кўрсатиш ташкилотидан олинган, карточкалардан фойдаланган ҳолда, тузилган электрон ҳужжатларга асосан, маблағларни унинг ҳисобварағига ўтказди, бунда электрон тўловлар тизими орқали банк – эмитентга жўнатиловчи дебетли электрон мемориал ордери автоматик равишда шакллантирилади.

б) банк – эмитентда олинган дебетли электрон мемориал ордерга асосан миқдорнинг карточкали ҳисобварағидан дастурий равишда маблағлар ҳисобдан чиқарилади. Дебетли электрон мемориал ордер босмадан чиқарилади ва кунлик ҳужжатларга тикилади.

2) банк – эмитент томонидан олдиндан шарт бўлган тартибда авторизация қилинадиган ҳисоб – китобларда:

а) банк – эквайерда хизмат кўрсатилаётган савдо ёки хизмат кўрсатиш ташкилотидан олинган, карточкалардан фойдаланган ҳолда тузилган электрон ҳужжатларга асосан, ЭТТ орқали авторизациялаш ва ўтказмани амалга ошириш учун банк – эмитентга жўнатиладиган электрон маълумот, фойдаланилаётган технология қоидаларига мувофиқ, автоматик равишда шакллантирилади;

б) банк – эмитент, олинган электрон маълумотларга асосан, транзакциялар авторизациясини ўтказди, миқдорнинг карточка ҳисобварағидан маблағларни ҳисобдан чиқариш учун автоматик равишда электрон мемориал ордерни шакллантиради, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотининг талаб қилиб оlingунча депозит ҳисобварағига маблағларни

ўтказиш учун электрон тўловлар тизими орқали банк – эквайерга жўнатади.

в) банк – эквайерда, банк – эмитентдан олинган электрон мемориал ордерга асосан, маблағлар савдо ёки хизмат кўрсатиш ташкилотининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига ўтказилади. Мемориал ордер босмадан чиқарилади ва банкнинг кунлик ҳужжатларига тикилади.

Процессинг марказлари орқали ҳисоб – китобларни ўтказиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) кун давомида карточкалар бўйича барча транзакциялар, ҳисоб – китоблар унинг қатнашчилари томонидан тасдиқланган тартибда, процессинг маркази орқали ўтказилади ва ҳисоб – китобларда қатнашувчи ҳар бир банк учун алоҳида очилган шахсий ҳисобварақларда акс эттирилади;

б) ҳисоб – китоблар қатнашчилари келишувига асосан, ҳисоб – китоблар бўйича якуний суммалар (мажбуриятлар) тижорат банкларининг Марказий банкнинг Ҳисоб – китоблар марказида очилган вакиллик ҳисобварақлари орқали, шартномада қайд этилган даврийликда ўтказилади;

в) банклар, процессинг марказидан олинган маълумотларга асосан, карточкалардан фойдаланган ҳолда амалга оширилган операциялар бўйича, маблағларни мижозларнинг ҳисобварақларига киритадилар ёки чиқарадилар.

Умуман олганда, тижорат банклари ўртасида амал қилаётган пластик карточкалар билан ҳисоб – китоблар келгусида янада ривожланади, бу нақд пулсиз ҳисоб – китоблар тизимини ривожланишига ва нақд пулли айланмалар ҳажмини қисқаришига ижобий таъсир кўрсатади.

Бобга оид саволлар

Пул айланмасининг иқтисодий моҳияти ва таркиби.

Пул айланмаси таркибида нақд пулсиз ҳисоб китобларнинг улушини ортиб боришига қандай омиллар ижобий таъсир қилади?

Марказий банк нақд пул муомаласини ташкил этишда қандай ишларни бажаради?

Пул муомаласини тартибга солишда тижорат банкларига қандай вазифалар юклатилади?

Юридик шахслар касса лимитидан ортиқча сумма бўйича қандай қарор қабул қилиши зарур?

Тижорат банклари қандай манбалар ҳисобидан нақд пулларни қабул қилади?

Тижорат банклари қандай мақсадлар учун нақд пулларни беради?

Ўзбекистонда нақд пулсиз ҳисоб – китобларнинг қандай шакллари қўлланилади?

Тўлов талабномалар билан ҳисоб – китобларнинг қандай салбий жиҳатлари мавжуд?

Акцептли ва акцептсиз тўлов талабномаларнинг бир – биридан қандай фарқлари мавжуд?

Аккредитивнинг қандай турлари мавжуд ва улар бир – биридан нимаси билан фарқ қилади?

Инкассо топшириқномаларнинг ўзига хос жиҳатлари?

Бобга оид тестлар

1. *Ўзбекистон тижорат банкларида электрон тўлов тизими қачон жорий этилди?*

- А. 1995 йил декабр ойида
- Б. 1996 йил апрел ойида
- В. 1997 йил март ойида**
- Г. 1998 йил майда

2. *Қуйидагилардан қайси бири нақд пулсиз ҳисоб – китобларни ташкил этиш қоидалари ҳисобланмайди?*

А. Нақд пулсиз ҳисоб – китоблар жараёнида иштирок этаётган ҳар иккала томоннинг ҳам банкда тегишли ҳисобварақлари мавжуд бўлиши лозим.

Б. Мижознинг ҳисобварағидан маблағларни бошқа манзилга ўтказиш ва қирим қилиш Марказий банк томонидан қатъий белгиланган тўлов ҳужжатлари асосида ҳамда улардаги реквизитларни тўлиқ тўлдирилган ҳолда амалга оширилади.

В. Банк мижознинг ҳисобварағидан унинг хабари бўлмаган ҳолларда мемориал ордер билан ҳисоб – китобларни амалга ошириши мумкин.

Г. Банк мижознинг пул маблағларини ўтказиш ҳақидаги топшириғини унинг ҳисобварағида маблағ бўлгандагина қабул қилади.

3. Тўлов топшириқнома бу:

А.Сотиб олувчининг банкка ўз ҳисобварағидан маблағни сотувчи ҳисобига ўтказиб бериш ҳақидаги ёзма топшириғи.

Б.Сотувчи жўнатилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун маблағни талаб қилиши ҳақидаги ҳужжат.

В.Банкнинг сотувчига тўловни амалга ошириш тўғрисидаги ёзма топшириғи.

Г.Сотувчи ва сотиб олувчи ўртасидаги шартномага кўра тўловни амалга ошириш бўйича маблағ олувчининг ёзма топшириғи.

4. Тўлов талабнома бу:

А.Сотиб олувчининг банкка ўз ҳисобварағидан маблағни сотувчи ҳисобига ўтказиб бериш ҳақидаги ёзма топшириғи.

Б.Сотувчи жўнатилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун маблағни талаб қилиши ҳақидаги ҳужжат.

В.Банкнинг сотувчига тўловни амалга ошириш тўғрисидаги ёзма топшириғи.

Г.Сотувчи ва сотиб олувчи ўртасидаги шартномага кўра тўловни амалга ошириш бўйича маблағ олувчининг ёзма топшириғи.

5. Аккредитивнинг шакллари қандай жавобда тўғри келтирилган?

А. Қопланган ва қопланмаган аккредитив

Б. Кредитланадиган ва кредитланмайдиган.

В.Тўланадиган ва тўланмайдиган.

Г.Даромадли ва даромадсиз.

6. Акцептли тўлов талабномаларда:

А.Банк дастлаб тўловни амалга оширади сўнг мижознинг розилигини олади.

Б.Банк дастлаб белгиланган муддатда мижознинг розилигини олади, сўнг тўловни амалга оширади.

В.Банк белгиланган муддатда тўловни амалга ошириб бу ҳақда мижозга хабар беради.

Г.Банк ҳужжат келиб тушган заҳоти тўловни амалга оширади ва бу ҳақда мижозга хабар беради.

7. Акцептсиз тўлов талабномаларда:

А.Банк дастлаб тўловни амалга оширади сўнг мижознинг розилигини олади.

Б.Банк дастлаб белгиланган муддатда мижознинг розилигини олади, сўнг тўловни амалга оширади.

В.Банк белгиланган муддатда тўловни амалга ошириб, бу ҳақда мижозга хабар беради.

Г.Банк ҳужжат келиб тушган заҳоти тўловни амалга оширади ва бу ҳақда мижозга хабар беради.

8. Банкларда иккинчи картотека қандай ҳолларда юритилади?

А.Банк келадиган барча тўлов ҳужжатлар тўловдан олдин дастлаб кирим қилади.

Б.Мижознинг ҳисобварағида мабалағлар мавжуд бўлмаган ёки етарли бўлмаган ҳолларда кирим қилинади.

В.Мижознинг топшириғига асосан айрим ҳужжатлар кирим қилинади.

Г.Тўловлар вақтинча кечиктирилганда айрим тўлов ҳужжатлар мижознинг розилиги билан кирим қилинади.

9. Инкассо топшириқномаси:

А. – банкка тўловчининг ҳисобварағидан сўзсиз тартибда маблағларни ҳисобдан чиқариш ҳуқуқини беради;

Б. – мижознинг ҳисобварағига унинг розилигсиз маблағларни кирим қилиш ҳуқуқини беради;

В. – мижознинг ўз ҳисобварағидан маблағни сўзсиз кўчириш ҳақидаги топшириғи ҳисобланади;

Г. – маблағ тўловчи ўз ҳисобидан тўловларни амалга ошириш бўйича топшириғи.

10. Нақд пулсиз ҳисоб – китобларнинг энг кўп қўлланиладигани шакли бу:

А. Тўлов талабномалар

Б.Аккредитивлар

В.Тўлов топшириқномалар

Г.Инкассо топшириқномалар

4 – БОБ

ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА ПУЛ МАССАСИ

4.1. Пул муомаласи тушунчаси ва таркиби

Маълумки, пул товар ишлаб чиқаришга асосланган ҳар қандай иқтисодиётнинг, жумладан бозор иқтисодиётининг ҳам асосий элементларидан бири ҳисобланади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, уни айрибошлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ жараёнлар пул иштирокида юз бериб, товар ишлаб чиқариш циклининг ибтидоси пул билан бошланиб, унинг интиқоси ҳам пул билан якунланади. Ёки, иқтисодиётнинг барча бўғинларида юз бераётган объектив иқтисодий муносабатлар албатта пул иштирокида амалга оширилади.

Иқтисодий субъектлар ўртасида пул орқали амалга ошириладиган иқтисодий муносабатлар *пул муомаласи дейилади*. Пул юз бераётган иқтисодий муносабатларда қатнашар экан, у доимий ҳаракатда бўлади, янгиланиб туради ва мунтазам такрор айланади. Иқтисодий жараёнларни амалга оширишда пулнинг маълум даврдаги ҳаракатлар йиғиндиси *пул айланмасини* ташкил этади.

Нақд пул муомаласи нақд пул орқали амалга ошириладиган иқтисодий муносабатлар бўлиб, бунда иқтисодий субъектлар ўртасидаги ўзаро товарлар ва қимматли қоғозлар олди – сотдиси, кўрсатилган турли маданий ва маиший хизматлар, суғурта, коммунал тўловлари, нақд пулда кредитлар олиш ва қайтариш, лотерея билетлари харид қилиш, корхона ва ташкилотлар томонидан ишчи ва хизматчиларга нақд пулда иш ҳақи тўлаш ҳамда бошқа мажбурий тўловлар амалга оширилади.

Шунингдек, нақд пул муомаласи давлат бюджетининг нақд пулда шаклланадиган ва тақсимланадиган қисмини ҳам ўзида мужассамлаштиради. Ушбу жараён, бир томондан аҳоли ва якка тадбиркорларнинг бюджет олдидаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни амалга ошириш

жараёнларини, иккинчи томондан эса давлат бюджети томонидан аҳолига нақд пулда пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловларни амалга ошириш жараёнларида ўз аксини топади.

Нақд пул айланмаси эса нақд пулларнинг маълум даврдаги ҳаракатлар йиғиндисидан иборат бўлиб, у нақд пул муомаласидаги нақд пуллар ҳаракатидан ташқари пул муомаласини ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар йиғиндисини ҳам ўз ичига олади. Нақд пулларнинг айланмаси ва унинг таркибий қисмларини қуйидаги параграфда батафсил кўриб чиқамиз.

4.2. Нақд пуллар айланмаси ва унинг таркибий қисми


Нақд пуллар айланмаси юқорида қайд этилганидек, иқтисодий субъектлар ўртасида юз берадиган пул муомаласи ва уни ташкил қилиш билан боғлиқ нақд пуллар ҳаракатини ўз ичига олади. Шундан келиб чиқиб, уни икки қисмга — пул муомаласини ташкил қилиш ва пул муомаласидаги ҳаракатларга бўлиш мумкин.

Бунда шуни ёдда тутиш керакки, пул айланмасининг бу икки қисми бир — биридан ажралган ҳолда алоҳида мустақил пул айланиши бўлмасдан, балки ўзаро боғлиқ бўлган бир бутун жараёндир. Аслида пул иқтисодий муносабатларни амалга ошириш учун зарур. Лекин, пул мазкур иқтисодий муносабатларни амалга оширар экан, у айна пайтда мустақил иқтисодий категория сифатида ҳаракатда бўлади ва ўзининг вазифасини тўлақонли ва бекамукўст адо этиш учун қўшимча ҳаракатлар қилишга мажбур бўлади. Бу ерда гап, пул муомаласини ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган пулнинг ҳаракати устида кетмоқда.

Пул муомаласини ташкил қилиш жараёни нақд пул (банкнот ва тангалар) ларни ишлаб чиқиш, уларни муомалага тайёрлаш, сақлаш ва иқтисодий субъектларга етказиб бериш, муомаладан ортиқча ва яроқсиз пулларни олиш каби жараёнларни ўз ичига олади. Ушбу жараён нақд

пулларни пул ишлаб чиқариш фабрикасидан Марказий банк муассасаларига келтириш, улардан тижорат банкларига етказиб бериш ва ниҳоят тижорат банк филиаллари томонидан мижозларни нақд пулга бўлган талабини кондиришдан иборат.

Нақд пуллар айланмасининг таркибий қисмларини қуйидаги чизмада ифодалаш мумкин.



Албатта, пул муомаласини ташкил қилиш Марказий банк томонидан амалга оширилади, лекин нақд пуллар оқимининг асосий қисми тижорат банкларининг кассалари орқали ҳаракат қилади. Натижада, тижорат банклари ҳам нақд пул муомаласини бошқаришда билвосита иштирок этадилар.

Демак, *пул муомаласини ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган пулнинг ҳаракати* иккита пул оқимларидан иборат, булар:

Марказий банк томонидан тижорат банкларига нақд пулларни етказиб бериш ва тижорат банкларидан ортиқча ва муомалага яроқсиз нақд пулларни қабул қилиш билан боғлиқ пул оқими;

тижорат банклари томонидан мижозларни нақд пулга бўлган талабини кондириш учун нақд пул бериш ва нақд пул тушумига эга бўлган корхона ва

ташкilotларнинг нақд пул тушумларини қабул қилиш (инкассация) билан боғлиқ пул оқими.

Нақд пул муомасидаги пул ҳаракати учта пул оқимини ўз ичига олади, яъни:

корхона ва ташкilotлар ўртасидаги;

корхона ва ташкilotлар билан аҳоли ўртасидаги;

алоҳида шахслар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни амалга ошириш жараёнлари билан боғлиқ нақд пул оқими.

Корхона ва ташкilotлар ўртасидаги нақд пул иштирокида амалга ошириладиган тўловлар ҳажми ўта чегараланган бўлишига қарамасдан, улар ўртасида айрим тўловлар ҳанузгача нақд пулда амалга оширилиб келинмоқда.

Нақд пул муомаласининг асосий қисми корхона ва ташкilotлар билан аҳоли ўртасидаги пул муносабатлари билан боғлиқ нақд пуллар оқимидан иборат. Унга, корхона ва ташкilotлар томонидан ишчи ва хизматчиларга нақд пулда меҳнат ҳақи, стипендия, пенсия ва бошқа ижтимоий нафақалар бериш, улар ўртасидаги ўзаро товарлар ва қимматли қоғозлар олди – сотдиси, кўрсатилган турли маданий ва маиший хизматлар, суғурта, транспорт, коммунал тўловлари, нақд пулда кредитлар олиш ва қайтариш (шу жумладан банклардан ҳам), омонатларга пул қўйиш ва олиш, лотерея билетлари харид қилиш, жарима ва устамалар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни амалга оширишдаги нақд пуллар ҳаракати киради. Шунингдек, нақд пул муомаласи давлат бюджетининг нақд пулда шаклланадиган ва тақсимланадиган қисмини ҳам ўзида мужассамлаштиради. Ушбу жараён, бир томондан аҳоли ва яқка тадбиркорларнинг бюджет олдидаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни амалга ошириш жараёнларида, иккинчи томондан эса давлат бюджети томонидан аҳолига нақд пулда пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловларни амалга ошириш жараёнларида ўз аксини топади. Айнан, мана шу пул оқими аҳолининг асосий нақд пулдаги даромад ва ҳаражатларини ўзида мужассамлаштиради.

Пул муомаласининг учинчи оқими алоҳида шахслар ўртасида товарлар айрибошлаш, пуллик хизматлар кўрсатиш соҳасида шаклланади. Бунда Республикамиздаги мавжуд деҳқон ва бошқа ташкил этилмаган бозорлардаги нақд пул билан боғлиқ тўловлар ҳали ҳам салмоқли ўрин тутиб келмоқда.

Юқоридаги функцияларини бажариш мобайнида нақд пуллар мураккаб йўлни босиб ўтадилар. Яъни, муомалага зарур пул маблағлари Марказий банк томонидан тижорат банкларига, улар томонидан эса ўз ўрнида хўжалик субъектлари ва аҳолига чиқарилади. Хўжалик субъектлари ва аҳоли кўлидаги пул маблағлари савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари орқали яна тижорат банкларига қайтиб келади. Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари яна ўзлари хизмат кўрсатаётган корхона ва ташкилотларга ҳамда аҳолига қонунчиликда белгиланган тўловларни амалга ошириш учун нақд пуллар беришади. Шундай қилиб, нақд пуллар тижорат банкларидан чиқиб яна тижорат банкларига қайтади ва доимий айланишда бўлади.

Нақд пулларнинг тижорат банкидан чиқиб яна тижорат банкига қайтиб келиш ҳаракати уларнинг доиравий айланиши дейилади.

Тижорат банклари фақат муомаладан вақтинча ортиқча бўлган ва муомалага яроқсиз нақд пулларни Марказий банк муассасаларига топширишади. *Нақд пулларнинг Марказий банкдан тижорат банкларига чиқиши муомалага пул чиқариш, яъни Марказий банкнинг эмиссия операцияси, тижорат банкларидан Марказий банкка қайтиб келиш ҳаракати муомаладан пул олиш операцияси дейилади.*


Нақд пуллар айланишини мамлакатимиз мисолида қуйидаги чизмада акс эттирилган.

1. Марказий банк буюртмасига кўра, пул фабрикасида ишлаб чиқарилган нақд пулларни Марказий банк ва унинг муассасаларига махсус инкассаторлар аппарати орқали етказиб бериш.

2. Марказий банк тижорат банклари буюртмаларига ва пул – кредит сиёсати кўрсатгичларига асосан тижорат банкларига инкассаторлар орқали

нақд пуллар етказиб бериш. Марказий банк Ҳисоб – китоб марказлари кассасидан фақат ўз миқдорларига қонунчиликда белгиланган тўловлар учун нақд пуллар бериш.

3. Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан ўзлари хизмат кўрсатаётган корхона ва ташкилотларга қонунчиликда белгиланган тўловларни амалга ошириш учун нақд пуллар бериш.



4. Корхона ва ташкилотлар томонидан ишчи ва хизматчиларга меҳнат ҳақи, стипендия, пенсия ва бошқа ижтимоий нафақалар бериш, шунингдек қонунчиликда кўзда тутилган бошқа тўловларни амалга ошириш.

5. Аҳоли томонидан корхона ва ташкилотлардан нақд пулларга товарлар ва қимматли қоғозлар, лотерея билетлари харид қилиш, кўрсатилган турли маданий ва маиший хизматлар, транспорт, суғурта, коммунал тўловлари, жарима ва устамалар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни амалга ошириш.

6. Корхона ва ташкилотлар томонидан нақд пул тушумларини тижорат банк кассаларига топшириш (инкассация қилиш).

7. Жисмоний шахслар томонидан тижорат банкларидан нақд пулда кредитлар, омонатлардаги пул қўйилмалари, дивиденд ва нақд пулдаги бошқа даромадларини олиш.

8. Жисмоний шахслар томонидан тижорат банкларига нақд пулда кредитларни қайтариш, омонатлар қўйиш ва бошқа тўловларни амалга ошириш.

9. Тижорат банклари томонидан муомалага яроқсиз ва ортиқча нақд пулларни Марказий банкка топшириш.

Юқоридаги чизманинг 4 ва 5 – босқичлар нақд пулларнинг банкдан ташқари айланмасини ўз ичига олади, яъни нақд пулларнинг бу ҳаракати банкларни четлаб ўтади. Нақд пулларнинг бу айланмасининг маълум қисми, аҳоли ва хўжалик субъектлари томонидан амалга ошириладиган ноқонуний фаолият тури ҳисобланади. Шунинг учун дунёнинг барча мамлакатларида нақд пулларнинг банкдан ташқари айланмасига барҳам бериш учун кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Республика Ҳукумати томонидан нақд пулларнинг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш бўйича мунтазам равишда катта тадбирлар ўтказилиб келинмоқда. Хусусан, “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида”ги қонунни қабул қилигиши ҳам айнан шу масалаларнинг ижобий ечимини таъминлашга қаратилган.

Қонунда у қуйидагича баён қилинган “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол – мулк) жиноий фаолият натижасида топилган бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус беришдан, шунингдек бундай пул маблағлари ёки бошқа мол – мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини ёхуд пул маблағларига ёки бошқа мол – мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки уларнинг кимга қарашлилигини яширишдан ёхуд сир сақлашдан иборат бўлган, жиноий жазоланадиган ижтимоий хавфли қилмишдир”.

Мазкур қонунга биноан банклар пул маблағлари ёки бошқа мол – мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилот сифатида қаралиб, уларга мажбурий назоратни амалга ошириш мақсадида юридик ёки жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотларни улар тақдим этган ҳужжатлар асосида аниқлаш ёки идентификациялаш вазифаси юклатилган.

Лекин, банкдан ташқари пул айланмаси қонунда кўзда тутилган пул маблағлари билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи бошқа ташкилотлар томонидан ҳам қайд этилмайдиган пул айланмасига эга. Масалан, мамлакатга ноқонуний олиб кирилган ёки хуфиёна ишлаб чиқарилган товарларни уюшмаган бозорларда аҳолига сотиш, деҳқон бозорларидаги маҳсулот олди – сотди операциялари қонунда кўрсатилган бирорта ташкилот томонидан расман қайд этилмайди ёки уларни идентификациялаш деярли мумкин эмас. Пулнинг бу айланмасини фақат махсус изланишлар ва тадқиқотлар ўтказиш орқали аниқлаш мумкин.

Айрим мамлакатларда пул муомаласини тартибга солиш учун унинг амал қилиш доирасига чегаралар ўрнатилган. Ўзбекистонда нақд ва нақдсиз пул ўртасидаги мавжуд фарққа барҳам бериб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 790 – моддасига мувофиқ фуқаролар ўртасидаги тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳисоб – китоблар ҳамда фуқаролар билан корхона ва ташкилотлар ўртасидаги тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ айрим ҳисоб – китоблар нақд пулда амалга оширилиши белгиланган. Юридик шахслар ўртасидаги тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ барча тўловлар нақд пулсиз шаклларда амалга оширилади. Республиканинг аксарият пул айланмаси корхона ва ташкилотлар ўртасида амалга оширилиши сабабли, умумий пул айланмасида нақд пул айланмасининг улуши анча камдир.

Демак, нақд пул муомаласи асосан жисмоний шахсларнинг нақд пул шаклидаги даромад ва ҳаражатларининг ҳаракатидан иборат бўлиб, аҳолининг кундалик ҳаётий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган тўловларда қўлланилмоқда. Шу билан биргаликда, мамлакат иқтисодиётида

кичик бизнес фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ айрим тўловларни ҳам нақд пулда амалга оширишга рухсат берилган.

4.3. Нақд пул муомаласининг ўрни ва зарурияти

Бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти эришган юксак технологик ютуқларидан фойдаланилган ҳолда пул муомаласида нақд пуллар ўрнини банк (ёки бошқа кредит ташкилотлари) ҳисобварақлари бўйича ёзувлар ва турли электрон тўлов ҳужжатлари эгаллаб бораётганлигига қарамасдан барча мамлакатлар иқтисодиётида нақд пул муомаласи сақланиб қолмоқда.

Нақд пул муомаласининг улуши Буюк Британия, Япония ва АҚШ каби юксак даражада ривожланган мамлакатларда умумий пул айланмасининг 2 – 8% ини ташкил этган бўлса, иқтисодиёти ўтиш жараёнидаги ва айрим ривожланаётган мамлакатларда бу кўрсаткич нисбатан юқориликча қолмоқда.

Мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланиш тарихи шуни кўрсатмоқдаки, энг ривожланган мамлакатларда ҳам нақд пул муомаласи ҳали ўзининг муқим ўрнини эгаллаб турибди. Шунинг учун ҳам нақд пул муомаласини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар ҳали бирорта мамлакатнинг кун тартибидан олиб ташлангани йўқ.

Шу ўринда, ҳақли савол туғилади. Нима учун, энг ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида ҳам нақд пул муомаласи ҳануз сақланиб қолмоқда? Қандай омиллар борки, уларнинг таъсири остида нақд пуллар ўрнини энг замонвий техник воситалар ҳам боса олмаяпти.

Нақд пул муомаласини сақланиб қолишига аввало, аҳоли ўртасида кичик ҳажмдаги чакана ва уюшмаган савдо ҳамда нақд пулли хизматларнинг мавжудлиги сабаб бўлмоқда. Бундай савдо ва хизматлар учун тўловларни техник воситалар қўллаш йўли билан амалга ошириш мумкин эмас. Ҳар қандай кичик савдо шаҳобчасига, барча транспорт воситаларига ёки аҳолига маданий – маиший хизмат кўрсатувчи ҳамма кичик корхоналар (фирмалар)га

хам қимматбаҳо қурилмалар бўлмиш банкомат ва терминаллар ўрнатиш иқтисодий жиҳатдан самара беравермайди. Қолаверса, бугунги кунда энг ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида ҳам якка тартибда тадбиркорлик фаолияти сақланиб қолмоқдаки, ушбу фаолиятни амалга ошириш албатта, нақд пуллардан фойдаланишни тақозо этмоқда. Бизнинг Республикамизда эса ушбу омилнинг таъсири жуда кучли. Чунки, аҳолининг томорқа хужаликларида етиштирилган маҳсулотларни деҳқон бозорларида сотиш мутлоқо нақд пул ёрдамида амалга оширилади.

Нақд пул муомаласини сақланиб қолишига нафақат айрим товарлар ва хизматларни нақд пулсиз тўлаб бериш имконияти мавжуд эмаслиги, балки *нақд пулларнинг юқори ликвидлик қобилиятига эга эканлиги* ҳам катта таъсир этади. Иқтисодиётдаги барча активларларнинг сифат даражаси уларнинг қанча даромад келтириш қобилияти билан бир қаторда ликвидлик, яъни қўшимча харажатларсиз пулга айланиш қобилияти билан ҳам баҳоланади. Нақд пуллар мутлоқ ликвидли активлар ҳисобланади. Банк ҳисобварақларидаги нақдсиз пул маблағлари ҳам ликвидлик даражаси бўйича нақд пулларга қараганда паст ликвидли активлар ҳисобланади. Нақд пул банкнотлари ва тангалар муомалага ягона эмиссия банки – *Марказий банк* (Миллий банк, Федерал захиралар тизими) томонидан чиқарилади ва улар юқори ликвидли активлар (олтин, хорижий давлатлар валютаси ва бошқа юқори ликвидли мажбуриятлар) билан таъминланган. Шунинг учун барча активларнинг, жумладан пластик карточкалар, банк омонатлари ёки бошқа депозитларидаги маблағларнинг ҳам ликвидлилик даражаси нақд пулга айланиш қобилияти билан ўлчанади.

Шунингдек, *нақд пуллар ишончли ва осон тўлов воситасидир*. Бугунги кунда эришилган энг қулай ва мукамал техник воситалар ҳам ҳар қандай пулли ҳисоб – китобларни нақд пулчалик тез ва осон бажаришга қодир эмас. Товарлар ва хизматлар учун тўловлар нақд пуллар билан амалга оширилганда, сотувчида ҳам олувчида ҳам ўз хатти ҳаракатларидан ҳеч қандай шубҳага ўрин қолмайди.

Бундан ташқари, нақд пулларнинг яшовчанлик қобилияти, унинг *одамлар руҳиятига сингиб кетган мўжизакор кучининг таъсири* билан ўлчанади. Кишилар онгида нақд пуллар ҳали ҳам ўзларининг тарихий аجدодлари бўлмиш *ҳақиқий олтин пулларнинг вакиллари* бўлиб қолмоқда. Азал – азалдан нақд пуллар кишини жамиятдаги ижтимоий ҳақ – ҳуқуқини тасдиқловчи гувоҳнома вазифасини ўтаб келмоқда. Шу сабабли, ҳар бир шахс чўнтагида омонат дафтарчаси, пластик карточка ёки унинг ўрнини босувчи бирор ҳужжат олиб юргандан кўра нақд пулларнинг ўзини олиб юришни афзал кўради.

Одамлар иқтисодий ҳаёт жараёнларини бегоналарнинг аралашувисиз (анонимность) бошқаришни ҳуш кўрадилар, зеро нақд пулли ҳисоб – китоблар ҳар бир шахснинг ўзига хос махфий ҳаттиҳаракати ҳисобланади. Нақд пулсиз ҳисоб – китоблар эса бундай талабни бажаришга қодир эмас, чунки унда албатта учинчи шахс бўлган банклар иштироки муқаррардир.

Бундан ташқари, аҳолининг нақд пул билан ҳисоб – китоблар қилишга мойиллиги банк тизимига бўлган ишонч ва банклар томонидан зарур тўловларни қанчалик даражада амалга ошириш қобилияти билан ҳам ўлчанади. Агар, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончи мустаҳкам бўлса, улар қўлларидаги вақтинча бўш пул маблағларини банк омонотларига топширадилар ҳамда банклар томонидан нақд пуллар ўрнига осон ва тез амалга ошириш мумкин бўлган нақд пулсиз ҳисоб – китобларнинг турли шакллари таклиф қилиб борилса, нақд пул муомаласи шунчалик қисқариб бораверади. Қолаверса, аҳоли банк томонидан уларнинг омонатларга фоизлар тўлашдан оладиган даромадлардан манфаатдордирлар.

Шу билан бирга, яна шундай омилни қайд этиб ўтиш зарурки, нақд пул муомаласининг мавжудлиги ҳар бир *миллатнинг дунёқараши ва ҳаёт тарзига* ҳам боғлиқдир. Маълумки, ўзбек халқининг кўпдан кўп удум ва маросимлари бевосита нақд пуллар ёрдамида амалга оширилаётганлиги ҳам мамлакатимизда нақд пул муомаласи салмоғини оширади.

Нақд пул муомаласининг зарурий қўлланишига аҳолининг демографик жойлашиши ҳам ўзига хос аҳамият касб этмоқда. Ушбу омилнинг таъсири, айниқса бизнинг Республикамизда сезиларли даражада сақланиб турибди. Республика аҳолисининг аксарият қисми қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилаётганлиги ушбу омил таъсири кучайтирмоқда.

Нақд пулларнинг иқтисодий жиҳатдан зарурий мавжудлиги унинг ҳуқуқий асосларини ҳам сақланиб қолишига сабаб бўлмоқда. Барча мамлакатларнинг қонунчилик ҳужжатларида нақд пуллар асосий тўлов воситаси ва миллий пул тизимининг асоси деб қайд қилинган. Демак, нақд пуллар қонунчилик асосида давлат томонидан ҳимояланган. Қолаверса, қонунчилик ҳужжатларида ҳам нақд пулларнинг нақдсиз пул маблағларига нисбатан устувор хусусияти сақланиб қолганини сезиш қийин эмас.

Деярли барча мамлакатларда нақд пул банкнотлари ва тангалар муомалага ягона эмиссия банки – Марказий банк (Миллий банк, Федерал захиралар тизими) томонидан чиқарилади ва нақд пуллар Марказий банкнинг сўзсиз бажариши шарт бўлган мажбурияти ҳисобланади.

Пластик карточкалар, банк омонатлари ёки бошқа депозитларидаги маблағлар эса тижорат банкларининг мажбуриятлари ҳисобланади ва уларнинг бажарилиш даражаси ўша тижорат банкининг молиявий ҳолати билан баҳоланади. Бозор иқтисодиётидаги мавжуд кучли рақобат ҳар қандай тижорат банкининг фаолиятини хавф – хатардан ҳоли қолдирмайди. Тўғри, ҳар бир мамлакатда банк мажбуриятлари маълум жиҳатдан давлат томонидан кафолатланади, жумладан бизнинг Республикада ҳам “Фуқораларнинг банклардаги омонатларини кафолатлари тўғрисида” қонун қабул қилинган, лекин ҳар қандай шароитда ҳам улар нақд пуллар эга бўлган бехатарликни тўлиқ кафолатлай олмайди.

Нақд пул муомаласи ўз ўрнида салбий хусусиятларга ҳам эгадир. Чунончи, нақд пул муомаласини ташкил қилиш ва бошқариш, яъни нақд пулларни муомалага чиқариш, сақлаш, ташиш ҳамда уларни муомалага тайёрлаш билан боғлиқ катта ҳаражатларни талаб қилади. Муомалага

яроқсиз ҳолга келган нақд пул билетларини йўқ қилиш ҳам махсус тадбирлар орқали катта ҳаражатлар эвазига амалга оширилади.

Нақд пуллар ўрнига тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилаётган пластик карточкалар ҳам ўз ўрнида катта ҳаражатлар ва тадбирларни амалга оширишни талаб қилмоқда. Бундан ташқари, пластик карточкалар албатта нақд пулга алмашиш қобилиятини сақлаб қолмоғи зарур, акс ҳолда уларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиб бўлмайди. Бунинг учун эса аҳоли учун қулай жойларда қимматбаҳо қурилмалар – банкомат ва терминаллар қўйишга тўғри келмоқда. Яна шуни алоҳида қайд этиш керакки, аҳолининг нақд пулга бўлган эҳтиёжини хоҳлаган вақтда кондиритиш учун банкоматларга бир вақтда катта миқдордаги нақд пулларни қўйишга тўғри келмоқда. Бу эса, ўз ўрнида катта миқдордаги нақд пулларга бўлган талабни вужудга келтирмоқда.

Бундан ташқари, нақд пуллардан белгиланган тартибда фойдаланмаслик ҳуфёна иқтисодиётни ривожланишига йўл очиб беради ва айрим юридик ва жисмоний шахсларга ноқонуний фаолият юритиб меҳнатсиз даромад орттириш учун хизмат қилади.

Нақд пуллар учинчи субъект аралашувисиз ҳаракатда бўлганлиги учун айнан унинг ёрдамида терроризм, гиёҳвандлик моддалари билан бизнес қилиш каби ўта хавфли жиноятлар амалга оширилади. Шунинг учун дунёнинг кўпгина мамлакатларида пул муомаласи терроризмни молиялаштириш ва гиёҳвандлик моддалари билан бизнес қилишнинг олдини олиш мақсадида қонунлар қабул қилинган. Жумладан, бизнинг Республикамизда ҳам 2006 йилнинг 1 январидан бошлаб “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида”ги қонун кучга кирди.

Бундан ташқари, нақд пул муомаласи бизнинг ёдимиздан кўтарилган “пул фетишизми” (пулга сиғиниш)ни томир отишига замин яратади. Айниқса, ҳамма нарса пулга олиб – сотилиши мумкин бўлган бозор

иқтисодиёти шароитида ёшлар онгини осон пул топишга ружу қўйиш каби иллатлар билан заҳарлайди.

Нақд пулларнинг ижобий ва салбий хусусиятлари бўлишидан қатъий назар, улар бугунги кунда юқорида қайд этилган объектив омиллар таъсирида дунёнинг барча мамлакатларида амал қилиб турибди.

4.4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг нақд пул муомаласи бўйича асосий вазифалари

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида” қонунига мувофиқ Марказий банкнинг бош мақсади миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашдан иборат ва давлат монетар сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш ҳамда Марказий банк тўлов воситаси сифатида банкнотлар ва тангалар кўринишдаги нақд пул белгиларини муомалага чиқариш ва муомаладан қайтариб олиш бўйича мутлоқ ҳуқуқга эга.

Шунга мувофиқ, муомалага нақд пул чиқариш, уларни сақлаш, муомаладан қайтариб олиш ва муомала учун яроқсиз ҳолатга келган пул белгиларини янги пул белгиларига алмаштириш вазифаларини бажаради. Шунингдек, муомалага чиқарилмаган пул белгиларини сақлаш мақсадида Марказий банк Резерв фондларини ташкил этади ва улар бўйича пул маблағларининг таркибий қисмларини, яъни банкнот ва тангалар кўринишдаги қолдиқ лимитларини белгилайди. Тижорат банклари айланма кассаларининг қолдиқ лимитлари ҳам Марказий банк томонидан ўрнатилади.

Марказий банк Республика банкларида пул муомаласини ва касса ишларини ташкил этиш ҳамда уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш билан боғлиқ барча меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқади.

Марказий банк ўзининг асосий мақсадини тўла қонли бажариш, яъни пул муомаласини барқарор сақлаб туришга ҳамда миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш учун пул муомаласи ҳолатини муттасил

ўрганади ва таҳлил қилади ҳамда уни мустаҳкамлаш учун амалий чоралар кўради. Асосий нақд пул оқимлари тижорат банклари кассалари орқали ўтганлиги сабабли, Республикада фаолият юритаётган тижорат банкларининг нақд пул муомаласи билан боғлиқ фаолиятини тартибга солади ва назорат қилади.

Марказий банк томонидан нақд пул муомаласини тартибга солиш мақсадида тижорат банклари ва уларнинг мижозлари учун мажбурий бўлган қуйидаги талаблар ўрнатилган:

- касса операцияларини амалга ошириш тартиби;
- тижорат банклари кассаларига нақд пуллари топшириш ва олиш тартиби;
- тижорат банклари айланма кассаларига лимит ўрнатиш тартиби;
- тижорат банклари айланма кассалари мустаҳкамлаш учун захира пуллари ташкил қилиш тартиби;
- тижорат банклари касса айланмаларини ҳом чўт қилиш тартиби;
- хўжалик субъектлари нақд пул тушумларини инкассация хизмати томонидан тижорат банклари кассаларига топшириш тартиби;
- банкнотлар ва монеталарни тўловга яроқлилик қобилятини аниқлаш тартиби;
- хўжалик субъектлари кассалари қолдиғига лимит ўрнатиш тартиби;
- нақд пул билан ҳисоб – китоб қилиш тартиби;
- касса операцияларининг бухгалтерия ҳисоби;
- чакана савдо корхоналарига нақд пулсиз ҳисоб – китоб қилиш тартиби.

Марказий банк ва унинг ҳудудий Бош бошқармалари (ХББ) зиммасига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида пул муомаласини ташкил этиш, тижорат банклари нақд пул билан боғлиқ фаолиятини мувофиқлаштиради ва мониторинг юритади.

Банк муассасаларига келиб тушган пул бирликлари ва тангаларнинг қайта саналиши, тўловга яроқли, эскирган ҳамда яроқсиз, яъни тўлов

қобилиятини йўқотган пул бирликларини тоифаларга ажратилган ҳолда саралаш, тахлаш, тегишли равишда ўраб боғлаш ва қайта муомалага чиқарилиши каби ишларнинг сифатини янада ошириш юзасидан Марказий банкнинг барча муассасалари ва тижорат банк бўлимларига доимий равишда тегишли кўрсатмалар бериб борилади. Пул бирликларининг «яроқли», «эскирган» ва «тўловга яроқсиз» тоифалар бўйича мезонларини ишлаб чиқади.

4.5. Муомала учун зарур бўлган нақд пуллар миқдорини аниқлаш асослари

Нақд пул муомаласини тартибга солишнинг *асосий вазифаси*, бу – муомалага чиқарилиши ёки олинishi лозим бўлган нақд пул миқдорини аниқлашдан иборатдир. Ушбу вазифа муомала учун зарур нақд пул маблағларига бўлган талабни аниқлаш орқали амалга оширилади.

Маълумки, нақд пуллар кичик ҳажмдаги чакана ва уюшмаган савдо ҳамда нақд пулли хизматлар учун тўловларда қўлланилади. Ёки, нақд пул айланмасининг умумий пул айланмасидаги улуши юқорида кўрсатилган нақд пулли тўловларнинг жами тўловлардаги улуши билан аниқланади.

Демак, нақд пулга бўлган талаб умумий пул массасига бўлган талабнинг бир қисмидир. Лекин, умумий пул массасига нафақат товарлар ва хизматлар ҳажми, балки пулнинг айланиш тезлиги ва банк фоиз ставкаларининг даражаси ҳам таъсир этади. Ушбу омиллар назарий жиҳатдан олимлар томонидан аллақачон асосланиб улгурилган ва бугунги кунда жуда кўп мамлакатларнинг иқтисодиётини бошқаришда пулга бўлган талаб ва таклифни тартибга солиш механизми сифатида қўлланилмоқда. Фанда бу усул монетаризм (пулнинг миқдорий назарияси) номи билан машҳур бўлиб кетган.

Бунда шуни қайд этиб ўтиш лозимки, классик – дастлабки монетаризм асосчилари муомала учун зарур бўлган пул миқдорини асосан муомаладаги

мавжуд товарлар қиймати ва турли пулли тўловлар йиғиндисидан келиб чиққан ҳолда аниқлашга уринганлар.

Кейинчалик капиталистик товар ишлаб чиқариш ривожлангани сари муомаладаги пул миқдорини белгиловчи янги объектив омиллар вужудга кела бошлаган. Айниқса, пул муомаласи банклар томонидан тартибга солина бошлангандан сўнг пулга бўлган талаб ва таклиф банкларнинг ссуда фоизлари даражасига кўпроқ боғланиб бориши кузатилган. Натижада, иқтисодчи олимлар томонидан пулга бўлган талаб ва таклифни бошқариш билан боғлиқ янги замонавий монетаризм вужудга келган.

Албатта, ушбу бобда нақд пул муомаласи учун зарур пул миқдорини аниқлаш бўйича олимлар томонидан бугунги кунгача яратилган барча назарияларни таҳлил қилиб чиқиш мумкин эмас. Лекин, Марказий банклар томонидан амалга оширилаётган замонавий нақд пул сиёсатининг негизини чуқурроқ тушуниш учун уларнинг айримларини келтириб ўтамоғимиз.

Масалан, инглиз иқтисодчиси У. Петти (1623 – 1687) муомала учун зарур бўлган нақд пуллар миқдори аҳолининг бир ҳафталик пул даромадлари, ер ижараси учун тўланадиган ҳақнинг ярми ва барча экспорт қилинадиган товарлар суммасининг тўртдан бир қисмининг йиғиндисига тенг бўлиши лозим деб ҳисоблаган.

Инглиз файласуфи Ж. Локка (1632 – 1704) муомала учун зарур бўлган нақд пуллар миқдорини иш ҳақининг элликдан бир қисми, ер ижара ҳақининг тўртдан бир қисми ва йиллик товар айланмасининг йигирмадан бир қисмларининг йиғиндисидан сифатида топишни таклиф қилган.

Инглиз иқтисодчиси Р. Кантильон (1680 – 1734) муомала учун зарур бўлган нақд пуллар миқдори мамлакатдаги мавжуд маҳсулотлар қийматининг тўққиздан бир қисми ёки ер ижараси учун тўланадиган ҳақнинг учдан бир қисмига тенг бўлиши лозимлигини эътироф этади.

Шотланд иқтисодчиси А. Смитт (1723 – 1790) ушбу кўрсаткични аниқлаш мумкин эмас деб ҳисоблаган бўлса ҳам, лекин кўпгина олимлар уни йиллик умумий ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматининг бешдан, ўндан,

йигирмадан ва ўттиздан бир қисмига тенг бўлишини таъкидлаганларини эслатиб ўтади.

Агар, эътибор берилган бўлса юқорида санаб ўтилган назариялар классик, яъни дастлабки монетаризмга таалукли эканлигини сезиш қийин эмас.

Замонавий монетаризм назариясининг илк намоёндаларидан бўлган инглиз иқтисодчиси А. Маршалл (1842 – 1924) муомала учун зарур бўлган нақд пуллар миқдори аҳолининг қўлида пул ушлаб туриш истаги ва улардан даромад ололмаслик хавфи билан ўлчанишини ўртага ташлаган. Ёки, А. Маршалл фикрича одамлар қўлидаги ортиқча нақд пуллардан ҳеч қандай наф ололмаслик ҳисси муомала учун зарур бўлган нақд пул миқдорини белгилашда асосий омил бўлиб ҳизмат қилади.

Миқдорий пул назариясининг ёрқин намоёндаларидан бўлган машҳур инглиз олими Ж. Кейнс (1883 – 1946) илк бор муомала учун зарур пул миқдорини банк фоизлари даражаси билан боғлиқ эканлигини аниқлашга муваффақ бўлди. Унинг фикрича банк фоизлари ставкаси тушиб кетса, одамлар пулларини банкларда сақлашдан кўра ўз қўлларида ушлаб туришни маъқул кўрадилар ва муомалада пулга бўлган талаб ошиб боради. Агар, банк фоиз ставкаси кўтарилса, одамлар қўлидаги пулларини даромад олиш мақсадида банкларга қўйишдан манфаатдор бўладилар ва муомалада пулга бўлган талаб пасайиб кетади. Кўриниб турибдики, Ж. Кейнснинг пулга бўлган талабни аниқлаш таълимоти учун “фоизлар назарияси” асос бўлиб хизмат қилган.

Шундан келиб чиққан ҳолда Ж. Кейнс, муомала учун зарур бўлга пул миқдори мамлакат миллий бойлигининг ўндан бир қисмидан тортиб то эллиқдан бир қисмигача бўлган оралиқда ўлчаниши мумкин деб ҳисоблаган. Ж. Кейнснинг бу фикрини инкор қилиб бўлмасада, лекин унинг назариясига кўра муомала учун зарур бўлган нақд пулнинг аниқ миқдорини аниқлаш мумкин эмас эди.

Шу сабабли, нақд пул муомаласини самарали бошқариш усуллари кидириш бўйича илмий ишлар мунтазам давом эттирилган ва иқтисодчи олимлар томонидан пул миқдорини аниқ кўрсаткичларига эришиш бўйича бир қанча янги назариялар яратилди.

Булардан диққатга сазоворлиси, икки америкалик олим У. Баумоль ва Ж. Тобинлар томонидан бир – бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда яратилган “портфель танлови” назариясидир.

Ушбу назарияга асосан битимларни амалга ошириш учун нақд пулга бўлган талаб одамларнинг касса шаклида (қўлида) сақланадиган нақд пуллар бўйича вужудга келадиган альтернатив харажатларини (банк фоизлари сифатида олиниши мумкин бўлган даромадларини йўқотилиши назарда тутилмоқда) ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Ёки, муаллифлар йил давомида баҳолар барқарор ва харажатлар бир хил бўлган ҳолларда, одамлар режалаштирилган тўловларни амалга ошириш учун қанча нақд пулларни ўз қўлида сақлаб туришлари мақсадга мувофиқ эканлигини аниқлашни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган ва уни қуйидаги формула орқали ифодалашган:

$$N = \sqrt{iY} / 2F$$

Бунда:

N – банкка ташрифлар сони;

F – ҳар бир ташрифнинг харажатлари қиймати;

Y – қўлдаги нақд пуллар миқдори (аниқ касса қолдиқлари);

i – омонат бўйича тўланадиган банк фоиз ставкаси.

Бунга кўра, банкка ташрифлар сони ошган сари харажатлар кўпаяди ва одамлар қўлидаги пул миқдори ошиб боради, айти пайтда эса банкдан олиниши мумкин бўлган фоизлар кўринишидаги даромадлар камайиб боради.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида бизнинг Республикада ҳам бошқа барча собиқ иттифокдан ажралиб чиққан мамлакатлар қатори муомала

учун зарур бўлган пул миқдори собиқ “СССР Давлат банки” қўллаган касса режасини тузиш усули билан аниқланиб келди. Маълумки, маъмурий буйруқбозлик бошқариш усулига асосланган социалистик жамиятда ишлаб чиқарилган товарлар ва пулли хизматлар нарҳи ҳамда унга асосий қарама – карши кўрсаткич бўлган иш ҳақи миқдори деярли ўзгармасди. Бу эса, банк кассаларидан бериладиган ва келиб тушадиган нақд пуллар миқдорини аниқ белгилаш имконини берарди.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари тўла шаклланиб улгурмаган шароитда бизнинг Республикада ҳам касса айланмаларини ҳомчўт қилиш орқали нақд пул муомаласини тартибга солиш усулидан фойдаланилмоқда. Тижорат банклари касса айланмаларини ҳом – чўти фақат чораклик даврлар учун қўлланилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки нақд пулга бўлган талаб ва таклифни ўрганиш мақсадида статистика органларидан олинган маълумотларга асосан қуйидаги ишларни амалга оширади:

халқ истеъмол молларининг умумий ҳажми, турлари бўйича ишлаб чиқарилиши, чиқарилаётган маҳсулотлар аҳоли талабларига мос бўлиши борасида доимий мониторинг олиб боради, тайёр саноат маҳсулотларининг қолдиғини, савдонинг аҳволи ва товар заҳираларининг ҳолатини, чакана савдо тармоғидаги товар заҳиралари таркибини товар айланмасининг мўлжалдаги ҳажмининг бажарилишини таҳлил қилади;

аҳолининг товарлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжи қандай қондирилаётганини ўрганадилар ҳамда ана шу ўрганиш натижаларидан аҳолининг тўловга қобил талабини қондиришни яхшилаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

пул муомаласининг ҳолатини ҳамда унинг тавсифловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш асосида тегишли идоралар билан биргаликда пул муомаласини барқарорлаштириш, ташкилотларнинг нақд пулга бўлган эҳтиёжларини узлуксиз қондиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиб, жойлардаги давлат бошқарув органлари муҳокамасига қўядилар.

Бундан ташқари, Марказий Банк Худудий Бош Бошқармалари:

тегишли ҳудудда пул муомаласини ташкил этадилар ва амалга оширадилар;

пул муомаласининг аҳволини, нақд пул эмиссиясининг ҳудудий тақсимланишини ўрганадилар, банкларнинг касса айланмасини таҳлил қиладилар, пул муомаласининг ҳолатини кўрсатувчи маълумотларни жамлайдилар ва тартибга соладилар;

касса ресурсларини тартибга соладилар, ташкилотларнинг нақд пулдаги ҳисоб – китобларини ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш чораларини кўрадилар;

банкларнинг пул муомаласи соҳасидаги ишларини таҳлил қиладилар ва ўрганадилар.

Шу билан биргаликда, нақд пулга бўлган талабни қисқартириш мақсадида товарлар ва хизматлар учун нақд пулсиз ҳисоб – китобларни ривожлантиришга қаратилган чоралар кўради.

Ушбу тадбирлар албатта нақд пулга бўлган мутлоқ талабни аниқлаш учун катта аҳамият касб этади. Лекин, амалий жиҳатдан пулга, хусусан нақд пулга бўлган талаб хўжалик субъектлари ва аҳолининг нақд пулга бўлган аниқ эҳтиёжларини ҳисоб – китоб қилиш орқали белгиланади. Барча нақд пул оқимлари ҳаракати банк кассаларидан бошланиб яна банк кассаларига қайтиш билан якунланади. Бу эса, банк кассалари орқали ўтадиган пул оқимларини ўрганиш натижасида яқин келажакдаги нақд пулга бўлган талабни аниқлаш имкониятини яратади.

Лекин, бозор муносабатлари шаклланиб борган сари эски усул билан нақд пул муомаласини бошқариш ўз самарасини йўқотиб бормоқда. Чунки, бозор иқтисодиёти шароитида товарлар баҳоси ва иш ҳақи миқдорининг ўзгариб туриши сабабли зарур нақд пул миқдорини аниқ белгилаш мумкин эмас эди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 февралдаги “Пул – кредит кўрсаткичларини

тартибга солиш механизмини такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида” 63 – сонли қарорига асосан жами пул массаси устидан самарали назоратни амалга ошириш мақсадида пул агрегатларининг замонавий усуллари амалиётга жорий қилина бошланди.

4.6. Пул массаси ва пул агрегатлари

Пул массаси – муомаладаги нақд пуллар ва нақд пулсиз оборотдаги пулларнинг йиғиндисидир. Бугунги кунда бозор иқтисодиёти шароитида фаолият юритаётган мамлакатларнинг пул оборотида фақат банкнота ва танга кўринишда эмас, балки кредит, чек ва электрон ёзувлар кўринишида иштирок этаяпти. Шунинг учун иқтисодчилар ушбу пулларни пул массаси деб юритишади. Пул массаси мамлакатда муҳим иқтисодий кўрсаткич бўлиб, унинг ҳажми жами ижтимоий маҳсулотнинг ҳажми билан мувозанатда (пулнинг айланиш тезлигини инобатга олган ҳолда) бўлиши зарур.

Пул массасининг миқдори ва унинг таркиби Марказий банк томонидан назорат қилинади. Марказий банк пул – кредит инструментлари орқали мамлакатда пул массасини оқилона меъёрини таъминлайди.

Пул массаси таркиби асосан иккита компонентдан ташкил топади.

Муомаладаги нақд пуллар – пул массасининг юқори ликвидли маблағлари ҳисобланиб, исталган пайтда тўлов воситаси сифатида фойдаланиш имкониятини беради. Ушбу агрегат муомаладаги банкнот ва тангаларни ўз таркибига олади.

Нақд пулсиз маблағлар – мулк шаклидан қатъий назар барча турдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг кредит муассасаларида ҳисобрақамлардаги, шунингдек, пластик карточкалар ва ҳисоб – китоб чеки кўринишидаги маблағлардан иборат.

Муомаладаги ликвидлик даражаси паст ҳисобланган пуллар *квазипуллар* деб юритилади. Ушбу пулларнинг таркибига нисбатан паст ликвидли ва тўлов воситаси сифатида ишлатилмайдиган қимматли қоғозлар киради.

Пул массаси даражасини ҳисоблашнинг асосий тамойилларидан бири маблағларни ликвидлилик даражаси ҳисобланади. Муомаладаги пулнинг турлари пул агрегатлари билан гуруҳларга ажратилади. Унга кўра муомаладаги маблағлар ликвидлилик бўйича таснифланади, яъни дастлаб юқори ликвидли маблағлар паст ликвидлигига қараб $M1, M2, M3, \dots, M_n$ ёки L агрегатларга ажратилади. Пул агрегатлари таркиби ва сони турли мамлакатларда турличадир.

АҚШда нақд ва нақд пулсиз ҳисоб – китобларни амалга оширадиган пуллар ликвидлилик даражасига қараб қуйидаги пул агрегатлари билан белгиланади:

- $M1$ = нақд пуллар (банкнотлар ва тангалар), талаб қилиб олгунча сақланадиган депозитлар, пул чеклари, бошқа чек депозитлари;
- $M2$ = $M1$ + чек бўлмаган жамғарма депозитлар, муддатли жамғармалар (100 минг долларгача);
- $M3$ = $M2$ + 100 доллардан юқори муддатли жамғармалар, жамғарма сертификатлар ва бошқалар;
- L = $M3$ + хазина жамғарма облигациялари, давлатнинг қисқа муддатли мажбуриятлари, тижорат қимматли қоғозлар ва бошқалар.

Пул массаси таркибида нақд пуллар улушининг паст ёки юқорилиги муҳим ўрин тутди. МДХга аъзо мамлакатларнинг пул массаси таркибида нақд пулларнинг улуши сезилари даражада юқори. Масалан, Россияда ушбу кўрсаткич 2002 йилда 36,6 фоизни ташкил этган. Одатда ривожланган мамлакатларнинг пул массаси таркибида нақд пулларнинг улуши 5 – 10 фоизни ташкил этади.

Пул массасининг ўзгаришига нафақат муомаладаги пул миқдорининг ўзгариши, балки пул айланиш тезлиги ҳам таъсир қилади. *Пул айланиш муомаласи тезлиги* – пулнинг товарлар ва хизматлар учун тўловларни амалга оширишда қатнашиш суръатидир.

Ўзбекистонда пул агрегатлари қуйидаги таркибий қисмлардан иборат²⁵.

$M1$ = нақд пуллар;

$M2$ = $M0$ + счётлардаги пул қолдиғи + маҳаллий бюджет маблағлари – бюджет, жамоа ва бошқа ташкилотлар маблағлари;

$M3$ = $M1$ + тижорат банкларидаги муддатли жамғармалар;

$M4$ = $M2$ + сертификатлар + мақсадли заём облигациялари + давлат заём облигациялари + хазина мажбуриятлари.

Пул муомаласи қонунига кўра, пул муомаласи тезлиги пул массасининг ўсишига нисбатан пропорционал равишда ортиб боради. Иқтисодиётнинг пул воситалари билан таъминланганлиги даражасини аниқлашда монетизация коэффиценти кўрсаткичидан фойдаланилади. Ушбу кўрсаткич маълум давр ичида ўртача пул массаси даражасини жами ижтимоий маҳсулотнинг номинал қиймати ўртасидаги нисбати асосида аниқланади.

Бобга оид саволлар

Пул муомаласи деганда нимани тушунасиз?

Пул айланмаси деганда нимани тушунасиз?

Пул айланмаси қандай қисмларга ажратилади?

Нақд пул айланмаси ва нақдсиз пул айланмаларининг ўзига хос жиҳатлари нимада?

Нақд пул муомаласи тушунчаси.

Нақд пуллар доиравий айланмасидаги ҳаракат босқичлари.

Нақд пул зарурияти.

Марказий банкнинг нақд пул муомаласини ташкил этишдаги асосий вазифалари.

Пул эмиссияси ва уни амалга ошириш тартиби

Муомала учун зарур бўлган нақд пуллар миқдори.

Пул базасининг моҳияти.

Пул агрегатларининг моҳияти.

Бобга оид тестлар

1. Нақд пул муомаласидаги пул ҳаракатининг нечта оқими мавжуд?

A.2 та

B.3 та

B.4 та

Г.5 та

²⁵ Абдуллаева Ш. Пул, кредит ва банklar. “Иқтисод – молия” нашриёти, 2007. 66 – бет.

2.Нақд пулнинг доиравий айланиши деб нимага айталади?

А. Нақд пулларнинг тижорат банкидан чиқиб яна тижорат банкига қайтиб келиш ҳаракати уларнинг доиравий айланиши дейилади.

Б. Нақд пулларнинг банклар орқали аҳоли ва мижозлар қўлига келиб тушиши натижасида савдо нуқталарига ўтишига пулнинг доиравий айланиши дейилади.

В. Нақд пулларни Марказий банкдан чиқиб тижорат банкларига қайтиб келишига пулнинг доиравий айланиши дейилади.

Г. Нақд пулларни Марказий банкдан чиқиб яна Марказий банкка қайтиб келишига пулнинг доиравий айланиши дейилади.

3.Муомалада пулларни эмиссия қилиш қандай банк зиммасига юклатилган?

А.Тижорат банки

Б.Молия Вазирлиги

В.Халқ банки

Г.Марказий банк

4.Муомаладан ортиқча пулларни қайтариб олишни қандай банк амалга оширади?

А.Тижорат банки

Б.Молия Вазирлиги

В.Халқ банки

Г.Марказий банк

5. Нақд пулларни муомалада мавжудлигига қандай омиллар хизмат қилади?

А. Нақд пулсиз ҳисоб – китоблар даражасининг пастлиги омили.

Б. Аҳоли ўртасида кичик ҳажмдаги чакана ва уюшмаган савдо ҳамда нақд пулли хизматларнинг мавжудлиги омили.

В.Банклар ва аҳоли ўртасида ҳисоб – китобларни амалга оширишда қулайлилиги омили

Г.Иқтисодиётда пул массаси ҳажмининг юқорилиги омили

6.Нақд пуллар:

А. – ликвидлиги паст тўлов воситаси ҳисобланади;

Б. – юқори ликвидлик қоибилиятига эга ҳисобланади;

В. – юқори даражада даромад келтирадиган активлар ҳисобланади;

Г. – харажатсиз ва хавфсиз даражаси юқори маблағлар ҳисобланади.

7.Нақд пуллар бўйича талабларни бажаришнинг асосий мажбурияти:

А. – ҳукумат зиммасига юклатилган;

Б. – Марказий банк зиммасига юклатилган;

В. – тижорат банклари зиммасига юклатилган;

Г. – Молия Вазирлиги зиммасига юклатилган.

8.Нақд пул муомаласининг асосий вазифаси нимадан иборат?

А. Банклар ва аҳоли ўртасидаги ўзаро алоқаларни таъминлашдан иборат

Б. Муомалага чиқарилиши ёки олиниши лозим бўлган нақд пул миқдорини аниқлашдан иборат

В. Муомаладаги нақдсиз пуллар ҳажмини ошириш

Г. Муомаладаги яроқсиз пулларни қайтариб олиш

9.Пул массаси бу:

А. – муомаладаги нақд пуллар йиғиндиси;

Б. – муомаладаги нақдсиз пуллар йиғиндиси;

В.– муомаладаги нақд ва нақд пулсиз оборотидаги пулларнинг йиғиндиси;

Г. – муомаладаги танга пулларнинг йиғиндиси.

10. Ўзбекистонда қандай пул агрегатлари амал қилади?

А. M0, M1, M2, M3, M4

Б. M0, M1, M2, M3

В. M1, M2, M3, M4

Г. M0, M1, M2,

5 – БОБ

ПУЛ ТИЗИМИ

5.1. Пул тизимининг моҳияти ва элементлари

XVI асрнинг охири ва XVII асрнинг бошларида товар – пул муносабатларининг ривожланиши, халқаро ва маҳаллий валюта бозорларининг вужудга келиши, шунингдек, давлатчилик асосларининг мустаҳкамланиши давлат томонидан пул муомаласини тартибга солишнинг заруриятини келтириб чиқарди.

Давлат томонидан пул муомаласини амалга ошириш тартибини белгилашда мамлакат тарихи, сиёсий ҳолати, миллий анъаналари ҳамда унинг иқтисодий салоҳияти муҳим аҳамият касб этади.

Пул тизими – бу мамлакатда пул муомаласини амалга оширишнинг шакли бўлиб, унинг асосини миллий валюта ташкил этади ва миллий валюта орқали тартибга солинади.

Пул тизими қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

пул тизимини ташкил этиш тамойиллари;

пул бирлиги;

баҳо масштаби;

пулнинг турлари;

пул бирликлари ва белгиларини эмиссия қилиш тартиби ва уларнинг таъминланганлик асослари;

пул муомаласини тартибга солишнинг усуллари;

мамлакатда пул оборотининг таркиби ва уни ташкил этиш.

Пул тизимини ташкил этиш тамойиллари – пул тизимини ташкил этишнинг асосий элементларидан ҳисобланди. Пул тизимини ташкил этишда давлат томонидан пул тизимини ташкил этишнинг тартиб ва қоидалари

назарда тутилади. Таъкидлаш жоизки, бозор иқтисодиёти амал қилаётган барча мамлакатда муомалага пул белгиларини эмиссия қилиш, банк тизимининг таркиби бир – бирига ўхшасада ҳар бир мамлакатда пул – кредит ва молия сиёсатини амалга оширишнинг ўзига хос тамойиллари мавжуд. Ушбу тамойилларнинг асосийлари қуйида келтирилган.

Пул тизимини марказдан бошқариши тамойили. Пул тизимини бошқаришнинг ушбу тамойили мамлакатни маъмурий – тақсимлаш моделига хос бўлиб, бу жараёнда барча пул муносабатлари тегишли кўрсатма ва режа асосида амалга оширилади. Мамлакатда фаолият юритадиган барча банклар ва уларнинг филиаллари давлат ихтиёрида ва назорати остида фаолият юритади. Муомалада пул массасини тартибга солиш тегишли режа ва деректив кўрсатмалар орқали бажарилади.

Пул тизимини талаб ва тақлиф асосида тартибга солиш тамойили. Пул тизимини ташкил этишнинг ушбу тамойилида асосий эътибор миллий валютанинг сотиб олиш қобилиятини мустаҳкамлиги ва инфляция даражасининг нормал меъёрига қаратилади. Мамлакат Марказий банки мустақил равишда пул – кредит сиёсатини амалга оширади, кредит муассасалари Марказий банк томонидан белгиланган тегишли иқтисодий нормативларга риоя этган ҳолда ўзининг фаолиятини ташкил этади.

Пул бирлиги. Пул бирлиги ва унинг номи ҳукуматнинг тегишли қонун ва меъёрий ҳужжатлари асосида белгиланади. Қонун ва тегишли меъёрий ҳужжатлар асосида белгилаб қўйилган пул белгилари мамлакатда ягона тўлов воситаси вазифасини бажаради. Мамлакат иқтисодиётида муомалада бўлган пул бирлиги ўзининг номига эга бўлади. Миллий валютанинг номи барча мамлакатларда турлича номда юритилади. Масалан, АҚШда доллар, Буюк Британияда фунт стерлинг, Хитойда юан ва бошқалар (қуйидаги жадвалда жаҳон мамлакатларининг пул birlikларининг номлари келтирилган).

**Жаҳон мамлакатлари миллий пул
бирлигининг номлари**

Мамлакат	Миллий пули	Мамлакат	Миллий пули	Мамлакат	Миллий пули
Австралия	<i>Dollar</i>	Канада	<i>dollar</i>	Руминия	<i>leu</i>
АҚШ	<i>Dollar</i>	Қатар	<i>riyal</i>	Салвадор	<i>colon</i>
Албания	<i>lek</i>	Кения	<i>shilling</i>	Самоа	<i>tala</i>
Алжир	<i>dinar</i>	Кипр	<i>pound</i>	Саудия Арабистон	<i>riyal</i>
Ангола	<i>kwanza</i>	Қирғизистон	<i>som</i>	Сенегал	<i>frank</i>
Аргентина	<i>peso</i>	Қозоғистон	<i>tenge</i>	Сингапур	<i>dollar</i>
Арманистон	<i>dram</i>	Конго	<i>frank</i>	Слования	<i>koruna</i>
Афғонистан	<i>afghani</i>	Корея	<i>won</i>	Судан	<i>pound</i>
Б.А.Э	<i>dirham</i>	Коста Рика	<i>colon</i>	Сурия	<i>pound</i>
Бангладеш	<i>taka</i>	Қувайт	<i>dinar</i>	Сьерра – Леон	<i>leone</i>
Бахрайн	<i>dnar</i>	Латвия	<i>lats</i>	Тожикистон	<i>somoni</i>
Беларуссия	<i>rubel</i>	Левия	<i>Omani</i>	Танзания	<i>shilling</i>
Болгария	<i>lev</i>	Литва	<i>litas</i>	Того	<i>frank</i>
Боливия	<i>boliviano</i>	Мавритания	<i>ouguiya</i>	Тринидад ва Тобаго	<i>dollar</i>
Босня ва Герсогавена	<i>marka</i>	Макао	<i>pataca</i>	Туркия	<i>lira</i>
Ботсвана	<i>pula</i>	Македония	<i>denar</i>	Уганда	<i>shilling</i>
Бразилия	<i>real</i>	Малайзия	<i>ringgit</i>	Украина	<i>hryvnia</i>
Бурунди	<i>frank</i>	Мали	<i>frank</i>	Уругвай	<i>peso</i>
Буюк Британия	<i>sterling</i>	Марокко	<i>dirham</i>	Филиппин	<i>peso</i>
Венгрия	<i>forint</i>	Мексика	<i>peso</i>	Ҳиндистон	<i>rupee</i>
Венесуэла	<i>bolivar</i>	Миср	<i>pound</i>	Хитой	<i>yuan</i>
Вьетнам	<i>dong</i>	Мозамбик	<i>metical</i>	Чад	<i>frank</i>
Гватемала	<i>quetzal</i>	Молдовия	<i>lev</i>	Чехия	<i>koruna</i>
Гонг Конг	<i>dollar</i>	Монголия	<i>togrog</i>	Чили	<i>Peso</i>
Гренада	<i>dollar</i>	Намибия	<i>dollar</i>	Швецария	<i>frank</i>
Грузия	<i>lari</i>	Нигерия	<i>frank</i>	Швеция	<i>krone</i>
Дания	<i>krone</i>	Нидерландия	<i>guilder</i>	Шимолий Африка	<i>rand</i>
Доминика	<i>peso</i>	Никарагуа	<i>cordoba</i>	Шри Ланка	<i>rupee</i>
Европа Иттифоқи	<i>euro</i>	Норвегия	<i>krone</i>	Эквадор	<i>sucre</i>
Жордан	<i>dinar</i>	Озарбайжон	<i>manat</i>	Эрон	<i>rial</i>
Замбия	<i>kwacha</i>	Парагвай	<i>guarani</i>	Эстония	<i>kroon</i>
Зимбабе	<i>dollar</i>	Покистон	<i>rupee</i>	Эфиопия	<i>birr</i>
Индонезия	<i>rupiah</i>	Польша	<i>zloty</i>	Ямайка	<i>dollar</i>
Ироқ	<i>dinar</i>	Панама	<i>balboa</i>	Яман	<i>rial</i>
Исроил	<i>sheqel</i>	Россия	<i>ruble</i>	Янги Зеландия	<i>dollar</i>
Камерун	<i>frank</i>	Руанда	<i>frank</i>	Япония	<i>yen</i>

Баҳо масштаби – бу қийматнинг пул бирлигида акс эттириш воситасидир, пулнинг ўзига хос бўлган техник функцияси ҳам ҳисобланади. Муомалада олтин ва кумуш тангалар пул вазифасини бажарган пайтда баҳо масштаби, яъни миллий валютанинг баҳоси бевосита олтин ва кумуш тангалар орқали аниқланган. Яъни, қоғоз пуллар маълум миқдорда олтин ва кумуш тангалар билан таъминланган. 1971 – 1973 йилларда расмий равишда олтиннинг пул воситаси вазифасини бажариши ва қоғоз пулларнинг олтин билан таъминланганлиги бекор қилинди. Натижада, миллий валютанинг баҳо масштаби товарлар ва хизматлар ҳамда хорижий валюталарга нисбатан талаб ва таклиф асосида аниқланадиган бўлди, кўпчилик мамлакатлар миллий валютанинг қийматини аниқлашда дунёнинг етакчи валюталари ҳисобланган АҚШ доллари, евро, юан каби валюталарни асос қилиб олади.

Пулнинг турлари – малакатдаги қонуний тўлов воситаси ҳисобланади. Ҳозирги пайтда ҳеч қандай мамлакатда металл пул тизими амал қилмайди. Пулнинг асосий турлари сифатида кредит билетлари (банкнота), шунингдек, давлатнинг хазина билетлари ва тангалар тўлов воситасини бажаради.

Банкнота (банк билетлари) – бу қонуний тўлов воситалари ҳисобланиб, мамлакат Марказий банки томонидан муомалага чиқарилади ва тартибга солинади.

Хазина билетлари – қоғоз пул бўлиб, мамлакат Молия вазирлиги томонидан давлат бюджети тақчиллиги ва қўшимча харажатларни қоплаш мақсадида муомалага чиқарилади. Банкноталардан фарқи шундаки, ушбу пуллар ҳеч қандай қимматбаҳо металл билан таъминланмаган бўлиб, олтин ва кумушга алмаштириш мумкин бўлмаган. Хазина билетлари пул тизимининг дастлабки даврларида жорий этилган бўлиб, мамлакат Молия вазирлиги Марказий банк билан бир қаторда пул чиқариш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолган. Ҳозирги пайтда барча мамлакатларда миллий валюта ва пул муомаласи барқарорлигига тўлиқ Марказий банк масъул эканлиги туфайли ҳеч қандай мамлакатда Молия вазирлиги хазина билетларини муомалага

чиқармайди. Агар бюджет тақчиллигини қоплаш учун маблағ зарур бўлса ушбу маблағни Марказий банкдан кредит сифатида олади.

Танга – металл қуймадан, мамлакатнинг қонуний тўлов воситаси сифатида турли қийматларда муомалага чиқарилади. Иқтисодий адабиётларда тангалар “майдаловчи пул” тарзида ҳам талкин этилади, бунинг боиси шундаки, тангалар кичик қийматда муомалага чиқарилиб, савдо – сотиқ ишларида қайтимларни беришда қўлланилади. Албатта, бунинг учун мамлакат миллий валютаси барқарор ва сотиб олиш қобилияти юқори бўлиши мақсадга мувофиқ.

Пул бирликлари ва белгиларини эмиссия қилиш тартиби ва уларнинг таъминланганлик асослари. Ҳар бир мамлакат ўзининг миллий валютасини эмиссия қилиш тартиби ва қоидаларини мустақил равишда амалга оширади. Мамлакатда миллий валютани эмиссия қилиш, муомалага пулларни чиқариш ва муомаладан қайтариб олиш тартибини Марказий банк амалга оширади. Муомаладаги пул бирликлари Марказий банкнинг барча активлари ва мамлакатдаги моддий товар қимматликлар билан таъминланади.

Пул муомаласини тартибга солишнинг усуллари. Мамлакатда пул муомаласини тартибга солишнинг асосий мақсади миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашдан иборат бўлиб, ушбу вазифани Марказий банк амалга оширади. Марказий банк пул муомаласини тартибга солишнинг асосий инструментлари сифатида мажбурий захиралар сиёсати, қайта молиялаш сиёсати, очик бозордаги операциялари, депозит сиёсати ва валюта сиёсатини амалга оширади. Марказий банк ушбу инструментлар орқали товар массаси ва пул массаси ўртасидаги ўзаро мутаносибликни тартибга солади. Бундан асосий мақсад мамлакат миллий валютасининг барқарорлигини таъминлашдан иборат.

Мамлакатда пул оборотининг таркиби ва уни ташкил этиш. Пул обороти ўз таркибига нақд пулли ва нақд пулсиз ҳисоб – китобларни олади. Иқтисодиётда амалга оширилаётган пул оборотининг асосий қисми нақд

пулсиз ҳисоб – китоблар улушига тўғри келади. Пул оборотининг таркиби, тартиби ва назорати Марказий банк томонидан амалга оширилади.

Ҳар бир мамлакатда пул тизимининг таркиби, амал қилиш усуллари ва тартиби давлатнинг тегишли қонунлари асосида ўрнатилади.

Пул тизимининг мустаҳкамлиги ва унинг барқарорлигига турли омиллар таъсир қилади.

а). *Мамлакат Марказий банкининг пул – кредит сиёсатини амалга оширишдаги мустақиллиги.* Кўпчилик ҳолларда Марказий банк пул – кредит сиёсатини амалга оширишга ҳукуматнинг аралашуви ва таъйиқ натижасида миллий валютанинг сотиб олиш қобилияти заифлашади, мамлакат банк тизимига аҳолининг ишончи пасайиб кетади. Бунинг натижасида пул тизими нобарақарор бўлиб, Марказий банк томонидан олиб борилаётган пул – кредит сиёсати ўзининг тегишли самарасини бермайди.

б). *Миллий иқтисодиётнинг барқарорлиги ва рақобатбардошлиги.* Мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлиги ва ишлаб чиқарилаётган товарлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг рақобатбардошлиги пул тизимининг барқарорлигини таъминлашга бевосита хизмат қилади. Чунки бозор муносабатларининг чуқурлашуви мамлакатлар ўртасида иқтисодий интеграцияни ривожланишига ва иқтисодиётнинг глобаллашувига олиб келади. Ушбу шароитда олиб борилаётган макро ва микроиқтисодий сиёсат тегишли самарани бермаса, мамлакатда импортининг ҳажми экспортга нисбатан ортиб кетиши кузатилади. Бу эса ўз навбатида пул тизимининг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, пул тизими ва унинг элементларини ривожланиш, шунингдек, самарали ташкил этилишига қатор омиллар таъсир қилади. Булардан асосийлари сифатида мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлиги ва барқарорлигини таъминланганлиги ҳисобланади.

5.2. Пул тизимининг турлари

Кишилик жамиятининг вужудга келиши, ривожланиши ва такомиллашуви баробарида товар – пул муносабатлари ҳам шунга монанд ҳолда ривожланиб ва такомиллашиб борди. Шунингдек, пул тизими ҳам мавжуд ижтимоий – иқтисодий жараёнлар давомида икки турдан иборат бўлди. Хусусан:

- металл пуллар тизими, бунда товар пул (қимматбаҳо металл) муомала воситасини бажаради, металл пуллар тўлов воситасини бажарганда уларда пулнинг барча функциялари намоён бўлади;

- қоғоз – кредит пуллар тизими, олтин ва кумуш танга пуллар эволюцион тарзда қоғоз – кредит пуллари томонидан муомаладан сиқиб чиқарилди.

Металл пуллар тизими шароитида металл қандай шаклда бўлишидан қайтий назар, тўлов воситаси сифатида қабул қилинди. Металл пуллар тизими иккига бўлиниб, биринчиси, **биметаллизм**, иккинчиси, **монометаллизм** сифатида гуруҳланади.

Биметаллизм – бу пул тизимида давлат қонуний жиҳатдан тўлов воситаси иккита металлни (одатда олтин ва кумуш) чегараланмаган миқдорда эркин зарб қилишга рухсат беради.

Ўз навбатида биметаллизм тизими учта шаклда амал қилди:

- биринчидан, параллел валюта тизими, ушбу металл пуллар ўртасидаги муносабат уларнинг бозор баҳосидан келиб чиққан ҳолда стихияли равишда ўрнатилди;

- иккинчидан, иккиёқламали валюта тизими, металл пуллар ўртасидаги муносабат давлат томонидан белгиланди ва шунинг асосида олтин ва кумуш тангалар зарб қилинди;

- учинчидан, «оқсоқ» валюта тизими – ушбу тизимда олтин ва кумуш тангалар қонуний тўлов воситаси сифатида хизмат қилди, лекин кумуш тангалар ёпиқ ҳолда, олтин тангалар эса эркин зарб этилди. «Оқсоқ» валюта

тизими дейилишига сабаб кумуш тангалар ушбу даврда тўлақонли валюта сифатида умум эквивалент ролини амалга оширмайди.

Муомалада иккита металл пулнинг вазифасини бажарган пайтда улар ўртасида баҳони аниқлашда муаммолар ва зиддиятли ҳолатлар вужудга келди. Шу билан бирга, пул тизимининг биметаллизм шакли беқарор ва бир – бирига ўзаро қарама – қарши эди. Шунингдек, ривожланган товар – пул муносабатлари шароити талабларига етарли даражада жавоб бермас эди.

Пул тизимининг биметаллизм шакли ҳукм сурган даври асосан XVI – XVII асрларга тўғри келади. Европа мамлакатларида 1866 йилларда биметаллизм пул тизимини сақлаб қолиш мақсадида кумушнинг қийматини олтинга нисбати расмий белгилаб қўйилди. Унга кўра, ўша пайтда кумуш ва олтин ўртасида муносабат 15,5:1 нисбатда ўрнатилди. XIX асрнинг ўрталарида ушбу тенглик ўртасида фарқ кенгайиб 22:1 тартибда белгиланди. Бунинг натижасида олтин ва кумуш тангалар муомаладан чиқиб, бойлик жамғармасини бажара бошлади.

Жамиятда товар – пул муносабатларининг ривожланиши ва ижтимоий – иқтисодий ягона умумэквивалент вазифасини битта металл пул бажариш зарурлигини кўрсатди. Бунинг натижасида монометаллизм пул тизими шаклланди.

Монометаллизм пул тизими шароитида – битта қимматбаҳо металл (олтин ва кумуш, асосан олтин) умум эквивалент вазифасини бажарди. Шу билан бирга, пул тизимининг монометаллизм даврида муомалага олтин тангаларга майдаланадиган бошқа пул белгилари (хазина билетлари, банкнотлар ва майда монеталар) ҳам кириб кела бошлади.

Халқаро валюта – кредит муносабатларини амалга оширишда XIX асрда тўлиқ ва XX асрнинг бошларигача муомалада олтин асосий рол ўйнади. Олтин стандартининг ривожланган даври 1880 – 1914 йилларга тўғри келади.

Монометаллизм ўз навбатида ***олтин танга, олтин қуйма ва олтин девиз стандартини*** ўз ичига олар эди.

Олтин танга стандарти товарларнинг баҳоси олтинда ифодаланади, мамлакат бозорларида олтин тўлов воситасини бажаради ва эркин равишда зарб этилади. Олтин пулнинг барча функцияларини бажаради. Олтин танга стандарти шароитида пул тизими талаб ва таклиф асосида тартибга солиниб, муомаладан ортиқча бўлган олтин танглар “автоматик равишда” жамғармага йўналтирилди, муомалада қўшимча тўлов воситасига эҳтиёж туғилганда улар жамғармадан муомага қайтарилди. Олтин танга стандарти шароитида мамлакатда пул тизимини ташкил этиш силлиқ ва самарали тарзда амалга оширилди, бироқ кишиларнинг товар моддий қийматларга бўлган талабининг ҳажми иқтисодиётдаги мавжуд олтин захиралари ҳажмидан сезиларли даражада ортиб борди, шунингдек, олтин танга стандарти шароитида Марказий банкларда маълум даражадаги олтин захираларини шакллантириш заруриятини келтириб чиқарди.

Олтин танга стандартининг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат эди:

- олтин тангаларни қатъий ўрнатилган қийматларда эркин равишда зарб этиш;
- ўзининг қийматини олтинда ифода этадиган пулларни майдалаш;
- олтиннинг мамлакатлар ўртасида эркин айирбошлануви;
- олтин пулнинг барча функцияларини бажариши.

Биринчи жаҳон уруши жуда катта миқдордаги молиявий харажатларни вужудга келишига сабаб бўлди, бунинг натижасида ҳукумат бюджет тақчиллигини қоплаш мақсадида муомалага қоғоз пулларни эмиссия қилди. Бу ўз навбатида биринчи жаҳон урушида иштирок этган барча мамлакатларда (АҚШдан ташқари) олтинни қоғоз пулларга алмаштириш ва хорижга олиб чиқиб кетиш қонунан таъқиқилаб қўйилди. Биринчи жаҳон урушидан кейин, бирорта мамлакат олтин танга стандартига қайтиш имкониятини қила олмади. 1920 йилларда қатор мамлакатларда *олтин қуйма* стандарти жорий этилди.

Олтин қуйма стандарти шароитида банкноталар давлат томонидан ўрнатилган суммада олтин қуймаларга айирбошланади, олтин қуйма стандарти шароитида муомалада олтин тангаларнинг тўлов воситаси сифатида ҳаракати ва эркин зарб қилиниши амал қилмайди.

Олтин қуйма стандартлари асосан олтин захираларига бой бўлган АҚШ, Англия, Франция ва Японияда ҳукм сурди. Унга кўра муомалага олтин тангаларнинг эркин зарб қилиниши барҳам топиб, пулларни олтинга алмаштириш қуйилмаларнинг қиймати асосида чегараланиб қўйилди. Масалан, Буюк Британияда бир олтин қуйилмаси 12,4 кг.га тўғри келар эди. Ушбу қуйилмани олиш учун 1700 фунт стерлинг зарур эди. Францияда бир қуйилма 12,7 кг бўлиб, ушбу қуйилма 215 минг франка баҳоланар эди.

Катта миқдорда олтин захираларига эга бўлмаган мамлакатларда (Австралия, Германия, Дания, Норвегия ва бошқалар) *олтин девиз стандарти* амал қилар эди. Олтин девиз стандарти жорий этилган мамлакатларда миллий валюталар девизларга, яъни олтинга эркин алмашадиган чет эл валюталарига айирбошланиши жорий этилди. Бунинг натижасида бир мамлакатнинг иккинчи мамлакатга валютавий боғлиқлиги вужудга келди.

1929 – 1933 йилларда юз берган бутун жаҳон иқтисодий инқирози натижасида олтин монометаллизмининг барча шакллари амал қилиш фаолиятини тўхтатди, АҚШ долларининг олтинга нисбатан паритети саққланиб қолди. 1930 йиллардан бошлаб халқаро ва маҳаллий ҳисоб – китобларда қоғоз – кредит пул тизими фаолият юрита бошлади.

Ушбу тизимнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат эди:

- олтиннинг умумэквивалент сифатида муомаладаги ҳаракати тўхтатилди, банкотларнинг олтинга айирбошланиши ва майдаланиши барҳам топди, олтин ички ва ташқи оборотдан чиқиб захира сифатида сақланадиган бўлди;

- банкларнинг кредит операциялари асосида муомалага нақд ва нақдсиз пул белгилари чиқарилди;

– пул оборотининг асосий улушини нақд пулсиз ҳисоб – китоблар эгаллай бошлади;

– давлат томонидан пул муомаласини тартибга солиш кучайтирилди, иқтисодиётда пул муомаласини тартибга солишнинг инструментлари ишлаб чиқилди.

Қоғоз – кредит пуллар тизими. Қоғоз – кредит пуллар тизимининг эволюцион ривожланиши, иқтисодиётнинг глобаллашуви ва халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви шароитида пул оборотини вақтдан ва молиявий жиҳатдан янада тежамлироқ бўлишини, шунингдек, уни самаралироқ ишлашини таъминламоқда. Агар дастлабки қоғоз пуллар тахминан X асрнинг охири XI асрнинг бошларида муомалага чиқарила бошланган бўлса, 1930 йилларнинг охирига келиб улар қаторида кредит пуллари тўлов ҳисоб – китоб ва пул айланмаларини амалга оширишда иштирок эта бошлади. Бу ўз навбатида иқтисодиётда пул – кредит сиёсатини амалга ошириш ва пул муомаласини ташкил этишга ижобий таъсир кўрсата бошлади.

Иқтисодиётнинг ривожланган ҳозирги даврида пулнинг асосий турлари банкларнинг кредит билетлари (банкнотлар), тангалар, пул чеклари, электрон–пластик карточкалар, ҳисоб рақамларда ёзувда акс эттирилган пуллар ҳисобланади.

Муомалага пулларни эмиссия қилиш Марказий банкка юклатилган. Марказий банк «банкларнинг банки» сифатида кредит ресурсларини шакллантириш ва ушбу ресурсларни нақд ва нақд пулсиз кўринишида муомалага чиқариши мумкин. Марказий банк томонидан муомалага чиқарилган нақд пуллар унинг мажбурияти бўлиб, тижорат банклари ушбу пулларни муомалада айланишини таъминлайди. Тижорат банклари қоғоз – кредит пулларни Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағидаги маблағлари доирасида ишлатиши мумкин.

5.3. Ўзбекистон пул тизимининг ташкил топиши ва ривожланиши

Ўзбекистонда пул тизимининг ташкил топиши миллий валюта Сўмнинг муомалага жорий этилиши билан боғлиқ. Сўмнинг муомалага киритилиши мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда муҳим ижтимоий – иқтисодий рол ўйнади.

Миллий валюта Сўм муомалага жорий этилган даврларни асос қилган ҳолда мамлакатимиз пул тизimini вужудга келишини шартли равишда учта босқичга гуруҳлаш орқали ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Биринчи босқичи. Пул тизимининг биринчи босқичи 1991 йил сентябрдан 1993 йил ноябр ойигача бўлган даврни ўз ичига олади. Ушбу даврда Ўзбекистон пул тизими Россия пул тизимига бевосита боғлиқ эди. Чунки бу даврда мамлакатимиз миллий валютаси муомалага киритилмаган, барча ҳисоб китоблар Россия рубли билан амалга оширилар эди. Бу даврда пул – кредит тизими ўз бошидан мураккаб ва оғир даврни кечирди.

“Мустақилликнинг биринчи йилларида Ўзбекистон ҳукумати сиёсий ва иқтисодий ислоҳатларни амалга ошириш пайтида икки ўзаро зиддиятли, бири иккинчисини инкор қиладиган ҳолатга дуч келиб қолди: бир томондан сиёсий мустақиллик, бошқа томондан – ягона рубль, демак, иқтисодий қарам зонада турганлик ҳолати эди. Бу ҳолат нафақат Ўзбекистон, балки собиқ Иттифоқнинг бошқа республикалари учун ўзига хос хусусият эди”²⁶.

Бунинг натижасида мамлакатимиз пул тизimini ташкил топишининг биринчи босқичида қуйидаги муаммолар мавжуд эди:

– банклар орқали мижозлар ва аҳолини нақд пул билан таъминлашдаги муаммолар. Дастлаб Россия Давлат банки “рубл зонасида”ги мамлакатларга бераётган ҳар бир рублини 25 фоизи миқдорида тўлов белгилаган, яъни ўзи берган 100 рублнинг 25 рублини қайтариб олиб қолиш шарти билан маблағ берган бўлса, аста секин бу тўлов миқдори ошиб борди. Россияда товарларга,

²⁶ Муллажонов Ф.М. Ўзбекистон Республикаси банк тизими. –Т.: «Ўзбекистон» 2001. 33 – бет.

жумладан, озиқ — овқат моллари ва пахтага эҳтиёжнинг кучайганлиги сабабли ўзидан олиб келаётган маблағни 100 фоиз товар билан таъминлаш шартини қўйди. Яъни Ўзбекистон ўзи олиб кетаётган қадрсизланган қоғоз пуллар ўрнига жаҳон бозорида қиймати олтин билан ўлчанадиган пахта толаси беришга мажбур бўлаётган эди²⁷;

— собиқ Иттифоқ республикалари ўртасида иқтисодий муносабатларнинг узилиши билан боғлиқ, шунингдек, ҳисоб — китобларни амалга оширишда вужудга келган муаммолар. Собиқ Иттифоқ барҳам топган бўлсада, унинг таркибига кирган республикалар ўртасидаги мавжуд иқтисодий алоқаларни бирдан тўхтатиб қўйишнинг имконияти мавжуд эмас эди. Бу ўз навбатида пул маблағлари билан боғлиқ ҳисоб — китобларни ташкил этишни талаб этарди. Бироқ собиқ Иттифоқ даврида амал қилган рублларнинг кескин қадрсизланиши, шу билан бирга, ўзаро ҳисоб — китоб ишларининг издан чиқиши ушбу ишларни амалга оширишни қийинлаштириб юборди. Шу боис ҳам, 1993 йил май ойидан мамлакатимиз Марказий банки миллий валютасини жорий этган МДХ мамлакатлари ва Ўзбекистон ўртасидаги тузилган битимларни қайта кўриб чиқиб, тижорат банкларига Марказий банк вакиллик ҳисобварағини четлаб ўтиб, тўғридан — тўғри ҳисоб — китобларни олиб бориши таъқиқланди;

— Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мустақил пул — кредит сиёсатини амалга оширишдаги муаммолар. Пул тизимини ташкил топишининг биринчи босқичида бунинг имконияти мавжуд эмас эди, чунки муомалага чиқарилаётган пуллар Россия Марказий банки томонидан амалга оширилиб, уларни тартибга солиш имконияти мавжуд эмас эди.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар нафақат мамлакатимиз банк тизимида, балки барча собиқ Иттифоқ мамлакатлари банк тизимида ҳам қатор ижтимоий — иқтисодий муаммолар вуждуга кела бошлади. Натижада улар 1992 йилнинг май — июн ойларидан бошлаб ўз миллий валюталарини муомалага кирита бошлади.

²⁷ Шу манба, 38 — бет

Қуйидаги жадвалда миллий валюталарни муомалага киритган мамлакатлар ва уларнинг санаси ҳақида маълумотлар келтирилган.

МДҲга аъзо мамлакатлари томонидан миллий валюталарининг жорий этилиши²⁸

Мамлакатлар	Рубл ҳудудидан чиқиш санаси (асосий (оралиқ) валютанинг жорий этилиши)
Беларусь	1992 йил май (белорус рубли)
Эстония	1992 йил июнь (крона)
Латвия	1992 йил июль (латвия рубли)
Озарбайжон	1992 йил август (манат)
Литва	1992 йил октябрь (литва талони)
Украина	1992 йил ноябрь (карбованец) гривина
Қирғизистон	1993 йил май (сом)
Грузия	1993 йил август (купон)
Ўзбекистон	1993 йил ноябрь (сўм – купон) сўм
Арманистон	1993 йил ноябрь (драм)
Қозоғистон	1993 йил ноябрь (тенге)
Молдова	1993 йил ноябрь (лей)
Туркменистон	1993 йил ноябрь (манат)
Тожикистон	1995 йил май (тожик рубли) сомони

Бунинг натижасида, ўз миллий валютасини жорий қилган давлатларда собиқ Иттифоқнинг 1961 – 1992 йиллар намунасидаги рубллар қадрини йўқотган “оддий қоғоз” сифатида мамлакатимизга кириб кела бошлади, бу жараён мамлакатимиз истеъмол бозоридан товар ва маҳсулотлар жуда катта ҳажмда четга оқиб кетиши рўй берди.

Албатта, бундай шароитда истеъмол бозорини ҳимоя қилишнинг ягона ва энг тўғри йўли зудлик билан муомалага миллий валютани киритиш эди. Лекин, жаҳон тарихидан маълумки миллий пул бирлигини киритиш учун зарур ташкилий ва иқтисодий шарт – шароит мавжуд бўлишини тақозо этарди, тўғрироғи эса уларни яратиш лозим эди. Бу эса ўз ўрнида маълум вақт талаб қиларди.

Аммо, бу вақт ичида истеъмол бозорини қоғозга айланиб бораётган рубллардан ҳимоя қилиб бориш ҳам зурур эди. Акс ҳолда, мамлакат иқтисодиётини издан чиқиб кетиш хавфини олдини олиб бўлмасди. Шунинг

²⁸ Transition Report 2000, EBRD ва бошқа манбалар

учун, дастлабки вақтларда истеъмол бозорини ҳимоя қилиш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1993 йил 15 майда “Пул муомаласини тартибга солиш ва республика истеъмол бозорини ҳимоялашни кучайтириш тўғрисида” қарор қабул қилди. Мазкур қарорга кўра аҳолининг товар сотиб олиши ва депозит операцияларининг бажарилишида паспорт ва купон тизими жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 1993 йил 10 майдан бошлаб, банкларга қўйиладиган омонатлар паспорт асосида қабул қилиниши жорий этилди, қиймати 25 минг рублдан юқори бўлган товарларни купонлар асосида сотилиши белгилаб қўйилди, 25 минг рублдан юқори қийматдаги товарлар банк омонатчиларнинг топшириғига кўра, пул ўтказиш йўли билан амалга оширилиши жорий этилди.

Иккинчи босқич 1993 йил ноябрдан 1994 йил июн ойига тўғри келади. Ушбу даврда, яъни 1993 йил 15 ноябрдан муомалага оралик «сўм – купон»лар киритилди.

1993 йил 15 ноябрдан бошлаб Россиянинг номинали 5000 ва 10000 бўлган рубллари муомаладан чиқарилди. Бу пуллар Жамғарма банк муассасларигагина топширилиши керак эди. Шу билан бирга, бу купюраларни банк муассасаларида қиймати паст бўлган купюраларга алмаштириш таъқиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 22 ноябрдаги «Истеъмол бозорини ҳимоялаш ва республикада пул муомаласини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 1993 йил 1 декабрдан бошлаб собиқ СССР Давлат банкнинг 1961 – 1992 йиллар намунасидаги 200, 500 ва 1000 рубллик пул билетларининг муомалада тўлов воситаси вазифасини бажариши тўхтатилди.

Бу купюралар 25 минг рублгача бўлган товарлар ва кўрсатилган хизматлар ҳақи тарзида ҳамда Жамғармабанк муассасалари томонидан доимий турар жой рўйхатида бўлган Ўзбекистон Республикаси

фуқароларидан 1993 йил 1 декабргача қабул қилинди. Фуқароларнинг Жамғармабанк муассасаларига қўядиган омонатларининг чекланган суммаси купюралар қийматидан қатъи назар 200000 рубл миқдорида белгиланди. Ушбу миқдордан ошган суммалар 1993 йил 4 декабргача алоҳида махсус фоизсиз ҳисобварақларга киритилди.

Мазкур қарорда 1961 – 1992 йиллар намунасидаги қиймати 1, 3, 5, 10, 25, 50 ва 100 рубль бўлган купюралар чекловларсиз параллел тўлов воситаси сифатида муомалада бўлиши қайд этилган эди. 50 ва 100 рубль қийматидаги купюралар 1993 йил 15 декабргача, қиймати 1, 3, 5, 10 ва 25 рубль бўлган купюралар эса, 1994 йил 1 январгача муомалада бўлди. Ушбу банкнотларни 1993 йил 6 декабрдан бошлаб Жамғармабанк муассасалари томонидан омонатларга қабул қилиш тўхтатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 30 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида «сўм – купон»ларнинг муомалада бўлиш тартибини янада такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида» ги қарорида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 1993 йил 15 ноябрда муомалага чиқарилган, қиймати 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100, 200, 500, 1000, 5.000, 10.000 бўлган сўм – купонлар қонуний тўлов воситаси ҳисобланиши белгилаб қўйилди. Бунда, Россия Давлат банкининг 1993 йил намунасидаги барча қийматдаги банкнотлари дастлабки даврда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сўм – купонлар билан бир қаторда чекловларсиз тўлов воситаси сифатида қабул қилинди.

Шу тарзда, 1993 йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги уч турдаги пул бирлиги муомалада бўлди: сўм – купонлар, собиқ СССР Давлат банкининг қиймати 100 рублгача бўлган купюралари ва Россия Давлат банкининг 1993 йил намунасидаги купюралари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 апрелда қабул қилинган «Пул муомаласини мустаҳкамлаш ва “сўм – купон” харид қобилиятини оширишнинг кечиктириб бўлмайдиган чора – тадбирлари

тўғрисида»ги қарори пул муомаласини барқарорлаштириш, сўмнинг харид қобилиятини ошириш учун зарур шарт – шароитларни яратишда муҳим тадбир бўлди. Ушбу қарорга мувофиқ, 1994 йил 15 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Россия банки банкнотларининг муомалада бўлиши ҳамда юридик ва жисмоний шахслар томонидан турли тўловларга қабул қилиниши таъқиқлаб қўйилди²⁹.

Пул тизимининг учинчи босқичи 1994 июлдан то ҳозирги кунгача бўлган даврни ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 122 – моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги қонуннинг 11 – моддаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1993 йил 3 сентябрдаги 952 – ХИ – сонли қарорига мувофиқ 1994 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний тўлов воситаси бўлган миллий валюта «Сўм» муомалага киритилди.

Банк муассасалари томонидан 1994 йил 1 июл ҳолатига кўра мулкчилик шаклидан қатъи назар, республика ҳудудида рўйхатга олинган юридик шахсларнинг ҳисоб – китоб ва жорий ҳисобварақларидаги барча пул маблағларини, шунингдек, инвентарлаш ва бухгалтерлик ҳисоби маълумотлари асосида 1000 сўм – купон – 1 сўм нисбатида барча асосий ва айланма фондларнинг баланс қиймати, бошқа моддий бойликлар, дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари, бюджетга қарздорлик ҳамда банк баланси актив ва пасивларининг барча қолган моддалари, республика ва маҳаллий бюджетлар маблағлари қолдиқлари, шунингдек, ташкил топиш манбаларидан қатъи назар, бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари тўлиғича қайта ҳисобланди.

Аҳолига пулли тўловлар сифатида банклардан янги пул белгиларини бериш ҳамда ҳамда сўм – купонларни бир ой мобайнида чакана савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси орқали ва омонатларга жалб этиб муомаладан чиқарилди.

²⁹ Ф.Муллажонов. Ўзбекистон Республикаси банк тизими. –Т.: «Ўзбекистон» 2001. 25 – 45 бетлар.

Шу боис, 1994 йил июл ойи давомида республика ҳудудида миллий валюта «сўм» ва “сўм – купон”лар параллел равишда муомалада бўлди.

Шу тарзда мамлакатимиз пул тизимининг асоси бўлиб ҳисобланадиган миллий валюта барча ҳисоб – китоблар ва тўловлар бўйича ягона тўлов воситаси сифатида амал қила бошлади. Бу ўз навбатида, Марказий банк ва тижорат банкларига пул тизимини нафақат сиёсий жиҳатдан, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам тўлиқ мустақил бошқариш имкониятини вужудга келтирди.

5.4. Ўзбекистон пул тизимининг элементлари

Бозор қитисодиёти шароитида мамлакат пул тизими элементлари муҳим аҳамият касб этади, пул тизими элементларининг тўлиқ амал қилиши ва барқарорлиги миллий иқтисодиётининг ривожига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон пул тизимининг элементлари мамлакатимиз 1991 йилда мустақилликка эришгандан бошлаб ташкил топа бошлади. У ўз ичига қуйидагиларни олади.

- пул бирлиги «сўм» бўлиб, 1 сўм 100 тийиндан иборат;
- баҳо масштаби товарлар ва хизматларга бўлган талаб ва таклиф асосида белгиланади;
- муомалада қоғоз ва танга пуллар тўлов воситасини бажаради. Қоғоз пуллар 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100, 200, 500, 1000 сўм қийматдаги банкнотлардан, танга пуллар 1, 3, 10, 50 тийин, 10, 25, 50 ва 100 сўмдан иборат;
- банкнот ва тангаларни эмиссия қилиш ва муомаладан қайтариб олиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига юклатилган бўлиб, муомаладаги барча пуллар унинг мажбурияти ҳисобланади;
- Марказий банк пул – кредит сиёсати инструментлари асосида мамлакатда пул муомаласини тартибга солади;

– мамлакатда пул айланмаси ва нақд пулсиз ҳисоб – китоб шаклидан иборат бўлиб, пул айланиши таркибида асосий улуш нақд пулсиз ҳисоб – китоблар ҳиссасига тўғри келади. Марказий банк пул муомаласи айланмасини ташкил этади ва ҳисоб – китобларнинг шакллари билгилантилади.

Бобга оид саволлар

1. Пул тизимининг вужудга келиш зарурияти.
2. Пул тизимининг моҳияти.
3. Пул тизимининг элементлари.
4. Пул тизимининг барқарорлигига таъсир этувчи омиллар.
5. Пул тизимининг турлари.
6. Биметаллизм пул тизимининг ўзига хос хусусиятлари.
7. Монометаллизм пул тизимининг ўзига хос хусусиятлари.
8. Ҳозирги кунда пулнинг қандай турлари мавжуд?
9. Биметаллизм ва монометаллизм пул тизими шароитида инфляция бўладими? Нима учун?
10. Олтин танга стандарти ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
11. Олтин қўйма стандарти ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
12. Олтин девиз стандарти ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
13. Нима учун мустақилликни дастлабки даврида Ўзбекистонда эркин пул – кредит сиёсатини амалга ошириш мумкин эмас эди?
14. Мустақилликнинг дастлабки даврида “рубл зонасида” қолишнинг объектив зарурлиги?
15. “Рубл зонасида” ҳисоб – китоблар амалга оширилганда қандай муаммолар вужудга келди ва уларни бартараф этиш бўйича қандай чоралар кўрилди?
16. Россия Давлат банки нақд пуллар билан таъминлашда қандай талаблар қўйди?
17. Ўзбекистон пул тизимини ташкил топиши қайси босқичларни ўз ичига олади?
18. Қачон ва нима мақсадда муомалага оралиқ «сўм – купон»лар киритилди?
19. Миллий валюта «сўм» муомалага қачон ва қандай тартибда киритилди?
20. Муомалага киритилган миллий валюта «сўм» оралиқ «сўм – купон»ларга қандай нисбатда айирбошланди?
21. «Сўм – купонлар» ва миллий валюта «сўм» қанча вақт давомида ва қачон параллел равишда муомалада бўлди?
22. Ўзбекистон пул тизими элементлари ва уларнинг амал қилиши.

Бобга оид тестлар

1. *Мамлакатда пул тизимининг асосини нима ташкил этади?*
А. Марказий банк.
Б. Тижорат банклари.
Б. Миллий валюта.
Г. Кредит муассасалари.
2. *Пул тизимининг элементлари қайси бири нотўғри келтирилган?*
А. Пул бирлиги.
Б. Баҳо масштаби.
В. Валюта курси.
Г. Пулнинг турлари
3. *Пул тизими таркибида қайси бири асосий элемент ҳисобланади?*
А. Пул бирлиги.
Б. Баҳо масштаби.
В. Пул тизимини ташкил этиш тамойиллари.
Г. Пулнинг турлари
4. *Пул тизими неча турдан иборат?*
А. Битта турдан.
Б. Иккита турдан.
В. Учта турдан.
Г. Тўртта турдан.
5. *Метал пуллар тизими ўз таркибига:*
А. биметаллизм ва монометаллизмни олади;
Б. – кредит пуллар тизимини олади;
В. – қоғоз пуллар тизимини олади;
Г. – танга пуллар тизимини олади.
6. *Пул тизимининг биметаллизм шакли ҳукм сурган давр қандай даврга тўғри келади?*
А. XV – XVI асрларга тўғри келади.
Б. XVI – XVII асрларга тўғри келади.
В. XVII – XVIII асрларга тўғри келади.
Г. XVIII – XIX асрларга тўғри келади.
7. *Қачондан бошлаб олтин халқаро валюта муносабатларида асосий роль ўйнай бошлади?*
А. XIX асрда тўлиқ ва XX асрнинг бошларигача.
Б. XVIII асрда тўлиқ ва XIX асрнинг бошларигача.
В. XVII асрда тўлиқ ва XVIII асрнинг бошларигача.
Г. XVI асрда тўлиқ ва XVII асрнинг бошларигача.

8. Қандай давр олтин стандартининг ривожланган даври ҳисобланади?

А. 1875 – 1890 йилларга тўғри келади.

Б. 1895 – 1920 йилларга тўғри келади.

В. 1920 – 1930 йилларга тўғри келади.

Г. 1880 – 1914 йилларга тўғри келади.

9. Монометаллизм таркибига киритилган стандартлар қандай жавобда тўлиқ ва тўғри келтирилган?

А. Олтин танга, олтин қуйма ва олтин девиз стандарти.

Б. Олтин танга, банкнот ва олтин девиз стандарти.

В. Хазина билетлари, олтин қуйма ва олтин девиз стандарти.

Г. Олтин танга, кумуш қуйма ва олтин девиз стандарти.

10. Қоғоз – кредит пул тизими шароитида муомалада амал қиладиган пуллар қандай жавобда тўлиқ келтирилган?

А. Кредит билетлари (банкнотлар), пул чеклари, электрон–пластик карточкалар, ҳисоб рақамларда ёзув шаклида.

Б. Кредит билетлари (банкнотлар), тангалар, электрон–пластик карточкалар, ҳисоб рақамларда ёзув шаклида.

В. Кредит билетлари (банкнотлар), тангалар, пул чеклари, электрон–пластик карточкалар, ҳисоб рақамларда ёзув шаклида.

Г. Кредит билетлари (банкнотлар), тангалар, пул чеклари, ҳисоб рақамларда ёзув шаклида.

11. Ўзбекистонда 1991 – 1993 йилларда нима учун мустақил пул – кредит сиёсатини амалга оширишнинг имкони йўқ эди?

А. Банк тизими ривожланмаган эди.

Б. Муомалада собиқ иттифоқ ва Россия рубллари етишмаганлиги сабабли.

В. Миллий валюта жорий этилмаганлиги туфайли.

Г. Пул – кредит сиёсати ишлаб чиқилмаган эди.

12. Ўзбекистон Республикаси пул тизимини шартли равишда нечта босқичга ажратиши мумкин?

А. 2 та.

Б. 3 та.

В. 4 та.

Г. 5 та.

13. Ўзбекистон пул тизимининг ташкил топишини биринчи босқичи қайси даврни ўз ичига олади?

А. 1991 йил сентябрдан 1994 йил июлгача бўлган давр.

Б. 1993 йил ноябрдан 1994 йил 1 июлгача бўлган даврни.

В. 1994 йил 1 июлдан 1994 йил 31 июлгача бўлган даврни.

Г. 1991 йил сентябрдан 1993 йил ноябргача бўлган даврни.

14. Оралиқ «сўм купон»лар қачон муомалага киритилди?

А. 1993 йил 1 январдан.

Б. 1993 йил 1 октябрдан.

В. 1993 йил 15 ноябрдан.

Г. 1994 йил 1 июлдан.

15. Оралиқ «сўм купон» муомалада қачонгача тўлов воситасини бажарди?

А. 1994 йил 1 июлгача.

Б. 1994 йил 1 августгача.

В. 1994 йил 1 январгача.

Г. 1995 йил 31 июнгача.

16. Миллий валюта сўм ва оралиқ «сўм купон»лар қандай нисбатда алмаштирилди?

А. 1:500

Б. 1:1000

В. 1:1500

Г. 1:2000.

17. Ўзбекистон ҳудудида қандай даврда уч турдаги валюта муомалада тўлов воситасини бажарди?

А. 1993 йил ноябр.

Б. 1994 йил июль.

В. 1993 йил декабр.

Г. 1994 йил сентябр

18. Собиқ Иттифоқ республикалари қайси пайтдан бошлаб миллий валюталарни муомалага кирита бошлади?

А. 1993 йил июл – август.

Б. 1992 йил январ – феврал.

В. 1992 йил май – июн.

Г. 1992 йил июл – август

19. Россия Федерациясининг янги намунадаги банкноталари тўлов воситаси сифатида амал қилиши қачон бекор қилинди?

А. 1994 йил 1 июлдан.

Б. 1994 йил 15 апрелдан.

В. 1993 йил 15 ноябрь.

Г. 1991 йил август.

20. Қуйидагидлардан қайси бири Ўзбекистон пул тизими элементлари ҳисобланмайди?

- А. – пул бирлиги сўм;
- Б. – баҳо масштаби талаб ва таклиф асосида белгиланади;
- В. – Марказий банк пул муомаласини тартибга солинади;
- Г. – қатъий белгиланган валюта курси.

6 – БОБ

ИНФЛЯЦИЯ

6.1. Инфляциянинг моҳияти ва турлари

Муомалада қоғоз пуллар ва танга пулларнинг мавжудлиги инфляцияни вужудга келтирувчи иқтисодий категориялардан бири ҳисобланади. “Инфляция” термини – латинча сўздан олинган бўлиб – “*шиширилган*”, “*бўрттирилган*”, “*кўпчиган*” каби маъноларни англатади. Инфляциянинг иқтисодий моҳияти муомаладаги нақд пулларнинг сотиб олиш қобилиятини пасайиши, товарлар ва хизматларнинг баҳосини ўсиб боришини англатади.

Инфляция сўзи биринчи марта америкалик иқтисодчи А.Делмар томонидан 1864 йилда иқтисодий оборотга киритилди. Бунга АҚШ Федерал ҳукумати 1861 – 1865 йилларда мамлакат фуқаролар уруши даврида давлатнинг харажатларини қоплаш мақсадида муомалага жуда катта миқдорда қоғоз пулларни эмиссия қилиши сабаб бўлди. Ғарбий Европа мамлакатлари иқтисодий адабиётларида инфляция термини биринчи жаҳон урушидан кейин, собиқ иттифок адабиётларида эса 1920 йилларнинг ўрталаридан кенг миқёсда пайдо бўлди.

Бироқ, шунини таъкидлаш жоизки, инфляция натижасида пулларнинг қадрсизланиши, уларнинг тўлов қобилиятининг пасайиши каби муаммолар тарихан қоғоз пуллар муомалага чиқарилиши ва тангаларнинг зарб қилиши давридан бошланган. Дастлабки даврларда инфляциянинг вужудга келишининг асосий сабабларидан бири, ҳукумат томонидан иқтисодиётга ҳаддан ортиқча сифати ва оғирлиги талаб даражасидан паст бўлган ҳақиқий қийматга эга бўлмаган танга пуллар муомалага чиқарилиши ҳисобланади. Масалан, Қадимги Грецияда милoddан аввалги VI асрда металл тангаларнинг таркибида қимматбаҳо металлларнинг ҳажмини ярмидан кўпроғини оддий металлларга, яъни ҳақиқий қийматга эга бўлмаган металлларга алмаштирилди.

Худди шу ҳолат Рим Императорлари томонидан ҳам амалга оширилди. Ўрта асрларга келиб, кўпчилик давлатларнинг ҳукумдорлари кумуш тангаларни мис тангаларга, кейинчалик оддий алюмин металлларга алмаштирди. Бу жараён ҳукуматга қимматбаҳо металлларни тежаш эвазига мамлакат хазинасига жуда катта бойлик сифатида қабул қилинди. Бироқ, пулларнинг тўлов қобилиятини пасайиши ва қадрсизланишига олиб келди.

Муомалада қоғоз пулларнинг пайдо бўлиши натижасида танга – пул билан боғлиқ инфляция муаммоси қоғоз – пулга ўз ўрнини бўшатиб беради. Давлатнинг буржуазия бошқариш тузумининг вужудга келиши даврида ўрта асрларда пул муомаласида пайдо бўлган муаммоларни барқарор пул тизимини ташкил этиш орқали бартараф этишга уринишлар бўлди.

XVIII – XIX асрларда ва XX асрнинг бошларида биринчи жаҳон урушига қадар инфляция муаммоси айрим мамлакатларда мавжуд бўлиб, даврий характерга эга эди. Масалан, инфляция муаммоси Францияда – 1789 – 1791 йилларда Буюк француз революцияси даврида, Англияда Наполеон билан уруш даври – XIX асрнинг бошларида мавжуд эди. Олтин монометаллизм тизими жорий этилган мамлакатларда узок йиллар давомида барқарор пул тизими амал қилди.

Биринчи жаҳон уруши даврида олтин монометаллизм тизимининг барбод бўлиши ва қоғоз пулларнинг олтин тангаларга қатъий белгиланган курс асосида айирбошланиши бекор қилиниши натижасида давлат ўзининг инфляцияга қарши курашиш механизмидан маҳрум бўлди. Шу даврдан бошлаб, инфляция иқтисодиётда доимий характерга эга бўлган ва кенг камровли муаммо сифатида барча мамлакатларда намоён бўла бошлади.

Инфляциянинг моҳияти иқтисодий адабиётларда турли иқтисодчи олимлар томонидан турлича талқин этилади. Хусусан, К.Р.Макконнелл, С.Брю ва К.Эклунд инфляцияни иқтисодиётда баҳоларнинг ўртача

кўтарилиши сифатида³⁰, П.Хейни эса пулнинг сотиб олиш қобилиятининг пасайиши ёки қийматининг йўқолиши эканлигини таъкидлайдилар³¹.

Марказлашган иқтисодиёт шароитида инфляцияни вужудга келиши 1930 йилларда муомалага ҳаддан зиёд қоғоз ва танга пулларни чиқарилиши натижасида иқтисодиётнинг “пул каналлари” тўлиши юз беради, бу ўз навбатида инфляцияга олиб келиши таъкидланди, 1940 йилларда эса инфляциянинг сабаби иқтисодиётда қоғоз пуллар тўлов воситасини бажариши ҳар қандай ҳолатда инфляцияни келтириб чиқаришини эътироф этишди, 1950 йилларда инфляцияни келиб чиқишининг асосий сабаби сифатида унинг етарли даражада олтин ва бошқа моддий қимматликлар билан таъминланмаганлиги эканлигини қайд этдилар.

1960 йилларда иқтисодчи олимлар инфляция мураккаб, кўп омилли ижтимоий – иқтисодий жараён эканлигини, уни ташқи ва ички омиллар таъсир қилиши натижасида вужудга келадиган иқтисодий категория сифатида баҳоладилар.

Инфляциянинг иқтисодий моҳиятига қатор хорижий ва маҳаллий олимлар ўзларининг фикрларини билдирган. Хусусан, Россия иқтисодчи олимлари В.А.Щегорцов ва В.А.Таранлар “Инфляция – бу товарлар ва хизматлар сифати ва истеъмол қиймати ўзгармаган ҳолда уларнинг баҳосини ўсиб боришидир, бу жараёнда пулнинг қадри пасайиб боради.”³², дея таъкидлайдилар.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан, профессор Ш.Абдуллаева инфляциянинг иқтисодий моҳиятига: “Инфляция сўзининг иқтисодий моҳияти –муомалада мавжуд бўлган товарлар ва уларнинг баҳосига нисбатан кўп пул чиқариш деган маънони англатади” дея таъриф беради³³.

³⁰ Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. В. 2 т.: Пер. с англ. 11 – го изд. Т. I. –М.: Республика, 1992. С. 163.

³¹ Хейне П. Экономической образ мышления. –М.:, 1991. С.484.

³² Деньги, кредит, банки: Учебник для вузов. Под. ред. проф. Щегорцова В.А. –М.:ЮНИТИ – ДАНА, 2005. – С. 81.

³³ Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. –Т.: “Иқтисод – молия”, 2007, 71 – б.

Гувоҳи бўлганимиздек, инфляциянинг моҳиятига турлича фикрлар билдирилган. Фикримизча, *“Инфляция – бу товарлар ва хизматлар баҳосининг ортиб кетиши натижасида муомаладаги қозғоз ва танга пулларнинг сотиб олиш қобилиятининг пасайишидир”*.

Товарлар ва хизматлар баҳосининг ортиб кетишини ҳар доим ҳам инфляция сифатида қаралиши мақсадга мувофиқ эмас, агар муомаладаги пул массаси тегишли товарлар ва хизматлар массаси билан таъминланмаслиги натижасида уларнинг баҳоси ортсагина бундай ҳолат инфляция сифатида қаралиши мумкин. Муомалада ортиқча пул массаси пайдо бўлмаган ҳолатда ялпи талабнинг ялпи таклифга нисбатан ортиб кетиши натижасида бозор конъюктурасининг ўзгариши, яъни бозорда товарлар ва хизматлар баҳосининг ортиб кетиши иқтисодиётда инфляция мавжудлигини англатмайди. Бундай ҳолатда баҳоларнинг ортиши ноинфляцияцион омиллар таъсири натижасида пайдо бўлади. Хусусан, иқтисодий ва табиий ресурсларнинг тақчиллиги натижасида уларнинг баҳосини ортиши, мавжуд товарлар ва хизматлар сифатининг пастлиги натижасида кам ҳажмдаги сифатли товарлар ва хизматлар баҳосининг ортиб кетиши кабилар шулар жумласидандир.

Умуман олганда, таъкидлаш жоизки, иқтисодиётда инфляциянинг вужудга келиши муомалада пул маблағлари ҳажмининг ҳаддан ортиқ кўпайиши натижасида пул муомаласи билан боғлиқ иқтисодий инқироздан далолат беради. Бу товарлар ва хизматлар умумий баҳосининг сезиларли суръатларда ўсиб боришида (1), товарлар ва хизматлар тақчиллигида (2), резидентларнинг миллий валютадан “қочиши”, яъни уларнинг хорижий валюталарни жамғаришга бўлган иқтисодий манфаатдорлигини ортиб боришида (3), миллий валютанинг хорижий валюталарга нисбатан курсининг пасайишида (4), маблағларни кўчмас мулкларга жойлаштирилишида (5), товар ва хизматларнинг баҳоларини бошқа барқарор пул бирликларига боғлаб аниқлаш кабиларда намоён бўлади.

Иқтисодиётда инфляция даражасини аниқлашнинг турли йўллари мавжуд бўлиб, улардан асосийлари истеъмол баҳолари индекси (1) ва инфляция даражасини (2) аниқловчи тенгликлар ҳисобланади.

$$\text{ИБИ} \equiv \frac{\text{ЖДИКБ}}{\text{ЎДИКБ}} \times 100\% \quad (1)$$

бу ерда:

ИБИ – истеъмол баҳолари индекси;

ЖДИКБ – жорий даврдаги истеъмол саватчаси баҳолари;

ЎДИКБ – ўтган даврдаги истеъмол саватчаси баҳолари.

$$\text{Инф.даражаси} = \frac{I_{\text{иб}}^1 - I_{\text{иб}}^0}{I_{\text{иб}}^0} \times 100 \quad (2)$$

бу ерда:

$I_{\text{иб}}^1$ – жорий давр истеъмол баҳолари;

$I_{\text{иб}}^0$ – базавий давр истеъмол баҳолари.

Истеъмол саватчаси – одамларнинг биринчи даражали эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган товар ва хизматлар йиғиндиси. Истеъмол саватчаси ёрдамида одамларнинг яшаш учун зарур бўлган энг кам миқдордаги харажатлар миқдори ҳисоб – китоб қилинади. Истеъмол саватчасига Россияда 407 та, АҚШда 300 та, Францияда 250 та, Англияда 350 та, Германияда 475 та товар ва хизматлар тури киради.

Инфляция жуда кўп қиррали бўлиб, у асосан қуйидаги шаклларда намоён бўлиши мумкин:

судралувчан инфляция;

шиддатли инфляция;

гиперинфляция;

кутилган ва кутилмаган инфляция;

очиқ инфляция;

ёпиқ инфляция;
талаб харажатлар инфляцияси;
таклиф (харажатлар) инфляцияси.

Судралувчан инфляция шароитида баҳолар йилига 6 – 8 фоиз миқдорида ўсиши кузатилади. Судралувчан инфляция жуда кўп мамлакатлар иқтисодиётига хос бўлиб, миллий иқтисодиётга сезиларли даражада таъсир кўрсатмайди. Ғарбий Европа мамлакатлари иқтисодчилари ушбу инфляция шароитида иқтисодиётнинг ривожланишини ижобий ҳолат сифатида баҳолайдилар.

Шиддатли инфляция даврида баҳоларнинг даражаси йил давомида 20 фоиздан 200 фоизгача ўсади. Инфляция даражаси сезиларли равишда шиддат билан ортиб боради, унинг даражаси ортиб борган сари миллий иқтисодиётга салбий таъсир сезилиб боради. Аҳолининг миллий валютага нисбатан ишончи пасайиб, ўз маблағларини кўчмас мулкларга, қимматбаҳо тақинчок ва хорижий мамлакатларнинг барқарор валюталарига алмаштиришга эҳтиёжи ортиб боради.

Гиперинфляция шароитида баҳолар жуда тез ва йирик миқдорда ошиб боради, асосан гиперинфляция шароитида товарлар ва хизматларнинг баҳоси астрономик даражада ортиб, йилига 1000 фоиз, ойига 100 фоиз даражасида ўсиши кузатилади. Мамлакатда иқтисодиётни бошқариш ва пул муомаласи бузилиши натижасида, пул – кредит сиёсати тўлиқ издан чиқиб кетади.

Гиперинфляция биринчи жаҳон урушидан кейин Германия иқтисодиётига жуда катта салбий таъсир қилган. Бу ҳақда Э.М.Ремарк шундай ёзади. “Инфляция нима эканлигини шунда билганман. Менинг ойлик иш ҳақим икки юз миллиард маркани ташкил этар эди. Иш ҳақи бир кунда икки марта берилар эди, иш ҳақи берилгандан сўнг ишдан ярим соатга рухсат бериларди. Биз бу вақтдан фойдаланиб курсни икки мартага ошиб кетишидан ва олган иш ҳақимиз ўз қийматини йўқотишидан қўрқиб қандайдир товар ёки истеъмол молларини сотиб олиш учун дўконларга югурар эдик³⁴”.

³⁴ Ремарк Э.М. Три товарища. –М.: 1985. С.196.

Кутилган инфляция мамлакатдаги макроиктисодий кўрсаткичлар асосида прогноз қилиниб, унинг юз бериши олдиндан маълум бўлади. Бунинг ижобий жиҳати шундаки, давлат бюджети харажатлари ва аҳолининг келгусидаги харажатлари шунга монанд равишда ошиб бориши олдиндан маълум бўлади. Бунинг учун давлат, юридик ва жисмоний шахслар келгусига мўлжалланган режаларини олдиндан тузиб, шунга қараб ўз фаолиятини ташкил этадилар.

Кутилмаган инфляция иктисодиётда юз берадиган кўзда тутилмаган иктисодий инқирозлар, зиддиятлар, урушлар, қурғоқчилик ва бошқа ҳолатларда юз бериши мумкин.

Очиқ инфляция мамлакатда товарлар ва хизматлар баҳосини ортиб бориши билан изоҳланади. Инфляциянинг ушбу шакли ҳукумат томонидан эътироф этилади ва уни бартараф этиш юзасидан очиқчасига тегишли чора – тадбирлар амалга оширилади.

Ёпиқ инфляция шароитида товар ва хизматлар баҳоси сунъий равишда пасайтириб кўрсатилади, мамлакатда қаттиқ пул – кредит сиёсати жорий этилади. Ёпиқ инфляция шароитида аҳоли мамлакатдаги реал инфляция даражаси ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлмайди.

Талаб инфляцияси шароитида ялпи талаб ҳажми реал ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан тез суъратлар билан ўсиб боради, бунинг натижасида товар ва хизматлар баҳоси ортиб кетади.

Таклиф (харажатлар) инфляцияси ишлаб чиқариш воситалари ва ресурсларидан самарали фойдаланилмаслик оқибатида ишлаб чиқариш харажатлари ортиб кетади, товар ва хизматлар баҳоси кўтарилади. Натижада аҳолининг реал даромадларига нисбатан товарлар ва хизматларнинг баҳоси номутаносиб равишда тез кўтарилиб кетади. Дастлабки босқичда муомаладаги ортиқча пул массаси мамлакатда ишлаб чиқариш ва реализация жараёнларини тезлаштириш ҳамда ишсизлик даражасини пасайтириш ҳисобига баҳоларнинг мувозанатлигини таъминлайди. Натижада, ишлаб чиқариш ривожланиб, ишсизлик даражаси пасайиши натижасида мамлакатда

товарлар ҳажми ортиши талабни қондириш билан бирга, ундан ортиб кетади. Бу ўз навбатида, ишлаб чиқаришнинг самарасизлиги ва ишсизлик даражасини ошишига сабаб бўлади.

6.2. Инфляциянинг вужудга келиш сабаблари

Инфляция – пул муомаласи қонунининг бузилиши, иқтисодиётда товар массаси ҳамда пул массаси ўртасидаги номуносивлик жараёнида вужудга келади. Инфляцияни вужудга келишига қатор омиллар таъсир қилиб, уларни ички ва ташқи омилларга ажратиш мумкин.

Ички омиллар таркибига ортиқча пул массаси вужудга келиши, миллий валютага нисбатан ишончининг пасайиши, мамлакатнинг номуносив тўлов баланси кабиларни киритиш мумкин.

Ташқи омилларга мамлакат ташқи сиёсатининг беқарорлиги, иқтисодий инқирозлар, молия ва фонд бозорларида индексларнинг ўзгариши кабиларни келтириш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, олтин ва кумуш тангалар пул вазифасини бажарган даврда иқтисодиётда инфляция муаммоси мавжуд бўлмаган. Металл пуллар ўрнини қоғоз ва танга пуллар эгаллагандан сўнг иқтисодиётда инфляция билан боғлиқ зиддиятли ҳолатлар вужудга кела бошлади. Чунки, қоғоз ва танга пуллар ўзида ҳақиқий қийматни акс эттирмайди. Дастлабки даврда ушбу пуллар олтин ва кумуш металлар ҳамда товарлар билан таъминланган эди.

Инфляциянинг вужудга келишига муомала ва ишлаб чиқариш соҳаси, шунингдек, мамлакатдаги иқтисодий – сиёсий омиллар ҳам сабаб бўлади.

Инфляциянинг вужудга келишида пул муомаласи омилларига бюджет тақчиллигини қоплаш мақсадида муомалага қўшимча тарзда чиқарилган пуллар, иқтисодиётда асоссиз равишда берилган кредитлар ҳажмининг ортиб бориши, мамлакат пул – кредит сиёсатига аҳоли ишончининг пасайиши ва бошқалар сабаб бўлади.

Ишлаб чиқариш ва иқтисодий сиёсий омилларга мамлакатда импорт ҳажмининг экспорт ҳажмидан ортиб кетиши, товарлар ва кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва сифатининг пастлиги, бюджет – солиқ сиёсати, мамлакатнинг ташқи ва ички иқтисодий муносабатлар доирасида амалга ошираётган сиёсати ва бошқалар сабаб бўлади.

Инфляциянинг вужудга келишининг асосий сабабларидан бири иқтисодиётдаги ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги мувозанатнинг бузилишидир. Инфляция шароитида капитал ишлаб чиқариш доирасидан муомала доирасига оқиб ўта бошлайди, чунки ишлаб чиқариш жараёни иқтисодий жиҳатдан самарасиз соҳага айланиб боради. Муомала жараёни кўп вақтни талаб этмаганлиги боис, дастлабки босқичларда унинг иштирокчиларига маълум миқдорда иқтисодий фойда келтиради, лекин инфляция жараёнларини тезлаштиришга хизмат қилади. Инфляция механизми ўз – ўзидан ривожланиб, барча соҳа ва тармоқларни қамраб олади, унинг таъсирида жамғармалар ҳажми қисқаради, кредит, инвестиция ва товарлар таклифи камаяди.

Инфляцияни келтириб чиқарувчи **биринчи сабаб** – мамлакатда бозор механизмларининг тўлиқ жорий этилмаслиги, давлатнинг бюджет даромадлари ва харажатлари устидан монопол тартибини жорий этиши ҳисобланади. Бунда давлат бюджетининг даромадларидан ортиқча бўлган харажатлар, яъни бюджет тақчиллиги муомалага қўшимча пуллар чиқариш йўли билан қопланади. Бюджет тақчиллигини қоплаш учун муомалага чиқарилган пуллар товар моддий қийматликлари билан таъминланмаганлиги оқибатида мамлакатда инфляция даражасининг ортишига олиб келади.

Иккинчи сабаби – асоссиз равишда иш ҳақи ва бошқа тўловларнинг оширилиши, ушбу тўловлар давлат бюджети харажатлари таркибида қўзда тутилмаган бўлса, муомалага қўшимча эмиссия ҳисобига амалга оширилади. Бунинг натижасида иқтисодиётда товарлар ва хизматларнинг баҳоси ошади ва инфляция даражаси ортиб боради.

Учинчи сабаби – мамлакатда ишлаб чиқарилаётган товарларнинг экспорт қилиш даражасининг пастлиги ва импорт даражасининг юқорилиги билан ифодаланади. Мамлакатга кириб келаётган импорт товарлар ҳисобига хорижий валюталарнинг четга оқиб кетиши юз беради, натижада мамлакатда ишлаб чиқарилаётган товарлар нафақат ташқи эҳтиёжларни, балки ички эҳтиёжларни қондиришга ҳам хизмат қилмай қўяди. Бунинг оқибатида миллий валютанинг сотиб олиш қобилияти таборо салбийлашиб, инфляция даражаси ортиб боради.

Юқорида таъкидланган инфляцияни келтириб чиқарувчи омиллар фақат бизнинг давримизгагина хос бўлган ҳолат бўлмасдан, ушбу ҳолатлар турлича кўринишда узоқ тарихда ҳам мавжуд бўлган.

6.3. Инфляциянинг ижтимоий – иқтисодий оқибатлари

Иқтисодиётда инфляциянинг вужудга келиши мамлакатнинг барча жабҳаларида ижтимоий – иқтисодий жиҳатдан салбий ҳолатларни келтириб чиқаради. Иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг фикрича, мамлакатда судралувчан инфляция иқтисодиёт ривожига кучли салбий таъсир кўрсатмайди. Одатда иқтисодиётда инфляция даражаси йиллик 12 – 14 фоиздан ортгандан сўнг унинг салбий таъсири сезилади. Инфляциянинг салбий ижтимоий – иқтисодий оқибатлари сифатида қуйидагиларни таъкидлаш мақсадга мувофиқ.

1. Аҳоли ва корхоналарнинг номинал даромадлари ҳажми ортиб борсада реал даромадлари пасаяди. Натижада аҳолининг турмуш даражаси пасаяди, уларнинг йиллик олаётган даромадларининг реал қиймати пасайиб боради. Корхоналарда хомашё ва ишлаб чиқариш харажатлари ортиб боради, бунинг натижасида уларнинг молиявий ҳолати ёмонлашади.

2. Мамлакатнинг бойлик ва даромадлари бир гуруҳ кишилар ўртасида қайта тақсимланади. Кредиторлар бу борада ютадилар, дебиторлар эса ютқазадилар. Дж.Миллнинг фикрига кўра «Барча товарларнинг баҳоси

сурункали ўсиб бориши, бошқача сўз билан айтганда пулнинг сотиб олиш қийматининг тушиб кетиши, кимгадир иқтисодий жихатдан келтирадиган фойдаси қўшимча ишлаб чиқариш ҳисобидан эмас, балки кимнингдир ҳисобидан амалга ошади»³⁵.

3. *Пулнинг моддий бойликка алмаштириши* жараёни тезлашади. Аҳоли ўз ихтиёридаги пулларга товар, кўчмас мулк, қимматбаҳо буюмларни, шунингдек, барқарор хорижий валюталарни сотиб олишга бўлган иқтисодий қизиқиш ортиб боради.

4. *Узоқ муддатли инвестицияларга йўналтириладиган* маблағлар камайиб боради ва охир оқибат тўхтади. Чунки, инвестициялар ҳисобидан келгусида олинадиган даромадлар ўз қадрини йўқотган пулларда олинади.

5. *Аҳолининг барча шаклдаги пул жамғармаларининг* (омонат, нақд пул, облигация, қимматли қоғозлар ва бошқалар) қиймати тушиб кетади. Шунингдек, корхоналарнинг жамғармалари, асосан амортизацион фондларининг қиймати инфляция таъсирида тушиб кетади ва асосий воситаларни янгилаш ҳамда реконструкция қилишга имконият қолмайди.

6. *Омонатлар бўйича фоизлар миқдорининг тушиб кетиши*. Фоизлар номинал кўринишда ўсиши мумкин, лекин реал қиймати пасайиб боради. Натижада аҳолининг банклардаги омонатларининг ҳажми пасайиб, маблағларнинг банкдан ташқари оборотининг ҳажми ортиб боради.

7. *Микроиқтисодий даражада ишлаб чиқаришга бўлган манфаатдорлик йўқолади*, бунинг натижасида корхонада янги илмий техникани жорий этиш даражаси тушиб кетади. Ишчиларнинг меҳнатини рағбатлантириш пасаяди.

8. *Миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнлари марказлашади*. Миллий валютанинг қадрини пасайиши натижасида муомалада хорижий валюталарнинг иштироки ортиб боради. Мамлакат иқтисодиётини бошқаришда қийинчиликлар вужудга келади.

³⁵ Милль Дж. С. Основы политической экономики. –М.: Прогресс, 1992. –Т.2. –С. 309.

9. Иқтисодий маълумотларнинг ҳаққонийлиги, ишончлилиги, барқарорлигига шубҳа туғилади. Натижада аҳолининг давлат томонидан олиб бораётган макроиқтисодий сиёсати ва пул – кредит тизимига ишончи пасаяди.

6.4. Инфляцияга қарши сиёсат

Миллий иқтисодиётда инфляцияга қарши сиёсатни ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, инфляция мамлакатнинг ижтимоий – иқтисодий сиёсатини издан чиқаради. Ишлаб чиқаришга ва аҳолининг турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатади.

Инфляцияга қарши сиёсатни амалга оширишда, иқтисодчиларнинг фикрича, унинг иккита йўли мавжудлиги эътироф этилади:

- умумий талабни тартибга солиш;
- умумий таклифни тартибга солиш.

Умумий талабни тартибга солиш орқали инфляцияга қарши кураш **кейнсчилик йўналиши** сифатида эътироф этилади. Улар инфляцияга қарши курашда умумий талабни тартибга солиш таклифнинг ошишига самарали таъсир кўрсатишини таъкидлайди. Таклифнинг ошишига самарали таъсир кўрсатадиган асосий омиллар давлат харажатларини ошириш ва имтиёзли кредитларнинг миқдорини кўпайтиришдир. Улар ўз навбатида мамлакатда инвестицион талабни келтириб чиқаради, инвестицион талаб таклифнинг ўсишига олиб келади, таклифнинг ўсиши эса баҳоларнинг пасайишига, баҳоларнинг пасайиши инфляцияни олдини олиш ва гиперинфляцияни бартараф этиш имкониятини беради.

Инфляцияга қарши курашнинг **монетаристик йўналиши** вакиллари дикқат марказида асосий масала **ялпи таклифни тартибга** солишга қаратилади. Монетаристларнинг фикрича, инфляцияга қарши курашнинг кейнсчилар томонидан илгари сурилган усули мамлакатни инфляциядан қисқа муддат ичида чиқишга имконият беради, лекин

мамлакатда ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги номуносивблик ҳолати сақланиб қолади. Бунинг натижасида, маълум вақтдан кейин, мамлакатда инфляция жараёни вужудга келади. Монетаристик сиёсатнинг асосчиларидан ҳисобланган Милтон Фридманнинг фикрича – инфляция – бу бевосита пул билан боғлиқ бўлган ҳолат бўлиб, унинг келиб чиқишини асосий сабаби давлатнинг иқтисодий ёлпи бошқаришга ноқилона аралашуви натижасида вужудга келади. Шунинг учун давлат бюджети тақчиллигини қўшимча эмиссия эвазига эмас, балки мамлакатда ялпи таклиф ҳажмини ошириш йўли билан бартараф этиш лозимлигини таъкидлайди.

Монетаристлар кредитнинг фоиз ставкасини ошириш, бюджет тақчиллигини қисқартириш ва солиқ ставкаларини пасайтиришни илгари сурадилар. Уларнинг фикрича, бунинг натижасида, истеъмолга бўлган эҳтиёж қисқаради, инвестиция ҳажми ортади, самарасиз хўжалик субъектлари банкрот бўлади, мамлакатда кучли рақобат муҳити шаклланади. Булар ўз навбатида мамлакатда инфляция даражасининг тушишига олиб келади.

Кўпчилик мамлакатлар инфляцияга қарши курашда кейнсчилик ва монетаристик йўналишнинг у ёки бу жиҳатларини ҳамохонг равишда амалиётга жорий этади.

Бобга оид саволлар

1. Инфляциянинг иқтисодий маъноси ва вужудга келиш сабаблари.
2. Инфляциянинг турлари.
3. Талаб ва таклиф инфляцияси.
4. Инфляцияни келтириб чиқарувчи омиллар.
5. Инфляциянинг ижтимоий – иқтисодий омиллари.
6. Инфляция ва ишсизлик ўртасидаги ўзаро боғлиқлик.
7. Инфляциянинг баҳоларни ошириш билан қандай қандай боғлиқлик мавжуд? Баҳоларнинг ошириш доимо ҳам инфляция мавжудлигидан далолат берадими?
8. Инфляция жараёни миллий иқтисодий ёлпи қандай таъсир кўрсатади?
9. Юқори инфляция шароитида ишлаб чиқариш жараёнида қандай ҳолат вужудга келади?
10. Инфляцияга қарши қандай сиёсат олиб борилади?

Бобга оид тестлар

1. *Инфляцияни келтириб чиқарувчи омил қандай жавобда нотўғри келтирилган?*

- А. Пулнинг сотиб олиш қобилияти пасаяди.
- Б. Пул ўзининг қадрини йўқотади.
- В. Муомалада товар ва хизматлар баҳоси пасаяди.**
- Г. Талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанат бузилади.

2. *Инфляция тушунчаси иқтисодий оборотга қачон кириб келган?*

- А. 1861 йилда
- Б. 1863 йилда
- В. 1864 йилда**
- Г. 1866 йилда

3. *Инфляция билан боғлиқ муаммолар қачон вужудга келган?*

- А. Муомалада олтин тангалар амал қилган даврда.
- Б. Муомалага кумуш тангалар киритилганда.
- В. Қоғоз пуллар тўлов восита сифатида амал қила бошлагандан.**
- Г. Олтин ва кумуш тангалар ҳажми камайтирилганда.

4. *Иқтисодиётда инфляция шароитида қандай ҳолат юз бермайди?*

- А. Товарлар ва хизматлар тақчиллиги кузатилади.
- Б. Аҳолининг хорижий валюталарни жамғаришга бўлган иқтисодий манфаатдорлиги ортиб боради.

В. Миллий валютанинг хорижий валюталарга нисбатан курси барқарорлашади.

- Г. Маблағларни кўчмас мулкларга жойлаштириш жараёни кучаяди.

5. *Қуйидагилардан қайси бири инфляциянинг шаклига кирмайди?*

- А. Судралувчан инфляция.
- Б. Шиддатли инфляция.
- В. Монопол инфляция.**
- Г. Гиперинфляция.

6. *Гиперинфляция шароитида пул муомаласи қандай ҳолатда бўлади?*

- А. Пул муомаласи барқарорлашади.
- Б. Пул муомаласи издан чиқади.**
- В. Пул муомаласини тартибга солиш мумкин бўлади.
- Г. Пул муомаласида ўзгариш бўлмайди.

7. *Инфляцияни келтириб чиқарадиган омиллар қандай жавобда нотўғри келтирилган?*

- А. Муомалада ошиқча пул массасининг вужудга келиши.

- Б. Миллий валютага нисбатан ишончнинг пасайиши.
- В. Товар массасига нисбатан пул массасининг камайиши.**
- Г. Мамлакатнинг номутаносиб тўлов баланси.

8. Инфляцияга қарши қандай сиёсат мавжуд?

- А. Умумий талабни тартибга солиш сиёсати.**
- Б. Муомаладаги пулларнинг ҳажмини ошириш сиёсати.
- В. Марказий банк тижорат банкларига кредитларни бериш сиёсати.
- Г. Мажбурий захира сиёсати ставкасини пасайтириш сиёсати.

7.1.Пул назариясининг моҳияти

Пул назариясининг оламшумул илмий аҳамияти шундаки, у барча иқтисодий фанларнинг базиси ҳисобланади. Ҳақиқатда ҳам бирорта иқтисодий адабиёт мавжуд эмаски, агар пул ёки у билан боғлиқ муносабатларни ўзида акс эттирмаган бўлса.

Пулнинг назарий табиати бир нечта бўлиб, қатор концепцияларда унинг мавжудлигини табиий асослари ва амал қилишининг сабаблари келтирилади. Шартли равишда буни “товарли” ва “товарсиз” концепцияларга ажратиш мумкин³⁶.

Товарли концепцияда пулнинг қимматлилигини аниқлашда асосий эътибор реал фойдали ҳисобланган ички қийматига қаратилади. Бу борада жуда кенг тарқалган пулнинг металлилик назарияси эътиборга олинади.

Пулнинг товарсиз концепциясида унинг товарни сотиб олиш ҳуқуқини берувчи қиймати, симболи, иероглифи, умумий кўриниши каби белгиларига эътибор қаратилади.

Албатта, пул назариясининг кўп қирралилиги ва унинг иқтисодий категория сифатида амал қилиши жуда кўп иқтисодчи олимлар, мутахассислар, экспертлар томонидан эътироф этилган. Эътиборли жиҳати шундаки, иқтисодчи олимлар, экспертлар ва мутахассисларнинг пул назарияси ва унинг иқтисодий категория сифатида амал қилиши ҳақидаги қарашлари, таълимотлари ва ғоялари жуда кўп ҳолларда бир – биридан фарқ қилади. Бунинг асосий сабабларидан бири, бизнинг назаримизда, иқтисодий

³⁶ Деньги. Кредит. Банки: учеб, – 2 изд., перераб. и доп. / под ред. В.В.Иванова, Б.И.Соколова. –М.: ТК Велби, Изд – во Проспект, 2008. –С. 224.

назариячи олимлар, мутахассислар ва экспертларнинг пул назарияси ҳақидаги асарларининг турли вақтда, турлича ишлаб чиқариш шароитида ва турли ҳудудларда яратилганлигидир.

Жамиятда меҳнат тақсимотининг мавжудлиги, кишиларни бир – бирига боғлаб турадилар, улар ўртасида маҳсулотлар ва ресурслар алмашувини таъминлайдиган механизмни амал қилишини талаб этади. Ушбу механизм бозор бўлиб, бозор кишилар фаолиятини тартибга солади ва уларнинг манфаатларини бир – бирига мос қилишини таъминлайди. Кишилар фаолиятини ҳаракатга келтирувчи, улар ўртасидаги айирбошлашни таъминловчи ва уларнинг манфаатларини тартибга солувчи восита сифатида пул майдонга чиқади.

Маълумки, жамиятда айирбошлаш муносабатларининг дастлабки даврларида кишилар бартердан жуда кенг равишда фойдаланган, кейинчалик улар бартер, яъни товарни – товарга алмаштириш жараёни маълум қийинчилик ва қўшимча вақтни талаб этиши натижасида, бозор иштирокчилари пулни кашф этдилар.

Пул – барча товарларнинг умумий эквиваленти сифатида майдонга чиқадиган “маҳсус товар” бўлиб, унинг ёрдамида барча товарлар қиймати ўлчанади. Пулнинг жамиятда амал қилиши ва унинг эволюцияси билан боғлиқ масалалар иқтисодий адабиётларда пул назарияси сифатида талқин этилади. Ушбу иқтисодий адабиётларда пул назариясининг иқтисодий категория сифатида амал қилиши қуйидаги учта гуруҳга ажратиб ўрганилади.

7.2. Пулнинг металллик назарияси

Пулнинг металллик назарияси XVI – XVII асрларда дастлаб капиталнинг бойлик сифатида жамғариш, капиталистик тузумнинг шаклланиши ва ривожланиши шароитида вужудга келди. Агар, капитализм натурал – феодал тузум шароитида ривожланиб унинг асосини бозор муносабатлари ташкил этишини эътиборга олсак, пулнинг метल्लीлик

назарияси кишилик жамиятининг натурал – феодал тузуми даврига бориб тақалади.

Маълумки, пул бирлигининг сотиб олиш қобилияти металл асосида аниқланади, металл тангалар ўзида пулнинг ҳақиқий қийматини акс эттириб, улардан танга (монета)лар зарб этилган. Шу боис ҳам металл пул назариясини қўллаб – қувватловчи иқтисодий назариячилар вакиллари қоғоз пул назариясини инкор этадилар. Металл пул назарияси вакиллари ушбу таълимотни ёқлаб чиққанларида асосан нодир металлларни, яъни кумуш ва олтин тангаларни назарда тутадилар. Уларнинг таълимотида кумуш ва олтин тангалар реал қийматни акс эттирувчи ҳақиқий пул бўлиб, улар ўз қийматларини йўқотмайдилар. Шу билан бирга, кумуш ва олтин пуллар айирбошлаш муносабатларида реал қийматлари асосида иштирок этиб, иқтисодиётда инфляция муаммосини келтириб чиқармайди, дея таъкидлайдилар.

Дастлаб пулнинг металл назарияси англия иқтисодий назариячиларининг таълимотларида пайдо бўлган. Металл пул назарияси тарафдорлари сифатида У.Стаффорд (1554 – 1642) Т.Мен (1571 – 1641), Д.Норс (1641 – 1691)ларни таъкидлаш мумкин. Уларнинг пул назарияси асосида металл пуллар ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатлари шароитида табиий равишда вужудга келадиган жараён сифатида эмас, балки металл пулларни вужудга келишини кишилик жамиятининг маълум даврида шаклланган, ривожланган ва чуқурлашиб бораётган айирбошлаш натижаси сифатида қарашган.

Металл пул назариясининг таниқли асосчилари сифатида Франсуа Кенэ ва Адам Смитлар эканлигини таъкидлаш мақсадга мувофиқ. Классик мактабининг физиократлар йўналишининг асосчиси Франсуа Кенэ ўзининг ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқариш муносабатларига бағишланган асарида металл пул назариясига етарлича эътибор қаратади. Хусусан, у такрор ишлаб чиқариш қўшимча харажат (инвестиция)лар ҳисобига узлуксиз янгиланиб туради. Қўшимча харажатлар металл кўринишида пуллар

ҳисобига амалга оширилиб, металл пуллар ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида вужудга келадиган иқтисодий муносабатларни амалга оширишда айирбошлаш воситаси сифатида иштирок этади, истеъмол қийматига эга бўлган товарлар айирбошлаш жараёнида бир марта иштирок этганидан сўнг ушбу жарёни тарк этади ва истеъмол қилинади. Бироқ, пуллар эса айирбошлаш жараёнида такрор ва такрор иштирок этади, айнан шу жараёнда пулларнинг металл тангалардан иборат бўлиши, биринчидан улар ўзининг дастлабки хоссасини йўқотмайди, иккинчидан уларда пулнинг ҳақиқий қиймати ўз аксини топган таълимот асосида металл пул назариясини ёқлаб чиқади.

Классик мактабнинг асосчиси, таниқли англиз иқтисодчиси Адам Смит бозорда ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида вужудга келадиган муносабатлар «кўринмас қўл» қоидалари ва «табиий тартиблаш» тизими ёрдамида амалга оширилади, айнан шу муносабатларда металл тангалар ушбу жараёни амалга оширишда муҳим молиявий механизм сифатида иштирок этадилар, деган таълимотни илгари суради. Уларнинг наздида “кўринмас қўл” талаб ва таклиф бўлиб, ишлаб чиқарувчи ўзи яратган моддий неъматлари билан бозордаги таклифни шакллантиради, истеъмолчи эса маълум даражадаги эҳтиёжини қондириш учун қилган ҳаракати натижасида талабни вужудга келтиради. Айнан мана шу жараёнда томонларнинг манфаатлари бозорга таклиф этилаётган моддий неъматлар массаси ва уларни сотиб олиш учун зарур бўлган пул массаси ўртасидаги боғлиқлик натижасида ўзининг ечимини топади. Агар истеъмол учун таклиф этилаётган товар массаси пул массасига нисбатан кўп бўлса уларнинг баҳоси пасаяди ва истеъмолчининг танлов имкониятлари ортади ва аксинча.

Адам Смитт ва бошқа металл пул назарияси тарафдорлари айнан мана шу жараёнда муомалада металл тангаларнинг иштирок этиши ишлаб чиқарувчилар томонидан яратилган моддий неъматларнинг ҳақиқий қийматини холисона баҳолашда қўл келиши асосида металл пул назариясини илгари сурадилар, чунки тўлов воситаси сифатида металл тангалар амал

қилган шароитда бозорга таклиф этилаётган моддий неъматлар ҳажми пул ҳажмидан кам бўлганда, металл тангаларнинг ортиқча қисми пул соҳиби томонидан моддий бойлик сифатида жамғармага йўналтирилади, яъни металл тангалар (асосан олтин, кумуш тангалар назарда тутилаяпти) кам миқдорда таклиф этилаётган товар ва моддий неъматлар қиймати (баҳоси)ни сунъий равишда ортиб кетишига йўл қўймайди. Бунинг асосий сабаби металл пуллар ҳақиқий қийматга эга бўлиб, келгусида ҳам улар ўзининг қийматини йўқотмаслиги пул соҳибига катта ишонч бағишлайди ва автоматик равишда бозордаги талаб ва таклифга қараб маълум даврда тўлов воситаси сифатида, маълум даврда эса моддий бойлик сифатида намоён бўлади.

Бизнинг назаримизда, металл пул назарияси тарафдорларининг асосий ютуқлари ҳам шунда бўлиб, муомалада металл пуллар тўлов воситаси вазифасини бажарган пайтда иқтисодиётда инфляция муаммоси вужудга келмаган, шу билан бирга давлат томонидан пул – кредит сиёсатини амалга ошириш ва тартибга солиш каби масалаларига эҳтиёж туғилмаган.

Шу билан бирга, пулнинг металлилик назарияси тарафдорларининг айрим камчиликлари мавжуд бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагиларда кўринади.

Биринчидан, пулнинг металлик назарияси тарафдорлари пулнинг барча функцияларини бажарувчи ҳақиқий пулларни кейинчалик уларнинг ўринбосарлари ҳисобланган қоғоз пуллар билан алмаштирилишини инкор этдилар. Улар ҳақиқий қийматга эга бўлган металл пулларни қоғоз пулларга алмаштириш мумкинлигини ва унинг табиатини тасаввур қила олмадилар. Бироқ, ўша даврларда ҳам қоғоз пуллар Хитойда жуда кенг миқёсда тўлов воситасини бажарар эди.

Иккинчидан, металл пул назариячилари пулларни товар айирбошлаш муносабатлари таъсирида вужудга келганлигини, шунингдек, пулнинг тарихий – иқтисодий категория эканлигини тушуниб етмадилар.

Учинчидан, металлик пул назариячилари таълимотида бойликнинг асосини савдо ташкил этади, бойликнинг асосини олтин ва бошқа

қимматбаҳо металлларни жамғаришда деган нотўғри тасаввур мавжуд эди. Бу жамиятда ҳар қандай бойликнинг асосида олтин ёки қимматбаҳо металллар эмас, балки бойлик кишиларнинг моддий ва маънавий жиҳатдан етуклиги ҳамда ҳар қандай бойликнинг асосида меҳнат ётишини инкор этишди.

XVIII аср ва XIX асрнинг биринчи ярмида металллик пул назарияси бозор иқтисодиёти иштирокчилари талабларини тўлиқ қондирмай қолди, бу ушбу назариянинг ўз ўрини йўқотишига олиб келди. Бироқ бу жараён жуда узоқ муддат давомида қийинчиликлар билан юз берди, чунки металллик пул назариясини ёқлаб немис (К.Книс, 1821 – 1898 йй.), иккинчи жаҳон урушидан кейин амеркалик (М.Хальперн), француз (Ш.Рист, А.Тулемон, Ж.Рюэфф, М.Дебре), англиялик (Р.Харрод) иқтисодчилар шулар жумласидандир.

Жамиятда ижтимоий – иқтисодий жараёнларнинг таборо ривожланиб бориши, шу билан бирга кишиларнинг эҳтиёжи ортиб бориши натижасида айирбошлаш муносабатлари ҳажмининг ўсиши, ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин суръатлар билан кўпайиши муомалада фойдаланиб келинган металл тангалар билан параллел равишда қоғоз пуллар ҳам тўлов воситаси сифатида амал қила бошлади, эволюцион тарзда маълум ижтимоий – иқтисодий ўзгаришлар оқибатида металл (кумуш ва олтин) пуллар ўз ўрнини қоғоз пулларга бўшатиб берди. Бу пулнинг номиналист назариясининг вужудга келишига замин яратди.

7.3. Пулнинг номиналлик назарияси

Номинал пул назарияси хусусидаги тадқиқотлар натижасида ушбу назарияни турлича номланишининг гувоҳи бўлдик. Масалан, рус тилида пул назарияси ҳақида ёзилган адабиётларда “номиналлистическая теории денег”, “металлическая теории денег” тарзида, ўзбек тилидаги иқтисодий адабиётларда “пулнинг номиналистик назарияси”, “номинал пул назарияси”

ёки “металл бўлмаган пул назарияси” тарзидаги сўз бирикмаларини учратиш мумкин.

Шу боис, дастлаб пулнинг “металл бўлмаган назарияси” ҳақида айрим мулоҳазали ҳолатларни ойдинлаштириб олиш мақсадга мувофиқ деган фикрга келдик. Металл бўлмаган пул назарияси турли иқтисодий адабиётларда турлича талқин этилишининг асосий сабабларидан бири, пул назарияси тўғрисида яратилган иқтисодий асарларнинг деярли барчаси хорижий тилларда, асосан инглиз, немис тиллардан рус тилига ундан сўнг эса ўзбек тилига ўгирилганлигида бўлса керак.

Номинал пул назарияси тарафдорлари ушбу назариянинг асосида қоғоз пуллар эътироф этилишини эътиборга оладиган бўлсак, шунингдек номинал пул назариясининг амал қилишининг асосий омили сифатида пул номиналлари давлат томонидан белгиланиши ва унинг таъминланиши ҳам давлат томонидан амалга оширилишини назарда тутадиган бўлсак, номинал пул назариясини “қоғоз пуллар назарияси” тарзида ифодалаш ҳам мумкин бўлади.

Номинал пул назариясини “қоғоз пул назарияси” тарзида юритилиши унинг аниқчилигини, металл пул назариядан ушбу назарияни, номинал пул назариясини қандай фарқлари мавжудлигини ортиқча қийинчиликларсиз аниқлаш имконини беради.

Номинал пул назарияси хусусидаги дастлабки қарашларни кулдорчилик, кейинчалик феодал тузуми шароитидаги қадимги файласуфлар таълимотларида кузатиш мумкин. Пулнинг номинал назарияси XVII – XVIII асрларда, муомалага ҳақиқий бўлмаган металл пуллар киритилган даврда шаклланган. Дастлабки номинал пул назариясининг асосини қоғоз пуллар эмас, балки ҳақиқий бўлмаган танга монеталар ташкил этган.

Пулнинг номинал назариясини илгари сурган дастлабки иқтисодий назария вакиллари Дж.Беркли (1685 – 1780) ва Дж.Стюарт (1712 – 1780) ҳисобланади. Уларнинг назариялари асосида қуйидаги иккита ҳолат ётарди: пул давлат томонидан яратилади ва пулнинг қиймати унинг номинали билан

аниқланади. Пул бирлигининг сотиб олиш қобилияти унинг номинали асосида, яъни қоғоз пулда кўрсатилган номинал қиймати билан аниқланади.

Номинал пул назарияси тарафдорларининг асосий заифлиги шундаки, уларнинг таълимотига кўра пулнинг қийматини давлат белгилайди. Бу билан улар пулнинг меҳнат маҳсули назарияси ва товар табиатига эга эканлигини инкор қилади. Бироқ бозор иқтисодиёти шароитида пулнинг сотиб олиш қиймати талаб ва таклиф асосида белгиланади, шунингдек, миллий хўжалик доирасида тўлов воситасини бажарадиган пулларнинг курси халқаро миқёсда амал қиладиган хорижий валюталарга бўлган талаб асосида ўзгариб туради.

Номиналист пул назарияси вакиллариининг ривожланган даври асосан XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларига тўғри келиб, унинг кўзга кўринган тарафдорларидан бири, немис олими Г.Кнапп (1842 – 1926) ҳисобланади. Г.Кнаппнинг пул назариясини, унинг таълимотича маълум қийматга эга бўлмаган монеталарда эмас, балки хазина билетлари асосида асослашга ҳаракат қилади.

Номинал пул назариячиларининг асосий камчилиги шундаки, уларнинг таълимотида пулнинг қиймати давлат томонидан белгиланади деган ғоя илгари сурилади. Кредит пуллар (векселлар, банкноталар, чеклар) эса уларнинг таълимотида инобатга олинмайди ва эътибордан четда қолдирилади. Чунки кредит пулларнинг қиймати давлат томонидан эмас, балки уларнинг эмитентлари томонидан белгиланган номинал қийматга эга бўлиб, ушбу қиймат ўзгаришга мойилдир, яъни уларни муомалага чиқарган эмитентлар кредит пулларининг дастлабки қийматда сақлаб қолиш имкониятига эга бўлмайдилар.

Бизнинг назаримизда, номинал пул назарияси вакиллари қоғоз пулларнинг қийматини нафақат олтин қийматидан, балки товарлар қийматидан ҳам ажратиб олдилар ва уларнинг номинал қийматининг барқарорлиги, сотиб олиш қобилияти давлатнинг тегишли ҳужжатлари асосида аниқланади деган мантиқсиз ғояни илгари сурадилар.

Номинал пул назарияси вакилларининг таълимоти Германия томонидан биринчи жаҳон урушини молиялаштириш учун муомалага чиқарилган катта миқдордаги эмиссия жараёнида намоён бўлди. Бироқ, ушбу таълимотнинг ҳақиқатга яқин эмаслиги Германияда 1920 йилларда юз берган гипринфляция шароитида исботланди. Муомалага асоссиз равишда эмиссия қилинган жуда катта миқдордаги қоғоз пуллар жуда тез муддатда 700 – 800 фоиз даражасида инфляцияга учраши натижасида мамлакатда пул – кредит, молия тизими издан чиқди. Бунинг натижасида ишлаб чиқаришга бўлган қизиқиш пасайиб, кишилар моддий неъмат яратиш ҳисобига эмас, балки мавжуд моддий неъматларни сотиш ҳисобига қўшимча даромад олиш пайига тушиб қолдилар. Чунки ишлаб чиқариш ва қўшимча моддий неъматларни яратиш маълум даражадаги вақтни талаб этар, бу вақтда эса ишлаб топилган даромад инфляция натижасида ўзининг қийматини йўқотар эди.

Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики, номинал пул назарияси иқтисодиётнинг марказдан бошқариш тузуми шароити ва талабларига мос келади. Чунки ушбу тузумда пулнинг номинал қиймати давлат томонидан ўрнатилиб, унинг амал қилиши ҳам тўлиқ назорат остига олинади. Шунда ушбу назария тарафдорлари томонидан илгари сурилган таълимот ўзини оқлайди. Таъкидлаш жоизки, марказдан бошқариш тузуми ёки марказдан режалаштириш тузуми шароитида қоғоз пулларнинг номинали давлат томонидан ўрнатилиши билан бирга, яратилган товар моддий қимматликларнинг баҳоси ҳам юқоридан белгиланади. Шу билан бирга, муомалага эмиссия қилинадиган пулнинг миқдори, уларнинг ҳаракати ва амал қилиш каби барча жараёнлар ҳам давлат томонидан режалаштирилиб, ушбу режанинг бажарилиши тўлиғича тегишли органлар томонидан назорат қилиб борилади. Бироқ, бозор иқтисодиёти шароитида номинал пул назариясини амалиётга жорий этиш ва унинг амал қилишининг имконияти мавжуд эмас. Чунки давлат банклари томонидан муомалага эмиссия қилинган пул белгилари тегишли талаб ва таклиф асосида товар моддий қимматликларнинг баҳосини белгилайди. Унинг сотиб олиш қобилиятини

мустаҳкам ёки заиф бўлиши давлатнинг назидан анчагина йироқда бўлиб, давлат унга таъсир ўтказиш имкониятига эга бўлмайди. Бундай ҳолат пулнинг миқдорий пул назариясини вужудга келишига сабаб бўлди.

7.4. Пулнинг миқдорий назарияси

Миқдорий пул назариясида пулнинг сотиб олиш қобилияти ва баҳо даражаси муомаладаги пул миқдори билан белгиланади. Миқдорий пул назариясининг асосчиси француз иқтисодчиси Ж.Боден (1530 – 1596) ҳисобланади. Кейинчалик ушбу назарияни инглиз иқтисодчилари Д.Юм (1711 – 1776) ва Дж.Миль (1773 – 1836), шунингдек француз Ш.Монтескье (1689 – 1755) ривожлантирди.

Д.Юм Англияга XVI – XVII асрларда Америкадан катта ҳажмда нодир металлларнинг киритилиши натижасида баҳоларни ортиб кетишини кузатиб: “пулнинг қийматини унинг миқдори белгилайди” деган таълимотини илгари суради.

Миқдорий пул назариясининг дастлабки вакиллари пулни фақат тўлов воситаси сифатидаги вазифасига эътибор қаратади, уларнинг фикрича пул ва товар айирбошлаш жараёнида учрашиши натижасида пулнинг қиймати аниқланади деган нотўғри ғояни илгари сурадилар. Шунингдек, уларнинг таълимотидаги иккинчи камчилик муомалага чиқарилган барча пуллар муомала жараёнида иштирок этади дея ишонишларидир. Ҳақиқатда эса объектив иқтисодий қонунлар муомалага зарур бўлган пулнинг миқдорини аниқлайди. Бу билан улар пулнинг жамғарма, тўлов воситаси каби функцияларини эътибордан четда қолдиришади.

Кредит ва қоғоз пул муомаласига асосланган миқдорий пул назариясининг замонавий шароитдаги талқини йирик иқтисодчи олимлар Л.Маршалл, И.Фишер, Г.Кассель, Б.Хансен, М.Фридманларнинг асарларида баён этилган.

Уларнинг миқдорий пул назарияси иккита йўналишдаги таълимотга асосланган бўлиб:

– биринчиси, И.Фишер ва М.Фридман бошчилигидаги монетаристларнинг “транзакцион вариант” таълимоти;

– иккинчиси, А.Пигу бошчилигида англия Кембриж мактаби вакиллари, иккинчи жаҳон урушидан кейин эса Д.Патинкиннинг “касса қолдиғи” концепцияси таълимоти ҳисобланади.

Пул назарияси ҳақида амалга оширилган ўрганишлар, таҳлиллар натижасида миқдорий пул назариясининг ривожига сезиларли равишда ҳисса қўшган кишилардан бири америкалик иқтисодчи И.Фишер (1867 – 1977) эканлигининг гувоҳи бўлди. У пулнинг меҳнат маҳсули натижасидаги қиймат эканлигини инкор этиб, унинг сотиб олиш қобилиятидан келиб чиққан ҳолда фикр юритади. И.Фишер пулнинг сотиб олиш кучи олтига омилга боғлиқ эканлигини таъкидлади ва уларни қуйидагилардан иборат бўлишини асослаб берди.

M – муомаладаги пул миқдори;

V – пулнинг айланиш тезлиги;

P – ўртача тортилган баҳо;

Q – товарлар ҳажми;

$M1$ – банк депозитлари суммаси;

$V1$ – депозит – чекларнинг айланиш тезлиги.

Товарлар учун тўланадиган, муомаладаги пул миқдори жами товарлар баҳосини кўпайтирилганига тенглигини эътиборга олиб, Фишер қуйидаги “айирбошлаш тенглиги”ни илгари сурди.

$$MV=PQ$$

Фишер чап ва ўнг томони бир – бирига тўғри пропорционал бўлган функционал тенгликка асосланган ҳолда, товарларнинг баҳоси P муомаладаги пул миқдorigа тўғридан – тўғри пропорционал ва товарлар миқдори Q тескари пропорционалдир деган фикрга келди.

Фишернинг функционал боғлиқлигидаги тенглигида камчилик шундан иборат эдики, у товарлар миқдори ва муомаладаги пул миқдорини маълум бир даврдаги ҳолатини шартли V ва Q нинг ўзгарувчан даражасида эътиборга олиб, унга боғлиқ бўлган ўзгарувчан даражалар иккита, яъни товарлар ҳажми ва баҳосини эътибордан четда қолдиради. Ҳақиқатда эса товарлар ҳажми иқтисодиётнинг даврийлигидан келиб чиқиб ўзгариб туради ва пул бирлигининг айланиш тезлигига таъсир кўрсатади ҳамда пул муомаласи ва баҳонинг шаклланишига бевосита таъсир қилади. Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, товарларнинг баҳоси қатор омиллар асосида ўзгариб туради. Масалан, ишлаб чиқарувчиларнинг монопол мавқиега эгаллиги, давлатнинг ички ва ташқи сиёсати ва бошқалар товарлар баҳосига бевосита ва билвостиа таъсир кўрсатади.

Миқдорий пул назариясининг “транзакцион варианты” таълимоти асосчилари, монетаристлар М.Фридман, К.Бруннер, А.Мельтцерлар ҳисобланади. А.Маршалл, Л.Вальраснинг иқтисодиётда мувозанатлик моделига асосланган ҳолда, улар товарлар баҳоси ва муомаладаги пул миқдори ўртасидаги тенглик “нисбий” баҳоларнинг ўзгариши натижасида автоматик тарзда мувозанатлашади. Монетаристлар ушбу тенгликнинг ўзгариб туришини иқтисодиётдаги пул массаси билан боғлайдилар, шунингдек М.Фридман товарлар миқдори ва муомаладаги пул миқдори ўртасидаги тенгликни таъминлашда нафақат нақд пуллар (банкнотлар ва тангалар)ни, балки тижорат банкларнинг транзакцион ҳисобварақларидаги (талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварақлар, депозит сертификатлар ва муддатли депозитлар) қолдиқ маблағларни ҳам инобатга олиш зарурлигини таъкидлайди.

Монетаристлар замонавий миқдорий пул назариясига қатор янгича ҳолатларни киритишди. Хусусан:

– биринчидан, улар пул массаси ва баҳонинг ўзаро бир – бирига тўғри пропорционалликдан воз кечдилар, фақат бозорга таклиф этилаётган товарлар ҳажмининг баҳоларга таъсири ҳақидаги таълимотни ёқладилар;

– иккинчидан, улар пул бирлиги айланиш тезлигини эътироф этадилар, бироқ бунга жиддий эътибор қаратишмайди;

– учинчидан, улар И.Фишернинг товарлар ҳажмининг ўзгармас шароитида муомаладаги пул миқдори жами товарлар баҳосини кўпайтирилганига тенглигини инкор этадилар;

– тўртинчидан, такрор ишлаб чиқариш шароитида турли даражадаги тебранишларни аниқлашда пул массаси динамикаси биринчи даражали аҳамиятга эга эканлигига ишонадилар, пул – кредит сиёсатида эса иқтисодий ривожлантиришнинг молиявий механизми сифатида қарайди.

Кембриж мактаби вакиллари И. Фишер таълимотидан фарқли ўлароқ, одамларнинг қўлларида пул ушлаб туришларига асос бўлувчи пулнинг икки хусусиятини ажратиб кўрсатишади.

Биринчидан, пулнинг алмашув воситаси эканлиги. Субъектлар битимларни амалга ошираётган вақтларида пул алмашув воситаси сифатида амал қилади. Кембриж мактабининг вакиллари Фишернинг пулга бўлган талаб битимлар ҳажмига боғлиқ ва пулнинг битимларни амалга ошириши учун талаби номинал ЯИМга пропорционал эканлиги тўғрисидаги фикрига қўшилади.

Иккинчидан, пул бойликни сақлаш воситаси: Модомики, пул бойликни сақлаш воситаси экан, пулга бўлган талаб ушбу бойликлар миқдorigа ҳам боғлиқ деган фикрни илгари суради. Бойликларнинг ошиши билан субъектларда уларни ҳар хил активларга жойлаштириш зарурияти туғилади.

Натижада, Кембриж мактабининг олимлари пулга бўлган талаб номинал ЯИМга пропорционал деган хулосага келишди ва пулга бўлган талаб функциясини қуйидаги тенглама тарзида ифода этишди.

$$M^d = K \cdot RY$$

Уларнинг моделига кўра истеъмолчилар қўлларида қанча пул бўлиши кераклигини ўзлари ҳал қилади. Бу эса K – (пропорционаллик коэффициенти)нинг қисқа муддатлар ичида тебранишларда бўлишини кўзда тутди. Ваҳоланки, пуллардан бойликларни сақлаш усули сифатида

фойдаланиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш, бошқа активлардан кутиладиган даромадларга боғлиқ бўлади.

Шундай қилиб, бошқа активлардаги хусусиятларнинг ўзгариши К нинг ҳам ўзгаришига олиб келиши мумкин. Юқорида кўрсатилган фарқ И. Фишернинг Кембриж мактаби вакиллари фикрларидан фарқни англатади.

Жон Мейнард Кейнс Кембриж мактабининг энг сўнгги вакилларида бўлиб, уларнинг фикрларини ривожлантирди. Кейнсчилик назарияси асосан XX асрнинг 30 – йилларида яхлит ғоявий оқим сифатида тўлиқ шаклланди. Унинг асосчиси XX асрнинг энг машҳур иқтисодчиларидан бири Буюк Британиялик олим Ж. М. Кейнс эди.

М.Фридман томонидан ишлаб чиқилган концепция формуласи И.Фишерникидан кўриниши нуқтаи назардан фарқ қилиб, моҳиятан пул массаси ва баҳо ўртасидаги боғлиқликни асослаб беришга қаратилган:

$$M=KPY$$

бу ерда

М – пул миқдори;

К–пул захирасининг даромадга нисбати;

Р–баҳо индекси;

У–ўзгармас баҳолардаги миллий даромад.

Монетаристларнинг миқдорий пул назариясини акс эттирувчи замонавий тенглигидан шундай хулоса қилиш мумкинки, пул массасининг ўзгариши тенгликнинг ўнг томонида учта ҳолатнинг бирига таъсир қилади, яъни баҳоларнинг ошишига (Р), реал миллий даромаднинг ортишига (У), пул захирасини даромадга нисбатан коэффицентини ўзгаришига олиб келади.

Миқдорий пул назарияси Англиянинг Кембриж мактаби вакиллари томонидан ўрганилган бўлиб, унинг вакиллари сифатида А.Маршал, Д.Робертсон ва Д.Патинкинларни келтириш мумкин.

И.Фишернинг миқдорий пул назарияси ҳақида шакллантирган “транзакцион варианты”да пул асосан муомала воситаси ва тўлов воситаси

функцияларини бажаришини эътироф этган бўлса, А.Пигу миқдорий пул назариясида пулни жамғарма воситаси функцияси вазифасини ҳам бажаришини таъкидлаб, унга алоҳида аҳамият қаратади.

Англия Кембриж мактаби вакиллари миқдорий пул назарияси борасидаги таълимотларида И.Фишернинг пул назарияси хусусидаги таълимотидан фарқли яна бир концепцияни илгари сурадилар. Агар, И.Фишер иқтисодийётга зарур бўлган пул миқдорини унинг таклифини таҳлил қилиш асосида аниқлаган бўлса, Кембриж мактаби вакиллари иқтисодийётга зарур бўлган пул миқдорини товарлар ва хизматлар ҳажмидан келиб чиқиб унга бўлган эҳтиёж асосида аниқлаш зарурлиги ҳақидаги таълимотни илгари суради.

Шунингдек, агар И.Фишер пулнинг ҳажмини муомалада бўлган миқдорига қараб ва улар доимий равишда муомалада иштирок этишини эътироф этган бўлса, Кембриж мактаби вакиллари муомалага чиқарилган пулларнинг барчаси доимий равишда муомалада иштирок этмаслиги, улар “касса қолдиғи” сифатида аҳолининг қўлида, банк ва корхона ҳисобварақларида маълум муддатга сақланиб қолиши мумкинлиги хусусидаги таълимотни асослаб беришади.

И.Фишер жами ижтимоий капитални ва баҳонинг даражасини умумий яхлитликда таҳлил қилиш асосида тегишли хулосаларни шакллантирган бўлса, А.Пигу асосий эътиборни капиталнинг индивидуал ҳаракати ва уларнинг соҳибларига қаратади.

А.Пигу миқдорий пул назариясининг “касса қолдиғи” ҳақидаги таълимотни илгари сурганда унинг таркибига муомаладаги нақд пулсиз ва жорий ҳисобварақлардаги қолдиқ суммаларни, яъни пул миқдорини аниқлашда аҳолининг қўлидаги нақд пул қолдиқлари ва корхона – ташкилотларнинг банклардаги ҳисобварақларини қолдиқларини ҳам инобатга олади.

Эътироф этиш лозимки, А.Пигунинг пул назарияси ҳақидаги ёндошувлари И.Фишерникидан фарқ қилсада, моҳиятан миқдорий пул

назарияси доирасидан чиқиб кетолмаган эди, пул ва баҳо ўртасидаги тўғридан – тўғри алоқа сақланиб қолган эди. Буни А.Пигу томонидан яратилган $M = RPQ$ ёки $P = M/Q$ тенглигида ҳам кузатиш мумкин, чунки бу И.Фишернинг “айирбошлашни тенглаштириш” концепциясига яқин бўлиб, унда:

M – пул массаси;

P – баҳо даражаси;

Q – товар массаси (ёки товар айланмасининг моддий ҳажми);

V – жисмоний ва юридик шахсларнинг пул кўринишида сақлаши мумкин бўлган даромадлар.

И.Фишер ва А.Пигунинг тенгликлари ўртасидаги фарқ, Фишерда пул бирлигининг айланиш тезлиги V фойдаланилади, иккинчи коэффициент K , V га тескари кўрсаткич бўлиб, агар Пигунинг тенглигидаги K алмаштирилса Фишернинг формуласи келиб чиқади.

XX асрнинг 50 йилларини ўрталаридан бошлаб, миқдорий пул назариясининг Кембриж таълимотига асосланган неоклассик йўналиши вужудга келди. Ушбу йўналишнинг асосий номояндаси Д.Патинкин ҳисобланиб, у ўзининг асарларида пул массаси ва баҳо ўртасида тўғридан – тўғри пропорционаллик мавжудлигидан келиб чиқди. Д.Патинкин “касса захираси”ни юқори ликвидли манба сифатида қарайди, унинг ҳисобидан қимматли қоғозларга инвестиция қилиш ва кейинчалик ушбу маблағларни реал капиталга йўналтириш зарурлигини таъкидлайди.

Д.Патинкин миқдорий пул назариясида даромадни учта йўналишга, яъни истеъмол, инвестиция ва “касса захираси” сифатида жойлаштириш зарурлигини уқтиради.

Хулоса қилиб айтганда, пул назарияси ва унинг иқтисодий категория сифатидаги ҳолатини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида бу хусусда иқтисодчи олимлар, мутахассислар ва тадқиқотчиларнинг фикрлари турлича бўлсада, барчасининг асосида унинг айирбошлаш воситаси эканлиги ва пулнинг мавжудлиги асосида меҳнат тақсимооти ётиши эътироф этилади.

Бобга оид саволлар

Пулнинг назариялари хусусида иқтисодий назариячиларнинг қарашлари.

Пулнинг қандай назариялари мавжуд?

Металл пул назариясининг моҳияти ва унинг тарафдорлари.

Металл пул назарияси қандай даврларга тўғри келади?

Металл пул назариясининг асосий камчиликлари.

Номинал пул назариясининг моҳияти ва унинг тарафдорлари.

Номинал пул назариясининг асосий ютуқ ва камчиликлари.

Микдорий пул назариясининг моҳияти ва унинг тарафдорлари.

Микдорий пул назарияси афзалликлари ва камчиликлари.

Микдорий пул назарияси таълимотининг асосий йўналишлари.

Бобга оид тестлар

1. Пулнинг назарияси иқтисодий категория сифатида нечта гуруҳга ажратиб ўрганилади?

А. 2 та гуруҳга.

Б. 3 та гуруҳга.

В. 4 та гуруҳга.

Г. 6 та гуруҳга.

2. Пулнинг металл назарияси қандай даврларда вужудга келган?

А. XV – XVI асрларда

Б. XIV – XV асрларда

В. XVI – XVII асрларда

Г. XVII – XVIII асрларда

3. Пулнинг металл назарияси қандай тузумда вужудга келган?

А. Қулдорчилик тузумида

Б. Натурал – феодал тузумида

В. Капиталистик тузумида

Г. Социалистик тузумда

4. Пулнинг номинал назарияси қандай даврларда вужудга келган?

А. XVI – XVII асрларда

Б. XIV – XV асрларда

В. XV – XVI асрларда

Г. XVII – XVIII асрларда

5. Пулнинг номинал назарияси даврини шаклланишига қандай омиллар таъсир қилган?

- А.Муомалага қоғоз пуллар киритилганда
- Б.Муомалага кумуш ва олтин тангалар киритилганда
- В.Муомалага ҳақиқий бўлмаган металл пуллар киритилганда**
- Г.Муомалага банкноталар ва монеталар киритилганда

6.Номинал пул назарияси тарафдорларининг заифлиги нимада?

- А.Олтинни ҳақиқий қиймат сифатида эътироф этишида
- Б.Пулнинг қийматини давлат белгилашини эътироф этишида**
- В.Кумушни тўлов воситаси сифатида эътироф этмайди
- Г.Қоғоз пуллар қиймати талаб ва таклиф асосида белгилашини эътироф этишида

7.Бозор иқтисодиёти шароитида пулнинг сотиб олиш қобилияти:

- А. – талаб ва таклиф асосида белгиланади;**
- Б. – товар ва маҳсулотлар ҳажми асосида белгиланади;
- В. – давлатнинг тегишли қарорлари асосида белгиланади;
- Г. – Марказий банкнинг қарори асосида белгиланади.

8.Пулнинг миқдорий назарияси ҳақидаги таълимотни қачон ва ким томонидан илгари сурилган?

- А. XV – XVI асрларда, Дж.Миль томонидан
- Б. XVI – XVII асрларда, Д.Юм томонидан**
- В. XVII – XVIII асрларда, Ж.Боден томонидан
- Г. XVIII – XIX асрларда, Ш.Монтескье томонидан

9.Миқдорий пул назариясининг “транзакцион варианты” таълимоти асосчилари кимлар?

- А. М.Фридман, К.Бруннер ва А.Мельтцерлар**
- Б. А.Маршалл ва Л.Вальрас
- В. А.Смит, Г.Кассель ва Б.Хансен
- Г. Ж.Боден, Д.Юм ва Дж.Миль

10. Миқдорий пул назариясида “касса қолдиги” ҳақидаги таълимотни илгари сурган назариячи ?

- А.А.Пигу**
- Б.Д.Юм
- В.Дж.Миль
- Г. Ж.Боден

АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ПУЛ ТИЗИМИ

8.1. АҚШ пул тизими

Америка континентида пул муомаласи XVIII асрларда асосан хорижий валюталарда, яъни Англия фунт стерлинги ва Испания кумуш доллари билан амалга оширилган.

АҚШ доллари Конгресс қарори билан 1785 йилда миллий валюта сифатида эълон қилинган. 1792 йилда биметаллизм тизими жорий этилиб, доллар олтин ва кумушдан зарб этилган. Банкнотлар хусусий банклар томонидан муомалага киритилган. 1859 йилда АҚШда 1000 дан ортиқ хусусий банкларнинг 5400 турдаги банкнотлари тўлов воситаси вазифасини бажарган.

АҚШда XVIII – XIX асрларда пул эмиссиясини марказлаштириш ва тартибга солишга икки марта (1791 ва 1816 йй.) уриниб кўрилди, бироқ ушбу ҳаракатлар муваффақиятсизликка учради. АҚШда 1863 йилда миллий (давлат) банклари ташкил этилиб, уларга эмиссия ҳуқуқи берилди. Штат банклари 10 фоизлик солиққа тортиш эвазига эмиссия қилиш ҳуқуқидан босқичма – босқич бекор қилинди. Шу билан бирга, 1873 йилдан бошлаб кумушни эркин зарб этиш бекор қилинди.

1900 йилда расмий равишда олтин стандарти жорий этилиб, долларнинг олтин қиймати 1,504632 гр этиб белгиланди.

Федерал ҳукумат қонунчилигига асосан 1913 йилда АҚШ Федерал захира тизими ташкил этилди. Унинг аъзолари ўз капиталининг 6 фоизини пай сифатида ФЗТга ўтказишлари, шунингдек, муддатли депозитларининг умумий суммасини 3 фоизи, талаб қилиб олингунча сақланадиган

депозитларнинг 7 фоиздан 13 фоизгачасини захира сифатида ушлаб туришлари белгилаб қўйилди.

ФЗТ мамлакат Марказий банки сифатида муомалага банкнотларни чиқариш бўйича монопол ҳуқуққа эга бўлди, дастлаб унинг банкнотлари тижорат ва банк векселлари билан, 1917 йилдан бошлаб олтин билан таъминланиши белгилаб қўйилди. Натижада 1920 йилга келиб, унинг муомалага чиқарган билетлари мамлакатдаги мавжуд пул билетлари ҳажмидан бир неча баробар ортиб кетди.

ФЗТ томонидан қилинган эмиссия ҳажмининг ортиб кетиши натижасида 1932 йилда қабул қилинган Бласс – Стигалла қонунига асосан давлатнинг қимматли қоғозлари банкнотларнинг таъминоти сифатида қабул қилинди.

АҚШ Ғарбий Европа мамлакатларидан фарқли ўлароқ, биринчи жаҳон уруши даврида банкнотларни олтинга алмаштириш тартибини бекор қилмади, лекин муомалада олтин тангалар миқдори кескин камайиб кетди.

АҚШда юз берган 1929 – 1933 йилдаги Буюк инқирозга қадар муомаладаги олтин тангалар хусусий шахслар ва банклар томонидан олиб қўйила бошлади. 1929 – 1933 йилдаги Буюк инқироз 1933 йил апрелда АҚШда олтин стандартини бекор қилишга мажбур этди.

1934 йил 31 январдаги қонунга кўра долларнинг 40,8 фоизи олтин билан таъминланиши белгиланиб қўйилди, шунингдек, бир долларнинг олтиндаги қиймати 1,50463 граммдан 0,888671 граммга туширилди, АҚШ ғазнаси бир унция олтинни сотиб олиш баҳосини 20,67 доллардан 35 долларгача кўтарди. АҚШнинг юридик ва жисмоний шахсларга олтинни танга шаклида сақлашни таъқиқлаб қўйилди.

1934 йилда ФЗТ таъсарруфидаги олтин захираси бир унцияси 26,67 доллар баҳосида давлат ғазнасига топширилди. ФЗТ унинг ўрнига федерал ғазнаси томонидан банкнотларни таъминланганлигига хизмат қилувчи олтин сертификатларни олди. АҚШ ҳукумати 2,8 млрд доллар олтин захираси

ҳисобидан 2 млрдга тенг бўлган барқарорлаштирувчи валюта фондини ташкил этди.

1960 йилларнинг охири 1970 йилларнинг бошида АҚШнинг валюта позицияси сезиларли даражада ёмонлашди. Мамлакат олтин захираси икки мартадан зиёдроққа камайди. 1949 йилда 24,6 млрд доллар 1987 йил сентябрда 11,1 млрд долларни ташкил этди.

1960 йилларда мамлакат олтин захираси муомаладаги жами банкнотларнинг 25 фоизи атрофида ташкил этди, бунинг натижасида долларнинг олтин билан таъминланиши бекор қилинди.

1971 йилда олтиннинг бир унцияси 38 долларни, 1973 йил февралда 42,22 долларни ташкил этди. 1975 йилда АҚШ ўз фуқароларига олтин танга ва слиткаларни сотиб олишга рухсат берди, 1970 йилда олтиннинг баҳосини пасайтириш мақсадида олтин аукциони ўтказилди. Натижада, Ямайка келишувига асосан олтиннинг расмий баҳоси бекор қилинди ва уни валюта паритети сифатида фойдаланишни таъқиқлади. Долларнинг курси талаб ва таклиф асосида ўрнатиладиган бўлди, бунинг натижасида олтиннинг бозор баҳоси бирдан ошиб кетди.

АҚШнинг замонавий пул муомаласи жуда ривожланган бўлиб, АҚШ давлат ғазнаси, ФЗТ ва айрим штат банклари пулларни муомалага эмиссия қилиш билан шуғулланади. Давлат ғазначилиги майда банкноталарни (1 – 10 долларлик қийматдан), кумуш доллар ва тангаларни муомалага чиқарди.

Муомаладаги асосий пулларнинг улуши ФЗТ томонидан чиқарилган бўлиб, кредит тизимини такомиллашуви баробарида нақд пул билан ҳисоб – китоб тизими қисқариб бормоқда.

8.2. Буюк Британия пул тизими

Марказлашган мамлакат вужудга келгунга қадар Британия оролларида IX – X асрларда фунт стерлинг айирбошлаш воситаси сифатида фойдаланиб

келинган. Фунт стерлингни дастлабки номи унинг оғирлиги таркибидан пайдо бўлган.

Бир фунт кумушдан 240 пенс зарб қилинган. Улар “стерлик” деб номланган. XIV асрнинг ўрталарида муомалада олтин тангалар пайдо бўлди, мамлакатда бир неча аср давомида биметаллизм ҳукм сурган. Англия бошқа мамлакатларга қараганда анча илгари олтин стандартига ўтди. Англияда олтин стандарти амалда XVIII асрнинг охири, ҳукукий жиҳатдан 1866 йилдан бошлаб жорий этилди.

Биринчи жаҳон урушига қадар Англияда пул муомаласи Роберт Пиля конуни асосида тартибга солинди, унга кўра барча банкнотлар 100 фоиз олтин билан таъминланиши шарт эди.

Биринчи жаҳон уруши мамлакат пул муомаласини кескин издан чиқарди. 1914 йилда банкнотларни олтинга алмаштириш жараёни бекор қилингандан сўнг, ҳукумат ҳарбий харажатларни қоплаш учун жуда катта миқдорда эмиссияни амалга оширди. Муомаладаги пул массаси 1913 – 1918 йилларда 35 млн фунт стерлингдан 399 млнга, 1920 йилда эса 555 млн фунт стерлингга чикди.

Ҳукумат пул муомаласини барқарорлигини таъминлаш мақсадида “қиммат пуллар” сиёсатини қўллаб 1920 йилда дефляцияни амалга оширди. Бу мамлакатдаги молиявий олигархларнинг манфаатига мос тушди, улар хорижий мамлакатларга жуда катта миқдорда капитал қуйилмаларини амалга оширган бўлиб, фунт стерлингнинг сотиб олиш қобилиятини юқорилигидан манфаатдор эдилар.

Англияда 1925 – 1928 йилларда пул ислоҳати ўтказилди. Ислоҳатлар 1925 йил апрелда бошланиб, унинг натижасида урушдан олдинги каби, Англия банкнотларини олтинга алмаштириш тикланди.

Англия Банки фунт стерлингнинг курсини барқарорлигини таъминлаш мақсадида ҳисоб ставкасининг даражасини оширди, бу саноат корхоналарининг “арзон пуллар”га эҳтиёжини чеклашга олиб келди.

1929 – 1933 йилларда рўй берган жаҳон иқтисодий инқрози Англиянинг ташқи бозорларидаги позициясини анча пасайтирди, мамлакатдан жуда катта ҳажмда капиталлар чиқиб кета бошлади. 1931 йил 21 сентябрда фунт стерлингни олтинга айрибошланиши бекор қилинди ва девальвация қилинди.

Англия Банки тасарруфидаги олтин захиралари 1932 йилда давлат ғазначилик қошида ташкил этилган Валютани барқарорлаштириш фонди тасарруфига ўтди. Англия ташқи бозорларидаги фунт стерлингнинг курсини тушириш орқали Япония ва АҚШ мамлакатлари билан фаол “валюта уруши”га кириб борди. Натижада ушбу “валюта уруши” мамлакат миллий иқтисодиёти ва пул муомаласига салбий таъсир кўрсатди.

1939 йилдан 1945 йилгача муомаладаги пул массасининг ҳажми 2,5 мартага ошди, товар ва хизматлар баҳоси 75 фоизга кўтарилди. Шунга қарамасдан, Англияда инфляция даражаси бошқа мамлакатларга нисбатан, АҚШдан ташқари, анчагина паст эди.

Бунинг қуйидаги 3 та сабаби мавжуд эди. Биринчидан, Англияда ҳарбий харажатларни қоплаш учун солиқнинг улуши жуда юқори эди; иккинчидан, Англиянинг ташқи молиявий манбаларининг мавжудлиги асосан Англия калониясида бўлган давлатлар ҳисобидан. Учинчидан, баҳолар устидан давлат назоратининг юқорилиги. Хусусан, хомашё, ёқилғи ва озиқ – овқат маҳсулотлари баҳоси давлат томонидан назорат остига олинган эди.

Фунт стерлингнинг иккинчи жаҳон урушидан кейинги 30,5 фоизга девальвацияси 1949 йил сентябр ойида амалга оширилди, фунт стерлингнинг олтин билан таъминланиш даражаси 3,58 граммдан 2,8 грамм тоза олтинга тенглаштирилди, бир фунт стерлинг 4,03 доллардан 2,80 долларга арзонлаштирилди. Фунт стерлингнинг халқаро миқёсдаги мавқиени тиклаш учун амалга оширилган ушбу чора – тадбирлар тегишли натижани бермади, фунт стерлингнинг жорий операциялар бўйича долларга нисбатан обрўйи пасайди. Мамлакат олтин захиралари ҳажми бирдан камайиб кетди, ташқи

савдо баланси тақчиллиги ортди, фунт стерлингга бўлган ишончга дарз кетди ва 1947 – 1948 йилларда инфляция даражаси ортиб кетди.

Англия фунт стерлингини девальвация қилиниши унинг сотиб олиш қобилиятига мўлжалланган даражада ижобий таъсир кўрсатмади. Натижада, 1952, 1955, 1958, 1960 – 1961, 1964 – 1965 йилларда мамлакатда валюта инқирозлари рўй берди.

1967 йилда фунт стерлинг 14,3 фоизга девальвация қилинди, унинг олтин билан таъминланиши даражаси 2,13г пасайтирилди, долларнинг курси 2,40 долларни ташкил этди.

1972 йилда Англияда рўй берган қисқа муддатли иқтисодий кўтарилиш ташқи савдода йирик тақчилликни вужудга келишига, мамлакатда хорижий капитални чиқиб кетишига ва фунт стерлингни кучли инқирозга учрашига сабаб бўлди.

Англия фунт стерлингини барқарорлигини таъминлаш мақсадида икки hafta ичида 5 млрд доллар сарфланди, Англия ҳукумати 1972 йил 23 июндан бошлаб ўз валютасига нисбатан сузиб юрувчи курсни ўрнатди. Йил охирига келиб фунт стерлингнинг курси 1971 йил декабрига нисбатан 10 фоиз, 1973 йил охирига 17 фоиз, 1974 йилда 18 фоиз, 1975 йилда 27 фоиз, 1976 йилда 40 фоизга пасайди.

Англияда XVIII асрда юз берган саноат революцияси мамлакатни дунёдаги йирик жаҳон савдо марказига айлантирди, фунт стерлинг халқаро валюта сифатида тан олинди. Биринчи жаҳон уруши олтидан дунё савдо айланмасининг 80 фоиз фунт стерлингга амалга оширилди эди, кейинчалик мамлакат иқтисодиётининг заифлашуви натижасида унинг халқаро валюта ва кредит муносабатлари бўйича мавқиени кескин пасайтириб юборди.

Англия 1931 йилда олтин стандартини бекор қилган бўлсада, бир гуруҳ манфаатдор мамлакатлар савдо – иқтисодий муносабатларини сақлаб қолиш мақсадида фунт стерлингни тўлов ва захира воситаси сифатида сақлаб қолишга ҳаракат қилишди. Шу мақсадда, Англиянинг ташаббуси билан 1932 йилда “стерлинг блоки” ташкил этилди. Иккинчи жаҳон урушидан олдин

блок таркибидаги мамлакатларнинг кўпчилигида бир хил шаклдаги валюта назорати тизими жорий этилди, бунга кўра учинчи мамлакатлар билан валюта операцияларини амалга ошириш бўйича чегаралар жорий этилди, блок таркибидаги мамлакатлар билан валюта операциялари бўйича эркинликлар жорий қилинди.

Англиянинг иқтисодий сиқуви остида хорижий валюта ва олтин “пул”да иштирок этишига розилик берди, янги шаклдаги стерлинг блоки “стерлинг ҳудуди” тарзида юритила бошланди.

1960 йиллардан бошлаб стерлинг ҳудуди иқтисодий жиҳатдан инкирозга юз тутди, бунинг асосий сабабларидан бири улар томонидан ишлаб чиқилган тамоийиллар амалиётда ўзининг ифодасини топмади.

Хозирги кунда фунт стерлинг халқаро захира мавқиени деярли тугатди, унинг халқаро савдо айланмасидаги улуши тахминан 5 – 6 %ни ташкил этади. Бу кўрсаткич Буюк Британиянинг халқаро дунёдаги мавқиедан далолат беради. 60 – 70 йилларда Британия ҳукумати халқаро марказий банклардан захиралари таркибидан фунт стерлингнинг улушини камайтиришни сўраб мурожаат қилган бўлса, 1986 йилларга келиб бундай мурожаатга умуман эҳтиёж қолмади.

Бобга оид саволлар

1.АҚШ доллари қачон ва қандай ҳужжат сифатида қонуний валюта сифатида эълон қилинди?

2.АҚШда қачон пул эмиссиясини марказлаштиришга уриниб кўрилган ва унинг натижаси нима учун ижобий бўлмаган?

3.Федерал захира тизими қачон жорий этилди?

4.АҚШдаги Буюк инкирознинг салбий оқибатлари?

5.Долларнинг таъминланганлик даражаси қандай бўлган?

6.АҚШ ўз фуқароларига олтин слиткаларни сотишга рухсат беришининг сабаби нимада?

7.Фунт стерлингнинг вужудга келиши ҳақида

8.Фунт стерлингнинг қийматини олтинга нисбатан ўзгариши

9.Англияда инфляция даражасининг бошқа мамлакатлардагига нисбатан пастлиги нима билан изоҳланади?

10.Англия фунт стерлинги жаҳон валютаси сифатида мақиени ошириш учуе қандай ҳаракатлар қилинган?

Бобга оид тестлар

1. АҚШ доллари қачон ва қандай ҳужжат асосида миллий валюта сифатида эълон қилинган?

А. 1785 йилда Конгресс қарори билан

Б. 1792 йилда, Президент фармони билан

В. 1859 йилда, Республикачиларнинг қарори билан

Г. 1759 йилда, Демократларнинг қарори билан

2. АҚШда 1859 йилда неча турдан иборат банкноталар тўлов воситасини бажарган?

А. 4400 дан ортиқ

Б. 5400 дан ортиқ

В. 6400 ортиқ

Г. 7400 дан ортиқ

3. АҚШда 1900 йилда долларнинг олтиндаги қиймати қанчани ташкил этган?

А. 1,704632 гр

Б. 1,604632 гр

В. 1,504632 гр

Г. 1,404632 гр

4. АҚШ долларининг асоси 1917 йилда нима билан таъминланган эди?

А. Тижорат билетлари билан

Б. Олтин билан

В. Кумуш билан

Г. Вексел билан

5. АҚШда олтин стандарти қачон бекор қилинди?

А. 1929 йил май ойида

Б. 1933 йил апрел ойида

В. 1934 йил декабрда

1947 йил сентябрда

6. АҚШнинг валюта позицияси қачон ёмонлашди?

А. 1945 – 1947 йилларда

Б. 1960 – 1970 йилларда

В. 1980 – 1990 йилларда

Г. Биринчи жаҳон урушидан кейин

7. Англияда банкнотларни олтин билан алмаштирилиши қачон бекор қилинди?

А. 1914 йилда

Б.1929 – 1933 йилларда

В.1947 йилда

Г.1973 йилда

8.Англия иқтисодиётида пул массаси қачон икки мартага ошди?

А.1938 – 1940 йилларда

Б.1939 – 1945 йилларда

В.1929 – 1933 йилларда

Г.1914 – 1916 йилларда

9.1949 йил сентябр ойида фунт стерлинг неча фоизга девальвация қилинди?

А.25,5 фоизга

Б.30,5 фоизга

В.35,5 фоизга

Г.40,5 фоизга

10.Англиянинг фунт стерлинги жаҳон валютаси мавқиега эришишида нима сабаб бўлган?

А.Фунт стерлингни девальвация қилиниши

Б.Фунт стерлингни олтинга тенглаштирилиши

В.Мамлакатда юз берган саноат революцияси

Г.Буюк инқироз

II БЎЛИМ. КРЕДИТ

9 – БОБ

КРЕДИТНИНГ МОҲИАТИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

9.1. Кредитнинг зарурлиги ва моҳияти

Жамиятда товар – пул муносабатларидан кейинги вужудга келган муҳим ижтимоий – иқтисодий муносабатлардан бири кредит ҳисобланади. Кредит, пул каби иқтисодий категория бўлиб, пул маблағларининг самарали ишлашига, хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахсларнинг ортиқча вақт ва маблағ сарф қилмасдан қўшимча пул маблағларига бўлган талабини қондиришда муҳим аҳамият касб этади.

Кредит муносабатлари иқтисодий фанларнинг барча бўғинларида бевосита ёки билвосита алоҳида ижтимоий – иқтисодий жараён сифатида ўрганилади.

Иқтисодий адабиётларда “кредит” сўзи латинча “*creditum*” – ссуда, қарз сўзидан пайдо бўлганлиги қайд этилади. Айрим иқтисодчи олимлар “*credo*”, яъни “*ишонаман*” деган маънони англатишини қайд этади³⁷. Албатта, кредит муносабатларида иштирок этаётган субъектларнинг бир – бирига бўлган ишончи асосий омил ҳисобланади. Бу ерда кредитор, кредитни беришда асосий масала кредит олувчига нисбатан “ишончи” муҳим аҳамият касб этади.

Бироқ, кредит иқтисодий категория сифатида амал қилиши учун биргина ишончнинг ўзи етарли бўлмайди. Кредит ва кредит муносабатларининг вужудга келишида ишонч билан биргаликда шундай бир

Деньги, кредит, банки: Учеб. – 2 – е изд., перераб. и доп./под ред. В.В.Иванова, Б.И.Соколова. –М.: ТК Велби, изд – во Проспект, 2008. –С.410.

категория мавжудки, бу кредитор ва кредит олувчи ўртасида ўзаро иқтисодий ҳамкорликни амалга оширишга ундайди. Буни кредитор ва қарз олувчи нуқтаи назардан кўрадиган бўлсак, кредиторни ушбу муносабатларни ривожлантиришига асосий омил бу иқтисодий манфаатдорлик, яъни кредит фоизи ҳисобланади. Қарз олувчи учун эса ишлаб чиқариш жараёнини узлуксизлигини таъминлаш орқали тегишли иқтисодий манфаатдорликка эришишдир.

Бундан кўриниб турибдики, кредит ва кредит муносабатларини вужудга келиши ва ривожланишида ҳар иккала томоннинг ҳам иқтисодий манфаатдорлиги кучли молиявий механизм ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида кредитнинг зарурлиги қуйидаги омиллар билан белгиланади:

- кредит муносабатларида иштирок этувчи томонларнинг иқтисодий манфаатдорлигини таъминланиши. Хусусан, кредитор кредит ҳисобидан фоиз тўловлари сифатида фойда олса, қарз олувчи ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлаш орқали тегишли фойдани шакллантириш имкониятига эга бўлади;

- иқтисодиётда вақтинчалик бўш пул маблағлар ссуда капитали сифатида жамғарилиб, тегишли мақсадларга йўналтирилади;

- иқтисодиётда ишлаб чиқариш циклининг даврийлиги. Бунда айрим тармоқларда вақтинчалик бўш пул маблағлари вужудга келса, бошқаларида кўшимча молиявий ресурсларга эҳтиёж туғилади, ушбу жараён кредит орқали тартибга солинади;

- ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнида кўшимча молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжнинг асосий қисми кредитлар орқали қондирилади.

Замонавий иқтисодиётда кредит муҳим молиявий элемент сифатида мамлакат иқтисодиётини ривожланишининг ажралмас қисми ҳисобланади. Кредит ва кредит муносабатларининг вужудга келиши ва ривожланишининг асосида товар ишлаб чиқариш, янаям аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак –

капитал муомаласи ва айланиши ётади. Жамиятда капитал муомаласи ва айланиши доимо ҳам бир маромда амал қилмайди, булар юқорида таъкидланганидек қатор омиллар билан изоҳланади.

Кредитнинг моҳиятига қатор иқтисодчи олимлар тегишли таърифларни шакллантирган. Хусусан, Щегорцова В.А. таҳрири остида тайёрланган дарсликда, “Кредит – қайтариш ва тўлов шарти билан қарздорга вақтинчалик фойдаланиш мақсадида пул маблағи ёки моддий буюм кўринишида бериш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар тизимидир” тарзидаги таърифи шакллантирилган³⁸.

Профессор О.И.Лаврушин таҳрири остида нашр этилган дарсликда кредитнинг моҳиятига аниқ таъриф берилмаган. Бироқ, уларнинг фикрича, кредит ижтимоий муносабатларнинг бир кўриниши бўлиб, иқтисодий категориядир. Шу билан бирга, кредит турлича ижтимоий муносабатларда эмас, балки иқтисодий муносабатларни акс эттирувчи қийматнинг ҳаракати жараёнида намоён бўлади. Дарсликда, кредитнинг моҳиятини аниқ акс эттириш учун унинг таркиби, ҳаракат қилиш жараёни ва вужудга келиш асосига эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланади³⁹.

Бошқа россиялик иқтисодчи олимлар “Пулли (товарли) кредит тўлов асосида амалга ошириладиган бир тоифадаги эквивалентнинг турли вақтдаги ўзаро ҳаракатининг йиғиндисир.”, деган таърифни беришган⁴⁰.

Ўзбекистонлик иқтисодчилардан профессор Ш.Абдуллаева томонидан нашр этирилган дарсликда: “Кредит – бу вақтинча бўш турган пул маблағларини пул эгаси ёки бошқалар томонидан маълум муддатга, ҳақ тўлаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиққан иқтисодий муносабатлар йиғиндисидир” тарзидаги таъриф берилган⁴¹.

³⁸ Деньги, кредит, банки: Учебник для вузов. Под. ред. проф.— Щегорцова В.А. М.:ЮНИТИ – ДАНА, 2005. – С.176.

³⁹ Деньги, кредит, банки: учебник/кол. авт.: под ред.засл.деят. науки РФ, д.э.н. проф. О.И.Лавшурина. – 5 – е изд., стер. –М.: КНОРУС, 2007. –С. 237 – 238.

⁴⁰ Деньги, кредит, банки: Учеб. – 2 – е изд., перераб. и доп./под ред. В.В.Иванова, Б.И.Соколова. –М.: ТК Велби, изд – во Проспект, 2008. –С.428.

⁴¹ Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. –Т.: “Иқтисод – молия”, 2007, 165 – б.

Кредитнинг иқтисодий моҳиятига берилган таърифлардан кўриниб турибдики, бу борада иқтисодчи олимларнинг фикрлари бир – биридан сезиларли даражада фарқ қилади. Шу боис, *“Кредит – тегишли тамойиллар асосида (қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилик ва мақсадлилик) қиймат ва моддий буюм кўринишида, жисмоний ва юридик шахсларга тақдим этиладиган иқтисодий категорияларнинг бир шаклидир”* тарзидаги таърифни шакллантиришга жазм этдик.

Кредитнинг моҳиятини янада аниқроқ ва тўлиқроқ очиб беришда унинг субъектив ва объектив моҳиятига эътибор қаратиш лозим. Кредит муносабатларининг вужудга келишида, шунингдек, унинг моҳиятини очиб беришда кредитнинг субъектив моҳияти ҳам алоҳида ўрин тутди. Кредитнинг субъектив моҳияти бир – бирига боғлиқ бўлган *“кредитор”* ва *“кредит олувчи”*нинг муносабатларида намоён бўлади.

“Кредитор” ва *“кредит олувчи”* ўртасида вужудга келадиган муносабатларнинг асосида товар – пул айланмаси ётади. Жамиятда вақтинчалик бўш маблағларнинг мавжудлиги ва товар айланмасининг мавжудлиги кредит ва қарз олувчининг манфаатларини бир – бирига тўқнашишига хизмат қилади. Агар, ушбу манфаатлар бир – бирига мос келса улар ўртасида кредит муносабатлари вужудга келади.

Кредитор – кредит муносабатларини ташкил этишда кредит берувчи сифатида майдонга чиқади. Кредитор пул маблағларини вақтинчалик фойдаланишга берувчи субъектлар ҳисобланади. Бундай субъектлар банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлар, ломбардлар, давлат ва бошқа молиявий ташкилотлар бўлиши мумкин. Кредитор ссуда сифатида берадиган пул маблағлари уларнинг *ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлари* ҳисобидан шакллантирилади. Кредитор субъектлар ичида, банклар ва кредит уюшмалари нафақат ўз маблағлари ҳисобидан, балки четдан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан кредитлар беради. Маблағларни жалб қилишнинг турли йўллари мавжуд бўлиб, бозор иқтисодиёти шароитида акциялар ва

облигацияларни муомалага чиқариш асосий ва самарали йўлларида бири ҳисобланади.

Кредитор жамиятдаги вақтинчалик бўш пул маблағларни тегишли шартлар асосида жалб қилиб, ушбу маблағларни кредитнинг қайта тақсимлаш функцияси орқали реал секторнинг зарур бўлган бўғинларига жойлаштиради. Бу жараён иқтисодиётдаги вақтинчалик бўш пул маблағларини самарали ишлашини, яъни капитал айланмасини тўхтовсизлигини таъминлаш билан бирга, кредитор жамланган маблағларни зарур мақсадларга жойлаштириш асосида ушбу маблағларни ўз мақсади ва кредит муносабатлари иштирокчилари манфаатлари йўлида хизмат қилишига эришади.

Кредит олувчи – кредит муносабатларида кредит олувчи сифатида иштирок этади. Кредит олувчи субъектлар сифатида хўжалик юритувчи субъектлар, аҳоли, давлат, банклар ва бошқа шахслар майдонга чиқади. Иқтисодий адабиётларда кредит олувчини қарздор сифатида талқин этиш ҳолатлари учрайди, шунингдек, кредит ва қарзнинг бир – биридан иқтисодий жиҳатдан фарқланиши хусусида ҳам тортишувлар кўзга ташланади. Албатта, “кредит” ва “қарз” ўртасида ўзаро боғлиқлик бўлиши мумкин, лекин иқтисодий моҳиятан бу икки тушунча ўртасида бир – биридан жиддий фарқ қиладиган жиҳатлари мавжуд. Кредит иқтисодий категория сифатида тегишли ижтимоий – иқтисодий қонунлар ва тамойиллар асосида амал қилади. Кредит муносабатларида иштирок этувчи ҳар иккала томоннинг иқтисодий манфаатлари мавжуд бўлиб, ушбу манфаатлар ўзаро мужассамлашганда кредит муносабатлари рўй беради.

Кредитор берилган кредит учун иқтисодий манфаатдорлик (фойда)ни фоииз кўринишида ундирса, кредит олувчи кредит ёрдамида ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш орқали кўшимча қиймат яратиш имкониятига эга бўлади. Кредит муносабатларида кредитор учун кредит олувчи шахснинг қандай шахс эканлиги, қандай фаолият билан

шуғулланиши жудаям муҳим эмас, асосийси берилган кредит ўз вақтида ва тегишли фоиз тўлови билан тўлиқ қайтиши муҳим ҳисобланади.

Қарз муносабатларида эса қарз берувчи учун бирламчи масала шахс ҳисобланса, берилаётган қарз суммаси учун тегишли манфаатдорликни устама тўлов сифатида олишга умид боғламайди, яъни кўпчилик ҳолларда берилган қарз учун қўшимча ҳақ талаб этилмайди.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш муносабатларининг чуқурлашуви, товар – пул муносабатларининг мавжудлиги, ишлаб чиқариш циклининг даврийлиги, ўзаро иқтисодий манфаатларнинг бир – бирига мос келиши кредитнинг зарурлигига замин яратувчи асосий омиллар бўлиб қолаверади. Кредит муносабатлари жараёнида иштирок этувчилар, мавжуд ижтимоий – иқтисодий ҳолат эса унинг моҳиятини у ёки бу даражада ёки кўринишда намоён бўлишига хизмат қилади.

9.2. Кредитнинг функциялари ва тамойиллари

Кредитнинг моҳияти унинг функцияларида янаям яққолроқ намоён бўлади. Кредитнинг функциялари турли иқтисодий адабиётларда турлича ва миқдорда келтирилади. Айрим адабиётларда иқтисодчи–олимлар кредитнинг функцияларини бешта эканлигини таъкидлашса⁴², айримларида унинг функциялари иккитадан иборатлигига даъвогарлик қилади⁴³.

Иқтисодчи – олимларнинг кредит функциялари ҳақидаги фикрларига, шунингдек, кредитнинг товар–пул муносабатлари ва ижтимоий – иқтисодий жараёнлардаги иштирокига таянган ҳолда, унинг *қайта тақсимлаш (1), муомала жараёнини тезлаштириш(2), пулларни муомалага чиқариш ва нақдлаштириш (3) ҳамда пул капитални жамғариш ва марказлашувини жадаллаштириш (4) функцияларини* бажаришини таъкидлаш мумкин.

⁴² Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. –Т.: “Иқтисод – молия”, 2007, 168 – 170 бб.

⁴³ Деньги, кредит, банки: учебник/кол. авт.: под ред.засл.деят. науки РФ, д.э.н. проф. О.И.Лавшурина. – 5 – е изд., стер. –М.: КНОРУС, 2007. –С. 251 – 252.

Кредитнинг функциялари ичида *қайта тақсимлаш функцияси* асосий функциялардан бири ҳисобланади. Кредит ушбу функцияси орқали жисмоний ва юридик шахсларининг тақсимланган даромадларининг вақтинчалик фойдаланилмаган қисмини тегишли фондларга жалб қилади. Жалб қилинган маблағлар иқтисодиётнинг қўшимча ресурсларга эҳтиёжи мавжуд тармоқларига қайта тақсимланади.

Кредит ушбу функцияси орқали вақтинчалик бўш пул маблағларининг соҳибларига қўшимча даромад олиш имкониятини яратса, кредиторга қўшимча маблағларга эҳтиёжи мавжуд шахсларга тегишли фоизлар бериш асосида даромад олишга, кредит олувчиларга эса ишлаб чиқариш жараёнини узлуксизлигини таъминлаш натижасида қўшимча қиймат яратиш имкониятини яратади.

Демак, кредитнинг қайта тақсимлаш функцияси орқали ссуда капитали иқтисодиётнинг тармоқлари ўртасида, қайтаришлик асосида жойлаштирилади, бу кредит муносабатларида бевосита иштирок этаётган томонларнинг иқтисодий манфаатдорлигини таъминлаш билан бирга, вақтинчалик бўш пул маблағларини кредитор ихтиёрига йўналтирган шахсларга тегишли даромад олишига хизмат қилади.

Кредитнинг қайта тақсимлаш функциясини амал қилишида пулнинг жамғарма функциясининг бевосита ва билвосита таъсири мавжуд. Ушбу масалага классик ва неоклассик мактаб вакиллари алоҳида эътибор қаратишган. Хусусан, А.Маршалл «одамлар сотиб олиш имкониятига эга бўлишига қарамасдан, улар уни (пулни) ишлатмасликлари мумкин», дейди. Кўриниб турибдики, ушбу эътироф Сэй қонунини тўлиғича инкор этмайди. Аксинча, неоклассик – иқтисодчилар шундай тўхтамга келишдики, Сэй қонуни бир шарт билан бажарилади, бу вақтда фақат жамғарма (S) инвестиция (I) кўринишини олади. Уларнинг таъкидлашича, бу вақтда капитал бозоридаги талаб ва таклифнинг мувозанати фоиз ставкасининг барқарорлиги ҳисобига юз беради. Агар жамғарма (капиталнинг таклифи) ҳажми мўлжалланган инвестиция қилиш ҳажмидан кам бўлса, натижада фоиз

ставкаси ошади, бунинг оқибатида инвестицияга бўлган талаб камаяди, жамғармага нисбатан таклиф эса ортади.⁴⁴ Ушбу ҳолат ўртасидаги ўзаро мувозанат жамғарма ва кредитнинг фоиз ставкаси асосида тартибга солинади.

Агар классик мактаб вакиллари инвестиция ва жамғарманинг ҳажмига фоиз ставкасининг таъсирини асосий омил қилиб кўрсатсалар, кейнсчилар эса унинг ҳажмига уй хўжалиги аъзолари томонидан олаётган даромадлар миқдори таъсир қилади, деб таъкидлайдилар. Албатта, бу жараён кредитнинг қайта тақсимлаш функциясига билвосита таъсири мавжуд.

Кредитнинг *муомала жараёнини тезлаштириш* функцияси мамлакат пул муомаласи, пул массаси, пулнинг айланиш тезлигига бевосита таъсир қилади. Бу жамиятдаги вақтинчалик бўш пул маблағларини тегишли фондларга жалб этиш орқали уларни пул айланмасига киритади.

Маълумки, мамлакат пул массасининг товар массасига нисбатнинг таъминланиши миллий валютанинг барқарорлиги ва сотиб олиш қобилиятига ижобий таъсир кўрсатади. Бу жараёнда кредит мамлакат пул массасининг умумий ҳажмини оширмаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларининг қўшимча маблағларга бўлган эҳтиёжни таъминлайди.

Одатда берилаётган кредитлар асосан молия муассасалари орқали бир ҳисобварақдан иккинчи ҳисобварақларга ўтказилади. Бу ўз навбатида муомаладаги пулларнинг айланиш тезлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Кредит пайдо бўлиши билан бирга, кредит пулларининг оддий шакли бўлган векселларни пайдо бўлишига сабаб бўлди. Албатта, векселлар хўжалик юритувчи субъектларнинг вақтинчалик пул маблағлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда, кредит муносабатлари ёрдамида муҳим молиявий қурол сифатида майдонга чиқади.

Кредитнинг *пулларни муомалага чиқариш ва уларни нақдлаштириш функцияси* асосан Марказий банкнинг қайта молиялаш сиёсати орқали амалга оширилади. Маълумки, Марказий банк муомаладаги пул массасини тартибга

⁴⁴ Ядгаров Я.С. История экономических учений. –М.: ИНФРА – М, 2001, – С.313.

солиш мақсадида қайта молиялаш ставкалари асосида тижорат банкларига кредитлар беради, берилган кредитлар иқтисодиётдаги пул массасини ошириш билан бирга, Марказий банк томонидан кредитлар кўринишида муомалага чиқарилган нақдсиз пуллари у ёки бу йўл билан нақдлаштиради.

Кредит пул капитални жамғариш ва марказлашувини жадаллаштириш функцияси ёрдамида йирик ссуда капитални тегишли фондларда жамғаради. Жамғармалар ёрдамида мамлакатлар, ҳудудлар, минтақалар, қитъалар ёки айрим компанияларда маблағларнинг марказлашуви рўй беради. Кредит маблағларининг марказлашуви ҳудуднинг иқтисодиёти ва молия – кредит тизими ривожланган жойларда юз беради.

Кредитнинг функцияларини тўлақонли амал қилишида унинг тамойиллари алоҳида ўрин тутди. Кредит қуйидаги тамойилларни бажаради:

–*муддатлилик тамойили* (кредитлар кредит шартномасига асосан маълум муддатга берилади. Мамлакатимиз банк тизимида кредитлар муддатига қараб, қисқа ёки узок муддатли кредитларга гуруҳланади);

–*тўловлилик тамойили* (кредитор барча кредитлар учун тегишли тўловларни фоиз кўринишида кредит олувчидан ундиради);

–*таъминланганлик тамойили* (берилган кредитларнинг барчаси у ёки бу даражада тегишли риск билан боғлиқ бўлади, кредитор ушбу рискни пасайтириш мақсадида кредит олувчидан унинг таъминланганлигини талаб этади. Одатда, кредитлар мол – мулкларни гаровга қўйиш, суғурта полиси ва учинчи шахсларнинг кафолат хатлари билан таъминланади);

–*қайтаришлик тамойили* (кредитор томонидан вақтинча фойдаланишга берилган маблағлар тегишли муддатлардан сўнг тўлиқ қайтаралиши лозим бўлади);

–*мақсадлилик тамойили* (кредитор бераётган кредит бўйича тузилган шартномада кредитни йўналтирилиши лозим бўлган аниқ мақсадларни қайд этади ва олинган кредитни шу мақсадга ишлатиши белгилаб қўйилади).

Хулоса қилиб айтганда, кредитнинг функциялари ва тамойилларини тўлақонли амал қилишига қатор омиллар таъсир этади. Мазкур омиллар мамлакат банк тизимининг ҳолати, миллий иқтисодиётдаги ижтимоий – иқтисодий муносабатлари, давлатнинг ички ва ташқи сиёсати натижалари сифатида намоён бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида айнан шу муносабат ва сиёсатларни самарали жараёнларини таъминланганлиги кредит функциялари ва тамойилларида ўз аксини топади.

9.3. Кредитнинг шакллари ва турлари

Иқтисодий адабиётларда, иқтисодчи олимлар ва мутахассислар томонидан кредитнинг турлари ва шакллари хусусида турлича фикр юритилади ва талқин этилади. Масалан, Ўзбекистонлик олима, профессор Ш.Абдуллаева кредитнинг шакллари хусусида аниқ фикрларни баён этмаган бўлсада, унинг турларини “қисқа муддатли кредитлаш” ва “узоқ муддатли кредитлаш”дан иборат эканлигини таъкидлайдилар⁴⁵, худди шунингдек, россиялик иқтисодчи олимлар ҳам кредит шакллари бўйича турлича фикрларни илгари сурадилар. Шу боис, ушбу параграфда кредитнинг турларига атрофлича тўхталишга қарор қилдик.

Кредитнинг турлари асосан унинг моҳиятини аниқроқ тушуниш имкониятини беради. Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, кредитнинг нафақат турлари ва шакллари ўртасида, балки таснифланиши ҳам улардан ажралган ҳолда ўрганилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Кредит анъанавий равишда қатор белгиларга қараб таснифланиши мумкин. Хусусан, кредит қарздор ва кредитор тоифаси бўйича (1), кредитни тақдим этиш муддатига қараб (2) ва кредитни бериш шакллари (3) қараб таснифланади.

Агар кредитнинг бу тартибда таснифланишига эътибор қаратадиган бўлсак, асосан бундай таснифланиш кредит субъектлари ўртасида вужудга

⁴⁵ Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. –Т.: “Иқтисод – молия”, 2007, 181 – б.

келадиган иқтисодий муносабатлар жараёнида юз беради. Шунингдек, унинг эътиборли жиҳати материал қийматни ўзида акс эттирганлиги бўлиб, амалиётда тақдим этиш билан боғлиқ ҳолатларни ўзида намоён этиши ҳисобланади.

Юқорида қайд этилганларга ва иқтисодий адабиётлардаги манбаларга таяниб, кредитнинг а) товар, б) пул ва в) аралаш шакллари мавжудлигини таъкидлаш мумкин.

Кредитнинг *товар шакли* унинг жуда оддий шакли ҳисобланиб, кредит билан боғлиқ дастлабки муносабатлар айнан ушбу шакл доирасида ривожланган. Мавжуд иқтисодий адабиётларда баён этилишича, кредитнинг товар шаклида у асосан буюм кўринишида тақдим этилиб, қарздор кредиторнинг кредитини қоплашда худди шу миқдордаги буюмни унга қайтарган. Манбаларга кўра, кредитнинг ушбу шакли антик жамият даврида, қадимги Римда вужудга келган ва ривожланган⁴⁶.

Ҳаттоки, ўша даврнинг ҳуқуқшунослари “ссуда” ва “кредит” иқтисодий категориялари ўртасидаги бир – бирига ўхшашлик ва фарқлар хусусидаги айрим фикрларни илгари суришган. Маълумки ушбу масала ҳозирги кунда ҳам иқтисодчи олимлар ва мутахассислар ўртасидаги мунозарали ҳолатлардан ҳисобланади. Бир гуруҳ олимлар, “ссуда” ва “кредит” ўртасида жиддий фарқлар мавжуд эмаслигини таъкидлашса, иккинчи гуруҳ олимлари буни инкор этишади.

Эътиборли жиҳати шундаки, Римда ўша даврнинг ҳуқуқшунослари “ссуда” ва “кредит” (қарз) ўртасидаги фарқни қуйидагича изоҳлаб беришга уринишган. Уларнинг фикрича, ссудада қарздор, яъни товар шаклида кредит олувчи кредитни қайтаришда ундан олган айнан шу товар ёки буюмни кредиторга тақдим этиши зарур бўлади. Масалан, қарздор кредитга отни олган бўлса, ушбу кредитни қайтаришда айнан шу от унга қайтарилиши зарур бўлади.

⁴⁶Деньги, кредит, банки: Учеб. – 2 – е изд., перераб. и доп./под ред. В.В.Иванова, Б.И.Соколова. –М.: ТК Велби, изд – во Проспект, 2008. –С. 517.

Кредитда эса товар шаклида олинган кредитнинг ўрнига шунга ўхшаш турдаги товар билан қайтарилиши мумкин эканлигини эътироф этишади. Масалан, товар шаклида олинган буғдойнинг ўрнига шу навдаги ва миқдордаги буғдой ёки бошқа маҳсулот билан қайтарилиши кредит сифатида тавсифланади.

Иқтисодий адабиётларда кредитнинг товар шаклидаги жиҳатлари бўйича ҳам фикрларнинг хилма – хил эканлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Юқорида кредитнинг товар шаклига берилган таснифдан фарқли ўлароқ, профессор В.А.Щегорцова таҳрири остида нашрдан чиққан дарсликда⁴⁷, кредитнинг товар шаклида машина, станок ва бошқа жиҳозларга тўловни кечиктириш, уларни ижрага ва ҳатто лизинга бериш эканлиги ҳақидаги фикрлар илгари сурилади.

Фикримизча, бу ерда россиялик олимлар кредитнинг товар шаклини унинг тури билан аралаштириб юборган. Кредитнинг товар шакли кишилар ўртасида пул муносабатлари вужудга келиб, тўлиқ тараққий этган вақтгача қўлланилган, кейинчалик ушбу кредит пул – товар кўринишида қўлланилган.

Жамиятда товар – пул муносабатларининг ривожланиши ва меҳнат тақсимотининг таборо такомиллашуви кредитнинг товар шакли замирида унинг *пул шаклини* вужудга келишига замин бўлди. Кредитнинг пул шаклини вужудга келиши, унинг кредитор ва қарздорга қулайлик жиҳатлари хусусида батафсил тўхталишга, фиркимизча, эҳтиёж мавжуд эмас. Чунки, кредитор жамиятдаги вақтинчалик бўш пул маблағларини тегишли шартлар асосида ўзига жалб этиб, ушбу маблағларга эҳтиёжи бўлган юридик ва жисмоний шахсларга қайтаришлик, тўловлилик, муддатлилик ва таъминланганлик асосида беради. Ўз ўрнида қарздор ҳам ушбу кредит суммасини белгиланган муддатларда тегишли тўловлар асосида кредиторга пул кўринишида қайтаради.

⁴⁷ Деньги, кредит, банки: Учебник для вузов. Под. ред. проф. Щегорцова В.А. –М.:ЮНИТИ – ДАНА, 2005. –С. 181.

Пул жуда ликвидли ва қулай айирбошлаш воситаси бўлганлиги туфайли кредитнинг пул (қиймат) шакли кенг тарқалди, бунинг натижасида кредитининг товар шакли ўз ўрнини секинлик билан кредитнинг пул шаклига бўшатиб берди.

Кредитнинг юқорида қайд этилган шакллари билан бирга унинг *аралаш шакли* ҳам амал қилади. Кредитнинг ушбу шакли унинг товар ва пул шаклини ўзида мужассам этади. Бунда кредит товар ёки пул шаклида берилиши мумкин, уни қайтаришда ҳам қарздор олган кредитини пул ёки товар кўринишида кредиторга қайтариши мумкин. Айнан мана шу тескари боғлиқлик кредитнинг аралаш шаклини ўзида ифода этади. Кредитнинг айирбошлаш шаклига мисол сифатида тижорат кредитини келтиришимиз мумкин. Масалан, товар сотувчи ёки хизмат кўрсатувчи ташкилот сотиб олувчининг молиявий муаммолари мавжуд ҳолларда сотилган товарлар ва хизматларга тўловни кечиктиради, кечиктирилган тўлов кейинчалик қўшимча тўлов асосида амалга оширилади. Мазкур масала кейинги параграфларда батафсил кўрилади.

Умуман олганда, юқоридагилардан кўриниб турибдики, кредитнинг шакллари хусусидаги турли фикрларнинг мавжудлиги мазкур масалалар устида қатор илмий тадқиқот ишлари амалга оширишни давом эттириш зарурлигидан далолат беради. Шу билан бирга, кредитнинг шакллари унинг турларида янаям аниқроқ намоён бўлади.

Хусусан, кредитнинг турлари бўйича ҳам турлича қарашлар мавжуд бўлиб, россиялик айрим иқтисодчи олимлар кредитнинг фирмалар ўртасида (хўжалик) кредити (1), банк кредити (2), фуқаролик (шахслар ўртасидаги) кредит (3), давлат кредити (4), халқаро кредит (5) ва истеъмол кредитлари (6) мавжудлигини таъкидлайди⁴⁸.

Россиялик бошқа иқтисодчи олимлар банк кредити (1), хўжалик (тижорат) кредити (2), давлат кредити (3), халқаро кредит (4), фуқаролар

⁴⁸ Деньги, кредит, банки: Учеб. – 2 – е изд., перераб. и доп./под ред. В.В.Иванова, Б.И.Соколова. –М.: ТК Велби, изд – во Проспект, 2008. –С. 517.

(хусусий, шахсий) кредитлари (5) мавжудлигини эътироф этишади⁴⁹. Яна бир таниқли иқтисодчи олим, профессор О.И.Лаврушин таҳрири остида тайёрланган дарсликда кредитнинг банк кредити (1), хўжалик (тижорат) кредити (2), давлат кредити (3), халқаро кредит (4), ишлаб чиқариш ва истеъмол кредитлари (5) амал қилиши ҳамда булардан ташқари кредитнинг бевосита ва билвосита, намоён бўлувчи ва ёпиқ, эски ва янги, асосий ва кўшимча, ривожланган ва ривожланмаган турлари мавжудлиги таъкидланади⁵⁰.

Профессор Ш.Абдуллаева кредитнинг банк, тижорат, истеъмол, давлат, халқаро ва судхўрлик турлари мавжудлиги хусусидаги фикрларни баён этади⁵¹.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, иқтисодчи олимлар кредитнинг турларига мавжуд ижтимоий – иқтисодий жараёнлардан келиб чиқиб турлича ёндашганлар. Фикримизча, кредитнинг турларига тавсиф беришда уларнинг амалиётда қўлланилиши ва иқтисодий самарадорлигига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Шу нуқтаи назардан, давлат кредити (1), банк кредити (2), истеъмол (ипотека) кредитлари (3), тижорат кредити (4), халқаро кредит (5) мавжудлигини эътиборга олиш мақсадга мувофиқ.

9.3.1. Давлат кредити.

Давлат кредити. Ушбу кредитнинг асосий белгиларидан бири кредитни бериш ёки олиш жараёнида давлат бевосита иштирок этади. Кўпчилик ҳолларда эса давлат кредитор сифатида юридик ва жисмоний шахсларга кредитлар беради.

⁴⁹ Деньги, кредит, банки: Учебник для вузов. Под. ред. проф. Щегорцова В.А. –М.:ЮНИТИ – ДАНА, 2005. –С. 182.

⁵⁰ Деньги, кредит, банки: учебник/кол. авт.: под ред.засл.деят. науки РФ, д.э.н. проф. О.И.Лаврушина. – 5 – е изд., стер. –М.: КНОРУС, 2007. –Сс. 263 – 265.

⁵¹ Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. –Т.: “Иқтисод – молия”, 2007, 182 – 192 – бб.

Давлат кредити муносабатлари жараёнида унинг субъектлари сифатида давлат номидан марказий ва маҳаллий давлат бошқарув органлари майдонга чиқса, иккинчи томондан юридик ва жисмоний шахслар иштирок этади. Давлат кредитининг вужудга келишида анъанавий равишда кўпчилик ҳолларда давлат бюджети тақчиллигини қоплаш ёки йирик инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида ўз номидан қимматли қоғозларни муомалага чиқаради. Давлат бюджетининг тақчиллигини қоплашда давлат томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар юридик ва жисмоний шахслар томонидан сотиб олинади. Бунда юридик ва жисмоний шахслар кредитор сифатида намоён бўлади. Давлат бюджети тақчиллигини қоплашнинг бошқа манбалари ҳам мавжуд бўлиб. Уларнинг асосийлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин.

амалдаги солиқ ставкалари миқдорини ошириш;

муомалага қўшимча пулларни (хазина билетларини) эмиссия қилиш;

Марказий банкдан кредит қарзларини олиш;

Халқаро кредит ва молиявий ёрдам сўраш;

Давлатнинг қимматли – қоғозларини муомалага чиқариш.

Давлат бюджети тақчиллигини қоплаш учун амалдаги солиқ ставкалари миқдорини ошириш иқтисодиёт тармоқларининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Бундай ҳолатда, хўжалик юритувчи субъектлар солиқ базасини камайтириб кўрсатиш, иккиламчи бухгалтерияни юритиш ҳамда хуфёна иқтисодиётнинг ривожланишига мойиллик туғилади. Натижада, мамлакатда иқтисодиётнинг ривожланиши ва аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминлашда салбий ҳолатлар юз беради.

Муомалага қўшимча пулларни чиқариш ҳисобига давлат бюджети тақчиллигини қопланиши иқтисодиётда товар ва пул массаси ўртасидаги мувозанатни таъминлашга салбий таъсир кўрсатади. Яъни, пул массаси товар массасига нисбатан ортиб кетади, бундай ҳолатда миллий валютанинг сотиб олиш қобиляти пасаяди ва инфляция даражасининг ортишига сабаб бўлади.

Марказий банкнинг кредити давлат бюджети тақчиллигини қоплашнинг бошқа манбаларига нисбатан бир мунча самаралироқ ҳисобланади, лекин Марказий банк томонидан берилган кредитлар асосан 3 ой муддатга берилиб, ушбу муддатдан ортиб кетиши мумкин эмас.

Давлат бюджети тақчиллигини қоплашда халқаро кредит ва хорижий мамлакатларнинг молиявий ёрдамини олиш доимо ҳам ижобий натижаларни бермайди. Чунки, кредитор мамлакат қарз олувчи мамлакатга қатор шартларни қўяди. Айрим ҳолатларда кредитлар бериш орқали кредитор мамлакат сиёсий ва иқтисодий тазийқ ўтказиш ҳолатлари ҳам амалиётда учраб туради. Шунинг учун давлат бюджетининг тақчиллигини қоплашнинг энг қулай усули давлатнинг қимматли қоғозларни юридик ва жисмоний шахсларга сотиш орқали кредит олиши ҳисобланади. Шу билан бирга, алоҳида таъкидлаш лозимки, давлат кредити фақатгина бюджет тақчиллигини қоплаш учун эмас, балки иқтисодиётни тиклаш (асосан табиий офатлар ёки урушлардан сўнг), мамлакатда ижтимоий – иқтисодий аҳамиятга эга бўлган қурилиш ишларини бажариш ёки саноат тармоқларининг алоҳида соҳаларини ривожлантириш учун узоқ муддатларга (5, 10 йил) олиниши мумкин.

9.3.2. Банк кредити

Банк кредити – кредитнинг энг ривожланган шакли бўлиб, ушбу кредит тижорат банклари томонидан вақтинча бўш пул маблағларни жалб қилиш ҳисобига, қўшимча молиявий ресурсларга эҳтиёж туғилган юридик ва жисмоний шахсларга берилади. Кредитнинг шакллари таркибида банк кредити асосий улушга эга бўлиб, жамиятдаги вақтинчалик бўш пул маблағлар асосан банкларда жамланади. Бунинг натижасида, банклар ушбу маблағлар ҳисобидан фойда топиш мақсадида, уларни иқтисодиётнинг турли соҳаларига банк кредити шаклида жойлаштиради.

Банк кредитининг бошқа кредит шаклларига қараганда афзалликлари жуда кўп бўлиб, хўжалик юритувчи субъект истаган пайтда ва миқдорда

кредит олиш учун банкка мурожаат қилиши мумкин. Банк кредити пул шаклида намоён бўлади, шу боис бу шароитда кредитнинг объекти бўлиб пул капитали ҳисобланади. Банк кредити қарз олувчига пул шаклида берилиши туфайли тижорат кредитининг ҳажмини чегаралашга ижобий таъсир кўрсатади. Пул шаклида олинган кредит қарз олувчи томонидан корхона ишлаб чиқариш фаолиятининг истаган жараёнига йўналтириш имкониятини беради.

Банк кредитини йўналтириш ва қарз олувчи томонидан фойдаланиш мақсадига қараб турлича номланиши мумкин. Масалан, банк кредити ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, яъни асосий ва айланма капитални кўпайтиришга йўналтирилса, банк кредити ссуда капитали бўлади. Агар банк кредити хўжалик юритувчи субъектнинг кассадаги маблағларнинг етишмаслигига йўналтирилса банк кредити пул ссудаси дейилади. Пул ссудаси фақат хўжалик фаолиятининг оборот капитални тўхтовсиз давом этишини таъминлайди, лекин унинг миқдорини кўпайтиришга олиб келмайди. Ссуда капитали эса қарз олувчининг капитали миқдорини кўпайтиради.

Банклар турли тоифадаги кредит олувчиларга банк кредитини беради. Хусусан, корхоналар, корпорациялар, аҳоли, кредит муассасалари, маҳаллий ҳокимиятлар шулар жумласидандир. Кредит олувчилар фаолиятининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, банклар билан кредит муносабатларини ташкил этади. Кредит муносабатларини тартибга солувчи асосий ҳужжат улар ўртасида тузилган кредит шартномаси ҳисобланади.

Банк кредитлари хўжалик юритувчи субъектларнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнини тўхтовсизлигини таъминлашга ва оборот маблағларининг ҳажмини оширишга йўналтирилади. Банк кредитлари муддати жиҳатидан **қисқа ва узоқ муддатларга** гуруҳланади.

Қисқа муддатли кредитлар бир йилгача муддатга берилиб, корхона айланма капиталининг ҳаракатини таъминлаш, жорий ҳисоб – китобларни амалга ошириш, тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш молиявий фаолиятининг

барқарорлигини таъминлаш каби масалаларга йўналтирилади. Қисқа муддатли кредит корхона ва ташкилотларнинг айланма капиталини шакллантиришнинг идеал манбаси бўлиб ҳисобланади.

Узоқ муддатли кредитлар корхона асосий капитали ҳаракатини таъминлашга йўналтиради. Хусусан, корхонада амалга оширилаётган қурилиш ва фаолият юритаётган ташкилотларнинг реконструкция қилиш, янги технологияларни жорий этиш ва ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш билан боғлиқ соҳаларга сарфланади. Қисқа муддатли кредитлар бир кундан бир йилгача, узоқ муддатлилари эса бир йил ва ундан юқори муддатларга берилади.

Банк кредитининг асосий турларидан бири банклараро кредит ҳисобланади, ушбу кредитни банклар бир – бирига беришади. Банклараро кредитлар банкнинг вақтинчалик бўш пул маблағларидан самарали фойдаланиш, ўзаро ликвидликни таъминлаш мақсадида берилади. Банклар вақтинчалик бўш турган ёки юқори даромадларга қуйилма сифатида йўналтирилаётган маблағларини банклараро бозорга таклиф этади.

Ҳалқаро банк амалиётида банклараро кредит қисқа муддатли харажатларга эга бўлиб, бир неча соатдан, бир неча ойгача берилиши мумкин. Ўзаро битимлар телефон ёки факс орқали тузилиб, сўнгра тасдиқловчи ҳужжатлар билан таъминланиши ҳам мумкин.

9.3.3. Истеъмом (ипотека) кредити

Истеъмом (ипотека) кредити асосан аҳолига яшаши учун зарур бўлган буюмларни (уй, машина, телевизор, музлатгич, мебель ва бошқалар) олишга берилади. Истеъмом кредити пул ва товар кўринишида бўлиши мумкин. Пул кўринишидаги истеъмом кредити банк муассасалари томонидан жисмоний шахслар билан тузилган шартномалар асосида савдо ташкилотларининг ҳисобига ўтказиб берилади.

Ўзбекистонда кейинги йилларда истеъмол кредити ҳисобланган ипотека кредити жуда тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Ипотека кредити иқтисодийнинг марказлашган тузуми шароитида мавжуд бўлмаган. Бу ҳолат ўша даврда нашрдан чиққан луғатларда ҳам эътироф этилган. Хусусан, 1988 йилда мамлакатимизда нашрдан чиққан Ўзбекистон совет энциклопедиясида ипотекага “Ипотека (юн), узоқ муддатли кредит олиш учун кўчмас мулк (ер, иморатлар)ни гаровга қўйиш. Социалистик мамлакатларда йўқ.”⁵², деб таъриф этилган. Агар ушбу таърифнинг “социалистик мамлакатларда йўқ” деган жумласига эътибор қаратадган бўлсак, ҳақиқатда ҳам марказдан режалаштириш тузуми шароитида ушбу кредит турининг амал қилмаганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Шунингдек, 1984 йилда Москва шаҳрида нашрдан чиққан молия – кредит луғатида ипотекага берилган таъриф ҳам бунини тасдиқлайди, унда “Ипотека – (грекча *hypothēke* сўзидан олинган бўлиб – гаров, заклад) ссуда олиш мақсадида турли шаклдаги кўчмас мулкларнинг (асосан ер ва қурилиш биноси) гаровидир. Қарздорнинг тўловга лаёқатсизлиги шароитида кредитларнинг талаби гаровга қўйилган мулкни сотиш эвазига қондирилади. СССР ва бошқа мамлакатларда қўлланилмайди.”⁵³, деб таъкидланади.

Хорижий мамлакатлар иқтисодий адабиётларида ипотека атамаси кўчмас мулкларни гаровга қўйиш натижасида вужудга келадиган молиявий муносабат бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятларидан бири гаровга қўйилган кўчмас мулк кредит (қарз) олувчининг тасарруфида қолиши маълум бўлади. Ипотека атамаси ва ипотека кредити ҳақида сўз юритганда, уларнинг иқтисодий моҳиятини тўлиқ аниқлаш мақсадида, қуйидаги иккита ҳолатга эътиборимизни қаратамиз.

Биринчи ҳолат, ипотека – бу гаров. Гаров мавжуд экан – ипотека мавжуд бўлади, гаров мавжуд бўлмаса ипотека ҳам бўлмайди, бу кредит

⁵² Хонназаров К.Х. ва бошқалар. Ўзбекистон совет энциклопедияси. Энциклопедик луғат. Том – 1.–Т.: 1988. 323 б.

⁵³ Захаров В.С., Дробозина Л.А., Красавина Л.Н. и др. Финансово – кредитный словарь. Том – 1. –М.: “МиФ”. 1984. – С. 477.

ипотека кредити ҳисобланмайди. Ушбу ҳолатни янаям аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, банк қарздорга уй жойни ер, квартира ёки участкани гаровга қўйиш орқали кредит берди. Ушбу кредит қарз олувчи томонидан қандай мақсадга ишлатилса ҳам бу кредит ипотека кредити ҳисобланади. Демак, кредитни олишга гаров сифатида қўчмас мулк қўйилдими, ушбу кредит қандай мақсадга ишлатилишидан қатъий назар бу ипотека ҳисобланади.

Иккинчи ҳолат, банк қарз олувчига уй жой олиш учун таъминланмаган кредит берди, яъни гаров сифатида кредит олувчи томонидан ҳеч қандай нарсаси қўйилмади. Ваҳоланки, банкдан олинган кредит маблағи уй – жой (квартира) сотиб олиш учун фойдаланилса – да, ушбу кредит ипотека кредити ҳисобланмайди. Чунки, гаров мавжуд эмас, демак гаров мавжуд эмас экан ипотека ҳам мавжуд бўлмайди.

Ипотека сўзи (атамаси)ни келиб чиқишининг туб илдизига эътибор қаратганимизда, унинг вужудга келиши ва шаклланишининг асосида қадимги грекларнинг қарз бериш муносабатлари ётганлиги маълум бўлади.

Демак, манбаларга кўра, ипотека атамаси биринчи марта эрамиздан олдинги VI асрда Грецияда вужудга келган. Қадимги греклар қарз олувчини кредитор олдидаги мажбурияти эвазига ерни тикишган. Қарз олувчининг ер майдонининг четига махсус ёғоч ўрнатилган бўлиб, унда ушбу ер гаров вазифасини ўтаётганлиги ҳақидаги ёзув қайд этилган. Бу ёғоч устун “ипотека” деб аталган, юнон тилида “тиргович”, “попя”, “таглик” маъноларини англатган⁵⁴.

Бизнинг назаримизда, ипотека атамасининг вужудга келиши ва унинг маъноси юқоридаги матнда, атрофлича, тўлиқ ва аниқ берилган. Шу билан бирга, мазкур таъриф унинг дастлабки вужудга келиши жараёнидаги моҳиятини англатиш билан бирга, ҳозирги кундаги ипотекага хос бўлган хусусиятларни тўлиқ очиқ беришга хизмат қилмайди, албатта бу табиий ҳолат, чунки иқтисодий ривожланиш жараёнлари ва муносабатларнинг

⁵⁴ Ефремова В.М. Тольковый словарь. –М.: “Инфра – М”, 1997. –С. 321.

такомиллашуви ипотека атамасининг ҳам ривожланиши ва такомиллашувига сабаб бўлмоқда. Қуйида ипотека атамасига берилган таърифда фикримизнинг тасдиғини кузатишимиз мумкин.

Демак, ипотека – (грек. *hypothēke* – заклад, гаров) – кўчмас мулк кўринишидаги гаров (асосан ер ва бинолар) бўлиб, асосий мақсад ссудани олишга қаратилган. Ипотека шундай гаров турики у кредиторнинг қўлига берилмайди, балки қарздорнинг ихтиёрида қолади⁵⁵.

Масалан, юқорида қайд этилган молия – кредит луғатида унга қуйидаги тавсифлар берилган. “Ипотека кредити – узоқ муддатли ссуда бўлиб, капиталистик мамлакатларда ер ва ишлаб чиқариш ҳамда яшаш учун қурилган биноларни гаровга қўйиш асосида берилади. Қулдорчилик тузуми даврида вужудга келган бўлиб, феодализм даврида кенгайди, бироқ капитализм шароитида ривожланди. XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб ипотека кредити сифатида ихтисослашган – ипотека банклари томонидан, қатор мамлакатларда қишлоқ хўжалиги ва бошқа тижорат банклари томонидан берила бошлади. Революцияга қадар Россияда дворян ва ерли (земельные) банклари томонидан берилган”.

Таниқли иқтисодчи олим, профессор О.И.Лаврушин “ипотекали кредит – кўчмас мулк, ер майдони гарови остида берилиб, бозор иқтисодиёти шароитида фаол ишлатиладиган кредитнинг бир шакли ҳисобланади. Ер мулкига эга ташкилотлар ва ихтиёрида хусусийлаштирилган хонадони (квартира), ер майдонлари бўлган аҳолига бозор иқтисодиётига хос бўлган кредит муносабатларига киришиш имконини беради⁵⁶, дея таъкидлайди. Олим ипотека кредитига берган таърифида унинг бозор иқтисодиёти шароитида юз бериши, шунингдек, аҳолининг хонадони ва ерини хусусийлаштириш лозимлигига алоҳида эътибор қаратган.

“Ипотекали кредит –дея таъкидлайди, яна бир россиялик олим А.С.Нешитой, уй – жой олиш, қуриш ёки ерни сотиб олиш учун бериладиган

⁵⁵ <http://ru.wikipedia.org/wiki>

⁵⁶ Лаврушин О.И. Банковские дело. –М.: “Ф и С.”, 2005. –С. 486.

кредит. Одатда, ушбу кредитни банклар ва ихтисослаштирилган банк бўлмаган молия – кредит институтлари тақдим этади”⁵⁷. Бу ерда ипотека кредитини олиш учун қўйиладиган гаров объектининг аҳамияти хусусида фикр билдирилмаган. Чунки, юқорида таъкидлаганимиздек, агар кредитнинг гарови сифатида мулк қўйилмас экан у ипотека кредити ҳисобланмайди⁵⁸.

9.3.4. Тижорат кредити

Тижорат кредити – кредитнинг бошқа турларига нисбатан тарихан жуда қадимда пайдо бўлган. Унинг вужудга келиши бевосита товарларни ишлаб чиқариш ва уларнинг реализацияси билан ҳамбарчас боғлиқдир. Тижорат кредитининг объекти бўлиб – савдо капитали ҳисобланади.

Тижорат кредити сотувчи томонидан сотиб олинган товарларнинг тўловини маълум муддатга кечиктириш орқали амалга оширилади. Халқаро банк амалиётида ушбу кредитни *вексели кредит* сифатида таъкидлайди. Вексел тижорат кредитининг “қуроли” ҳисобланиб, асосан барча тижорат кредитлари вексел ёрдамида амалга оширилади. Бунда сотиб олувчи корхона сотувчидан олган товарлар ёки кўрсатган хизматлари учун унга векселни тақдим этади. Векселлар одатда маълум муддатларга (3 ой, 6 ой ва 12 ой) сотиб олувчи томонидан чиқарилган бўлиб, сотувчи векселда кўрсатилган муддат етиб келганда уни банкка топшириш асосида асосий суммани ва унга ҳисобланган қўшимча фоиз тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Айрим иқтисодий адабиётларда тижорат кредитини хўжалик кредити сифатида ҳам юритишади. Бунинг сабаби шундаки, тижорат кредит билан боғлиқ иқтисодий жараёнлар хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида амалга оширилиб, ушбу кредит тури кредитор – корхона томонидан товар ёки пул кўринишида берилиши мумкин. Тижорат кредитида кредитнинг объекти товарлар ҳисобланиб, товарларга тўловларни кечиктириш йўли билан вексел

⁵⁷ Нешиной А.С. Финансы и кредит. –М.: “Биржа и банки”, 2006. –С. 571.

⁵⁸ Мўминова Э.А. “Тижорат банкларида ипотека кредити рискларини самарали бошқариш масалалари” и.ф.н. даражасини олиш бўйича тайёрланган диссертация иши. –Т.: 2010.

асосида берилади. Пул кўринишидагисида кредитнинг объекти қиймат ҳисобланади, бу кредит корхонанинг ихтиёридаги вақтинчалик фойдаланилмайдиган пул маблағлари ҳисобидан берилади. Тижорат кредити товар ёки пул кўринишида берилишидан қатъий назар, банк кредитига нисбатан жуда қисқа муддатларга берилади.

9.3.5. Халқаро кредит

Халқаро кредит – бу мамлакатлар, банклар, юридик шахслар томонидан бошқа мамлакатларга, банкларга, компания ва ташкилотларга бериладиган кредитдир. Бу – халқаро иқтисодий алоқалар доирасида пул капиталининг валюта ва товар моддий қимматликлари кўринишида қайтаришлик, муддатлилик ва тўловлилик асосида бериладиган ҳаракатидир. Халқаро кредитнинг субъектлари сифатида иккита мамлакат, турли давлатларнинг юридик ёки жисмоний шахслари майдонга чиқади.

Халқаро кредитнинг субъектлари мулкӣ шаклига қараб давлат, аралаш мулк ва шахсий мулкларга гуруҳланади. Халқаро кредитлар кредитор мамлакатнинг миллий валютасида ёки учинчи мамлакатнинг валютаси (АҚШ доллари, евро)да берилиши мумкин.

Халқаро кредит, объекти жиҳатидан пул кўринишида ёки натура шаклида берилиши мумкин. Бозор иқтисодиётининг ривожланиши натижасида кредитор мамлакатларнинг кўпчилиги асосан халқаро кредитни натура кўринишида беришдан манфаатдор бўлиб, бу орқали улар ўз мамлакатларининг ишлаб чиқарувчиларини иқтисодий жиҳатдан ривожланишига имконият яратади.

Бобга оид саволлар

Кредитнинг иқтисодий категория эканлиги нимада кўринади?

Кредит сўзининг иқтисодий моҳияти.

Кредит муносабатларида асосий омил нимада намоён бўлади?

Кредит муносабатларида ўзаро ишончдан ташқари яна қандай омил амал қилади?

Кредитнинг зарурлигини белгиловчи асосий омиллар.

Кредитнинг иқтисодий моҳиятига иқтисодчи олимларнинг ёндошувлари.

Кредитнинг иқтисодий моҳияти.

Кредитнинг функциялари ва уларга нисбатан иқтисодчи олимларнинг фикрлари қандай?

Кредитнинг тамойиллари.

Кредитнинг иқтисодиётда тутган ўрни.

Иқтисодий адабиётларда кредитнинг шакллари ва турлари хусусидаги фикрлар нима учун бир – бирига ўхшамайди?

Кредит қандай мезонларга асосан таснифланади?

Кредитнинг қандай шакллари мавжуд, улар бир – биридан қандай фарқ қилади?

Кредитнинг қандай турлари мавжуд, бу ҳақда иқтисодчи олимларнинг фикрлари бир – бирига мос келадими?

Банк кредитининг асосий хусусиятлари ва кредит турлари ўртасида тутган ўрни?

Тижорат кредити, унинг банк кредитидан фарқли жиҳатлари ва афзалликлари?

Истеъмол кредити ва унинг асосий мақсади?

Ипотека кредити ва унинг ўзига хос жиҳатлари?

Векселлар ва уларнинг қўлланилиш тартиби?

Давлат кредитининг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари?

Халқаро кредит ва унинг қўлланилиш доираси?

Банк кредитларининг иқтисодиёт ривожига тутган ўрни?

Бобга оид тестлар

1. Дастлаб қандай муносабат вужудга келган?

А. Кредит муносабатлари.

Б. Товар – пул муносабатлари.

Б. Банк муносабатлари.

Г. Молия – кредит муносабатлари.

2. Кредит қандай муносабатлар асосида ташкил топди?

А. Товар – кредит муносабатида.

Б. Пул – кредитлар муносабатида.

В. Товар – пул муносабатларида.

Г. Давлат кредити муносабатларида.

3. Кредит муносабатлари иқтисодий фанларнинг қандай бўғинларида ўрганилади?

А. Барча бўғинларида.

- Б. Айрим бўғинларида.
- В. Молия бўлимида.
- Б. Маълум бўлимида.

4. *Кредитор ва кредит олувчи ўртасида асосий омил нима ҳисобланади?*

- А. Маблағлардан самарали фойдаланиш
- Б. Иқтисодий манфаатдорлик**
- В. Ўзаро яқинлик.
- Г. Иқтисодий ҳамкорлик.

5. *Кредитнинг зарурлиги қандай жавобда нотўғри келтирилган?*

А. Кредит муносабатларида иштирок этувчи томонларнинг иқтисодий манфаатдорлигини таъминланиши.

Б. Иқтисодиётда вақтинчалик бўш пул маблағлар ссуда капитали сифатида жамғарилиб, тегишли мақсадларга йўналтирилади.

В. Банкларни молиявий муассаса эканлиги.

Г. Иқтисодиётда ишлаб чиқариш циклининг даврийлиги.

6. *Кредит муносабатларини вужудга келишининг асосий сабаби?*

А. Капитал муомаласи ва айланиши ҳисобланади.

Б. Савдо капитали ҳисобланади .

В. Пул капитали ҳисобланади.

Г. Давлат маблағлари ҳисобланади.

7. *Кредитнинг моҳиятига иқтисодчи олимларнинг қараишлари.*

А. Ягона ёндошувга эга.

Б. Ягона ёндошувга эга эмас.

Б. Бир – биридан кучли фарқ қилади.

Г. Бир – бирига айнан ўхшайди.

8. *Кредитнинг субъектив моҳияти нимада намоён бўлади?*

А. Кредитор муносабатларида

Б. Кредит олувчининг муносабатларида

В. Пул – кредит муносабатларида

Г. Кредитор ва кредит олувчининг муносабатларида

9. *Кредитнинг функциялари қандай жавобда тўлиқ келтирилган?*

А. Қайта тақсимлаш, муомала жараёнини тезлаштириш, пулларни муомалага чиқариш ва нақдлаштириш ҳамда пул капиталини жамғариш ва марказлашувини жадаллаштириш функцияларини.

Б. Муомала жараёнини тезлаштириш, пулларни муомалага чиқариш ва нақдлаштириш ҳамда пул капиталини жамғариш ва марказлашувини жадаллаштириш функцияларини.

В. Қайта тақсимлаш, муомала жараёнини тезлаштириш ва пул капитални жамғариш ва марказлашувини жадаллаштириш функцияларини.

Г. Қайта тақсимлаш, муомала жараёнини тезлаштириш, пулларни муомалага чиқариш ва нақдлаштириш функцияларини.

10. *Кредитнинг тамойиллари қандай жавобда тўлиқ келтирилган?*

А. Муддатлилик, тўловлилик, таъминланганлик, қайтаришлик, мақсадлилик тамойиллари.

Б. Тўловлилик, таъминланганлик, қайтаришлик, мақсадлилик тамойиллари.

В. Муддатлилик, таъминланганлик, қайтаришлик, мақсадлилик тамойиллари.

Г. Муддатлилик, тўловлилик, қайтаришлик, мақсадлилик тамойиллари.

11. *Кредитнинг шакллари қандай жавобда тўлиқ ва аниқ келтирилган?*

А. Товарли кредит, аралаш кредит.

Б. Товарли кредит, пулли кредит, аралаш кредит.

В. Ипотека кредити, пулли кредит, аралаш.

Г. Аралаш кредит, товар кредит, давлат кредити.

12. *Кредит шакллари ичида кўпроқ қайси бири қўлланилади?*

А. Товарли кредит.

Б. Пулли кредит.

В. Аралаш кредит.

Г. Давлат кредити.

13. *Банк кредити муддатига кўра қандай кредитларга бўлинади?*

А. Қисқа, ўрта ва узоқ муддатли.

Б. Ўрта ва узоқ муддатли.

В. Қисқа ва узоқ муддатли.

Б. Яқин ва узоқ муддатли.

14. *Қандай иқтисодчилар ссуда ва кредит ўртасида фарқни ажратиб беришга ҳаракат қилган?*

А. Қадимги Греция иқтисодчилари.

Б. Америкалик иқтисодий назариячилар.

В. Римлик ҳуқуқшунослар.

Г. Хитойлик молиячилар.

15. *Кредитнинг қандай турлари мавжуд?*

А. Банк, тижорат, истеъмол, ишлаб чиқариш, давлат кредитлари.

Б. Банк, тижорат, ишлаб чиқариш, халқаро, давлат кредитлари.

В. Банк, тижорат, истеъмол, давлат ва халқаро кредитлар.

Г. Банк, тижорат, истеъмол ва халқаро кредитлар.

16. Банк кредитида кредитнинг объекти нима ҳисобланади?

- А. Товар капитали.
- Б. Савдо капитали.
- В. Пул капитали.**
- Г. Давлат маблағлари.

17. Дастлаб кредитнинг қандай шакли вужудга келган?

- А. Аралаш кредит.
- Б. Товарли кредит.**
- Б. Пулли кредит.
- Г. Банк кредити.

18. Халқаро амалиётда тижорат кредити асосан қандай қимматли қозғов воситасида берилади?

- А. Акциялар ёрдамида.
- Б. Оддий акциялар.
- В. Векселда.**
- Г. Имтиёзли акцияларда.

19. Давлат кредитининг асосий белгиси нимадан иборат?

- А. Кредитлар товар кўринишида берилади.
- Б. Фақат давлат кредит олади.
- В. Кредит бериш ва олишда давлат бевосита иштирок этади.**
- Г. Кредит бериш ва олишда давлатнинг иштироки муҳим аҳамият касб этмайди.

20. Истеъмол кредити қандай мақсадларга берилади?

- А. Юридик ва жисмоний шахсларга кундалик эҳтиёжга зарур бўлган товар ва буюмларни сотиб олишга.
- Б. Асосан жисмоний шахсларга кундалик эҳтиёжга зарур бўлган товар ва буюмларни сотиб олишга.**
- В. Асосан жисмоний шахсларга ишлаб – чиқаришни ривожлантиришга.
- Г. Асосан юридик шахсларга ишлаб – чиқаришни ривожлантиришга.

III БЎЛИМ. БАНКЛАР ВА НОБАНК КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАР

10 – БОБ

БАНКЛАРНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

10.1. Банкларнинг вужудга келиши ва моҳияти

Банкларнинг вужудга келиши товар – пул муносабатларининг асосий элементлари сифатида, пулнинг қиймат шакли пайдо бўлиши билан бир даврга тўғри келган. Иқтисодий адабиётларда дастлабки банкларнинг вужудга келиши ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Айрим иқтисодчи олимлар банкларни феодализм даврида вужудга келганлигини таъкидлашса, уларнинг айримлари эса капиталистик тузумнинг дастлабки даврларида пайдо бўлганлигини таъкидлайди. Учинчи гуруҳ олимлар, банклар фаолиятига хос бўлган операциялар милоддан илгариги даврларда пайдо бўлганлигини қайд этадилар.

Манбаларга кўра, дастлабки банкирлар кичик – кичик дўконларда маҳаллий пулларни хорижий пул бирликларига маълум даражадаги тўлов эвазига алмаштириб беришган. Шунингдек, йирик пул эгаларининг пуллари ва тижорат векселларини тегишли ҳақ эвазига сақлаш билан шуғулланган. Кейинчалик банклар вақтинчалик бўш пул маблағларни тегишли шартлар асосида жалб этиб, ушбу маблағларга эҳтиёжи бўлган шахсларга маълум тўлов эвазига бера бошлаган.

Тарихий манбаларга кўра, дастлабки банклар Грецияда пайдо бўлган, кейинчалик халқаро савдо муносабатларининг ривожланиши натижасида европа мамлакатларида банклар вужудга келган. Шунингдек, натурал

хўжаликнинг барҳам топиши, товар – пул муносабатларининг ривожланиши натижасида ҳисоб – китоблар ва кредитларнинг роли шиддат билан ортиб борди. Булар ўз навбатида бир маромдаги ҳисоб – китоб ва пул муомаласини ташкил этиш заруриятини келтириб чиқарди. Бу жараён ўз – ўзидан банкларнинг ташкил топиши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди.

Айрим иқтисодий адабиётларда, дастлабки банклар ибодатхона (бутхона)ларда ташкил топганлиги таъкидланади⁵⁹. Ибодатхоналар ҳукуматнинг ва диний ташкилотларнинг захира фондлари сифатида хизмат қилган. Уларда озиқ – овқат захиралари ва бошқа қимматбаҳо буюмлар сақланган. Кейинчалик ибодатхоналар тўлов воситаларини бажарадиган олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо металлларни сақлаш билан бирга, пул муомаласини ташкил этиш жараёнларида ҳам бевосита иштирок этишган. Бунга 2011 йил июлида Ҳиндистоннинг ибодатхоналаридан бирида йирик миқдорда олтин ва бошқа бойликларни топилганлигини мисол сифатида келтириш мумкин. Топилма жуда катта миқдорга тенг бўлиб, қачон ва қим томонидан қўйилганлиги маълум эмас.

Ибодатхоналар қадимда банклар вазифасини бажарганлигининг ва уларни барқарорлигининг асосий сабабларидан бири, давлат ва диндорларнинг асрлар давомида ибодатхоналарда хизмат қилувчиларга нисбатан юқори даражада ишончнинг шаклланганлиги ҳисобланади. Бу ўз навбатида бошқаларда ҳам ибодатхоналарда пул маблағларни сақлашга бўлган ишончини қозонган. Дастлаб ушбу анъана қадимий Шарқда вужудга келган бўлса, кейинчалик қадимги Греция ва Рим ҳамда Европага тарқалган.

Қадимги Грецияда давлат ва унинг расмий ходимлари, заргарлар, савдогарлар ва бошқа зодагонлар ибодатхоналарнинг (Дельфий, Делосс, Самосс, Эфесс каби ибодотхоналар) алоҳида шахсларига пул маблағларини сақлаш ва тегишли операцияларни амалга оширишга ишонч билдириб, уларга пул маблағлари ва қимматбаҳо металлларни сақлаш, шунингдек,

Деньги, кредит, банки: учебник/кол. авт.: под ред. засл. деят. науки РФ, д.э.н. проф. О.И.Лавшурина. – 5 – е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2007. – С.319 – 324.

уларнинг топшириқларига биноан ҳисоб – китобларни амалга оширишга рухсат берган. Бунинг баробарида, мамлакатда меҳнат тақсимоти ва иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши, ўзаро молиявий айирбошлаш ҳажмининг ортиши натижасида ушбу ибодотхоналарда пул ишлари билан шуғулланган шахслар молиявий воситачилар сифатида майдонга чиқа бошлади.

Тахминан эрамиздан олдинги VII асрларда йирик ибодатхоналарнинг кичик – кичик молиявий воситачилик дўконларига айланиб бориши натижасида, шунингдек, пул муомаласини тартибга солишда муаммоларнинг вужудга келаётганлиги сабабли металл тангаларни муомалага чиқариш ва пул муомаласини тартибга солиш ҳуқуқини давлат ўз қўлига ола бошлади.

Ҳозирги кунда, сиз билан биз банк сифатида биладиган молиявий муассасаларнинг дастлабки кўринишлари XVI асрда Англияда вужудга келган. Эътиборли жиҳати шундаки, дастлабки банкирлар олтин металллардан турли зебу – зийнатлар ясайдиган заргарлар ёки йирик савдо билан шуғулланадиган савдогарлар ичидан чиққан. Шунингдек, Флоренция ва Венецияда XVI асрда жиробанклар вужудга келди. Кейинчалик банклар Амстердам, Гамбург, Миланд, Нюрнберг каби йирик шаҳарларда ташкил топа бошлаган. Ушбу банклар асосан йирик савдогарларнинг олтин тангаларини сақлаш ва уларнинг тўлов ҳисоб – китобларини амалга ошириш билан шуғулланган.

Ҳозирги пайтда фаолият юритаётган Марказий банкка ўхшаган банк биринчи марта Стокгольмда 1650 йилда, кейинчалик 1694 йилда Англияда ташкил топган бўлиб, бу банк пул эмиссиясини амалга ошириш, мамлакатда тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш каби ишларни бажарган.

Банклар йирик савдогарлар, заргарлар ва бошқа шахсларнинг ҳисоб – китобларини бажариш билан бирга, жамиятдаги вақтинчалик бўш пул маблағларини жалб қилиш асосида жуда йирик миқдорда ссуда капиталини жамғарадилар, ушбу маблағ кредит сифатида иқтисодиётнинг турли бўғинларига йўналтирилади. Шу тариқа, капиталистик жамиятда “банк” деб

юритиладиган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи “корхона”лар ташкил топди.

Банкларнинг моҳиятига иқтисодий адабиётларда турли ёндашувлар мавжуд. “Банк” этимологиясига эътибор қаратадиган бўлсак, “банк” сўзи кадимги французча “banque” ва италиянча “banca” сўзларидан пайдо бўлиб, “алмаштириш столи” маъносини англатишининг гувоҳи бўламиз.

Банк – бу молиявий муассаса бўлиб, жамиятдаги вақтинчалик бўш пул маблағларини тегишли шартлар билан жалб этиб, ушбу маблағларга эҳтиёжи мавжуд бўлган юридик ва жисмоний шахсларга қайтаришлик, муддатлилик, тўловлилик ва таъминланганлик асосида берадиган тижорат ташкилотдир.

Бошқа бир адабиётда, банк – тадбиркорлик фаолиятининг ўзига хос тури бўлиб, унинг фаолияти ссуда капиталининг ҳаракати, яъни уларни жалб қилиш ва жойлаштирилиши билан бевосита боғлиқдир, деган фикр илгари сурилади⁶⁰.

Банкир ссуда капиталистидан фарқли ўлароқ, турли кўринишдаги хизматларни таклиф этади ва пул айланмасини ташкил қилади. Ссуда капиталисти ишлаб чиқаришни ўз капитали ҳисобидан молиялаштиради, банкир ушбу жараёни четдан жалб қилинган бегона шахсларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширади.

Тижорат банклари моҳиятини теранроқ англаш учун айрим методологик масалаларга эътибор қаратиш лозим. Уларнинг айримлари қуйида келтирилади:

- банкларнинг моҳиятини ёритишда уларнинг микродаражадаги фаолиятига эътибор қаратиш лозим;
- банкларнинг моҳиятини ёритишда улар қандай шаклда ва мақсадда ташкил этилганлигига эмас, балки уларга ягона банк сифатида фаолият юритишига эътибор қилиш лозим;

⁶⁰ Банки и банковские операции: Учебник для вузов/ Е.Ф.Жуков, Л.М.Максимова, О.М.Макарова и др.; Под ред. проф Е.Ф.Жукова. –М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 1997. –С. 6.

– банкларнинг моҳиятини ажралмас қисми сифатида уларнинг ташкил топиш асослари, яъни ташкилий – ҳуқуқий асослари муҳим аҳамият касб этади;

– банкларнинг моҳияти – бу ўзига хос хусусиятга эга бўлган объектнинг таркибини англатади;

– банкларнинг моҳиятига қатор таърифлар шакллантирилган бўлиб, муаммони ўрганаётган пайтда унинг қандай жиҳатига эътибор қаратилаётганлиги муҳим ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, банкларнинг вужудга келиши ва уларнинг моҳияти кишилиқ жамиятининг вужудга келиши давридан бошлаб шаклланиб, ривожланиб ва такомиллашиб келмоқда. Бунинг асосий сабаби жамиятда иқтисодий муносабатларнинг такомиллашуви, меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, товар ва хизматлар айланмаси ҳажмининг ортиши каби қатор омиллар ҳисобланади. Шунингдек, қаерда савдо ва заргарлик ишлари ривожланган бўлса, шунингдек, ишонч юқори бўлган жойларда дастлабки банклар пайдо бўлган.

10.2. Банкларнинг функциялари

Банкларнинг моҳияти уларнинг функцияларида янаям яққолроқ намоён бўлади. Банкларнинг функциялари уларнинг назарий масалалари сифатида эътироф этилади. Шу боис ҳам банкларнинг моҳиятини ёритишда вужудга келган қатор мулоҳазали ҳолатлар уларнинг функцияларини ёритишда ҳам мустасно эмас. Хусусан, иқтисодий адабиётларда банкларнинг функциялари ҳақида қатор мулоҳазали ва тушунмовчилик ҳолатлар мавжуд. Масалан, айрим манбаларда банклар бажарадиган операциялар уларнинг функциялари сифатида қайд этилади. Бу ерда банк фаолияти натижасида улар томонидан амалга ошириладиган операциялари назарда тутилади. Бироқ, шуни таъкидлаш жоизки, банкларнинг барча операциялари ҳам уларнинг

функциялари бўла олмайди. Банк функцияси унинг маълум кўринишдаги фаолиятини ифодаладиган иқтисодий категория бўлиши лозим.

Шунга қарамасдан, айрим иқтисодий манбаларда банклар тўлов айланмаси, кассага нақд пулларни қабул қилиш ва бериш, кредит бериш, қимматли қоғозларни сақлаш ва бошқариш, нақд ва нақдсиз кўринишда хорижий валютани сотиш ва сотиб олиш, шунингдек, банк томонидан бажараладиган бошқа операциялар уларнинг функциялари сифатида таъкидланади.

Бундан ташқари, иқтисодий адабиётларда банкларнинг қимматбаҳо металллар ва буюмларни сақлаш учун махсус сейфлар бериш, хўжалик юритувчи субъектларнинг капиталини шакллантиришда иштирок этиши, кредитлаш учун ресурсларни жалб этиш ва бошқа шу каби операциялари уларнинг функциялари сифатида талқин этилади. Албатта, бу банкларнинг пул – кредит сиёсатини амалга оширувчи муассаса сифатидаги фаолиятини аниқроқ тушинишда ва уларнинг имкониятлари кенглигидан далолат беради. Бироқ, ушбу операцияларнинг барчаси банкларнинг функциялари бўлиб ҳисобланмайди. Чунки юқорида таъкидлаганимиздек, банкларнинг ҳар – бир операциясини уларнинг функциялари сифатида эътироф этадиган бўлсак, демак замонавий банклар 300 дан ортиқ функцияни бажаради деган фикр пайдо бўлади.

Банкларнинг функциялари ҳақида гап кетганда, бу жараённи нафақат банклар нуқтаи назаридан, балки унинг мижозлари манфаатларидан ҳам келиб чиқиб сўз юритиш лозим. Шу жиҳатдан банкларнинг функцияларини ўрганишда уларни қуйидаги мезонларига эътибор қаратиш лозим:

макроиқтисодий даражада, банклар ва реал сектор иштирокчилари ўртасида иқтисодий муносабатлар;

банкларнинг ташкилий – ҳуқуқий ва мулкӣ шакли жиҳатидан амал қилиши (Марказий банк, тижорат банки, ихтисослашган банк ва бошқалар).

Банкларнинг функциялари тўғрисида фикр юритганда қуйидаги масалаларни эътибордан четда қолдириш керак эмас. Биринчидан,

банкларнинг функциялари уларнинг моҳиятини кенгроқ очишга хизмат қилиши лозим, иккинчидан, банкларнинг функцияси сифатида таъкидланган иқтисодий категория барча молиявий институтларнинг хусусиятларига хос бўлган жараён эмас, балки фақат банкларгагина хос бўлган иқтисодий категория бўлиши лозим.

Маълумки, банкларнинг асосий операцияларидан бири иқтисодиётдаги бўш пул маблағларини тегишли шартлар асосида ўзига жалб этишга қаратилган. Бу банкларнинг функцияси бўла оладими, деган савол туғилади. Марказий банкда тижорат банкларининг мажбурий захиралари жамғарилади, банкларда эса аҳоли ва мижозларнинг вақтинчалик бўш пул маблағлари жамғарилади. Иқтисодиётда вақтинчалик бўш пул маблағларни жамғариш банкларнинг қадимий операцияларидан бири ҳисобланади. Бу ерда асосий масала шундан иборатки, вақтинчалик бўш пул маблағларни жамғариш фақатгина банкларга хос бўлган операция эмас, ушбу операцияни жисмоний шахслар ёки бошқа юридик шахслар ҳам амалга ошириши мумкин. Чунки, ҳар қандай субъект у ёки бу объектни молиялаштириш учун дастлаб маълум миқдордаги молиявий маблағларни жамғариши лозим. Бироқ, масалага янаям чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, банклар ушбу операцияни бажарганда бошқа хўжалик юритувчи субъектлар бажарадиган операциялардан жиддий фарқ қилади. Улар асосан қуйидаги ҳолатларда намоён бўлади:

банклар пулларни жалб этганда ўз пулларини эмас, балки бегона шахсларнинг маблағларини жамғаради;

банклар жамғарган маблағларни ўзининг эҳтиёжи учун эмас, балки бошқа шахсларнинг эҳтиёжлари учун сарфлайди (қайта тақсимлаш асосида).

Банкларнинг функциялари хусусидаги мулоҳазаларни чуқурлаштириш фикридан йироқ эканлигимизни таъкидлаган ҳолда, уларнинг қуйидаги функциялари мавжудлигини қўллаб – қувватлаймиз.

Биринчи функцияси, вақтинчалик бўш пул маблағларни жалб қилиш, жамғариш ва ушбу маблағларни капиталга айлантириш функцияси. Банкларнинг жуда қадимий функцияларидан ҳисобланади. Банклар

жамиятдаги вақтинчалик бўш пул маблағларини тегишли шартлар асосида ўзларига жалб қилади ва ушбу маблағларни самарали йўналишларга жойлаштиради. Албатта, банклардан ташқари турли инвестицион фондлар, молия – санаот корхоналари ҳам пул маблағларини жалб қилиш ва жамғариш билан шуғулланади, бироқ уларнинг пул маблағларини жалб қилиш ва жамғариши билан банкларникидан жиддий фарқлар мавжуд. Банкларнинг итиёрида бўлган маблағларнинг деярли 90 фоизи четдан жалб қилинган пул маблағлари ҳисобланади. Бу банкларнинг асосий фаолияти бошқа шахсларнинг маблағлари ҳисобига амалга оширилиши англатиш билан бирга, юқори даражада рискка боғлиқлигини келтириб чиқаради.

Иккинчи функцияси, корхона ва ташкилотлар, давлат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш ва меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви мулкӣ шаклидан қаътий назар барча хўжалик юритувчи субъектларни айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини оширади. Хусусан, корхона ва ташкилотлар ишлаб чиқариш жараёнини модернизациялаш ва кенгайтириш, меҳнат тақсимотини такомиллаштириш, қўшимча акцияларни сотиб олиш ва бошқа мақсадларни амалга оширишда қўшимча молиявий маблағларга кучли эҳтиёж сезади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг бу эҳтиёжининг асосий қисми банкларнинг кредит бериш функцияси орқали қондирилади. Албатта, банклар ушбу функцияни амалга оширишда кредитнинг тегишли тамойилларига (муддатлилик, таъминланганлик, тўловлилик, қайтаришлик ва мақсадлилик) амал қилган ҳолда хўжалик юритувчи субъектларга тижорат асосида тақдим этади.

Учинчи функцияси, хўжалик субъектлари пул ҳисоб – китобларини амалга ошириш ҳисобланади. Иқтисодиётда фаолият юритаётган хўжалик субъектлари кун давомида бир неча юз минглаб турли даражадаги пул айланмаларини (асосан нақдсиз пул кўринишида) амалга оширади. Банкларнинг бевосита иштироки натижасида ушбу ўтказмалар жўнатувчидан олувчига етиб боради. Шунингдек, банклар пул ўтказмалари орқали

иқтисодиётнинг турли тармоқларига капитални жойлаштиради ва кредит линиялари очади. Буларнинг барчаси банкларнинг пул ҳисоб – китобларни амалга ошириш функцияси орқали бажарилади ва тартибга солинади.

Банкларнинг пул айланмасини тартибга солиш функцияси орқали Марказий банк иқтисодиётдаги товар массаси ва пул массаси ўртасидаги ўзаро мувозанатликни таъминлайди. Маълумки, ушбу мувозанатнинг бузилиши иқтисодиётда инфляция даржасини ортиб кетиши ёки пул тақчиллигини вужудга келишига олиб келади. Шу боис ҳам Марказий банк ўзининг пул – кредит инструментлари орқали пул айланмаси учун зарур бўлган тўлов воситасининг миқдорини тартибга солиб туради.

Тўловни амалга оширишда воситачилик қилиши банкларнинг **тўртинчи функцияси** ҳисобланади. Банклар иқтисодий муносабатларга киришувчи томонлар ўртасида тўловларни амалга ошириш орқали воситачилик ишларини амалга оширади. Банклар орқали банк миждозларининг, аҳолининг, давлатнинг молиявий маблағлари ўтади, банк улар ўртасида тўловларни амалга оширувчи молиявий муассаса сифатида воситачилик вазифасини амалга оширади. Банклар воситачилик функцияси орқали нафақат пулларни бир хўжалик юритувчи субъектдан иккинчисига ўтказди, балки иқтисодиётдаги молиявий капитални бир тармоқдан иккинчисига ўтишини назорат қилиб боради ва ушбу тармоқларнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Кредит маблағларни муомалага чиқариш банкларнинг **бешинчи функцияси** ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, ушбу функцияни барча банклар бажариш ҳуқуқига эга эмас. Бозор иқтисодиёти шароитида муомалага кредит пулларни чиқариш Марказий банк зиммасига юклатилган. Марказий банк муомалага чиқараётган пул массасини мамлакатда яратилаётган товар массасига нисбатан мувозанатлигини таъминлашга эътибор қаратади. Марказий банкнинг ушбу функцияни самарали бажараётганлиги миллий валютанинг сотиб олиш қобилиятини мустаҳкамлиги ва инфляция даражасининг пастлиги белгилайди.

Демак, тижорат банклари кредит пуллари муомалага эмиссия қилиш ҳуқуқига эга эмас, улар муомаладаги мавжуд пул ҳажми доирасида фаолият юритади. Муомаладаги пул массасининг ҳажмини ўзгаришига тижорат банклари бевосита таъсир қила олмайдилар, бунга фақат Марказий банкнинг ҳуқуқи мавжуддир.

Иқтисодий ва молиявий маслаҳатларни бериш банкларнинг олтинчи функцияси ҳисобланади. Банклар иқтисодиётдаги молиявий муассаса сифатида мулк шаклидан қатъий назар мамлакатдаги барча хўжалик юритувчи субъектларга ўзларининг ҳуқуқий имкониятларидан келиб чиқиб, турли даражадаги иқтисодий ва молиявий маслаҳатларни беради. Албатта, ушбу маслаҳатлар мижоз ва банк ўртасида тузилган тегишли шартномалар ёки ўзаро келишувлар асосида амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтганда, банкларнинг функциялари уларнинг моҳиятини ва бажарадиган операцияларининг мазмунини англашга хизмат қилади. Банкларнинг функциялари турли иқтисодий адабиётларда турлича талқин этилишининг асосий сабаби ижтимоий – иқтисодий ҳаётда юз бераётган ва ривожланиб бораётган муносабатларнинг доимий равишда янги қирраларининг вужудга келаётганлиги билан изоҳланади.

10.3. Банкларнинг турлари

Капиталистик тузумнинг ривожланиши турли мулкчилик шакллари ривожланишига, молиявий маблағларнинг алоҳида молиявий муассасалар ихтиёрида марказлашувига олиб келади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин кўпчилик капиталистик мамлакатларда айрим банкларнинг миллийлаштирилиши юз берди. Бу ўз навбатида банкларнинг мулк, ҳуқуқ, функцияси, табиати ва бошқа қатор мезонлари бўйича тавсифланишига сабаб бўлди.

Замонавий иқтисодиётда банклар қуйидаги мезонлар бўйича тавсифланади.

Мулкий жиҳатдан – давлат банки, акциядорлик банки, кооператив банк, хусусий ва хорижий капитал иштирокида қўшма банкларига бўлинади. Банкларни мулкчилик нуқти назардан таснифланганда асосан уларнинг устав капитали таркибида кимнинг улуши 51 фоиздан юқори бўлса, банк шу шахсларнинг номларини олади.

Масалан, банк капиталининг асосий улуши хусусий ёки кооператив ташкилотлар ҳиссасига тўғри келса, мазкур банклар хусусий ёки кооператив банк дея юритилади.

Давлат банклари капиталининг асосий улуши давлатга тегишли бўлади, кўпчилик мамлакатларда мамлакат Марказий банклари давлат банки ҳисобланади. Ўзбекистонда Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Давлат – акциядорлик Халқ банки, акциядорлик тижорат “Асака” банкларнинг капитали таркибида асосий улуш давлатга тегишли бўлганлиги боис мазкур банклар давлат банклари ҳисобланади.

Мамлакатимизда акциядорлик тижорат банклари сифатида, акциядорлик тижорат “Агробанк”ни, Алоқабанк, Туронбанк ва бошқаларни келтириш мумкин. Мамлакатимизда ёпиқ турдаги акциядорлик тижорат банклари мавжуд эмас.

Хорижий капитал иштирокида қўшма банклар мамлакат қонунчилигига асосан белгиланган миқдордаги устав капитали хорижий иштирокчилар томонидан шакллантирилса мазкур банклар шу мақомга эга бўлади. Мамлакатимизда хорижий капитал иштирокидаги банкларни ташкил этиш Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Ҳуқуқий жиҳатдан – банклар очик ва ёпиқ турдаги жамиятлар сифатида таснифланади. Банкларнинг капиталини асосий улуши юридик шахслар ҳиссасига тўғри келади, ушбу банклар очик акциядорлик ёки ёпиқ акциядорлик банклари бўлиши мумкин.

Очик ёки ёпиқ акциядорлик банклари дейилишига сабаб уларнинг акцияларини сотиш ва сотиб олиш жараёни билан боғлиқ бўлади.

Қатнашчилари ўзларига тегишли акцияларини ўзга акциядорларнинг розилигисиз бошқа шахсларга бериши мумкин бўлган акциядорлик жамияти очик акциядорлик жамияти деб ҳисобланади.

Акциялари фақат ўз муассислари ёки олдиндан белгиланган доирадаги шахслар орасида тақсимланадиган акциядорлик жамияти ёпик акциядорлик жамияти деб ҳисобланади. Мамлакатимизда мулкый жиҳатдан ташкил топишидан қабтй назар, фаолият юритаётган барча банклар очик акциядорлик банклари ҳисобланади.

Банклар бажарадиган функцияси (операциялари) жиҳатидан – эмиссион, тижорат, инвестицион, ипотекали ва жамғарма банклар сифатида таснифланади. Эмиссион банклар мамлакат иқтисодиётига пулларни эмиссия қилиш, шунингдек, кредит муассасалари фаолиятини тартибга солиш ва пул – кредит сиёсатини амалга ошириш билан шуғулланади. Бундай вазифани ҳозирги пайтда мамлакат Марказий банклари бажаради. Марказий банклар бевосита мижозларга банк хизматларини кўрсатмайди ва тижорат фаолияти билан шуғулланиши таъқиқланади.

Тижорат банклари мамлакат банк тизими ва кредит муассасалари таркибидаги муҳим аҳамиятга эга бўлган молиявий муассасалар ҳисобланади. Ушбу банклар банклар бажариши мумкин бўлган барча операцияларни бажаради.

Инвестицион банкларнинг асосий фаолияти пассив операциялари натижасида шакллантирган молиявий маблағларини асосий улушини қимматли қоғозларга инвестиция қилишдан иборат бўлади. Мамлакатда инвестицион банклар фаолият юритиши учун қимматли қоғозлар бозори ривожланган ва етарли даражада инвестицион муҳит яратилган бўлиши лозим.

Ипотека банклари жисмоний ва юридик шахсларга гаров асосида узок муддатли кредитлар бериш билан шуғулланади. Ипотека атамаси кўчмас мулкларни гаровга қўйиш натижасида вужудга келадиган молиявий муносабат бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятларидан бири гаровга қўйилган

кўчмас мулк кредит (қарз) олувчининг тасарруфида қолишидир. Одатда ипотека банклари фаолиятининг асосий йўналишини ипотека кредити беришга қаратилган бўлиши лозим. Бироқ, амалиётда ушбу қоида доимо ҳам ўзининг исботини топмайди, чунки ҳозирги кунда фаолият юритаётган ипотека банклари кредит портфели таркибида нафақат ипотека кредити, балки бошқа мақсадларга йўналтирилган кредитларнинг ҳажми салмоқли улушни ташкил этади.

Жамғарма банкларининг асосий мижозлари жисмоний шахслар бўлиб, ушбу банкларнинг асосий фаолияти аҳолидан муддатли омонатларни жалб қилишга қаратилган бўлади. Жамғарма сифатида шакллантирилган маблағларни йирик тижорат банкларига, савдо ва қурилиш ташкилотларига инвестиция ва кредитлар кўринишида жойлаштиради.

Банклар бажарадиган операцияларининг табиати жиҳатидан – универсал ва ихтисослашган банкларга бўлинади. Универсал банклар банклар бажарадиган барча операцияларни бажаради. Бунга мисол сифатида тижорат банкларини келтириш мумкин. Ихтисослашган банклар эса иқтисодиётнинг маълум тармоғига хизмат кўрсатиш ва шу тармоқни ривожлантириш мақсадида ташкил этилади. Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида қатор ихтисослашган банклар (Ўзмеваسابзавот, Заминбанк, Енгилсанаот, Ғаллабанк, Пахтабанк) ташкил этилди. Миллий иқтисодиётнинг ривожланиши ва бозор муносабатларининг чуқурлашуви натижасида ушбу банклар универсал банкларга айлантирилиб, бир – бирига қўшиб юборилди ёки универсал тижорат банкларига айлантирилди.

Шунингдек, ихтисослашган банклар, ташқи иқтисодий операцияларни бажариш, инвестицион фаолият билан шуғулланиши мумкин. Бироқ мамлакатимизда, алоҳида тармоққа хизмат кўрсатадиган ёки операцияларни бажарадиган ихтисослашган банклар мавжуд эмас.

Шу билан бирга банкларнинг фаолияти *хизмат кўрсатадиган тармоқлари, филиалларининг сони, хизмат кўрсатиши доираси, капиталининг ҳажми нуқтаи назаридан ҳам таснифланади.*

Хизмат кўрсатадиган тармоқлари бўйича – банкларнинг фаолиятига эътибор қаратадиган бўлсак, айрим банклар иқтисодийнинг турли тармоқларига хизмат кўрсатади. Жумладан, автомобилсозлик, нефть саноати, қурилиш ва бошқа соҳалар. Масалан, мамлакатимиз Саноатқурилишбанк қўллаб тармоқларга хизмат кўрсатади, бироқ асосий фаолияти оғир саноат корхоналарига хизмат кўрсатишга қаратилган. Шунингдек, Агробанкнинг асосий фаолияти қишлоқ хўжалиги корхоналарига, Асакабанк машинасозлик соҳасига ва ҳоказо.

Филиалларининг сони бўйича – айрим банкларда филиаллар умуман мавжуд эмас, айримларида эса мамлакатнинг барча ҳудудларида филиаллари мавжуд. Мамлакатимизда бундай банклар сирасига Агробанк, Халқбанк, Микрокредитбанкларни киритиш мумкин. Ушбу банкларнинг мамлакатимиз туманларининг деярли барчасида ўз филиаллари фаолият юритади. Банкларнинг филиаллари юридик шахс сифатида барча ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлмайди, улар тегишли низом асосида бош банк томонидан берилган чегараланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар доирасида фаолият юритади.

Хизмат кўрсатиши доираси бўйича – банклар маълум ҳудудга, ҳудудлараро, халқаро даражада мижозларга хизмат кўрсатиши эътиборга олинади. Бунинг учун банклар Марказий банкнинг тегишли лицензияларига эга бўлиши талаб этилади. Масалан, мамлакатимизда Марказий банкнинг тегишли талабларни бажарган тижорат банкларига миллий валютада ва хорижий валюталарда фаолият юритиши учун алоҳида – алоҳида лицензиялар беради.

Капиталининг ҳажми бўйича – банклар кичик, ўрта ва йирик тижорат банкларга гуруҳланади. Масалан, мамлакатимиз барча банклари устав капиталининг 40 фоиздан ортиғи ТИФ Миллий банки ҳисасига тўғри келади, ёки мамлакатимизда бешта йирик банкнинг (ТИФ Миллий банки, Саноатқурилишбанк, Агробанк, Асакабанк, Ипотекабанк) капитали жами банклар капиталининг 85 – 90 фоизини ташкил этади.

Якуний сўз сифатида таъкидлаш мумкинки, банкларнинг турларини кўпқирралиги, уларнинг бажарадиган операцияларининг сонини ортиб бориши жамиятнинг ижтимоий – иқтисодий ривожланиши билан бевосита боғлиқдир. Бозор иқтисодиёти шароитида буларнинг барчаси тегишли қонун, қоида, тартиб ва механизмлар асосида тартибга солиб борилади.

10.4. Банкларнинг иқтисодиётдаги роли

Банкларнинг моҳияти ва функциялари, шунингдек, бажарадиган операциялари ва кўрсатадиган хизматлари уларнинг иқтисодиётдаги ролини белгилаб беради. Банкларнинг иқтисодиётдаги роли деганда асосий эътиборни уларнинг вужудга келиш омиллари, ривожланиш жараёнлари ва бажарадиган операцияларига қаратиш лозим. Банкларнинг роли уларнинг функциялари каби маълум даражадаги хусусиятларга эгадир. Банклар мулкӣй жиҳатдан қандай шаклда ташкил топган бўлишидан қайтий назар, иқтисодиётда умум аҳамиятга эга бўлган операцияларни бажаради. Шу боис ҳам банклар қандай мулкӣй шаклда ёки ихтисосликда ташкил топган бўлишидан қайтий назар, улар иқтисодиётда алоҳида аҳамият касб этади.

Банкларнинг иқтисодиётдаги роли хусусида сўз кетганда, дастлаб жамиятда уларнинг бажарадиган операцияларини зарурлиги ва турлари, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг уларга бўлган эҳтиёжи доирасида сўз юритиш мақсадга мувофиқ. Буларнинг барчаси банкларнинг иқтисодиётдаги аҳамиятини англатади.

Албатта, банкларнинг иқтисодиётдаги аҳамияти жуда кўпқиррали бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

жамиятдаги вақтинчалик бўш пул маблағларни тегишли шартлар асосида ўзига жалб этади;

қўшимча молиявий маблағларга эҳтиёжи мавжуд хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолига қайтаришлик, тўловлик, муддатлилик ва таъминланганлик асосида маблағлар беради;

миллий валютанинг эмиссиясини ташкил этади ва унинг барқарорлигини таъминлаш доирасида пул – кредит сиёсатини амалга оширади;

пул айланмасини ташкил этади ва унинг тартибини белгилайди;

иқтисодий муносабатларга киришувчи субъектлар ўртасида ҳисоб – китоб ва тўловларни амалга оширишда воситчилик қилади;

бозор иштирокчиларига турли даражадаги комисион ва маслаҳат хизматларини амалга оширади;

аҳолига ва мижозларга траст ва депозитар хизматларини таклиф этади.

Банкларнинг иқтисодиётдаги ролининг асосий жиҳатларидан бири, жамиятдаги вақтинчалик бўш пул маблағларини жамғариш асосида уларни иқтисодиётнинг тегишли тармоқларига қайта тақсимлашда намоён бўлади. Маълумки, жамиятда фаолият юритувчи хўжалик субъектларининг асосий мақсади иқтисодий фойда олишга қаратилган. Шу билан бирга, ишлаб чиқариш жараёни турли тармоқда турлича бўлганлиги боис, маълум даврда айрим хўжалик юритувчи субъектларда ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантириш учун қўшимча молиявий маблағларга эҳтиёж туғилса, айримларида аксинча. Иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқариш циклининг турли – туманлиги (қишлоқ хўжалиги, қайта ишловчи корхоналар, қурилиш саноати ва бошқалар) сабабли, молиявий маблағлар вақтинчалик ишлаб чиқариш жараёнидан четлаштирилади. Бу жараёнда бир томондан бир гуруҳ иқтисодиёт тармоқларида қўшимча молиявий маблағларга нисбатан қўшимча эҳтиёжни келтириб чиқарса, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида маблағларнинг ишлаб чиқаришдан четлашишини келтириб чиқаради.

Бу икки томоннинг иқтисодий манфаатларини бирлаштирувчи молиявий ташкилот сифатида банклар майдонга чиқади. Биринчи гуруҳ иқтисодиёт тармоқларининг вақтинчалик бўш пул маблағларини тегишли шартлар асосида жалб этиб, ушбу маблағларга эҳтиёжи бўлган иккинчи гуруҳ

иқтисодиёт тармоқларига, яъни қўшимча молиявий ресурсларга эҳтиёж сезган хўжалик субъектларига қайта тақсимлаб беради.

Бизнингча, ушбу муносабатларни банкдан бўлак бирорта молиявий ташкилот самарали ва тез ҳал эта олмайди. Банкларнинг ушбу ўзига хос жиҳати иқтисодиётдаги ролини белгилайди.

Банкларнинг иқтисодиётда бажарадиган яна бир ўзига хос хусусиятларидан бири, бу уларнинг хўжалик юритувчи субъектлар, аҳоли ва давлат ташкилотлари ўртасида амалга ошириладиган ҳисоб – китобларни ташкил этиши ва уларнинг устидан тегишли назорат ишларини амалга ошириш ҳисобланади. Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик субъектлари ўртасида ҳар куни бир неча юз минглаб пул ўтказмалари амалга оширилади. Буларнинг барчаси банклар томонидан амалга оширилади ва тартибга солиб турилади.

Банкларнинг иқтисодиётдаги ролини юқори ёки пастлигига қатор омиллар таъсир қилади. Уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

а). Аҳоли ва миждозларнинг банкларга бўлган ишончининг мустақамлиги. Халқаро банк амалиёти ва мустақилликдан кейин босиб ўтилган қисқа даврда йиғилган тажрибаларнинг натижалари шуни кўрсатмоқдаки, бозор иқтисодиётининг асосий ўзаги асосан ўзаро ишонч ва ҳалолликка таянади. Агар мазкур ҳолатни аҳоли ва миждозларнинг банкларга бўлган ишончи йўқолиши билан боғлаб кўрадиган бўлсак, банкларга нисбатан ишонч йўқолиши оқибатида уларнинг жамиятдаги ролини пасайишига олиб келади.

Аҳоли ва миждозларнинг банкларга бўлган ишончининг заифлигига қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин:

–банкларнинг миждозлар олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса;

–аҳоли ва миждозларнинг кредитга, айниқса нақд пулга бўлган талаби тўлиқ ва ўз вақтида қондирилмаса;

–мижозларнинг ҳисобварақлари бўйича маблағлар қолдиғи ва айланмалари ҳақида банк сири таъминланмаса;

–мижозларнинг пул ўтказмаларини исталган пайтда ва зарур миқдорда тегишли манзилга ўтказилмаса;

–банкда омонатларни сақлашнинг иқтисодий манфаатдорлиги пасайиб кетиши ва бошқалар.

б). Мамлакат иқтисодиётида бозор механизмлари тўлиқ ва барчага баробор равишда амал қилиши лозим. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, 1991 йил мустақилликка эришганимиздан сўнг иқтисодиётни марказдан бошқаришнинг бюрократик усулларида воз кечиб, иқтисодиётни бошқаришнинг бозор механизмларига ўтдик, – деганимиз билан амалиётда бунинг ижобати тўлиқ намоён бўлмаяпти. Хусусан, тижорат банкларининг хўжалик субъектларига кредитларни беришда, айниқса мижозларнинг нақд пулларга бўлган талабини қонидирилмаслиги бу борадаги вазиятнинг долзарблигини англатади. Буларнинг барчаси банкларнинг иқтисодиётдаги ролини янада ошириш лозимлигидан далолат беради.

Банкларнинг иқтисодиётдаги ролини ошириш ёки пасайишига нафақат уларнинг сайи ҳаракатлари, балки миллий иқтисодиётнинг ривожланганлик даражаси ва рақобатбардошлиги бевосита таъсир қилади. Чунки, банклар миллий иқтисодиётдан ажралган ҳолда, алоҳида субъект сифатида самарали фаолият юритиши мумкин эмас. Масалан, банкларнинг асосий фаолият турларидан бири муомалага пулни эмиссия қилишини оладиган бўлсак, муомалага эмиссия қилинган пул массаси товар массаси билан таъминланган бўлиши лозим. Акс ҳолда, миллий валютанинг инфляция даражаси ошиши билан бирга, унинг сотиб олиш қобилияти пасайиб кетади. Демак, муомалага эмиссия қилинган пуллар тегишли товар массаси билан таъминланган бўлиши лозим. Бу ўз навбатида иқтисодиётда ишлаб чиқариш ва товарлар айланмаси самарадорлиги таъминланганлигини талаб этади.

Демак, иқтисодиётда товар массаси ва пул массаси ўртасидаги мувозанатликнинг таъминланиши, биринчидан, банкнинг иқтисодиётдаги

ролини оширса, иккинчидан, миллий иқтисодиётнинг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Бироқ, бу мувозанатликни таъминланишига қатор объектив ва субъектив омиллар таъсир қилади.

Масалан, 90 йилларнинг охирларида Россияда, шунингдек, қатор собиқ иттифок республикаларида, шу жумладан малакатимизда ҳам пулларни муомалага чиқариш ҳажми ишлаб чиқариш ҳажмидан сезиларли даражада пасайиб кетди. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш жараёнида узилишларни вужудга келишига, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида дебитор – кредитор суммалари миқдорининг сезиларли даражада ошиб кетишига олиб келди.

Банкларнинг мамлакат иқтисодиётига таъсирини, яъни уларнинг ролини реал секторни кредитлаш муносабатлари мисолида ҳам қўришимиз мумкин. Мамлакат реал сектори иштирокчилари банк кредитига нисбатан доимий равишда эҳтиёжи мавжуд бўлиб, ушбу эҳтиёж айниқса, иқтисодий инқироз шароитида ортиб кетади. Инқироз шароитида истеъмол товарларга нисбатан талабнинг ҳамда товар ва хизматлар баҳосининг пасайиши, давлат буюртмалари ҳажмининг қисқариши, дебиторларнинг тўловга лаёқатсизлиги корхоналарда қўшимча молиявий ресурсларга бўлган кучли талабни пайдо бўлишига сабаб бўлади. Албатта, ушбу талаб тўлиғича банкларнинг кредитлари ҳисобидан қондирилиши, биринчидан, мақсадга мувофиқ эмас. Иккинчидан, банкларда иқтисодий инқироз шароитида ушбу эҳтиёжни қондириш учун етарли молиявий ресурсларнинг тақчиллиги пайдо бўлади.

Бундан ташқари, энг муҳими банклар томонидан берилган кредитларнинг тўлиқ қайтмаслик хавфи, яъни кредит риси вужудга келади. Шу боис, иқтисодий инқироз шароитида банкларнинг кредитига талаб юқори бўлсада, банклар кредит қуйилмалари ҳажмини оширишга мойиллик сезишмайди. Бу банкларнинг иқтисодиётдаги ролини пасайишига эмас, балки банклар ҳам тижорат муассаса сифатида асосий эътиборини иқтисодий манфаатдорлик олишга қаратишини, энг муҳими банклар риск асосида кредит сифатида берадиган маблағлари ўз маблағлари эмас, балки четдан

жалб қилинган бошқа шахсларнинг маблағлари ҳисобига фаолият юритаётганлигини унутмаслик лозим.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, банкларнинг иқтисодиётдаги роли нафақат банкларнинг ўзига, балки миллий иқтисодиётнинг ривожига ва рақобатбардошлигига бевосита боғлиқ. Ўз навбатида, иқтисодиётнинг ривожланиши ва рақобатбардошлиги мамлакатда барқарор ва самарали банк тизимининг ташкил этилганлиги билан бевосита боғлиқдир. Бир сўз билан айтганда, банклар ва миллий иқтисодиёт бир – биридан айри ҳолда ривожланишининг имконияти мавжуд эмас. Улар бири – бирини тўлдирган ҳолда, бир – бирига ўзаро ҳамоҳанг тарзда ривожланиб ва такомиллашиб борадиган иқтисодий – молиявий субъектлар ҳисобланади.

Бобга оид саволлар

Банкларнинг вужудга келишига қандай муносабатлар таъсир қилган?
Дастлабки банклар қаерда пайдо бўлган?
Ибодатхоналарда банкларнинг ташкил топишига нима сабаб бўлган?
2011 йил июлда қандай мамлакатнинг қадимги ибодотхонасидан йирик олтин ва бошқа бойликлар топилган?
Давлат қайси даврдан бошлаб пулни тартибга солиш ҳуқуқини ўз қўлига ола бошлади ва нима учун?
Ҳозирги пайтда фаолият юритаётган банкларнинг дастлабки кўринишлари қаерда ва қачон ташкил топган?
Дастлабки банкирлар қандай соҳа вакиллари ичидан чиққан?
Дастлабки Марказий банклар қачон ва қаерда ташкил топган?
“Банк” сўзининг иқтисодий маъноси нимадан иборат?
Банклар қандай функцияларни бажаради?
Банкларнинг мулкӣ ва ҳуқуқӣ жиҳатдан турларига тавсиф беринг.
Эмиссион, тижорат, инвестицион, ипотекали ва жамғарма банклар бир – биридан нимаси билан фарқланади?
Универсал ва ихтисослашган банкларга таъриф беринг.
Банкларнинг иқтисодиётдаги роли нимада намоён бўлади?
Банкларнинг иқтисодиётдаги ролининг мустаҳкамлигига нималар таъсир қилади?

Бобга оид тестлар

1. Иқтисодий адабиётларда дастлабки банкларнинг вужудга келиши:

- А. – милoddан илгариги III асрга тўғри келиши таъкидланади;
- Б. – аниқ маълумотлар мавжуд эмас;**
- В. – Англия саноат тўнтаришидан кейинги даврга тўғри келади;
- Г. – буюк инқироздан кейинги даврга тўғри келади.

2. *Банкларнинг вужудга келиши ҳақида фикр юритган иқтисодчи олимларни неча гуруҳга ажратиш мумкин?*

- А. Бешта гуруҳга.
- Б. Тўртта гуруҳга.
- В. Учта гуруҳга.**
- Г. Иккита гуруҳга.

3. *Тарихий манбаларга кўра, дастлабки банклар қаерда ташкил топган?*

- А. Англияда.
- Б. Римда.
- В. Грецияда.**
- Г. Стокгольмда.

4. *Айрим иқтисодий адабиётларда дастлабки банклар:*

- А. – карвон саройда ташкил этилганлиги қайд этилади;
- Б. – ибодатхоналарда ташкил этилганлиги қайд этилади;**
- В. – корхоналарда ташкил этилганлиги қайд этилади;
- Г. – уйларда ташкил этилганлиги қайд этилади.

5. *Ҳозирги кунда фаолият юритаётган банкларнинг дастлабки кўринишлари қаерда ва қачон вужудга келган?*

- А. Англияда, XVI асрда.**
- Б. Римда, XV асрда.
- В. Грецияда, XIX асрда.
- Г. Италияда, XVIII асрда.

6. *“Банк” сўзи қандай маънони англатади?*

А. Қадимги немисча “banque” ва италиянча “banca” сўзларидан пайдо бўлган бўлиб, “алмаштириш столи” маъносини англатади.

Б. Қадимги французча “banque” ва италиянча “banca” сўзларидан пайдо бўлган бўлиб, “алмаштириш столи” маъносини англатади.

В. Қадимги лотинча “banque” ва немисча “banca” сўзларидан пайдо бўлган бўлиб, “алмаштириш столи” маъносини англатади.

Г. Қадимги италиянча “banque” ва французча “banca” сўзларидан пайдо бўлган бўлиб, “алмаштириш столи” маъносини англатади.

7. *Банклар нечта функцияни бажаради?*

- А. 3 та.
- Б. 4 та.

В. 5 та.

Г. 6 та.

8. Банкларнинг иқтисодиётдаги роли нималарда намоён бўлади?

А. Аҳолининг ишончи ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ишончсизлик билдиришида.

Б. Бажарадиган функциялари ва аҳолининг уларга бўлган эҳтиёжида

В. Муомалага пул чиқариши ва тўлов айланмасини ташкил этишда.

Г. Уларнинг бажарадиган операцияларини зарурлиги ва турлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг уларга бўлган эҳтиёжида.

9. Банкларнинг ўзига хос хусусиятлари нималарда намоён бўлади?

А. Тижорат фаолияти ва молиявий массасалигида.

Б. Уларнинг хўжалик юритувчи субъектлар, аҳоли ва давлат ташкилотлари ўртасида амалга ошириладиган ҳисоб – китобларни ташкил этиши ва уларнинг устидан тегишли назорат ишларини амалга ошириш ҳисобланади.

В. Корхона ва ташкилотларга молиявий ёрдам беришида, шунингдек, турли комиссия операцияларни амалга оширишида

Г. Вакиллик ҳисобварақлари мавжудлиги, аҳолига ва корхоналарга нақд пулларни етказиб бериши ва муомаладаги нақд пулларни қайтариб олишида.

10. Мулкий жиҳатдан банклар таснифланиши қандай жавобда тўлиқ ва тўғри келтирилган?

А. Давлат банки, кооператив банк, хусусий ва хорижий капитал иштирокида қўшма банк.

Б. Давлат банки, акциядорлик банки, кооператив банк, хусусий ва хорижий капитал иштирокида қўшма банк.

В. Давлат банки, хусусий ва хорижий капитал иштирокида қўшма банк.

Г. Давлат банки, инвестицион банк, кооператив банк, хусусий ва хорижий капитал иштирокида қўшма банк.

11. Банклар бажарадиган функцияси (операциялари) жиҳатидан қандай таснифланади?

А. Эмиссион, комиссия, савдо, ипотекали ва жамғарма банк.

Б. Эмиссион, воситачи, қўшма, ипотекали ва жамғарма банк.

В. Эмиссион, тижорат, инвестицион ва жамғарма банк.

Г. Эмиссион, тижорат, инвестицион, ипотекали ва жамғарма банк.

12. Банкларга бўлган ишончнинг пасайишига сабаб бўладиган омиллар қандай жавобда нотўғри келтирилган?

А. Мижозлар ва аҳоли олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса.

Б. Мижозлар ва аҳоли олдидаги мажбуриятларини тўлиқ ва тўхтовсиз равишда бажарса.

В. Аҳоли ва мижозларнинг кредитга, айниқса нақд пулга бўлган талабининг тўлиқ ва ўз вақтида қондирилмаса.

Г. Мижозларнинг ҳисобварақлари бўйича маблағлар қолдиғи ва айланмалари ҳақида банк сирийнинг таъминланмаса.

11 – БОБ

МАРКАЗИЙ БАНК

11.1. Марказий банкларнинг вужудга келиши ва функциялари

Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакат банк тизими икки бўғиндан ташкил топади. Банк тизими – бу маълум тарихий давр ичида шаклланган ва тегишли қонун ҳужжатлари асосида мамлакатда пул – кредит муносабат – ларини ташкил этадиган ва тартибга соладиган муассасалар мажмуидир. Бозор иқтисодиёти шароитида фаолият юритаётган давлатларнинг деярли барчасида банк тизими икки поғонадан иборат бўлиб, ушбу банклар мамлакатнинг ижтимоий – иқтисодий шароити ва тарихий шаклланишига қараб ўзига хос хусусиятлар асосида фаолият юритади. Кўпчилик мамлакатлардаги сингари Ўзбекистонда ҳам банк тизими икки поғонадан иборат бўлиб, уларнинг фаолияти тегишли қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинади. Икки поғонали банк тизимида банклар – эмиссион банк (Марказий банк) ва эмиссион бўлмаган (тижорат банклари, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлар, ломбардлар) банклардан ташкил топади.

Ўзбекистонда икки поғонали банк тизимининг шаклланиши 1987 – 1990 йилларда, собиқ Давлат банкни ислоҳ қилиш даврига тўғри келади. Ўша даврда асосий эътибор монопол эмиссион банк ҳисобланган Давлат банкнинг ташкилий тузилмасини кескин ўзгартириш орқали, иқтисодиётни ривожлантириш ва мижозлар билан ишлайдиган ихтисослашган банкларни ташкил этишга қаратилди.

Банк тизимида мустақилликгача бўлган даврда амалга оширилган ислоҳатларнинг асосий концепцияси сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

Икки поғонали банк тизимини ташкил этиш;

Давлатнинг ихтисослашган банкларини хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи молиялаштиришга ўтказиш;

Хўжалик юритувчи субъектларга янги банк хизматларини таклиф этиш, замонавий ҳисоб – китоб шаклларини ва кредит муносабатларини амалиётга жорий этиш масалалари шулар жумласидандир.

Банк тизимида 1987 йилда бошланган иқтисодий ислохатлар ва банкларни қайта қуриш натижасида уларнинг мулкчилик шаклида, хизмат кўрсатишида, кредит ва ҳисоб – китоб муносабатларида айрим ўзгаришлар содир бўлди. Лекин, банк тизимида принципиал аҳамиятга эга бўлган ижобий ўзгаришлар юз бермади. Давлат банки кредит ресурсларини марказлашган ҳолда монополь тақсимловчи муассаса сифатида ўз мавқиеини деярли йўқотмади. Натижада, собиқ иттифоқ тузуми даврида 1988 – 1989 йилларда банкларни ислох қилишнинг иккинчи босқичи бошланди. Ушбу даврда дастлабки акциядорлик тижорат банклари вужудга кела бошлади.

Ўзбекистон 1991 йилда мустақилликка эришгандан сўнг, мамлакатда халқаро банк амалиётидаги каби ҳақиқий икки поғонали банк тизими ташкил топиши йўлида қатъий қадамлар қўйилди. «1991 йилнинг ўзидаёқ «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонунга кўра, эски Давлат банкининг республика идораси базасида мустақил Ўзбекистоннинг Марказий банки ташкил этилди ва унга республика давлат, эмиссион ва резерв банки мавқие берилди»⁶¹.

Мамлакат банк тизимининг асосий бўғини Марказий банк ҳисобланади. Марказий банк бевосита мижозларга банк хизматларини кўрсатмайди, айрим давлат ташкилотлари бундан мустасно. Барча мамлакатларда Марказий банкларнинг бажарадиган вазифалари ва функциялари деярли бир хил бўлиб, улар турли мамлакатларда турли номда юритилиши мумкин. Хусусан, ҳозирги кунда, бизга маълумки, дунёнинг

⁶¹ Ўзбекистон Республикаси банк тизими. Ф.Муллажонов таҳрири остида. –Т.: «Ўзбекистон» нашриёти, 2001й. 34 – бет.

турли мамлакатларида ушбу банклар “марказий банк”, “халқ банки”, “эмиссион банки”, “миллий банки”, “захира банки”, “давлат банки” тарзида юритилади.

Масалан, АҚШда Федерал захира тизими, Англияда Англия банки, Европада Европа Марказий банки, Ўзбекистонда Марказий банк, Қозоғистонда Миллий банк ва ҳоказо. Марказий банкларнинг вужудга келиш тарихига эътибор қаратадиган бўлсак, улар мамлакатда пул муомаласини тартибга солиб турувчи молиявий муассаса сифатида вужудга келди.

Маълумки, дастлабки банклар, янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, тижорат банклари мустақил равишда қоғоз пулларни эмиссия қилган. Албатта, бу маълум давр давомида мамлакатда пул муомаласини ташкил қилиш, ҳисоб – китобларни амалга ошириш ва муомала жараёнини ташкил этишда ўзининг ижобий натижасини бериб келган. Бироқ, вақт ўтиши билан тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган қоғоз пулларнинг ҳажми ва тури жуда кўпайиб кетган. Бу ўз навбатида пулларнинг кадрсизланишини, айрим ҳолларда тижорат банкларининг банкрот ҳолатига тушиб қолиши иқтисодиётда пул муомаласини бузилишига ва бошқа қатор салбий ҳолатларни вужудга келишига сабаб бўлган.

Буларнинг барчаси мамлакатда пул эмиссиясини марказлашган ҳолда амалга ошириш ва пул муомаласини тартибга солиш зруриятини келтириб чиқаради. Бу ўз навбатида тижорат банклари базасида Марказий банкларнинг вужудга келишига сабаб бўлди, Марказий банкларнинг вужудга келиши давлатга пул эмиссиясини марказлашган ҳолда амалга ошириш ва пул муомаласини тартибга солиш имкониятини берди.

Масалан, АҚШда 1836 ва 1860 йилларда 2500 дан ортиқ штат банклари ташкил этилиб, уларнинг 100 дан ортиғи биринчи ўн йил ичида ёпилиб кетган. Шу даврда банклар мустақил равишда муомалага пул чиқариш ҳуқуқига эга бўлиб, муомалада уларнинг 5500 дан ортиқ турли пул белгилари амал қилган. Банкларнинг стихияли равишда пул муомаласини ташкил этиши, умумий назоратнинг мавжуд эмаслиги уларни инқирозга юз

тутишига, аҳолининг ишончини пасайишига, муомаладаги пулларнинг кадрсизланишига сабаб бўлган, шунингдек, пулнинг тўлов воситаси функциясини бажармаслик ҳолатлари тез – тез содир бўлиб турган. Бу компания ва фирмаларнинг молиявий йўқотишларига сабаб бўлган. Жумладан, 1862 йилда банкларнинг инқирозга юз тутиши натижасида АҚШнинг йирик компания ва фирмалари 100 млрд АҚШ долларидан ортиқ зарар кўрган. Буларнинг барчаси АҚШ ҳукумати томонидан тижорат банклари ва пул муомаласи устидан тегишли назоратни амалга ошириш заруриятини келтириб чиқарган, натижада 1913 йилда АҚШ Федерал захира тизими ташкил этилиб, ушбу банкка ягона эмиссия ҳуқуқи ва тижорат банклари фаолиятини лицензиялаш вазифаси юклатилган⁶².

Иқтисодий адабиётларда, дастлабки Марказий банк 1650 йилда Швециянинг Стокгольм шаҳрида ташкил этилганлиги қайд қилинган⁶³. Ушбу банк олтин тангалар асосида депозит сертификатларини муомалага чиқарган, мазкур депозит сертификатлари бутун швеция ҳудудида тўлов воситасини бажарган бўлиб, тақдим қилувчига олтин танга берилиши билан кафолатланган.

Дастлабки эмиссион банк 1694 йилда Англия банки сифатида ташкил этилган бўлиб, ушбу банк муомалага пулларни эмиссия қилиш ва банкларнинг тижорат векселларини рўйхатга олиш билан шуғулланган⁶⁴.

Миллий иқтисодиётнинг ривожланиши, мамлакатлар ўртасида халқаро савдо ва ҳисоб – китобларнинг ривожланиши Марказий банклар зиммасига қўшимча вазифаларни юклаш заруриятини келтириб чиқарди. Энди Марказий банклар эмиссион банк вазифасини бажаришдан ташқари мамлакатда кредит муассасалари фаолиятини тартибга солиш, иқтисодиётда пул – кредит сиёсатини амалга ошириш билан шуғулланади.

⁶² Compton, Eric N. Principles of banking. Library of Congress. Printed in the USA. Fourth edition, 1991. pp. 8 – 9.

⁶³ Деньги, кредит, банки: учебник. /кол. авт.: под ред.засл.деят. науки РФ, д.э.н. проф. О.И.Лаврушина. – 5 – е изд., стер. –М.: КНОРУС, 2007. –С. 403.

⁶⁴ Деньги, кредит, банки: учебник. /кол. авт.: под ред.засл.деят. науки РФ, д.э.н. проф. О.И.Лаврушина. – 5 – е изд., стер. –М.: КНОРУС, 2007. –С. 403.

Давлат мамлакат миллий валютасини муомалага чиқариш, уни тартибга солиш, кредит муассасалари фаолиятини назорат қилиш, ҳисоб – китобларни ташкил этиш билан боғлиқ қатор қонунларни қабул қилди. Шу тарзда давлат кредит муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва пул муомаласини амалга ошириш бўйича барча ишларни тўлиқ ўз қўлига олди.

Марказий банкларнинг ташкил топиш шаклига эътибор қаратадиган бўлсак, улар давлат капитали асосида ташкил топган марказий банклар (Буюк Британия, Европа иттифоқи, Россия), акциядорлик шаклидаги марказий банклар (АҚШ, Италия), аралаш капитал иштирокида марказий банклар (Япония, Бельгия) кўринишида вужудга келган.

Айрим марказий банклар дастлаб акциядорлик шаклида ташкил топиб, кейинчалик давлат томонидан миллийлаштирилган. Таъкидлаш жоизки, марказий банклар қандай шаклда ташкил топган бўлишидан қатъий назар, улар ўз вазифаларини давлат билан ўзаро келишув ва унинг сиёсатига ҳамоханг тарзда олиб боради. Айниқса, уларнинг ўзаро яқинлиги мамлакатлар ўртасида иқтисодий алоқаларнинг ривожланишининг замонавий босқичида жуда чуқурлашди.

Марказий банк давлат билан жуда яқин алоқада фаолият юритсада, мамлакатда пул – кредит сиёсатини амалга оширишда давлатдан мустақил бўлиши муҳим ҳисобланади. Агар давлат Марказий банкларнинг пул – кредит сиёсатига бевосита аралашса, уларга пул – кредит сиёсатини амалга ошириш бўйича зарур даражадаги мустақилликни бермаса мамлакат миллий валютаси ва пул муомаласи барқарорлигини таъминлашда қатор муаммолар вужудга келади. Шу жиҳатдан, Марказий банклар иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан мустақил ҳисобланади, уларнинг давлатга боғлиқлиги ёки мустақиллиги турли мамлакатларда турличадир. Одатда мамлакат парламентида ҳисобдор бўлган Марказий банклар кўпроқ мустақил ҳисобланади (АҚШ, Россия, Ўзбекистон), мамлакат Молия вазирлигига ҳисобдор бўлган Марказий банклар мустақилиги нисбатан пастроқ ҳисобланади, дунёда бундай банклар кўпчиликни ташкил этади.

Марказий банк пул – кредит сиёсатини амалга оширишда у ёки бу даражада давлатдан мустақил бўлгани билан ўзининг пул – кредит сиёсати орқали ҳукуматнинг ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш режасини, сиёсатини қўллаб – қувватлашга бевосита ва билвосита масъул ҳисобланади. Шундай экан, Марказий банк томонидан амалга оширилаётган пул – кредит сиёсати ҳукуматнинг макроиқтисодий даражадаги сиёсатини амалга ошириш нуқтаи назаридан ишлаб чиқилиши ва амалиётга жорий этилиши лозим бўлади.

Марказий банк мазкур жараёнида амалга оширишда ўзининг қатор функцияларини бажариш орқали иштирок этади. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, Марказий банкларнинг асосий мақсади мамлакат миллий валютасининг барқарорлигини таъминлашдан иборат. Улар ушбу вазифани бажариш учун қатор функцияларни бажаради, ушбу функция ва вазифалар давлатнинг Марказий банк тўғрисидаги қонунида белгилаб қўйилади.

Саноати ривожланган шаҳарларда Марказий банклар асосан тўртта функцияни бажаради:

банкноталар эмиссияси;

пул – кредит муносабатларини тартибга солиш;

банкларнинг банки;

ҳукумат банки.

Банкноталарни эмиссия қилиш Марказий банкнинг энг асосий ва дастлабки функцияларидан бири ҳисобланади. Маълумки, муомаладаги пул массаси ҳажмини ошириш ёки камайтириш айнан Марказий банкнинг банкнотларни эмиссия қилиш функцияси билан боғлиқ бўлиб, унинг ҳажми иқтисодиётдаги пул массасининг ҳажми билан белгиланади. Яъни, иқтисодиётдаги пул массаси ва товар массаси ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таъминланиши миллий валютанинг барқарорлиги ва тўлов қобилиятининг мустаҳкамлигига бевосита ва билвосита таъсир қилади.

Марказий банкнинг пул – кредит муносабатларини тартибга солиш функциясининг асосий мақсади миллий валютанинг барқарорлигини

таъминлашга қаратилган бўлиб, ушбу функция қатор пул – кредит инструментлари орқали амалга оширилади.

Ушбу инструментлар сифатида:

- тижорат банкларига нисбатан ўрнатилган мажбурий захира сиёсати;
- тижорат банкларини қайта молиялаш сиёсати (ҳисоб ставкаси);
- очиқ бозордаги сиёсати;
- валюта ва депозит сиёсатларини келтириш мақсадга мувофиқ.

Марказий банк *банкларнинг банки* сифатида мамлакатдаги барча кредит муассасаларига лицензия беради ва уларни қайтариб олади, шунингдек, тегишли иқтисодий меъёрлар асосида кредит муассасалари фаолиятини тартибга солиб, уларнинг устидан тегишли назоратни амалга оширади.

Марказий банк *ҳукуматнинг банки* функциясини бажаришда асосий эътибор ҳукуматнинг олтин ва валюта захираларини сақлаш ва уларни тасарруф қилиш, шунингдек, давлат бюджети тақчиллигини қоплаш мақсадида тегишли молиявий ёрдамни (кредит) беришга қаратилади.

Хулоса қилиб айтганда, Марказий банкларнинг вужудга келиши ва уларнинг фаолиятини ташкил этилиши ижтимоий – иқтисодий жараён бўлиб, дастлабки Марказий банклар тижорат банклари базасида ташкил топган, уларнинг фаолияти ва бажарадиган функциялари доимий равишда такомиллашиб келмоқда.

11.2. Ўзбекистон Марказий банки, мақсади ва вазифалари

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг, собиқ иттифоқ давлат банки базасида Ўзбекистон Республикасининг икки поғонали банк тизими ташкил этилди. Шу даврдан бошлаб, унинг биринчи поғоносида Марказий банк, иккинчисида эса кредит муассасалари (тижорат банклари, кредит

уюшмалари, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар) фаолият юрита бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мустақилликнинг дастлабки йиларида ўз фаолиятини “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонун асосида амага оширди. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, етмиш йилдан ортиқ марказдан режалаштириш шароитида фаолият юритиб келган банк тизимининг мақсади, мажбурияти, вазифалари ва ишлаш тартиби янгида ташкил этилган икки поғонали банк тизиминикидан тубдан фарқ қилар эди. Шу жиҳатдан ҳам унинг базасида ташкил этилган банк тизими олдида жуда катта ва масъулиятли вазифалар турар эди. Хусусан, мамлакатда иқтисодий жараёнларни тўхтатмаган ҳолда бозор иқтисодиёти шароитига асосланган кредит муассасалари тизимини ташкил этиш, муомалага миллий валютани жорий этиш, собиқ иттифок республикалари билан узоқ йиллардан бери давом этиб келган ҳисоб – китобларни амалга ошириш ва бошқа қатор вазифалар шулар жумласидандир.

Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Марказий банкининг ташкил этилиши, унинг мамлакатда пул муомаласини тартибга солиш ва кредит муассасалари фаолияти устидан назоратни амалга ошириши билан боғлиқ вазифалари доимий равишда такомиллашиб, ривожланиб замонавий халқаро банк андозаларига ўтиб бормоқда.

Марказий банк иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлган, юридик мақомга эга ташкилот ҳисобланади. Марказий банк ўз даромадлари ҳисобидан харажатларни амалга оширади. Агар унинг харажатлари даромадларга нисбатан кўп бўлса, ушбу фарқ (зарар) давлат бюджети ҳисобидан қоплаб берилади. Ҳисобот йилининг охирида Марказий банк ихтиёрида қолган ортиқча маблағ (фойда) тўлиғича давлат бюджети ҳисобига ўтказиб берилади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Марказий банки ташкил топганидан буён ҳисобот йилини молиявий зарар билан қопламаган, аксинча ҳисобот

йилнинг сўнггида жуда катта миқдордаги маблағни давлат бюджетига ўтказиб келмоқда.

Марказий банкнинг асосий даромад манбалари сифатида тижорат банкларига бериладиган қайта молиялаш ҳисобидан оладиган фоизлар, ҳукуматнинг олтин ва валюта захираларини тасарруф этишдан оладиган фоизлар, тижорат банкларидан иқтисодий меъёрларни бузганлиги учун ундирадиган жарималари, тижорат банклари электрон тўлов тизимидан фойдаланганликлари учун тўлайдиган тўловлари ва бошқа манбаларни келтириш мумкин.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ташкил этилган Ўзбекистон Марказий банки қисқа муддат ичида банкларнинг банки сифатида жуда катта ишларни амалга оширди, шунингдек, унинг фаолияти такомиллашиб ва ривожланиб борди. Бунинг натижасида унинг фаолиятини амалга ошириш, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиладиган алоҳида ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш зарурияти вужудга келди. Натижада 1995 йил 21 декабрда “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Ушбу қонун 9 та бўлим ва 60 та моддадан иборат бўлиб, Марказий банкнинг мақсади, мажбурият ва ҳуқуқларини белгилайди, шунингдек, Марказий банкнинг барча фаолият турлари мазкур қонунда аниқ ва равшан қилиб белгилаб қўйилди.

Мазкур қонунга кўра, Марказий банк тижорат фаолияти билан шуғулланиши, хўжалик юритувчи субъектларга молиявий ёрдам кўрсатиши ва уларнинг капиталини шакллантиришда иштирок этиши таъқиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 30 - моддасига асосан Марказий банк ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бош бошқармалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг муассасалари барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан озод қилинади, ягона ижтимоий тўлов бундан мустасно.

Марказий банк мамлакат банкларининг банки ҳисобланиб, тўғридан –

тўғри аҳоли ва мижозларга банк хизматларини кўрсатмайди. “Марказий банк тўғрисида”ги Қонуннинг 31 – моддасида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно. Унга кўра Марказий банк, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва шартларда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, уларнинг муассасалари ва ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, шунингдек, ўзининг ҳузуридаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг асосий ҳисобварақларига хизмат кўрсатиш бўйича банк операцияларини амалга ошириши мумкин.

Марказий банкнинг бош мақсади миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашдан иборат бўлиб, ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

монетар сиёсатни ҳамда валютани тартибга солиш соҳасидаги сиёсатни шакллантириш, қабул қилиш ва амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасида ҳисоб – китобларнинг самарали тизимини ташкил этиш ва таъминлаш;

банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва гаровхоналар фаолиятини лицензиялаш ҳамда тартибга солиш, банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва гаровхоналарни назорат қилиш, қимматли қоғозлар бланкалари ишлаб чиқаришни лицензиялаш;

Ўзбекистон Республикасининг расмий олтин – валюта резервларини, келишувга биноан ҳукумат резервларини қўшган ҳолда, сақлаш ва тасарруф этиш;

мамлакатда ягона эмиссион орган вазифасини амалга оширади.

Марказий банк ўтган йил фаолиятини мустақил аудитор ташкилотлар текширувидан кейин ҳисоботни кейинги йилнинг 15 майидан кечиктирмасдан Олий Мажлис Сенати кўриб чиқиши учун тақдим этади ва ҳисобот беради.

Марказий банкнинг олий органи унинг Бошқарувидир. Бошқарув

Марказий банк сиёсати ва фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб беради, банкни бошқаради. Бошқарув ўн бир кишидан иборат бўлади. Бошқарув таркибига Марказий банк Раиси, унинг ўринбосарлари, шунингдек, банкнинг асосий бўлинма раҳбарлари киради.

Бошқарувнинг мажлислари ойига камида бир марта ўтказиб турилади, бошқарув мажлисида қуйидаги масалалар кўриб чиқилади ва ҳал этилади:

монетар сиёсатнинг асосий йўналишларини, шу жумладан, Марказий банкнинг очик бозордаги операциялари кўлами, Марказий банкнинг ҳисоб ва ссуда беришдаги фоиз ставкалари ҳамда банкларнинг Марказий банкдаги мажбурий резервлари нормасини белгилайди;

Марказий банкнинг норматив ҳужжатларини тасдиқлайди;

Марказий банкнинг халқаро ташкилотлардаги иштироки масаласини ҳал қилади;

банкнотлар ва тангаларнинг номинал қиймати ва намуналарини, шунингдек, пул белгиларини муомаладан чиқариш шартларини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига бериладиган ссудалар миқдори ва шартларини тасдиқлайди;

банклар учун иқтисодий нормативларни ва кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ҳамда гаровхоналар учун молиявий операциялар ўтказиш қоидаларини тасдиқлайди, шунингдек уларга риоя этилишини кўриб чиқади;

банк фаолияти билан шуғулланиш учун лицензиялар бериш ва уларни чақириб олиш тўғрисида қарорлар қабул қилади, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва гаровхоналар фаолияти, шунингдек қимматли қоғозлар бланкалари ишлаб чиқариш лицензияланишини амалга оширади;

Марказий банкнинг ташкилий тузилмасини белгилайди;

Марказий банк муассасалари ҳамда корхоналарини ташкил этади, қайта тузади ва тугатади;

Марказий банк харажатлари ва даромадлари сметасини тасдиқлайди;

Марказий банкнинг йиллик ва молия ҳисоботларини кўриб чиқади;

Марказий банкнинг таркибий бўлинмалари, муассасалари ва корхоналари раҳбарларини тасдиқлайди;

Марказий банк таркибий бўлинмалари, унинг муассасалари ва ташкилотлари раҳбарларининг ҳисоботлари ҳамда маърузаларини тинглайди;

Марказий банк ходимларини ишга ёллаш, ишдан бўшатиш, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини, шунингдек уларнинг кредитлар олиши ва акциялар сотиб олиши тартибини қонун ҳужжатларига мувофиқ белгилайди;

Марказий банк ваколати доирасидаги бошқа масалаларни кўриб чиқади ва ҳал қилади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Марказий банки мамлакат банкларининг банки ҳисобланиб, миллий валютанинг барқарорлигига, кредит муассасаларининг молиявий жиҳатдан барқарор фаолият юритишига масъул бўлган давлатнинг молиявий ташкилоти ҳисобланади.

11.3. Марказий банкнинг пул – кредит сиёсати

Марказий банкнинг бош мақсади миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашдан иборат бўлиб, ушбу мақсадни амалга ошириш учун қатор вазифаларни бажаради. Ушбу вазифалар ичида энг муҳимларидан бири унинг пул – кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳисобланади.

Пул – кредит сиёсатининг қатор усуллари мавжуд бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

- *тижорат банкларига нисбатан ўрнатилган мажбурий захира сиёсати;*
- *тижорат банкларини қайта молиялаш сиёсати (ҳисоб ставкаси);*
- *очиқ бозордаги сиёсати;*
- *валюта ва депозит сиёсати.*

Иқтисодий адабиётларда ва халқаро банк амалиётида Марказий банкларнинг пул – кредит сиёсати монетар сиёсат, монетар инструментлар

тарзида ҳам юритилади. Бироқ, Марказий банкнинг пул – кредит сиёсати қандай тарзда юритилишига қарамасдан, уларнинг мақсади битта масалага, яъни мамлакат миллий валютасининг барқарорлигини таъминлашга қаратилади.

Халқаро банк амалиёти ва ҳўжалик юритиш тажрибасидан маълумки, миллий валюта сотиб олиш қобилиятининг тушиб кетиши иқтисодиётда инфляция даражасининг ошишига ва мамлакатда ишсизлик даражасининг пасайишига олиб келади ва аксинча. Яъни, инфляция даражасининг пасайиши эса мамлакатда ишсизлик даражасининг ошишига олиб келади.

Марказий банк айнан шу иқтисодий жараённи миллий иқтисодиётга салбий таъсир этмайдиган даражада ушлаб туриш ва миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш учун пул – кредит сиёсати усуллари амалиётга жорий этади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг пул – кредит сиёсати “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонуннинг 23 – моддасига биноан келгуси йил учун мамлакат монетар сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида ишлаб чиқилади.

Хусусан, ушбу сиёсат:

- иқтисодий конъюнктуранинг таҳлили ва истиқбол кўрсаткичларини;
- муомалада бўлган пул массасининг иқтисодий жиҳатдан асосланган чегараларини;
- пул массаси йиллик ўсиш суръатининг аниқ мақсадли кўрсаткичларини, шу жумладан, Марказий банк ички активларининг ўзгаришини;
- валюта ҳамда фоиз сиёсатининг асосий йўналишларини;
- пул – кредит соҳасини тартибга солишга доир ҳаракатларнинг аниқ мақсадли асосий кўрсаткичларини ўз ичига олади.

Тижорат банкларига нисбатан ўрнатилган мажбурий захира сиёсати. Марказий банкнинг пул – кредит сиёсатини асосийларидан бири тижорат банкларига ўрнатган мажбурий захиралар сиёсати ҳисобланади.

Марказий банк ушбу сиёсати орқали, биринчидан банкларнинг ресурсларини чегаралаши натижасида иқтисодиётда пул массасини тартибга солади, иккинчидан банк иқтисодий жихатдан тўловга лаёқатсиз ҳолатига тушиб қолган пайтда, қисман бўлсада унинг мижозларининг манфаатларини ҳимоя қилади.

Тижорат банклари мажбурий заҳираларга маблағни «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» ги Қонуннинг 28 – моддаси, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ги Қонуннинг 24 – моддасига асосан Марказий банк томонидан 2000 йил 25 мартда ишлаб чиқилган «Банклар томонидан Марказий банкда мажбурий заҳираларни депонентлаш тартиби тўғрисида» ги 449 – сонли Низом асосида ўтказди.

Мажбурий заҳираларнинг объектлари бўлиб, тижорат банклари томонидан жалб қилинган маблағлари ҳисобланади. Банклар чет – эл валютасидаги маблағлар, жисмоний шахслар депозитлари, депозит ва жамғарма сертификатлари, ипотека облигациялари чиқариш йўли билан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан заҳираларни амалга оширмайди.

Банклар ёки уларнинг филиаллари ҳар бир ой бошлангандан сўнг уч иш куни мобайнида Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармасига банк раҳбари ва бош бухгалтери имзолаган мажбурий заҳиралар ҳисоб – китобини тақдим этади. Бунда банкнинг жалб қилинган маблағларининг ҳажми ошиши натижасида захирага қўшимча ўтказиш ёки жалб қилинган маблағлар ҳажмининг камайиши натижасида олдин захирага ўтказилган сумманинг бир қисмини қайтариш зарурлиги кўрсатилади.

Марказий банкнинг ҳудудий Бошқармалари ҳар ойнинг 8 – кунигача банклар томонидан мажбурий заҳираларни депонентлашга доир талаблар бажарилиши тўғрисида ҳисоб – китобни Марказий банкка тақдим этади.

Тижорат банкида мажбурий заҳиралар суммаси 10309 – «Марказий банкдаги мажбурий захира ҳисобварағи» да ҳисобга олинади. Марказий банкда эса ушбу сумма 21312 – ҳисобварақда юритилади.

Марказий банк ўз фаолиятини бошлагандан буён мамлакатда самарали мажбурий захиралар сиёсатини олиб бормокда, бунинг натижасида тижорат банкларининг жалб қилинган маблағларига нисбатан ўрнатилган мажбурий захираларининг меъёри пасайиб бориш тенденциясига эга бўлган.

Тижорат банкларини қайта молиялаш сиёсати (ҳисоб ставкаси).

Бозор иқтисодиётининг доимий равишда ривожланиб ва такомиллашиб бориши иқтисодиётда қўшимча пул ресурсларига бўлган талабни келтириб чиқаради. Тижорат банклари хўжалик юритувчи субъектларининг молиявий ресурсларига бўлган талабини иқтисодиётда вақтинчалик бўш пул маблағларини ўзига жалб қилиш орқали қондиради.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ушбу талабининг ўз вақтида ва паст кредит фоизлари асосида таъминланмаслиги мамлакат иқтисодиётининг ривожига салбий таъсир кўрсатади. Албатта, бу жараёни иқтисодиётда пул тақчиллиги сифатида ҳам изоҳлаш мумкин. Бир жиҳатдан, иқтисодиётда вужудга келган пул тақчиллиги миллий валютанинг инфляция даражасини пасайишига олиб келади, лекин иқтисодиётда пул тақчиллиги даражасининг ортиб бориши ишлаб чиқариш суръатининг пасайиши ва ишсизлик даражасининг ошиши каби хавфли ижтимоий – иқтисодий тангликни келтириб чиқаради. Марказий банк айнан мана шундай ижтимоий – иқтисодий хавфни тижорат банкларининг қўшимча молиявий ресурсларга бўлган талабини ўзининг қайта молиялаш сиёсати орқали бартараф этади. Яъни, Марказий банк тижорат банкларига арзон молиявий ресурсларини бериши орқали иқтисодиётда пул массаси ва товар массаси ўртасидаги мувозанатни таъминлайди.

Демак, Марказий банк қайта молиялаш сиёсати орқали мамлакатдаги пул ресурслари бозоридаги фоиз ставкасига таъсир этиб, миллий валютанинг барқарорлигини мустаҳкамлайди. Чунки қайта молиялаш ставкасининг пасайтирилиши иқтисодиётда пул массасининг ортишига, аксинча унинг оширилиши эса тижорат банкларининг пул ресурсларига бўлган талабини

камайиши натижасида иқтисодиётда пул массасининг пасайишига олиб келади.

Марказий банк қайта молиялаш ставкаси орқали фақат пул бозорига эмас, балки мамлакат фонд бозорига ҳам таъсир ўтказади. Қайта молиялаш ставкасининг ортиши пул бозоридаги депозит маблағларнинг фоизини ва банк кредити фоизининг ошишига олиб келади. Пул бозорида депозит маблағларнинг ва банк кредити фоизининг ортиши ўз навбатида фонд бозорида қимматли қоғозларга бўлган талабнинг пасайишига ва уларнинг таклифини ортишига олиб келади. Чунки пул бозорида депозит маблағларга тўланадиган фоизлар миқдорининг ортиши пул бозори иштирокчиларини тўғридан – тўғри молиялаштиришга бўлган манфаатдорлигини оширади.

Марказий банкнинг қайта молиялаш сиёсати тарихидан.

Марказий банк мустақилликнинг дастлабки йилларида ўзининг қайта молиялаш ставкасидан инфляцияга қарши курашда асосий қуроллардан бири сифатида фойдаланди. Миллий валюта муомалага киритилган пайтда қайта молиялаш ставкаси йилига 150 фоизни ташкил этар эди. Аммо миллий валютани муомалага киритилгунгача бўлган даврда инфляциянинг инерция кучи шу даражада катта эдики, тезда қайта молиялаш ставкасининг бу даражада етарли эмаслиги маълум бўлиб қолди. Инфляцияни камайтириш борасида янада қатъийроқ сиёсат юритиш мақсадида Марказий банк 1994 йил октябр ойидан бошлаб қайта молиялаш ставкасини 150 фоиздан 225 фоизгача кўтарди. 1995 йил феврал ойида 250 фоизгача оширилган бўлса, март ойидан бошлаб 300 фоиз этиб белгиланди*.

Инфляция даражасининг анчагина камайтирилиши Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини ҳам аста – секин тушириб бориши учун замин яратди. 1996 йили қайта молиялаш ставкаси 50 фоизни ташкил этган бўлиб, кейинчалик пасайиб бориш тенденциясига эга бўлган. Хусусан, 2003 йил 16 июлда 24%, 2003 йил 10 сентябрда 20%, 2004 йил 5 июлда 18%, 2004 йилда 12 январда 16%, 2006 йил 15 июлда 14%, 2011 йил 1 январда 12% белгиланди**.

* Ўзбекистон Республикаси банк тизими. Ф.Муллажонов таҳрири остида. – Т.: «Ўзбекистон» нашриёти, 2001й. 59 – 60 – бетлар.

** Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг эълон қилинган маълумотлари асосида тайёрланди.

Очиқ бозордаги сиёсати. Марказий банкнинг очиқ бозордаги сиёсати – бу давлатнинг облигациялари, хазина векселлари ва бошқа қимматли қоғозларини юридик ва жисмоний шахсларга сотиши ва сотиб олиши билан

боғлиқ операцияларидир. Марказий банк давлатнинг ва ўзининг қимматли қоғозларини сотиш орқали иқтисодиётда пул массасини пасайтиради. Бу ўз навбатида миллий валютанинг сотиб олиш қобилиятини мустаҳкамлаш ва инфляция даражасининг пасайишига олиб келади.

Марказий банк сотилган қимматли қоғозларни қайта сотиб олиш орқали муомаладаги пул массасининг ошишига ва тижорат банкларининг қўшимча пул ресурсларига бўлган эҳтиёжини қондиришга замин яратади.

Марказий банк ҳозирги кунда Давлатнинг қисқа муддатли облигацияларини ва ўзининг облигацияларини муомалага чиқариш орқали очик бозордаги операцияларини амалга оширади. Марказий банк ушбу операция орқали тижорат банкларининг ликвидлилигига ва қимматли қоғозларнинг фоиз ставкасига таъсир қилади. Марказий банк облигациялари ва давлатнинг қимматли қоғозларини сотиш иқтисодиётда пул массасини камайтиради, уларни муомаладан қайтариб сотиб олиш эса тескари натижани беради.

Марказий банкнинг очик бозордаги операциялари орқали пул – кредит сиёсатини амалга оширишнинг самарали усулларида бири ҳисобланиб, мамлакатнинг пул ва фонд бозорига бевосита таъсир кўрсатади, шунингдек, миллий иқтисодиётда муҳим аҳамият касб этади.

Марказий банк ва ҳукумат томонидан чиқариладиган қимматли қоғозлар энг аввало таъминланганлиги ва фоизининг нисбатан юқорилиги уларнинг жозибадорлигини оширади ва юридик ҳамда жисмоний шахсларни сотиб олишга ундайди.

Шунингдек, ушбу қимматли қоғозларга фонд бозорларида талабнинг юқорилигини таъминлашга эришиш, уларни сотиб олувчиларнинг ликвидли активларининг ҳажмини ортишига хизмат қилади. Шу боис, инвесторларда қўшимча маблағларга зарурият туғилганда уларни фонд бозорларида қийинчиликларсиз сотиш орқали талабини қондириш имкониятига эгадирлар.

Шу билан бирга, очик бозордаги операциялар ўзининг заиф жихатларига ҳам эга. Биринчидан, иқтисодиётда инфляциянинг мавжудлиги юридик ва жисмоний шахсларда давлатнинг ва Марказий банкнинг қимматли қоғозларини сотиб олишга бўлган манфаатдорлигини тушириб юборади. Иккинчидан, қимматли қоғозларнинг қайтариш муддати етиб келганда уларга тўланадиган фоизлар билан қайтариб сотиб олиниши мамлакатда дастлабки пул массасини ортишига олиб келади, қимматли қоғозларга тўланаётган фоизларнинг ҳажми товарлар билан таъминланмаган бўлса иқтисодиётда баҳо ва инфляция даражасининг ошишига замин яратади.

Ҳукумат томонидан чиқарилган қимматли қоғозлардан тушган маблағлар асосан давлатнинг стратегик аҳамиятга эга бўлган вазифаларини бажаришга ва бюджет тақчиллигини қоплашга йўналтирилади. Давлат бюджетининг тақчиллигини ноинфляцион қоплаш манбаси бўлган қисқа муддатли облигациялар (ДҚМО) 1996 йил март ойидан муомалага чиқарилди.

Марказий банк 1998 йил январдан бошлаб иккиламчи бозорда давлатнинг қисқа муддатли облигацияларини сотиш ва сотиб олиш операцияларини ўткази бошлади⁶⁵.

Марказий банкнинг очик бозордаги операциялари «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Давлат қисқа муддатли облигациялари билан РЕПО битимларини амалга ошириш тўғрисида» муваққат Низом, «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг юридик шахслар учун облигацияларини чиқариш ва улар муомаласи тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг жисмоний шахслар учун облигацияларни чиқариш ва улар муомаласи тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банкларга ломбард кредити бериш тартиби тўғрисида низом» ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида тартибга солинади.

⁶⁵ Ўзбекистон Республикаси банк тизими. Ф.Муллажонов таҳрири остида. –Т.: «Ўзбекистон» нашриёти, 2001й. 62 – бет.

Валюта ва депозит сиёсати. Марказий банк валюта сиёсатининг асосий мақсади миллий валюта курсининг хорижий мамлакатлар валютаси курсига бўлган нисбатининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган. Марказий банк ўзининг ваколати доирасида ҳукумат билан ҳамкорликда давлатнинг валюта муносабатлари бўйича сиёсатининг асосий йўналишларини белгилайди. Мамлакатда валюта сиёсатининг жорий ва келгуси даврдаги ҳолати юзасидан ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқади. Буларнинг ичида энг асосийлари сифатида мамлакатнинг тўлов баланси, ҳукуматнинг валюта муносабатлари бўйича ички ва ташқи пул – кредит сиёсати ва миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини аниқлашнинг тартибини таъкидлаш мумкин.

Марказий банк валюта сиёсатини олиб боришда қуйидаги асосий вазифаларни бажаради:

Тижорат банкларига хорижий валюталарда операцияларни амалга ошириш учун бир маротабалик ва Бош лицензияларни беради ҳамда қайтариб олади;

Ваколатли тижорат банкларининг ўзлари ва мижозлари номидан чет эл валюталарини сотиш ва сотиб олишнинг миқдорини, яъни очиқ валюта позицияларини белгилайди.

Очиқ валюта позицияси деганда, банкнинг тегишли чет эл валютасидаги активларини унинг мажбуриятидан ортиқчалиги (узун валюта позицияси) ёки ушбу активларнинг мажбуриятдан пастлиги (қисқа валюта позицияси) тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси валюта бозорида чет эл валюталарини сотиш ва сотиб олишни тартибга солиб боради;

Тижорат банкларида чет эл валютаси ва тўлов ҳужжатлари ҳамда бошқа қимматликлар бўйича касса операцияларини ташкил этиш ва амалга оширишнинг тартибини белгилайди;

Ваколатли банкларда норезедентларнинг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги ҳисоб – варақларининг юритиш тартибини белгилайди;

Ваколатли банкларда резидент ва норезедент (юридик ва жисмоний шахс)ларга чет эл валютасида ҳисобварақларни очиш ва юритиш тартибини белгилайди;

Ўзбекистон Республикасида корхона ва ташкилотларнинг чет эл валюталарини қабул қилиш, ҳисобга олиш, сақлаш ва касса интизомига риоя этишни тартибга солади;

Инвестицион лойиҳаларни эркин валюталарда кредитлашнинг тартибини белгилайди.

Марказий банк валюта сиёсатини амалга оширишда валюта интервенциясидан кенг миқёсда фойдаланди. *Валюта интервенцияси* –бу Марказий банкнинг миллий валюта курси ва пулнинг ялпи таклиф ва талабига таъсир этиши учун молия бозорида чет эл валютасини сотиш ва сотиб олиш билан боғлиқ операциясидир.

Марказий банк **депозит сиёсати** орқали мамлакат ресурс бозори, тижорат банклари депозит сиёсати ва депозит операциялари ҳолатига таъсир кўрсатади. Одатда Марказий банк тижорат банклари депозит операциялари бўйича фоиз ставкаларининг энг юқори даражасини белгилайди. Шунингдек, тижорат банклари депозит сиёсатини ишлаб чиқиш, депозит сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича асосий мезонларни аниқлаб беради.

Бобга оид саволлар

Банк тизимининг моҳияти.

Бозор иқтисодиёти шароитидаги банк тизимининг ташкил топиши ва таркиби.

Дастлабки Марказий банкларнинг вужудга келишига сабаб бўлган омиллар.

Ўзбекистонда икки поғонали банк тизимининг ташкил топиши ва ривожланиши.

Марказий банкнинг функциялари.

Мустақилликкача бўлган даврда банк тизимида амалга оширилган ислохатларнинг мақсади ва йўналишлари.

Марказий банкнинг ҳуқуқий мақоми ва иқтисодий фаолияти.

Марказий банкнинг бош мақсади ва асосий вазифалари.

Марказий банкнинг ягона эмиссион орган сифатидаги вазифаси

Марказий банкнинг кредит муассасалари фаолиятини тартибга солишдаги вазифалари.

Марказий банкнинг пул – кредит сиёсати усуллари ва унинг мақсади.

Марказий банкнинг мажбурий захиралар сиёсати.

Марказий банкнинг қайта молиялаш сиёсати.

Марказий банкнинг очиқ бозордаги сиёсати.

Бобга оид тестлар

1. *Бозор иқтисодиёти шароитида банк тизими асосан қандай таркибий тузилишга эга?*

А. Банк тизими бир бўғиндан иборат бўлади.

Б. Банк тизими икки бўғиндан иборат бўлади.

В. Банк тизими уч бўғиндан иборат бўлади.

Г. Банк тизими тўрт бўғиндан иборат бўлади.

2. *Ўзбекистонда икки поғонали банк тизимининг шаклланиши қандай даврга тўғри келади?*

А. 1980 – 85 йилларга.

Б. 1987 – 90 йилларга.

В. 1991 – 1992 йилларга

Г. 1993 – 1994 йилларга

3. *Ўзбекистонда ҳақиқий икки поғонали банк тизими қачон ташкил топди?*

А. Мустақилликдан олдин 1988 – 89 йилларда.

Б. Мустақилликка эришгандан сўнг, 1991 йилда.

В. Миллий валюта муомалага киритилгандан сўнг

Г. Марказий банк тўғрисидаги қонун қабул қилингандан сўнг

4. Дастлабки Марказий банк қаерда ва қачон ташкил топган?

А. АҚШда, 1913 йилд.

Б. Англияда, 1621 йилда.

В. Стокгольмда, 1650 йилда.

Г. Римда, 1652 йилда.

5. Дастлабки эмиссион банклар қаерда ва қачон ташкил этилган?

А. Германияда, 1652 йилда.

Б. Англияда, 1694 йилда.

В. Стокгольмда, 1650 йилда.

Г. АҚШда, 1752 йилда.

6. Дастлабки Марказий банклар мулкӣ жиҳатдан қандай шаклда ташкил топган?

А. Давлат капитали шаклида, хорижий капитал шаклида, аралаш капитал шаклида.

Б. Хусусий капитал шаклида, акциядорлик капитали шаклида, аралаш капитал шаклида.

В. Давлат капитали шаклида, акциядорлик капитали шаклида, аралаш капитал шаклида.

Г. Кредит маблағлари ҳисобига, акциядорлик капитали шаклида, аралаш капитал шаклида.

7. Марказий банкнинг асосий мақсади қандай жавобда тўғри келтирилган?

А. Тижорат банкларига кредит бериш ва уларнинг фаолиятини назорат қилишдан иборат.

Б. Муомалага пул бирликларини эмиссия қилиш ва уларни муомаландан қайтариб олишдан иборат.

В. Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашдан иборат.

Г. Ҳукуматнинг олтин – валюта захираларини сақлайди.

8. Марказий банкнинг функциялари қандай жавобда тўғри ва тўлиқ келтирилган?

А. Пул – кредит муносабатларини тартибга солиш, мамлакатда банкларнинг банки ва ҳукумат банки функцияларини бажаради.

Б. Банкноталар эмиссия қилиш, мамлакатда банкларнинг банки ва ҳукумат банки функцияларини бажаради.

В. Банкноталар эмиссия қилиш, Пул – кредит муносабатларини тартибга солиш, мамлакатда банкларнинг банки ва ҳукумат банки функцияларини бажаради.

Г. Банкноталар эмиссия қилиш, Пул – кредит муносабатларини тартибга солиш ва ҳукумат банки функцияларини бажаради.

9. Марказий банкнинг пул – кредит сиёсати усуллари қандай жавобда нотўғри келтирилган?

А. Тижорат банкларига нисбатан ўрнатилган мажбурий захира сиёсати.

Б. Тижорат банкларини қайта молиялаш сиёсати (ҳисоб ставкаси).

В. Банкларнинг фаолиятини лицензиялаш.

Г. Очиқ бозордаги сиёсати.

10. Марказий банк қачон ва кимга ҳисобот тақдим этади?

А. Кейинги йилнинг 15 майидан кечиктирмасдан Молия вазирлигига тақдим этади.

Б. Кейинги йилнинг 15 майидан кечиктирмасдан Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.

В. Кейинги йилнинг 15 майидан кечиктирмасдан Президент девонига тақдим этади.

Г. Кейинги йилнинг 15 майидан кечиктирмасдан Олий Мажлис Сенатига тақдим этади.

12 – БОБ

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ

12.1. Тижорат банклари ва уларнинг ташкил топиши

Тижорат банклари мамлакат банк тизимининг иккинчи бўғинидаги молиявий муассаса ҳисобланади. Қонунчилик ҳужжатлари ва иқтисодий адабиётларда тижорат банклари жамиятдаги вақтинчалик бўш пул маблағларини жалб қилиб, ушбу маблағларни тегишли шартлар (тўловлилик, қайтаришлик, муддатлилик, таъминланганлик, мақсадлилик) асосида иқтисодиётнинг турли тармоқларига жойлаштирадиган, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларга тўлов ҳисоб – китобларни амалга ошириш бўйича хизмат кўрсатадиган тижорат ташкилотлари сифатида таснифланади.

Замонавий шароитда тижорат банклари жисмоний ва юридик шахсларга 300 дан ортиқ банк хизматларини кўрсатади. Уларнинг мижозлар билан амалга ошириладиган барча муносабатлари тижорат асосида ташкил этилади. Бундан кўриниб турибдики, тижорат банкларининг фаолияти тижоратга асосланган бўлиб, уларнинг асосий фаолияти юқори даражада фойда олишга йўналтирилади. Бироқ, тижорат банклари ишлаб чиқариш корхоналаридан фарқли ўлароқ, ўз фойдасини қўшимча қиймат ишлаб чиқариш ҳисобидан эмас балки, корхона, ташкилотлар ва аҳоли ихтиёридаги вақтинчалик бўш пул маблағларини тегишли шартлар асосида жалб қилиб, ушбу маблағларга эҳтиёжи мавжуд бўлган шахсларга тижорат йўсинда бериш орқали фойдасини шакллантирадиган ўзига хос молиявий муассаса ҳисобланади.

Ўзбекистонда тижорат банкларининг ташкил этилиши бевосита мустақиллик йилларига тўғри келади. Мамлакатимиз мустақилликка эришгунга қадар “банк тизимини фақатгина бир неча банклар, яъни СССР Давлат банки, Ташқи иқтисодий фаолият банки, Қурилиш банки ва Давлат

меҳнат омонат жамғармалари кассалари мавжуд бўлиб, иттифоқдош республикаларда ушбу банкларнинг республика, вилоят идоралари ва туман бўлимлари фаолият кўрсатар эди⁶⁶”.

Ўзбекистонда дастлабки тижорат банкларини ташкил этилишининг ҳуқуқий асоси бўлиб 1991 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Банklar ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуни хизмат қилди.

Албатта, мамлакатимизда бозор муносабатларининг такомиллашуви ва иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви натижасида тижорат банклари мақоми, капитали ва фаолиятига қўйилган талаблар доимий равишда ўзгариб бормоқда. Буларнинг натижаси ўлароқ, Ўзбекистон Республикасининг “Банklar ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунининг янги таҳрирдаги матни 1996 йил 25 апрелда қабул қилинди. Мазкур қонун мамлакатимиз банк тизими, хусусан тижорат банкларини ташкил топиши ва ривожланишига мустаҳкам ҳуқуқий база бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда ташкил этилган дастлабки тижорат банки Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ҳисобланади. Кейинчалик, “1994 – 1995 йилларда ихтисослаштирилган “Асака” банк (автомобил саноатини қўллаб қувватлаш учун), “Ғаллабанк” (ғалла етиштиришни молиялаштириш учун), “Пахтабанк” (қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб – қувватлаш учун) яқка хўжаликларни қўллаб – қувватлаш учун “Тадбиркор” тижорат банки ташкил этилди”⁶⁷.

Ўзбекистонда тижорат банклари фаолиятига лицензия бериш, уларнинг фаолиятини назорат қилиш ва тўхтатиш Марказий банк зиммасига юклатилган бўлиб, тижорат банкларини ташкил этишда асосий омиллардан бири уларнинг устав капиталига қўйилган талаб ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз тижорат банклари капиталининг минимал миқдорига

⁶⁶ Ўзбекистон Республикаси банк тизими. Ф.Муллажонов таҳрири остида. –Т.: «Ўзбекистон» нашриёти, 2001й. 73 – бет.

⁶⁷ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2 – том. –Т.: “Ўзбекистон”, 1996. 16 – 17 – бетлар.

қўйилган талаб доимий равишда ошиб бормоқда. Қуйидаги жадвалда бу ҳақда маълумотлар келтирилган.

Жорий этилган сана	Тижорат банклари учун	Чет эл капитали иштирокида очилаётган банклар учун	Хусусий банклар учун
1.01.1998 й.	1,5 млн. АҚШ дол. эквивалент.	5 млн. АҚШ дол. эквивалент.	0,3 млн АҚШ дол. эквивалент.
1.01.2000 й.	2,5 млн.	5,0 млн.	0,3 млн.
1.01.1999 й.	2,5 млн.	5,0 млн.	1,25 млн.
1.01.2005 й.	5,0 млн.	5,0 млн.	2,5 млн.
1.01.2008 й.	5,0 млн.Евро эквивалент.	5,0 млн.Евро эквивалент.	2,5 млн.Евро эквивалент.
1.01.2011 й.	10,0 млн.	5,0 млн.	5,0 млн.

Тижорат банклари капиталининг минимал миқдorigа қўйилган талаб 2008 йил 1 январгача АҚШ доллари эквивалентида амалга оширилган бўлса, 2008 йил 1 январдан бошлаб евро эквивалентида жамғарилиши жорий этилди. Таъкидлаш жоизки, тижорат банклари ўз фаолиятини дастлаб бошлаётган даврда капиталнинг минимал миқдорини шакллантирилиши зарур бўлади. Тижорат банклари Марказий банкдан лицензия олиб, фаолиятини бошлагандан сўнг эса капиталнинг ушбу минимал миқдорини доимий равишда ошириб боришлари лозим бўлади, капитални оширишнинг асосий мезони сифатида уларнинг рискка тортилган активлари ҳисобланади. Ҳозирги пайтда ушбу даража умумий капиталга нисбатан 0,1 коэффициентда, асосий капиталга нисбатан эса 0,05 коэффициентда бўлиши талаб этилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари акциядор мулкчиликлари шаклида ташкил этилади. Бу борада 1998 йил 2 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик – тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида” Фармони қабул қилинди. Ушбу фармонга кўра, тижорат банкларини бошқаришда акциядорларнинг ва банк Кенгашларининг роли оширилди. Қуйидаги расмда

тижорат банклари ташкилий тузилишининг намунавий кўриниши келтирилган.



1-расм. Тижорат банкларининг таркибий тузилиши намунавий кўриниши.

Тижорат банклари фаолияти унинг бошқарув органлари томонидан амалга оширилади. Банкнинг бошқарув органи қуйидагилар ҳисобланади:

- акциядорлар умумий йиғилиши;
- банк Кенгаши (кузатув кенгаши);
- банк Бошқаруви.

Акциядорлар умумий йиғилиши банкнинг олий бошқарув органи ҳисобланади. Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлоқ ваколатига кирувчи масалалар банк Кенгаши ёки Бошқарувига топширилмайди. Банк Кенгашининг миқдорий таркиби устав ёки акциядорлар умумий йиғилиши қарорига кўра белгиланади. Акциядорлар сони 500 гача бўлган очик турдаги акциядорлик жамияти шаклидаги банкларнинг банк Кенгаши миқдорий

таркиби камида беш аъзодан, 501 дан 1000 гача бўлган банкларда камида етти аъзодан ва 1000 дан ортиқ бўлган банкларда камида 9 аъзодан иборат бўлиши лозим.

Ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти шаклидаги банкларнинг банк Кенгаши аъзолари умумий сони акциядорлар сонидан қатъи назар бештадан кам бўлмаслиги керак.

Ўзбекистонда тижорат банкларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини назорат қилиш Марказий банки бошқаруви томонидан 1998 йил 9 сентябрда тасдиқланган "Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисида"ги 22 – сонли Низом асосида амалга оширилади. Мулкчилик шаклидан қатъий назар мамлакатимиздаги барча тижорат банклари мазкур низомга асосан ташкил этилади ва тугатилади.

Марказий банк тижорат банкларига банк операцияларини амалга ошириш учун лицензия бериш юзасидан қарор қабул қилишда асосий омил бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- бизнес режанинг мақбуллиги;
- капиталнинг адекватлиги;
- даромадлиликнинг келгуси истиқболлари;
- кўзда тутилаётган раҳбарнинг малакаси ва обрў – эътибори;
- банкни очиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг амалдаги қонунчиликка мувофиқлиги;
- монополияга қарши чоралар.

Дастлаб ташкил этилаётган банкларнинг устав капиталида банкларнинг иштирок этишига йўл қўйилмайди, хорижий капитал иштирокидаги банклар ва шуъба банкларни ташкил этиш ҳоллари бундан мустасно.

Ташкил этилаётган банкнинг устав капиталида бир акциядорнинг улуши йигирма фоиздан ортса Марказий банкдан олдиндан розилик олиниши лозим. Бир акциядор ёки ўзаро боғланган акциядорлар гуруҳининг тижорат банки устав капиталидаги улуши устав капитали умумий миқдорининг 25 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Янгидан ташкил этилаётган тижорат банкларининг муассислари молиявий жихатдан барқарор бўлишлари лозим. Муассисларнинг молиявий барқарорлиги қуйидаги омиллар билан белгиланади:

баланснинг ноликвидлиги;

тўловга қобилиятсизлик ёки банкротлик;

юримдик шахс расмий равишда банкрот деб эълон қилинишидан катъи назар унинг пасивлари активларидан ошиб кетиши;

юримдик шахс тақдим этган шахс зарур ҳолларда устав капиталини ошира олмаслигини кўрсатса;

банкда мулк сотиб олиниши кўзда тутилиши натижасида банкка ёки унинг омонатчиларига молиявий хавф солиниши мумкинлигини кўрсатувчи бошқа ҳоллар маълум бўлса.

Тижорат банкларини ташкил этишда барча шахслар ҳам иштирок этиши мақсадга мувофиқ келмайди. Бундай шахслар таркибига:

банкротликка учраган юримдик шахснинг собиқ раҳбарлари, бошқаруви ва кузатув кенгаши аъзолари ёки йирик иштирокчиси ва юримдик шахснинг банкротлиги уларнинг ҳаракатлари оқибатида юзага келганлиги фактлари маълум бўлса;

ўзининг ишбилармонлик ва шахсий хаттиҳаракатида ишларни нотўғри бошқариш ва виждонан юритиш мумкин эмаслигини намоёиш қилган шахслар.

оффшор ҳудудларда рўйхатга олинган норезидент юримдик шахслар;

давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий бошқарув органлари, жамоат бирлашмалари, жамоат фондлари, бюджетдан ташқари фондлар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари, агар бошқа ҳолат қонунларда кўзда тутилмаган бўлса.

Янгидан ташкил этилаётган тижорат банклари қуйидаги таъсис ҳужжатларини Марказий банкка тақдим этиши лозим:

а) муассислар томонидан имзоланган ва уларнинг муҳрлари билан тасдиқланган таъсис шартномаси;

б) муассис – акциядорлар йиғилиши томонидан тасдиқланган ва банк Кенгаши раиси томонидан имзоланган банк устави;

в) таъсис йиғилишининг баёни. Бу ҳужжатда банкни ташкил этиш, устав капитали миқдори, устав ва бизнес – режани тасдиқлаш, банк Кенгаши, тафтиш комиссияси ва бошқарувини сайлаш тўғрисидаги қарор бўлиши лозим.

Мустақилликка эришгандан ҳозирги кунгача бўлган даврда турли мулк шаклидаги қатор банклар ташкил этилди, уларнинг асосий қисми мамлакатимиз молия – кредит бозорида самарали фаолият юритиб келмоқда. Мамлакатимизда бозор муносабатларининг такомиллашуви ва иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви натижасида уларнинг айримларини мақоми ўзгартирилди, айримлари бошқа банкларга қўшилиб ёки умуман фаолиятини тўхтатди. 2010 йил 1 январ ҳолатига мамлакатимизда жами 30 та тижорат банклари ташкил этилган бўлиб, уларнинг учтаси давлат банки, бештаси хорижий капитал иштирокидаги қўшма банклар, 13 таси хусусий банклар, қолганлари акциядорлик тижорат банклари ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банклар иқтисодиётнинг муҳим молиявий “қон томирлари” ҳисобланиб, уларнинг фаолиятини ташкил этиш ва назорат қилиш мамлакатнинг тегишли қонун ва меъёрий ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Мамлакатимизда бу борадаги жараён доимий равишда ривожланиб ва такомиллашиб бормоқда.

12.2. Тижорат банкларининг пассив операциялари

Тижорат банклари асосан жамиятдаги вақтинчалик бўш пул маблағларни жалб қилиш ва ушбу маблағларни тегишли мақсадларга жойлаштириш орқали тегишли фойдани шакллантиради. Банкларнинг вақтинчалик бўш пул маблағларини жалб қилиш билан боғлиқ операциялари пассив операциялар ҳисобланади. Банкларнинг пассив операциялари тегишли харажатлар эвазига амалга оширилади.

Демак, тижорат банклари пасив операциялари натижасида молиявий ресурсларни шакллантиради. Ресурслар иккита йирик манба: жалб қилинган маблағлар ва ўз маблағларидан иборат. Ресурслар банк балансининг пасивида ҳисобга олиб борилади. Тижорат банклари баланси пасивининг асосий улушини мажбуриятлар (жалб қилинган маблағлар) ташкил этиб, улар жами банк ресурслари таркибида 85–90 фоиздан иборат бўлади.

Мажбуриятларни муддати ва вужудга келиш манбасига қараб: –барқарор ва –бекарор маблағларга, улар учун тўланадиган харажатлар миқдоридан келиб чиқиб: –арзон ва –қиммат маблағларга ажратиш мумкин.

Жалб қилинган маблағларнинг манбаси:

Депозитлар

Чақириб олингунча сақланадиган депозитлар;

Муддатли депозитлар;

Жамғарма депозитлар.

Халқаро банк амалиётида банк ресурслари таркибида депозит маблағлар, айниқса муддатли депозитлар асосий улушни ташкил этади. Банк ресурслари таркибида муддатли депозитлар улушининг юқорилиги банкларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга ва тўловга лаёқатлилигини таъминлашга бевосита ижобий таъсир кўрсатади.

Таъкидлаш лозимки, республикамиз тижорат банклари ресурслари таркибида муддатли маблағларнинг улуши ўсиб бориш тенденциясига эга бўлиб, ушбу кўрсаткич 2001 йил 1 январь ҳолатига тахминан 7 – 8 фоизни ташкил этгани ҳолда, 2008 йил 1 январь ҳолатига 17 фоизга, 2010 йилда 35 – 40 фоиз яқин даражани ташкил этган.

Депозитсиз маблағлар

Банклараро кредит ресурслари;

Ҳукумат ҳисобварақларидаги вақтинча бўш маблағлар;

Тижорат банкларидан олинган ресурслар;

Бошқа маблағлар.

Банкларнинг депозит бўлмаган маблағлари таркибида молия бозоридан жалб қилинган банклараро кредит ресурслари асосий салмоқни эгаллайди. Банклараро кредитлар асосан қисқа муддатли характерга эга бўлиб, одатда ушбу кредитларни бериш ва олиш жараёни ўзининг тезкорлиги билан муҳим аҳамиятга эга. Ушбу жараён бўйича асосий операциялар банкларнинг вакиллик ҳисобварақлари доирасида амалга оширилади. Яъни, тижорат банклари ўзаро келишувга эришганда маблағлар вакиллик ҳисобварақлари орқали ўтказиб берилади. Шу билан бирга, ушбу кредитлар тижорат банклари учун нисбатан арзон ва муддати жиҳатидан «узун» маблағлар ҳисобланади.

Халқаро банк амалиётида банкларнинг депозит бўлмаган ресурслари таркибида асосий йирик манбалардан бири қимматли қоғозлар ҳисобланади. Банклар молиявий ресурсларни шакллантириш мақсадида акция, облигация, депозит ва жамғарма сертификатларни муомалага чиқаради. Шунингдек, тижорат банклари узоқ муддатли ресурсларини шакллантиришда ипотека ва субординар қимматли қоғозлари муҳим ўрин тутди. Банкларнинг қимматли қоғозларни муомалага чиқариш орқали ресурсларни шакллантириш билан боғлиқ операцияларини иккита гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ.

Биринчи гуруҳга, тижорат банклари устав ва қўшимча капиталини шакллантириш мақсадида акция ва субординар қимматли қоғозларни муомалага чиқариш бўйича операциялари, иккинчи гуруҳга эса қисқа ва узоқ муддатли ресурсларга бўлган эҳтиёжини қоплаш учун облигация ва ипотека қимматли қоғозлари, депозит ва жамғарма сертификатлари билан боғлиқ операциялари киради.

Акция ва сертификатларнинг бозор баҳоси банкларнинг ушбу бозордаги фаолиятини баҳоловчи иқтисодий кўрсаткич ҳисобланади. Тижорат банклари акциялари ва сертификатларнинг бозор баҳоси ортиб бориши уларнинг олди–сотдисига ижобий таъсир кўрсатади. Кўпчилик ҳолларда тижорат банклари ўз акциялари ва сертификатларининг иккиламчи

қимматли қоғозлар бозоридаги баҳосини ошириш мақсадида инвестицион компаниялар орқали инвестор сифатида ҳам майдонга чиқиши мумкин.

Тижорат банклари акциялари ва сертификатларнинг бозор баҳоси молия бозоридаги мавжуд талаб ва таклиф асосида ўрнатилади. Акция ва сертификатларнинг номинал ва бозор баҳоси ўртасидаги фарқ ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Агар ушбу фарқ ижобий бўлса, тижорат банклари молиявий жиҳатдан барқарор ва рақобатбардош эканлигидан далолат беради. Мазкур ҳолат банкларнинг қимматли қоғозлар орқали ресурсларини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

Тижорат банклари акция ва сертификатларининг баҳосига таъсир қиладиган асосий омиллардан бири уларга тўланадиган дивиденд ва фоиз тўловлари ҳисобланади. Акция ва сертификатларга тўланадиган тўловлар миқдорининг юқорилиги ва барқарорлиги банкларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги эмитент нуфузини оширишга бевосита таъсир қилади. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай фаолиятнинг асосида иқтисодий фойда олиш ётади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тижорат банклари қимматли қоғозлар бозоридаги эмитент, инвестор ёки воситачи сифатидаги иштирокига иқтисодиётдаги инфляция даражаси бевосита таъсир қилади. Шу боис, банклар қимматли қоғозлар бозорида, айниқса эмитент сифатида қатнашганида инфляция даражасини инобатга олиши лозим.

Тижорат банклари маблағлари иккинчи йирик манбасини уларнинг капитали ташкил этади. Банк капитали таркибида устав капиталининг ташкил топиши ва барқарорлиги жиҳатидан муҳим молиявий манба бўлиб ҳисобланади.

Ўз маблағлари манбаси:

Умумий капитал

Асосий (биринчи даражали) капитал:

Устав капитали;

Эмиссион даромад;

Махсус захиралар;

Тақсимланмаган фойда.

Қўшимча (иккинчи даражали) капитал:

Жорий йилнинг соф фойдаси;

Қайта баҳолаш захираси;

Субординациялашган қарз мажбуриятлари;

Шўъба корхоналарга қилинган қуйилмалар.

Юқоридан кўриниб турибдики, тижорат банклари регулятив капитали биринчи ва иккинчи даражали капиталдан ташкил топади. Иқтисодий адабиётлар, меъёрий ҳужжатлар ва Базель андозаларига кўра биринчи даражали капитал асосий капитал сифатида ҳам эътироф этилади.

Тижорат банклари асосий (биринчи даражали) капитали халқаро Базель андозаларига асосан устав капиталининг тўланган қисми, муддатсиз некумулятив имтиёзли акциялар, эмиссион даромад, соф фойда ҳисобидан шакллантирилган захира суммалари ва ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан ташкил топади.

Тижорат банклари иккинчи даражали (қўшимча) капитали кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захиранинг рискка тортилган активлар миқдори 1,25 фоизидан ошиб кетмайдиган қисми, қайта баҳолаш захираси, субординациялашган қарз мажбуриятлари ва консолидациялашган шўъба корхоналарини ташкил этиш мақсадига йўналтирилган қўйилмаларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон тижорат банклари капиталининг таркиби ва унинг етарлилигига қўйилган талаблар Марказий банкнинг 1998 йил 2 ноябрда тасдиқланган 420–сонли «Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисида Низоми» асосида тартибга солинади.

Ўзбекистон тижорат банклари биринчи даражали капитали таркибига халқаро Базель андозаларидан фарқли ўлароқ, банкнинг устав капиталидаги валюта қисмига тенг бўлган валюта активларини қайта баҳоланиш ҳисобига ташкил этилган девальвация захираси алоҳида манба сифатида эътироф

этилади. Шунингдек, тижорат банкларининг жорий йилдаги соф фойдаси иккинчи даражали капитали таркибига киритилган.

Мазкур параграфнинг поёнида таъкидлаш мумкинки, тижорат банклари пассив операциялари натижасида актив операциялар учун зарур бўлган ресурсларни шакллантиради, банкларнинг пассив операциялари харажатларни келтириб чиқаради.

12.3. Тижорат банкларининг актив операциялари

Тижорат банкларининг актив операциялари – бу банкларнинг пассив операциялари натижасида шакллантирилган маблағларини иқтисодий жиҳатдан даромад (фойда) олиш мақсадида турли мақсадларга жойлаштириш ва ликвидлигини таъминлаш билан боғлиқ операциялардир. Тижорат банкларининг актив операциялари уларнинг фаолиятида жуда муҳим ҳисобланади. Чунки улар ушбу операциялар орқали даромадларни шакллантирадилар ва актив операциялар доимо маълум даражада риск, яъни қарздорнинг дефолти (тўловга қобилиятсизлик) билан боғлиқ бўлади.

Тижорат банклари актив операциялари иқтисодий моҳиятига кўра ссуда операциялари (кредитлаш), ҳисоб – китоб операциялари, касса операциялари, инвестиция ва фонд операциялари, валюта операциялари ва кафолатлар бериш билан боғлиқ операциялардан иборат.

Ссуда операциялари орқали банклар мамлакатдаги фаолият юритаётган мулкӣ шаклидан қатъий назар барча хўжалик субъектларига тегишли кредитларни беради. Маълумки, банк кредитлари бир йилгача – қисқа муддатли, бир йил ва ундан кўп даврга – узоқ муддатли кредитларга бўлинади.

Ҳисоб – китоб операцияларида банклар миқозларнинг топшириқларига асосан турли мақсадларга уларнинг ҳисобварақларини дебетлаш орқали ўтказади, шунингдек, ссуда операциялари ҳам бевосита кредит олувчининг ссуда ҳисобварағини дебетлаш орқали амалга оширилади.

Инвестиция операцияларида банклар хўжалик юритувчи субъектлар ва давлатнинг қимматли қоғозларига молиявий маблағларни жойлаштиради. Албатта ушбу операциялар банклар учун маълум даражадаги рискли операциялар ҳисобланиб, банкларнинг фойдасини шакллантиришга хизмат қилади.

Фонд операцияларида банклар қимматли қоғозлар билан операциялар бажариш билан бирга, фонд биржаларида олди – сотди қилинадиган қимматли қоғозлар ва векселлар билан операцияларни амалга оширади.

Банклар **касса операциялари** орқали мижозларга нақд пулларни бериш ва улардан нақд пулларни қабул қилиш билан боғлиқ ишларни амалга оширади.

Банкларнинг **валюта операциялари** бевосита хорижий мамлакатлар миллий валютасини олди – сотдиси билан боғлиқ операциялар ҳисобланиб, миллий валютанинг хорижий валюталарга нисбатан курсини ўзгариши ҳисобига фойда ёки зарар кўриши мумкин.

Банклар йирик ва юқори даражадаги тўлов қобилиятига эга молиявий муассаса сифатида компания, корпорация ва бошқаларга учинчи шахс сифатида **кафолатлар** бериши мумкин. Албатта, берилган кафолатлар эвазига банклар маълум даражадаги фойдани олишни режалаштиради.

Юқорида қайд эилганларга асосланиб, банкларнинг актив операцияларини тўртта гуруҳга ажратиш мумкин.

1.Эркин заҳиралар – бунга кассадаги нақд пуллар, Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварақларидаги қолдиқлар, бошқа кредит ташкилотларнинг вакиллик ҳисобварақларидаги маблағлар. Эркин заҳирлар юқори ликвидли маблағлар ҳисобланиб, банкка қисман ёки умуман даромад келтирмайди.

2.Берилган кредитлар ва депозит кўринишида бошқа молия муассасаларига, шунингдек Марказий банкка жойлаштирилган маблағлар.

3.Инвестициялар – бу банкнинг қимматли қоғозларга ва номоддий активларга, шунингдек пай кўринишида хўжалик фаолиятига йўналтирилган ресурслари.

4.Банкнинг ўзига (ички инвестициялар) моддий ва номоддий активларга йўналтирилган маблағлари. Бунга банк фаолиятини ташкил этиш учун зарур бўлган бинолар, жиҳозлар ва бошқа ускуналар киради.

Тижорат банкларининг даромади банкнинг 2 ва 3 гуруҳига кирувчи актив операциялари ҳисобидан ташкил топиб, банк активларининг риск даражаси қанча юқори бўлса, ушбу операциялардан келаётган даромадлар миқдори ҳам шунча юқори бўлади ва аксинча.

Демак, банкларнинг актив операциялари даромад келтириш даражасига қараб:

Даромад келтирадиган (кредит ва инвестициялар) активлар;

Даромад келтирмайдиган (эркин захиралар, моддий) активларга бўлинади.

Активлар Марказий банкнинг 2000 йил 26 апрелдаги 420 – сонли йўриқномасига асосан рискка тортилган даражасига қараб тўртта гуруҳга бўлинади.

Биринчи гуруҳга – рискдан озод бўлган активлар – 0;

Иккинчи гуруҳга –минимал риск даражасига эга активлар – 20;

Учинчи гуруҳга – ўрта риск даражасига эга активлар – 50;

Тўртинчи гуруҳга – юқори рискли активлар – 100.

Марказий банки бошқаруви томонидан 1998 ййил 9 сентябрда тасдиқланган 242 – сонли “Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан активлар сифатини таснифлаш, ссудалар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун ташкил этиладиган захирани шакллантириш ва ундан фойдаланиш” тартибига асосан банк кредитлари яхши кредитлар, стандарт кредитлар, субстандарт кредитлар, шубҳали кредитлар ва умидсиз кредитлар сифатида таснифланади.

Банк кредитларини таснифлашдан асосий мақсад уларни тўлиқ қайтаришини таъминлаш бўйича тегишли ишларни амалга оширишга қаратилади. Банк кредитлари “Яхши” деб таснифланганда уларда қайтарилмаслиги аломатлари бўлмайди, шу боис ушбу кредитлар бўйича

тегишли захиралар ажратилмайди. Фоизлар муддати ўтган ссудалар "Яхши" деб таснифланиши мумкин эмас.

Кредитлар "Стандарт" сифатида таснифланган активлар бўйича қайтарилмаган кредит суммасининг 10 фоизи миқдорида захиралар тузиши шарт.

"Субстандарт" сифатида таснифланган активлар бўйича банк асосий қарзнинг тўланмаган суммасининг 25 фоизига тенг бўлган захираларни шакллантириши лозим.

"Шубҳали" деб таснифланган активлар бўйича банк асосий қарз тўланмаган суммасининг 50 фоизи миқдорида захирани ташкил этиши шарт.

Банк томонидан берилган кредитлар камида 180 кунга кечиктирилганда булар "умидсиз" деб таснифланади. Умидсиз деб таснифланган активлар бўйича банк асосий қарзнинг тўланмаган суммасининг 100 фоизи миқдорида захиралар яратиши керак.

Банк активлари ликвидли, яъни тез нақд маблағга айлантириш имконияти бўлиши керак. Банк активлари ликвидлилик нуқтаи назаридан қуйидагиларга бўлинади:

Юқори ликвидли активлар – бевосита пул кўринишидаги маблағлар бўлиб, ушбу активлар исталган пайтда банк мабуриятини бажаришга йўналтирилиши мумкин;

Қисқа муддатли ликвидли активлар – қисқа муддатли кредитлар ва иккиламчи бозорга эга бўлмаган қимматли қоғозлар;

Қийин реализация қилинадиган активлар – ўрта ва узоқ муддатли кредитлар, иккиламчи бозорга эга бўлмаган қимматли қоғозлар, пай улушлари ва бошқалар;

Паст ликвидли активлар – банкнинг асосий воситаларига йўналтирилган маблағлар киради.

Хулоса қилиб айтганда, банкларнинг актив операциялари уларнинг фойдасини шакллантиришга хизмат қилиш билан бирга, маълум даражадаги рискларни вужудга келишига сабаб бўлади. Банклар актив операцияларни

бажаришда асосий эътиборни мавжуд рискларнинг даражасини пасайтириш орқали баланснинг ликвидлигини таъминлашга қаратади.

12.4. Тижорат банкларининг ноънанавий операциялари

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари мижозларнинг молиявий хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондириш ва фойда манбасини ошириш мақсадида қатор ноънанавий операцияларни бажаради. Бундай операциялар сирасига ***факторинг, кредит – ижара (лизинг), контокоррент (овердрафт), форфейтинг, траст*** каби операцияларни киритиш мумкин.

12.4.1. Факторинг операциялари

Факторинг операцияларида банклар товар сотиб олувчининг қарз хужжатларини сотиб олади, унда асосан учта томон иштирок этади.

Биринчиси, ***фактор – воситачи***, банкнинг факторинг операцияларини бажарувчи бўлими. Одатда, ривожланган мамлакатлар тажрибасида факторинг операцияларини амалга оширишга ихтисослашган факторинг компаниялари ташкил этиш амалиёти ҳам мавжуд.

Иккинчиси, ***мижоз (товар сотувчи ёки хизмат кўрсатувчи)***, фактор – воситачи билан контракт тузувчи саноат ёки савдо фирмаси.

Учинчиси, ***товар сотиб олувчи***.

Мижоз сотилган товар ёки кўрсатилган хизматлар учун олиниши лозим бўлган пул маблағини талаб қилувчи хужжатлар асосида “фактор – воситачи” билан факторинг операцияси бўйича шартнома тузади. Фактор – воситачи имзоланган факторинг шартномаси асосида, маълум комисион тўлов ҳисобига мижозга сотилган товар ёки кўрсатилган хизматларга тўловни амалга оширади. Соддароқ қилиб айтганда, фактор – воситачи мижоздан товар сотиб олувчига маблағларни тўлаш билан боғлиқ тўлов хужжатларни комисион тўлов асосида “сотиб олади”.

Фактор – воситачи мижоз билан факторинг операциясини имзолаётганда товар сотиб олувчининг молиявий ҳолатини оқилона баҳолаши жуда муҳим ҳисобланади. Агар сотиб олувчининг молиявий ҳолати ёмонлашиб, факторинг операцияси бўйича фактор – воситачи томонидан мижозга тўлаган суммани тўлай олмаса, ушбу зарар фактор – воситачининг гарданига тушади.

Иқтисодиётда факторинг операцияларни вужудга келишининг асосий омиллари сифатида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

- сотиб олувчи корхона ва ташкилотлар олинган товар ёки кўрсатилган хизматларга тўлаши лозим бўлган маблағларни ўз вақтида тўлаш имкониятларининг мавжуд эмаслиги. Бу қатор ижтимоий – иқтисодий оқибатлар туфайли вужудга келади;

- товар сотувчи ёки хизмат кўрсатувчи мижознинг ишлаб чиқариш жараёнини доимий равишда давом эттириб туриши учун молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжини таъминлашнинг зарурлиги;

- банкларнинг молиявий маблағлардан самарали фойдаланиш ҳисобига қўшимча фойдани шакллантиришга бўлган эҳтиёжининг мавжудлиги.

12.4.2. Кредит – ижара (лизинг)

Иқтисодий нуқтаи назардан, ***кредит – ижара (лизинг)*** мураккаб савдо – молия – кредит операцияларининг бир шакли ҳисобланади. Кредит – ижаранинг асосий хусусиятлари сифатида лизинг муддати давомида ижарага берилган воситаларга нисбатан эгалик ҳуқуқини сақлаб қолишдир. Унинг асосий шаклларида бири машина ва жиҳозларни ижарага бериш, асосий усулларида бири инвестицияларни молиялаштириш ва таъминотни фаоллаштириш ҳисобланади.

Кредит – ижара (лизинг) операциясида одатда уч томон иштирок этади:

ишлаб чиқарувчи (товар сотувчи), бўлажак лизинг берувчига тегишли машина ва жиҳозларни сотувчи юридик шахс;

лизинг берувчи, товар сотувчидан машина ва жиҳозларни сотиб олувчи, мулкнинг эгаси сифатида лизинг шартномасига асосан маълум муддатга ва тўлов эвазига машина ва жиҳозларни лизинг олувчига берувчи. Одатда, лизинг берувчи сифатида етарли даражада молиявий маблағга эга бўлган банклар, ихтисослашган лизинг компаниялари, корхоналар майдонга чиқади;

лизинг олувчи, лизинг шартномасига маълум муддат ва тўловга асосан машина ва жиҳозларни олувчи шахс.

Одатда, лизинг олувчи сифатида асосан юридик шахслар майдонга чиқади. Лизинг берувчи ва лизинг олувчи ўртасида тузилган шартномага кўра, лизингга олинган машина ва жиҳозларнинг шартнома муддати тугагандан сўнг лизинг берувчига қайтарилади ёки лизинг олувчининг ихтиёрида қолади. Лизинг ўзига хос бўлган шартнома ҳисобланади, унда ижара элементлари ва кредит элементлари мужассамлашади. Шу боис, лизинг сўзи “кредит – ижара” тарзида талқин этилади.

Лизинг иқтисодий моҳиятига кўра, кредит муносабатларига хос бўлиб, кредитнинг иқтисодий моҳияти ва элементларини ўзида акс эттирсада, кредит сифатида тўлиқ эътироф этилмайди. Чунки, кредитор ва қарздор капитал сифатида пул маблағи билан эмас, балки ишлаб чиқарувчи жиҳозлар воситасида ўзаро муносабатга киришади. Шу билан бирга, лизинг кредит ҳисобланиб, унда кредитнинг барча тамойиллари ўз аксини топади, шу жиҳатдан лизинг қиймат шаклидаги кредит кўринишида эмас, балки товар шаклидаги кредит сифатида намоён бўлади.

Иқтисодиётда лизингнинг қатор ижобий жиҳатлари мавжуд бўлиб, уларнинг асосийлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

– лизинг олувчи корхона ва ташкилотларда машина ва жиҳозларни сотиб олиш учун зарур бўлган молиявий маблағлар етишмовчилиги ёки мавжуд эмаслиги билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишга ижобий

таъсир кўрсатади. Айниқса, ўз фаолиятини янгидан бошлаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қиммат ва замонавий машина ва жиҳозларни сотиб олиш билан боғлиқ муаммоларни ечишга ёрдам беради. Бу иқтисодиётда ишлаб чиқаришни ташкил этишга ва бошқа қатор ижтимоий – иқтисодий зиддиятларни олдини олишда муҳим рол ўйнайди;

– ишлаб чиқарувчи томонидан ишлаб чиқарилган машина ва жиҳозларни сотиш билан боғлиқ муаммолар бартараф этилиши натижасида ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлиги таъминланади;

– лизинг берувчининг ихтиёридаги пул маблағлари самарали манбаларга жойлаштирилади ва бунинг натижасида маълум даражада фойда олиш имконияти вужудга келади.

12.4.3. Контокоррент операциялари

Банкларнинг ноаъанавий операцияларидан бири ***контокоррент операциялар*** ҳисобланади. Контокоррент (овердарфт) операцияларда миждозларнинг банклардаги талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварақлари бўйича маълум миқдорда дебет қолдиқ (овердрафт) қолишига рухсат берилади. Албатта, бу иқтисодий жараён банк ва миждоз ўртасида тегишли шартнома асосида расмийлаштирилади, контокоррент шартномасига биноан миждознинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварақларида маблағлар мавжуд бўлмаган ҳолда, унга тўловларни амалга ошириш учун тегишли суммани дебет қолдиғи ҳисобидан ўтказилишига йўл қўйилади.

Контокоррент (овердрафт) операцияларида миждознинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварағининг актив қисмида қолган қолдиқ асосида банк ҳисобига тегишли фоиз ҳисобланади. Миждоз томонидан сотилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун келиб тушган маблағлар унинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварағи тушиши орқали дебет қолдиқ (овердрафт) суммаси ёпилади.

Шу тариқа, банк ва мижоз ўртасида тузилган шартномада келишилган муддат давомида контокоррент (овердрафт) операцияси амалга оширилади. Унинг иштирокчилари банк ва банкнинг мижози ҳисобланиб, банк контокоррент (овердрафт) шартномасини тузаётганда мижознинг молиявий ҳолати, балансининг ликвидлиги ва бошқа мезонларига алоҳида эътибор қаратади. Бунда асосан банк билан узоқ йиллардан буён ҳамкорлик қилиб келаётган ва асосли тўлов қобилиятига эга бўлган ҳамда ишончли мижозлари юқори мавқиега эга бўлади.

Контокоррент (овердрафт) операцияларининг қатор афзалликлари мавжуд бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагилар ҳисобланади:

- мижознинг қисқа муддатли молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини таъминлайди ва қўшимча ҳужжатларни расмийлаштириш учун кетадиган вақт ва молиявий маблағларни тежаш имкониятини беради;

- банкларга молиявий маблағларни ишончли ва самарали мақсадларга жойлаштириш имкониятини бериш билан бирга, қўшимча фойда олишга шароит яратади.

12.4.4. Форфейтинг операциялари

Форфейтинг операциялари асосан йирик банклар ва компаниялар ўртасида узоқ муддатга, жуда катта миқдордаги молиявий маблағларни тўлашда қўлланиладиган операциялар ҳисобланади.

Форфейтинг операциясида, факторинг операциясидаги каби уч томон иштирок этади. Биринчиси, мол етказиб берувчи, иккинчиси, мол сотиб оловчи ва учинчиси, воситачи – банк ёки молиявий муассаса.

Форфейтинг операцияларининг факторинг операцияларидан асосий фарқи сифатида ушбу операциялар узоқ муддатга (6 ойдан 5 – 6 йилгача) ва йирик суммаларга тузилишини таъкидлаш мумкин.

Форфейтинг иқтисодий термени одатда мажбуриятни сотиб олиш маъносида қўлланилади, уни сўндириш товар ва хизматларни сотиб олиш

жараёнида келгусида юз беради. “a forfeit” сўзи французчадан вужудга келган бўлиб, “ҳуқукдан воз кечиш” маъносини англатади. Форфейтингда пул маблағини олишга талабгор бўлган сотувчи ўтказиладиган вексел инодассаментига⁶⁸ “тўловни қайтариш шартисиз” сўзини қайд этиш орқали тўлов регрессидан⁶⁹ ўзини ҳимоя қилади. Форфейтинг векслини сотувчи асосан йирик экспортерлар ҳисобланиб, улар векселни тўлов ҳужжати сифатида акцептлаб сотилган товар ёки кўрсатилган хизматларнинг суммасини дисконт асосида зудлик билан тўлаш ҳисобига барча риск ва мажбуриятлар билан биргаликда форфеттерга (яъни векселдаги суммани тўлаб берувчи ва ўзида қайд этиб боровчи банкка) ўтказилади.

Агар импортер биринчи даражали тўлов қобилиятига ва юқори молиявий мавқиега эга бўлмаса, ҳар қандай форфеттерланган қарз сумма авал⁷⁰ шаклида кафолатланган ёки чақириб олинмайдиган банк кафолатига эга бўлиши лозим.

Векселни форфеттерлаш пайтида ундаги сумма форфет кредити берилаётган тўлиқ муддатга дисконт асосида форфеттер томонидан аванс тарзида ушлаб қолинади. Экспортер форфет кредити бўйича ҳеч қандай мажбуриятни ўзига олмайди, фақатгина у жўнатаётган товарлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ва тузилаётган ҳужжатларнинг қонунийлиги ҳамда ҳақонийлигини таъминлашга масъул ҳисобланади.

Форфейтинг операцияларига мисол сифатида АҚШнинг Боинг самолётини ишлаб чиқарадиган компания билан йирик авиокомпаниялар ўртасидаги ўзаро олди – сотдиларни келтириш мумкин. Чунки, боинг самолётларининг баҳоси жуда юқори бўлиши авиокомпанияларга ушбу маблағларни бирдан тўлаш имкониятини бермайди, бироқ ўз навбатида ишлаб чиқарилган самолёт учун тегишли тўловни ололмаган самолётсозлик компаниясида ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлашда муаммолар вужудга келади. Айнан шу муаммо банкларнинг иштирокида

⁶⁸ Индоссамент – векселни бошқа шахсга ўтказиш ҳуқуқини берувчи орқа тарафидаги ёзув.

⁶⁹ Регресс – олдин тўланган суммани қайтаришни талаб этиш.

⁷⁰ Авал – вексел бўйича тўланмай қолган суммани тўлаб бериш ҳақида мажбуриятни олиш.

форфейтинг операциялари орқали ҳал этилади. Бундан банк самолётни сотиб олган авиакомпаниянинг боенг компанияси олдидаги мажбуриятларини сотиб олади (савдо траттаси, ўтказма ёки оддий вексел шаклида) ва тўловни бир йўла амалга оширади, келгусида эса банк ва авиакомпания ўртасида тузилган шартномага бўйича асосий сумма тегишли жадвал асосида, қўшимча фоиз тўловлари билан биргаликда ундириб борилади.

12.4.5. Траст операциялари

Халқаро банк амалиётида **траст операциялари** банклар миждозларнинг топширқларига асосан уларнинг мулкани бошқариш ёки ишончли вакил сифатида уларнинг номидан хизматларни бажарувчи шахс.

Тижорат банкларида траст – бўлимлари траст операциялари доирасида қуйидаги уч йўналишдаги ишларни бажаради:

- миждозларнинг васиятларига биноан уларнинг меросларини бошқараш;
- ишончли вакил сифатида хизматларни бажариш ва оталиққа олиш;
- агентлик (воситачилик) хизмати.

Миждозларнинг васиятларига биноан уларнинг меросларини бошқариш. Меросларни бошқаришда уларнинг асосий вазифалари суд қарорини олиш, мерос билан боғлиқ мол – мулкларни бутлиги ва ҳафсизлигини таъминлаш, маъмурий харажатларни амалга ошириш, қарзларни тўлаш ёки ундириш, мол – мулк билан боғлиқ солиқларни тўлаш ва васиятчининг меросхўрларига тегишли хизматларни кўрсатиш ва ёрдам бериш. Масалан, амалиётда бундай ҳолат мулкдорнинг фарзандлари вояга етмаганда эрта оламдан кўз юмуши натижасида вужудга келиши мумкин.

Миждознинг ишончли вакили сифатида ишларни бажариш ёки шартнома асосида вақтинчалик мол – мулкани бошқариш. Бу шаклдаги операциялар миждоз узок муддатга сафарга ёки жисмоний заифлиги

оқибатида ўзига тегишли мол – мулк (уй – жой, машина, уй ҳайвонлари ва бошқалар)ни бошқариш имкониятига эга бўлмаган ҳолатда юз беради.

Агентлик (воситачилик) хизмати.

қимматли қоғозларни сақлашга қабул қилиш;

қимматли қоғозлар бўйича даромадларни ундириш;

қимматли қоғозлар бўйича олинадиган даромадлар ҳақида бенефициарга маълумот бериб туриш;

муддати тугаган қимматли қоғозларни сўндириш;

қимматли қоғозларни сотиш ва сотиб олиш;

бенефициарнинг ҳисобварақлари бўйича тўловларни амалга ошириш;

суғурта полисларини расмийлаштириш;

сейфларни ижарага бериш.

Яқунловчи фикр сифатида таъкидлаш мумкинки, ҳар қандай иқтисодитда банкларнинг ноаъанавий операцияларини ривожланишига қатор омиллар таъсир қилади. Хусусан, миллий валютанинг хорижий валюталарга нисбатан курсининг барқарорлиги, реал инфляция даражасининг халқаро амалиётда умумқабул қилинган меъёрларини таъминланиши, банк тизимида аҳоли ва мижозларнинг мустаҳкамлиги кабилар шулар жумласидандир.

12.5. Тижорат банклари даромад ва харажатлари

Тижорат банкларининг даромади фоизли ва фоизсиз даромадлардан иборат. Тижорат банкларинининг даромадлари таркибида фоизли даромадлар асосий салмоқни эгаллайди. Даромадлар банк балансининг пассивида ҳисобга олиб борилади.

Тижорат банклари даромадларини манбалари турли – туман бўлиб, уларни қуйидаги тартибда гуруҳлаш мумкин.

Мулкый шаклидан қаътий назар юридик ва жисмоний шахсларга қисқа, ўрта ва узоқ муддатга сўмда ва хорижий валюталарда берилган кредитлар бўйича даромадлар.

Марказий банкдаги ва бошқа банклардаги вакиллик ҳисобварақлар бўйича даромадлар.

Қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича даромадлар.

Траст, лизинг, факторинг ва форфейтинг операциялари бўйича даромадлар.

Қимматбаҳо металллар билан амалга ошириладиган операциялар бўйича даромадлар.

Қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган РЕПО битимлари бўйича даромадлар.

Хорижий валюталар курсининг ўзгариши натижасида олинadиган даромадлар.

Берилган кафолатлар ва тижорат фаолиятидан олинadиган даромадлар.

Қарам хўжалик жамиятларига, қўшма корхоналарга ва шўъба хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялардан олинган фойда ва дивидендлар.

Маслаҳат ва воситачилик хизматларидан олинган даромадлар.

Бошқа даромадлар.

Тижорат банкларининг фоизли даромадлари асосан улар томонидан бераётган кредитлар ҳисобидан шаклланади.

Тижорат банкларининг харажати фоизли ва фоизсиз харажатлардан иборат бўлади. Харажатлар банк балансининг актив томонида ҳисобга олиб борилади.

Тижорат банклари ўз фаолиятини ташкил этиш жараёнида турли харажатларни амалга оширади, шу боис харажатларни моддалар бўйича гуруҳларга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Банкнинг молиявий ресурсларини шакллантириш ва унинг бевосита фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар. Ушбу харажатлар таркибига:

мижозларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварақларига харажатлар;

депозит сертификатлар, омонатлар ва акцияларга тўланадиган харажатлар;

бошқа банк ва банк бўлмаган ташкилотлардан олинган кредитлар бўйича харажатлар;

Марказий банкдан қайта молиялаш тарзида олинган ресурсларга тўланадиган харажатлар;

нақд пулларни олиб келиш, жўнатиш ва сақлаш билан боғлиқ харажатлар;

қимматли қоғозлар ва қимматли металлар билан боғлиқ операциялар бўйича тўланадиган харажатлар;

маҳаллий банкларнинг вакиллик ҳисобварақларига тўланадиган харажатлар;

хорижий банкларнинг «Лоро» вакиллик ҳисобварақларига тўланадиган харажатлар;

қайтарилмаган кредитлар бўйича харажатлар;

бошқа харажатлар.

Ходимларининг иш ҳақи, ижара ва бошқа маъмурий харажатлар:

иш ҳақи ва моддий ёрдам харажатлари;

суғурта ва бадалларга харажатлар;

ходимларни ижтимоий ҳимоя ва медицина харажатлари;

ижара, сув, электр энергия, таъмирлаш, қўриқлаш ва бошқа харажатлар.

3. Хизмат сафари, транспорт ва амортизация харажатлари.

банк ходимларининг хизмат сафари ва яшаш харажатлари;

транспорт ва ёқилғи харажатлари;

банк биноси ва бошқа иморатларига амортизация харажатлари;

транспорт, мебель ва бошқа жиҳозларнинг амортизация харажатлари;

номоддий активлар ва ижарага топширилган биноларга амортизация харажатлари;

солиқ тўловлари билан боғлиқ харажатлар;

бошқа харажатлар.

4. Банкнинг имиджини кўтариш ва хизматларининг турини кўпайтириш билан боғлиқ харажатлар:

реклама ва эълонларга қилинадиган харажатлар;

презентация ва бошқа тадбирларларни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар;

китоблар ва даврий нашрларга қилинадиган харажатлар,

ҳомийлик ва васийлик харажатлари;

бошқа харажатлар.

Тижорат банкларининг харажатлари таркибида асосий салмоқни юқорида келтирилган биринчи ва иккинчи гуруҳдаги харажат моддалари эгаллайди.

Тижорат банкининг юқори даражада фойдага эга бўлиши ва капиталнинг етарлилигини таъминланганлиги унинг иқтисодий жиҳатдан мустақамлигини англатади. Банкнинг юқори фойдага эга бўлиши унинг рақобатбардошлигини ва хизматларининг сифатини оширишга хизмат қилади. Капиталнинг етарлилигини таъминланганлиги эса банкнинг актив операцияларининг ҳажмини оширишга ва риск даражасини пасайтиришга бевосита ижобий таъсир кўрсатади.

Бобга оид саволлар

- 1.Тижорат банклари мамлакат банк тизимида қандай ўрин тутади?
- 2.Тижорат банклари фаолияти қандай мақсадга қаратилган?
- 3.Ўзбекистонда мустақилликкача бўлган даврда қандай банк тизими фаолият юритган ва мустақиллик даврида қандай ривожланди?
- 4.Тижорат банклари фаолияти қандай қонун билан тартибга солинади?
- 5.Ўзбекистонда қандай банк дастлабки тижорат банки ҳисобланади ва ундан кейин қандай тижорат банклари ташкил этилди?

6. Тижорат банклари минимал устав капиталига қўйилган талаб миқдори.

7. Тижорат банкларини лицензия олиш тартиби ва талаблари.

8. Тижорат банклари пассив операциялари моҳияти ва таркиби.

9. Банкларнинг барқарор ва беқарор маблағларининг моҳияти.

10. Тижорат банклари актив операциялари моҳияти ва таркиби.

11. Банкларнинг юқори ва паст riskли активлари.

12. Тижорат банклари ноаъанавий операциялари.

13. Тижорат банклари даромадлари.

14. Тижорат банклари харажатлари.

Бобга оид тестлар

1. Тижорат банклари мамлакат банк тизимининг нечанчи бўғинида фаолият юритади?

А. Биринчи бўғинида.

Б. Иккинчи бўғинида.

В. Учинчи бўғинида.

Г. Тўртинчи бўғинида.

2. Ҳозирги кунда тижорат банклари мижозларга неча турдан ортиқ хизматларини кўрсатади?

А. 100 дан ортиқ.

Б. 200 дан ортиқ.

В. 300 дан ортиқ.

Г. 400 дан ортиқ.

3. Тижорат банклари фаолиятини тартибга солувчи дастлабки қонун қачон қабул қилинган?

А. 1989 йил.

Б. 1991 йил.

В. 1993 йил.

Г. 1995 йил.

4. Тижорат банклари фаолиятини тартибга солувчи янги таҳрирдаги қонун қачон қабул қилинди?

А. 1996 йил 25 январ.

Б. 1996 йил 25 феврал.

В. 1996 йил 25 апрел.

Г. 1996 йил 25 июнь.

5. Акциядор ва хусусий тижорат банклари учун 2011 йил 1 январдан бошлаб минимал устав капитали қанчадан иборат қилиб ўрнатилган?

А. 5,0 млн ва 2,5 млн евро эквивалентида.

- Б. 8,0 млн ва 4 млн евро эквивалентида.
В. 10,0 млн ва 5 млн евро эквивалентида.
Г. 12,0 млн ва 6 млн евро эквивалентида.

6. Тижорат банклари ресурслари нечта йирик гуруҳга бўлинади?

- А. 2 та.**
Б. 5 та.
В. 7 та.
Г. 9 та.

7. Тижорат банклари рискли актив операциялари натижасида:

- А. – харажат қилишга мажбур бўлади;
Б. – даромад олади;
В. – маблағларни жалб қилади;
Г. – капиталини оширади.

8. Қуйидаги қандай операциялар банк учун юқори рискли актив операциялар ҳисобланади?

- А. Касса операциялари.
Б. Кредит операциялари.
В. Асосий воситалар билан боғлиқ операциялар.
Г. Миждозлар билан боғлиқ операциялар.

9. Тижорат банклари активлари рискка тортилганлик даражасига қараб нечта гуруҳга бўлинади?

- А. 2 та.
Б. 3 та.
В. 4 та.
Г. 5 та.

10. Банкларнинг ноаънанавий операциялари қандай жавобда тўлиқ келтирилган?

- А. Факторинг, контокоррент (овердрафт), форфейтинг, траст.
Б. Факторинг, кредит – ижара (лизинг), форфейтинг, траст.
В. Факторинг, кредит – ижара (лизинг), контокоррент (овердрафт), форфейтинг, траст.
Г. Факторинг, кредит – ижара (лизинг), контокоррент (овердрафт), форфейтинг.

11. Банкларнинг даромадлари қандай таркибдан ташкил топади?

- А. Фоизли
Б. Фоизсиз.
В. Фоизли ва фоизсиз.
Г. Қийматли ва қийматсиз.

12.Банкларнинг харажатлари қандай операциялар гуруҳига киради?

А. Пассив операциялар.

Б. Валюта операциялар.

В. Актив операциялар.

Г. Капитал операциялар.

13 – БОБ

АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР БАНК ТИЗИМИ

13.1.АҚШ банк тизими

АҚШ кредит тизими стихияли – эволюцион тарзда шаклланиб, ҳозирги кунда дунёнинг энг ривожланган замонавий кредит тизимларидан бири ҳисобланади. АҚШда банк тизимининг ташкил топишини дастлабки даврида банклар фаолиятини тартибга солиб турувчи Марказий банки мавжуд бўлмаган. Бунинг натижасида банклар мустақил равишда пул эмиссиясини амалга оширган, айрим даврда уларнинг сони жуда тез кўпайиб кетган, қатор инқирозли ва зиддиятли даврларни бошидан кечирган. Масалан, 1850 йилларда банкларнинг сони 28 тадан 700 тага чиққан, мос равишда уларнинг активлари шу равишда 40 млн доллардан 800 млн долларга ортган, айнан шу давр Америка кредит тизимида жуда кўп турдаги банкнотлар муомалага чиқарилган, жуда кўп банклар молиявий қийинчилик туфайли ёпилиб кетган. Бундан эса Америка иқтисодиёти ва аҳолиси жуда катта иқтисодий талофатлар кўрган. Буларнинг барчаси 1863 йилда давлат (миллий) банклари тизими ташкил этилишига сабаб бўлган, ушбу тизим Вашингтондаги Пул муомаласини назорат қилиш департаментига бўйсундирилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, АҚШда бир неча марта (1900 – 1910 йилларда) пул муомаласини тартибга солиб туриш бўйича давлат Марказий банкни ташкил этишга уриниб кўрилган, лекин бу ҳаракатлар тегишли самара бермаган. Чунки, ҳар бир штат мустақил равишда банкларни лицензиялаш ҳуқуқига бўлган ушбу банклар эса, муомалага банкноталарини чиқариш ва тегишли банк хизматларини кўрсатиш билан шуғулланган.

Одатда, Миллий банк тизими мамлакатда пул эмиссиясини тартибга солиш, пул муомаласини эластиклигини таъминлаш, тегишли захираларни

шакллантиришни назорат қилиш билан шуғулланган. 1913 йилда АҚШ Федерал захира тизими ташкил этилиб, унинг бош штати Вашингтонда ва 11 та йирик штатларда захира банклари сифатида фаолияти йўлга қўйилди. Уларнинг асосий вазифаси этиб, пул эмиссиясини ташкил этиш, муаммолари фаолияти устидан назоратни ташкил этиш, банкларнинг захираларини марказлаштириш белгилаб қўйилди.

АҚШ Федерал захира тизими таркибидаги 12 та банкдан юқори маъкиега эга бўлган Нью – Йорк ФЗТ ҳисобланиб, мамлакатдаги барча ФЗТлар активларининг $\frac{1}{4}$ қисми унинг ҳиссасига тўғри келар эди. Депозит маблағларининг ҳажми бир млн доллардан ортиқ бўлган барча банклар ФЗТнинг аъзоси бўлиши белгилаб қўйилган эди.

ФЗТнинг фаолиятини ташкил этиш Бошқарув кенгашидан ташқари Очик бозордаги операцияларни ташкил этиш қўмитаси, маслаҳат кенгаши ва ҳар бир ФЗТда бошқарув аъзолари томонидан амалга оширилади.

Бошқарув кенгаши 7 кишидан иборат бўлиб, 14 йил муддатга мамлакат Президенти томонидан тайинланади ва Сенат томонидан тасдиқланади. Уларнинг функцияси федерал захира банклари фаолияти устидан назорат қилиш, уларнинг президенти ва вице президентларини тайинлаш, банкнотлар эмиссияси устидан назорат қилиш, мажбурий захира фоизи ва ҳисоб ставкаларини белгилаш, пул – кредит сиёсатининг асосий йўналишларни ишлаб чиқиш ва бошқалар ҳисобланади.

Очик бозордаги операциялар қўмитаси Нью – Йорк Федерал захира тизими орқали давлатнинг қимматли қоғозларини сотиш ва сотиб олиш ишларини амалга оширади. Штатлардаги Федерал захира банклари бошқарув аъзолари (3 та), Бошқарув кенгаши (3 та) ва мазкур ҳудудларнинг саноатчилари (3 та) томонидан бошқарилади.

Ҳозирги пайтда, АҚШда жами тижорат банкларнинг тахминан 40 фоиздан ортиғи аъзоси ФЗТнинг аъзоси ҳисобланади, (12 минга яқин) ушбу банкларнинг ҳиссасига жами депозитларнинг 75 фоиздан ортиғи тўғри келади.

АҚШда 1920 йилларда 14,848 та тижорат банки фаолият кўрсатган, тижорат банклари ўртасида монополистик ҳаракат ҳукмронлик қилади. Масалан, мамлакатдаги жами активларнинг 65,8 фоизи 518 та йирик тижорат банкларнинг ҳиссасига тўғри келади.

АҚШда тижорат банклари филиалларини штатдан ташқарида очишни банк қонунчилиги таъқиқлайди, шунга қарамасдан, тижорат банкларнинг филиаллари сони ортиб бормоқда. Масалан, 1966 йилда тижорат банклари фаолияти 15,8 мингта бўлса, 1986 йилда уларнинг сони 43,9 мингтага етди.

Кўпчилик монополистлар ушбу муаммони *банк холдинг – компаниялари ва занжирли боғланиш* тизими орқали ечишга ҳаракат қилади. Холдинг компаниялар кичик тижорат банклари акцияларини сотиб олиш орқали уларни йирик монопол банклари назоратига киритиб қўяди.

Занжирли боғланиш тизимида эса айрим йирик капиталли шахслар штат ёки район банклари акцияларини сотиб олиб, уларнинг назоратини ўз қўлига оладилар.

АҚШ банклари хорижий мамлакатларда ўз филиалларини ташкил этиш билан бирга, уларнинг ўзлари хорижий мамлакатлар банклари томонидан қаттиқ рақобатга дучор бўлишади. Масалан, 1987 йилда АҚШда 259 та банкнинг 398 та бўлими ташкил этилган бўлиб, АҚШ жами банклари активларининг 12 фоизи уларнинг улушига тўғри келган.

АҚШ кредит муассасалари таркибида тижорат банкларидан ташқари ссуда – жамғарма банклари, кредит уюшмалари, суғурта компаниялари, пенсион фондлар, инвестиция компаниялари, пул бозорининг қарз фондлари фаол фаолият юритади.

Ссуда – жамғарма банклари тижорат банклари сингари мижозларга кредит бериш ва омонатларини жалб қилиш орқали мамлакат иқтисодиётида муҳим молиявий бўғинлардан ҳисобланади. Улар асосан қурилаётган иншоотларни гарови остида кредитлар беради.

Кредит уюшмалари – асосан аъзоларидан пул маблағларини жалб қилиш орқали майда кредитлар беради.

Суғурта компаниялари – мамлакат молия бозорида узоқ муддатли йирик ссуда маблағларини жойлаштириш орқали йирик корпорация, банклар ва давлатнинг қимматли қоғозларини сотиб олади.

АҚШда пенсион фондлар иккинчи жаҳон урушидан кейин муҳим молия воситачилик ролини ўйнай бошлади. Улар асосан, ишчи тадбиркорларнинг жамғарилган пенсия маблағлари ҳисобидан йирик савдо – саноат ва транспорт компанияларнинг узоқ муддатли қимматли қоғозларини сотиб олиб, инвестицион фондлар билан рақобатга киришади.

Пул бозорининг қарз фондлари асосан қисқа муддатга бозор мажбуриятларини жойлаштиради ва унинг ўрнига юқори даромад келтирадиган акцияларини муомалага чиқаради.

13.2. Буюк Британия банк тизими

Буюк Британиянинг кредит тизими ўзининг иқтисодий ва тарихий эволюцияси жиҳатидан дунёдаги энг ривожланган, ўзига хос хусусиятга эга бўлган тизимлардан ҳисобланади. У жуда юқори жиҳатдан ихтисослашган кредит институти бўлиб, унинг бош бўғини Англия банки, тижорат банклари ва махсус кредит – молия институтларидан ташкил топган.

Кредит институтлари ўртасида юридик ва ташкилий жиҳатдан жуда катта чекловлар мавжуд эмас, кейинги йилларда кўп ҳолларда анъанавий бозорлар кучайиб бормоқда, бунинг натижасида кредит муассасалари доимий равишда универсаллашиб бормоқда.

Англия Банки (Марказий банки) 1694 йилда хусусий акциядорлик компанияси шаклида ташкил топган. XVIII аср ўрталаридан бошлаб, эмиссия монополиясини қўлга олиди ва ҳукуматнинг банки сифатида Марказий банкнинг функцияларини бажара бошлади. Жумладан, Англия Банки қуйидаги асосий функцияларини бажаради:

– тижорат банкларнинг банки сифатида хизмат кўрсатади;

- давлат бюжетини барча даромад ва харажатлари у орқали амалга оширилади ва ҳукуматнинг банки вазифасини бажаради;
- банклар эмиссиясини амалга оширади;
- ҳукуматнинг қарз операцияларни амалга оширади ва ҳисобини юритади;
- валюта операцияларини амалга оширади ва назорат қилади, ҳукуматнинг расмий олтин – валюта захираларини бошқаради ва тасарруф этади;
- ҳукуматга пул кредит сиёсатини амага ошириш бўйича маслаҳатлар беради ва унинг ижросини таъминлайди.

Англия Банки расмий жиҳатдан ҳукуматдан мустақил ҳисобланади, бироқ молия вазирлигининг умумий раҳбарлиги остида фаолият юритади.

Англияда энг йирик тижорат банклари “катта тўртлик”ни ташкил этиб – депозит ва кредит операциялари бўйича мамлакатда етакчи ўринда туради. “Катта тўртлик” банки дунёнинг энг йирик тижорат банклари таркибига кириб, Нэшнл Вестминистер, Барклайз, Мидлэнд ва Ллойдс банкларидан ташкил топган.

Мамлакатда олтита етакчи банклар депозит банклари ҳисобланади, чунки улар Лондон клиринг (ҳисоб – китоб) палатаси аъзоси ҳисобланади.

Умумамн олганда, мамлакатда 14 мингдан ортиқ тижорат банклари мавжуд бўлиб, уларни “чакана банклар” сифатида ҳам аташади. Жуда кўп тижорат – депозит банклари халқаро миқёсдаги операцияларни бажаришда фаол иштирок этади ва хорижий мамлакатларда кўплаб филиалларига эга.

Англия махсус кредит – молия институтлари таркибига қуйидаги молия муассасалари киради:

- савдо банк;
- ҳамкорлик банки;
- ҳисоб (учетные) уйлари;
- молиявий уйлар;
- ишонч жамғарма банклари;

- миллий жамғарма банклари;
- қурилиш жамиятлари;
- миллий жиробанклар;
- суғурта компаниялари ва пенсион фондлар;
- инвестицион трестлар;
- ишончли пай фондлари;
- молиявий корпорациялар;
- винчур (рискли) молиялашштирувчи фирмалар;
- хорижий банклар.

Савдо банклари – бир неча ўнта молиявий муассаса бўлиб, улар асосан ташқи савдо ва халқаро кредит – молия операциялари билан шуғулланади.

Ушбу банкларнинг асосий ютуғи шундаки, улар анъанавий равишда ссуда капитали ва қимматли қоғозлар бозорида фаолият юритиб келади. Савдо банклари депозит – ссуда операцияларнинг биргаликда бажарилиши билан ажралиб туради.

Ҳамкорлик банклари – расмий номи собиқ британия колонналари банки деб юиритилади. Ҳозирги кунда статистик маълумотларда акс эттирилмайди, чунки уларнинг кўпчилиги йирик банкларнинг таркибига кириб кетган. Ушбу банкларнинг фарқли жиҳати шундаки, уларнинг акциядорлари британия фуқаролари ҳисобланади. Бундай банкларнинг тинчлик вакили сифатида Стэндрт гартед банкни айтиш мумкин. Ушбу банк 1300 дан ортиқ хорижий бўлимларга эга бўлган ва Англиянинг энг йирик 10 талик банклари таркибига кирадиган банк ҳисобланади.

Ҳисоб (учет) уйлари – молия бозорида фаолият юритадиган, унча йирик бўлмаган молия муассаси. Улар анъанавий тарзда талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитларни жалб этиб, (онколь кредит) ушбу маблағларни тижорат банкларига, ғазначилик векселларига, давлат облигацияларига, муниципал мажбуриятларга, муддатли депозитлар ва депозит сертификатларига жойлаштиради. Кейинги пайтларда уларнинг сони жуда қисқариб, 2000 йилларга келганда 13 тадан 8 тага тушиб қолди. Юнион

Дискоунт, Джеррорд Энд нэшенл, Кейтер Аллен каби таниқли ҳисоб уйлари хозирги кунда ҳам фаолият юритиб келмоқда.

Молиявий уйлар – истеъмол товарлари ва айрим саноат молларига тўловни кечиктириш тартибида кередитлар беради. Уларнинг асосий молиявий манбалари саноат савдо филиаллари, банклар ва аҳолидан 3 – 6 ойга жалб этган депозитлари ҳисобланади. Мамлакат кредит операциялари ҳажмида уларнинг улуши унчалик юқори эмас, кўпчилик молиявий уйлар анъанавий фаолият турлари билан эмас балки, лизинг операциялари ва кредит карточкалари билан шуғулланади.

Ишончли жамғарма банклари, миллий жамғарма банклари ва қурилиш жамиятлари асосан аҳоли майда жамғармаларини жалб этиш орқали молиявий маблағларини шакллантиради.

Ишончли жамғарма банклари бошқаруви таркибида давлатнинг ишончли вакили бўлиб, тижорат банклари бажарган барча операцияларни бажаради.

Миллий жамғарма банки – собиқ почта – жамғарма бнки ҳисобланиб, барча маблағлари давлатнинг қимматли қоғозларини молиялаштиради.

Қурилиш жамиятларининг молиявий маблағлари асосан узоқ муддатли уй жойларини қуриш ишларига жойлаштиради.

Миллий жиробанклар – 1968 йилда давлат томонидан почта бўлимлари базасида ташкил этилган бўлиб, асосан тижорат банкларида қўлланиладиган чек клиринг тизимини ташкил этиш билан шуғулланади.

Суғурта компаниялари ва пенсион фондлар фаолияти билан боғлиқ манбалар ҳисобидан шакллантирилган маблағларни узоқ муддатли инвестицияларга жойлаштириш билан шуғулланади. Уларнинг молиявий маблағлари 20 – 25 йил муддатга, асосан акция ва қимматли қоғозларга жойлаштирилади.

Англиянинг Ройал, Коммершл юнион ва бошқа суғурта компаниялари дунё суғурта монополияси таркибидан мустаҳкам ўрин эгаллайди.

Инвестицион трестлар – асосан қимматли қоғозлар операциялари билан шуғулланади. Улар ўз акция ва облигацияларини чиқариш орқали иқтисодиётдан молиявий капитални жалб этади ва ушбу маблағларни йирик компанияларнинг қимматли қоғозларига жойлаштиради. Ушбу муассасаларнинг фаолияти ўзига хос жиҳатга эга бўлиб, бозор конъюктурасига боғлиқлик даражаси жуда юқори ҳисобланади.

Ишончли пай фондлари – фаолияти инвестицион трестлар фаолиятига ўхшаш бўлиб, жамғарилган молиявий маблағларни компанияларнинг қимматли қоғозларига жойлаштиради.

Бобга оид саволлар

1. АҚШ банк тизимининг ташкил топиши ва ривожланиши
2. АҚШда пул муомаласини тартибга солиш бўйича қачон ҳаракатлар бўлган ва уларнинг натижалари?
3. АҚШ ФЗТ ташкил топиши ва унинг таркиби
4. АҚШ ФЗТнинг асосий вазифалари
5. АҚШ тижорат банклари ва уларнинг ФЗТ билан алоқаси
6. АҚШ махсус молия – кредит муассасалари
7. Буюк Британия банк тизими ва унинг ривожланиши
8. Англия Банкининг асосий вазифалари
9. Англияда тижорат банклари ва уларнинг фаолияти
10. Англия махсус молия – кредит муассасалари

Бобга оид тестлар

1. *АҚШда дастлабки банк тизими қандай ривожланган?*
А. АҚШ Конгресси қонунлари асосида
Б. Стихияли – эволюцион тарзда
В. Хорижий тажриба асосида
Г. Англия банк тизими тасарруфида
2. *Банк тизими ва пул муомаласини назорат қилиш бўйича 1863 йилда:*
А. – Федерал захира тизими ташкил этилди;
Б. – Пул муомаласини назорат қилиш департаменти ташкил этилди;
В. – Молия вазирлиги ҳузурида махсус бошқарма тузилди;
Г. – Конгресс аъзолари иштирокида махсус гуруҳ тузилди.
3. *АҚШ Федерал захира тизими қачон ташкил этилди ва унинг Бошқарув кенгаши нечта кишидан иборат?*
А. 1863 йил, етти киши

Б. 1913 йил, етгита киши

В. 1913 йил, учта киши

Г. 1863 йил, учта киши

4. *Ҳозирги пайтда тахминан неча фоиз банклар ФЗТнинг аъзоси ҳисобланади?*

А. 35 фоиз

Б. 40 фоиз

В. 45 фоиз

Г. 50 фоиз.

5. *АҚШда тижорат банкларидан ташқари қандай кредит муассасалари фаолият юритади?*

А. Ссуда – жамғарма банклари, кредит уюшмалари, суғурта компаниялари, пенсион фондлар, инвестиция компаниялари, пул бозорининг қарз фондлари

Б. Кредит уюшмалари, суғурта компаниялари, пенсион фондлар, инвестиция компаниялари, пул бозорининг қарз фондлари

В. Суғурта компаниялари, пенсион фондлар, инвестиция компаниялари, пул бозорининг қарз фондлари

Г. Тижорат банклари, кредит уюшмалари, суғурта компаниялари, пенсион фондлар, инвестиция компаниялари, пул бозорининг қарз фондлари

6. *Англия банк тизимининг асосий бўғини қандай ташилот ҳисобланади?*

А.Тижорат банклари

Б.Махсус молия – кредит муассасалари

В.Барклайз Банк

Г.Англия Банки

7. *Англия Банки қуйидагилардан қандай функцияни баржармайди?*

А. Давлат бюджетини барча даромад ва харажатлари у орқали амалга оширилади ва ҳукуматнинг банки вазифасини бажаради.

Б. Миқозларнинг омонатларини қабул қилади ва уларга кредит беради

В. Банклар эмиссиясини амалга оширади.

Г. Ҳукуматнинг қарз операцияларни амалга оширади ва ҳисобини юритади.

8. *Англияда тижорат банкларини қандай банклар сифатида аташади?*

А.Молиявий банклар

Б.Чакана банклари

В.Савдо банклари

Г.Кредит банклари

9. Қўйидагилардан Англия махсус молия – кредит муассасалари таркибига қайси бири кирмайди?

- А. Савдо банклари
- Б. Ҳамкорлик банклари
- В. Ҳисоб (учетные) уйлари
- Г. Халқ банклари

10. Англия кредит тизими таркибида қандай йирик суғурта компаниялари фаолият юритади?

- А.Ройал
- Б. Нэшнл Вестминистер
- В. Барклайз
- Г. Мидлэнд

14 – БОБ

НОБАНК КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАР ВА УЛАРНИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИ

14.1. Кредит уюшмалари ва уларнинг операциялари

Кредит уюшмаси – микромолиялаш ташкилотлари таркибидаги асосий молия муассасаси ҳисобланиб, вақтинчалик бўш пул маблағларини жалб қилиш асосида микрокредит ва кредитлар бериш билан шуғулланадиган тижорат ташкилотидир.

Кредит уюшмасига Марказий банкнинг тегишли меъёрий ҳужжатларида, кредит уюшмаси – кредитлар бериш ҳамда бошқа молиявий хизматлар кўрсатиш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар томонидан ихтиёрий тенг ҳуқуқли аъзолик асосида тузиладиган кредит ташкилоти сифатида таъриф берилган.

Муаллиф томонидан кредит уюшмасига берилган таърифда уни тижорат ташкилоти сифатида эътироф этилган. Марказий банкнинг тегишли ҳужжатларида эса уни тижорат ёки нотижорат ташкилот эканлиги аниқ баён этилмаган.

Кредит уюшмаларига иқтисодий адабиётларда нотижорат молиявий ташкилот сифатида таърифлар берилган. Бизнингча дастлабки кредит уюшмалари нотижорат асосида ташкил топган бўлиши мумкин, бироқ ҳозирги кунда мамлакатимизда ташкил этилаётган ва фаолият юритаётган барча кредит уюшмаларининг асосий мақсади фойда олишга қаратилган.

Кредит уюшмалари фаолиятига кенгроқ маънода эътибор қаратадиган бўлсак, кредит уюшмалари кооператив ташкилот бўлиб, жисмоний ва юридик шахсларнинг вақтинчалик бўш пул маблағларини тегишли шартлар асосида ўзига жалб этади ва ўзининг аъзоларига ушбу маблағлар ҳисобидан

кредитларни тақдим этади.

Айрим маънбаларга кўра, дастлабки кредит уюшмалари 1844 йилда Англиянинг Рочдейл шаҳрида тўқимачлик корхонаси ишчилари томонидан ташкил этилган. XIX – асрнинг 60 йилларида кредит уюшмалари ташкил этиш ғоялари Германия ва Австриялик Фридрих Райффайзен ва Герман Шульце – Деличлар томонидан илгари сурилди. Шу даврда кредит уюшмалари фаолияти ривожланиди ва молиявий муассасалар сифатида мамлакат молия тизимига кириб келди.

Райффайзен дастлабки қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатадиган кредит класслари, шунингдек, савдо – сотикни кредитлайдиган уюшмаларнинг асосчиси ҳисобланади.

Шульце – Делич томонидан ташкил этилган кредит уюшмаларининг асосий фаолияти шаҳарларда фаолият юритадиган ҳунарманд, косиб ва майда тадбиркорларга хизмат кўрсатишга қаратилди.

Ҳозирги кунда, кредит уюшмалари АҚШ, Канада, Ирландия, Австралия, Жанубий Корея, Тайван мамлакатларида жуда кенг ривожланган, шунингдек, айрим МДХ мамлакатларида (Россия, Қозоғистон, Эстония) ҳам жадал ривожланиш босқичини ўз бошидан кечирмоқда.

Ўзбекистонда фаолият юритаётган кредит уюшмаларининг асосий мақсади барча тадбиркорларга молиявий ресурслардан фойдаланишга қулай шароит яратилди ва ушбу маблағларни эркин олиш имкониятларини таъминлашдан иборатдир.

Кредит уюшмалари фаолиятини ташкил этиш ва назорат қилиш Марказий банкнинг 2010 йил 23 январда тасдиқланган “Кредит уюшмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисида”ги Низом асосида амалга оширилади. Мазкур Низом "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида", "Кредит уюшмалари тўғрисида", "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги қонунлари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, мамлакатимиз ҳудудларида кредит уюшмаларини ташкил этиш билан боғлиқ ҳужжатлар таркибини,

лицензия бериш ва қайтариб олиш тартибларини белгилайди.

Кредит уюшмалари пассив операциялари – бу маблағларни жалб қилиш билан боғлиқ операцияларидир. Кредит уюшмалари маблағларни *пай бадаллари, муддатли ва жамғарма депозитлар, бошқа молиявий муассасалардан кредит* сифатида жалб қилиши мумкин. Шунингдек, кредит уюшмаларининг даромад ва фойдани шакллантириш билан боғлиқ операцияларини ҳам уларнинг пассив операциялари сифатида таснифлаш мумкин.

Кредит уюшмаларини ташкил этишнинг асосий пассив операциялари ва уларни ташкил этишнинг талабларидан бири устав капиталини шакллантириш ҳисобланади. Кредит уюшмалари пай бадаллари (устав капитал) унинг таъсисчилари томонидан шакллантирилади. Тошкент шаҳрида ташкил этилаётган кредит уюшмалари устав фондининг энг кам миқдори 100 минг Евро эквивалентида, бошқа ҳудудларда ташкил этилаётган кредит уюшмалари учун 50 минг Евро эквивалентида бўлиш лозимлиги белгилаб қўйилган.

Кредит уюшмалари устав фонди пул маблағларидан, шунингдек, мазкур ташкилот устав фонди миқдорининг йигирма фоизидан ошмайдиган бошқа мол – мулк ҳисобидан шакллантирилиши мумкин. Кредит ҳисобидан ва гаровга олинган маблағлардан ҳамда бошқа жалб этилган маблағлардан кредит уюшмалари устав фондини шакллантиришга рухсат берилмайди.

Кредит уюшмаларининг муддатли ва жамғарма депозитлари унга аъзо жисмоний ва юридик шахслардан, шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари ҳисобидан шакллантирилади.

Таъкидлаш жоизки, кредит уюшмаларида муддатли ва жамғарма депозитлар бўйича тўланаётган фоиз ставкаларининг юқорилиги аҳолининг кредит уюшмаларида омонатларни жамғаришга бўлган иштиёқини оширмоқда. Бироқ, бу омонатлар билан боғлиқ рискларни вужудга келишига сабаб бўлади.

Кредит уюшмалари, молиявий муассаса сифатида қўшимча

ресурсларга кучли эҳтиёж сезади. Кредит уюшмалари, албатта ушбу эҳтиёжни устав капитали, омонатлар, тақсимланмаган фойда ҳисобидан кондирришга алоҳида эътибор қаратади. Шунга қарамасдан, ушбу молиявий манбалар ҳисобидан шакллантирилган маблағлар етарли бўлмаганда тижорат банкларидан қисқа ва узоқ муддатли кредитларни жалб этади.

Кредит уюшмалари актив операциялари – бу пассив операциялар натижасида шакллантирилган молиявий маблағларни тегишли фойдани шакллантириш мақсадида самарали мақсадларга жойлаштириши билан боғлиқ фаолияти мажмуидир. Кредит уюшмалари актив операциялари иқтисодий моҳиятидан келиб чиққан ҳолда *моддий ва номмоддий активларга, рискли ва рисксиз активларга, даромад келтирадиган ва даромад келтирмайдиган активлар* сифатида гуруҳлаш мумкин.

Кредит уюшмаларининг *моддий активларига* бевосита қиймат ва буюм кўринишида мавжуд бўлган активлар киради. Масалан, кассадаги нақд пуллар, кредитлар, асосий воситалар шулар жумласидандир. *Номмоддий активларга* кредит уюшмасини фаолиятини ташкил этиш учун сотиб олинган дастурий маҳсуллар, гудвилл ва бошқа шу кабиларни киритиш мумкин.

Маълумки, кредит муассасалари томонидан амалга оширилаётган барча операцияларнинг асосий қисми бевосита риск билан боғлиқ. Шунингдек, кредит уюшмаларининг фаолияти ҳам бундан ҳоли эмас. Шу жиҳатдан уларнинг актив операциялари ҳам *рискли ва рисксиз активлардан* иборатдир. Кредит уюшмаларининг рискли операциялари бевосита уларнинг даромадларини шакллантириш билан боғлиқ операциялари жараёнида вужудга келиб, риск даражаси қанчалик юқори бўлса уларнинг даромадлари ҳажми ҳам шу даражада юқори бўлади ва аксинча.

Кредит уюшмаларининг рискли операциялари сифатида берилган кредитлар, инвестициялар, лизинглар ва бошқа шахслардаги омонатларини келтириш мумкин. Рисксиз активлар таркибига эса кассадаги нақд пуллар, тижорат банкларидаги маблағлари, асосий воситалар ва шунга ўхшаш активларини киритиш мақсадга мувофиқдир.

Кредит уюшмаларининг барча операциялари ҳам даромад келтирмайди, шундай бўлсада, уюшманинг фаолиятини ташкил этиш мақсадида улар даромад келтирмайдиган операцияларни амалга оширишга ҳам мажбурдирлар. Масалан, кассадаги нақд пул билан боғлиқ операциялари, асосий воситалар, банкдаги ҳисобварақларидаги маблағларни *даромад келтирмайдиган активлар* сифатида таъкидлаш мумкин.

Кредит уюшмаларининг *даромад келтирадиган активлари* таркибига кредитлар, инвестициялар, лизинг ва бошқа муассасаларга қўйилган муддатли жамғармаларни киритиш мумкин.

Кредит уюшмаларининг ***даромад ва харажатлари***. Кредит уюшмаларини фоизли ва фоизсиз даромад ва харажатларга гуруҳлаш мумкин.

Кредит уюшмаларининг фоизли даромадлари уларнинг рискли операциялари ҳисобидан шакллантирилади. Кредит уюшмалари даромадларининг асосий улуши уларнинг кредит операциялари ҳисобидан шакллантирилади. Фоизли ва фоизсиз даромадлар уюшма балансининг пассив ҳисобварақларида ҳисобга олиб борилади, барча даромадлар ҳар ойда, чорақда ва ҳисобот йилининг охирида уюшманинг тегишли ҳисоб варақларига (31206 – Соф фойда (зарар) (актив – пассив)) кредитлаш орқали ёпилади.

Кредит уюшмаларининг ***харажатлари*** уларнинг пассив операциялари натижасида вужудга келади. Харажатларнинг асосий улуши ресурсларни жалб қилиш (фоизли харажатлар) ва уюшма ходимларига иш ҳақи бериш (фоизсиз харажатлар)га тўғри келади.

Фоизли ва фоизсиз харажатлар уюшма балансининг актив ҳисобварақларида ҳисобга олиб борилади, барча харажатлар ҳар ойда, чорақда ва ҳисобот йилининг охирида уюшманинг тегишли ҳисоб варақларига (31206 – Соф фойда (зарар) (актив – пассив)) дебетлаш орқали ёпилади.

14.2. Ломбардлар ва уларнинг ташкил топиши

Ломбардлар – ихтисослашган тижорат ташкилоти бўлиб, асосий фаолияти фуқароларнинг ҳаракатдаги мулклари гарови остида, қисқа муддатли кредитлар бериш ва буюмларни сақлаш билан шуғулланади. Ломбардларнинг ихтисослашганлик даражасига қараб буюмлар, олтин буюмлар ва автоуловлар гаров сифатида қабул қилинади. Буюмлар томонларнинг ўзаро келишуви асосида баҳоланади. Ломбард ва кредит оловчи шахс ўртасида тузилган шартнома асосида кредит берилади.

Дастлабки ломбардлар XV асрларда Франциянинг Ломбард шаҳрида савдогарлар томонидан ташкил этилган. Ҳозирги кунда амалиётда қўлланилиб келинаётган “ломбард” термени шу тариқа пайдо бўлган.

Ломбардларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, ушбу муассасалар миқдорнинг эҳтиёжи учун зарур бўлган суммани жуда тез фурсатда бериш имкониятига эгадир. Бунда ломбард ва қарз оловчи ўртасида, кўпчилик ҳолларда қимматбаҳо буюмлар гаров сифатида фойдаланилади. Ломбард ташкилоти берилган кредит учун ундирилиши лозим бўлган фоиз тўловини, кўпчилик ҳолларда, олдиндан кредит суммасидан чегириб қолади.

Ломбард кредит учун ҳисобланадиган фоиз суммалари қуйидаги тартибда ҳисобланади.

Масалан, кредит суммаси – 1,0 млн сўм, ойлик фоиз тўлови – 3 %, кредитдан фойдаланиш муддати – 20 кун.

Кредит суммасидан келиб чиқиб, ушбу кредит суммасига нисбатан тўланадиган фоиз тўлови қуйидагича аниқланади: $1000000 \cdot 0,003 \cdot 20 = 60000$ сўм.

Ўзбекистонда ломбардлар банк тизимининг иккинчи поғонасидаги кредит муассасалари таркибига киради. Бироқ, уларнинг фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва лицензиялаш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 сентябрдаги 402 – сонли “Ўзбекистон

Республикаси ҳудудида ломбардларни рўйхатдан ўтказиш ва улар фаолиятини лицензиялаш масалалари тўғрисида”ги Қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги зиммасига юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент шаҳрида жойлашган ломбардларни давлат рўйхатидан ўтказди;

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва вилоятлар адлия бошқармалари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудида жойлашган ломбардларни давлат рўйхатидан ўтказди.

Ломбардлар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун қонун ҳужжатларида тўлов кунида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида давлат божи тўлайдилар.

Бобга оид саволлар

Микромолиявий ташкилотларнинг моҳияти.
Кредит уюшмалари ва уларнинг вазифалари.
Кредит уюшмаларини ташкил этишга қўйилган талаблар.
Кредит уюшмалари актив операциялари.
Кредит уюшмалари пассив операциялари.
Кредит уюшмаларининг даромадлари.
Кредит уюшмаларининг харажатлари.
Ломбардларнинг ташкил этишнинг зарурлиги.
Ломбардларни рўйхатга олиш ва лицензия бериш.
Ломбардларнинг кредит операциялари.

Бобга оид тестлар.

1. Микромолиялаш ташкилотлари банк тизимининг қандай бўғинига киради?

- А.Биринчи бўғинига
- Б.Иккинчи бўғинига**
- В.Учинчи бўғинига
- Г.Тўртинчи бўғинига

2.Ўзбекистон қонунчилик ҳужжатлари асосида микромолиялаш ташкилотлари таркиби қандай жавобда тўлиқ келтирилган?

А.Банklar, кредит уюшмалари, ломбардлар ва бошқа кредит ташкилотлари.

Б.Банклар, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва бошқа кредит ташкилотлари.

В.Кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва бошқа кредит ташкилотлари.

Г.Банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва бошқа кредит ташкилотлари.

3. Қандай ташкилот микроолиялаш ташкилотлари таркибида асосий молия муассаси ҳисобланади?

А.Микрокредит ташкилотлари

Б. Кредит уюшмалари

В.Ломбардлар

Г.Жамғарма кассалари

4.Кредит уюшмалари дастлаб қачон ва қаерда ташкил этилган?

А. 1844 йилда Англиянинг Рочдейл шаҳрида

Б. 1845 йилда Франциянинг Париж шаҳрида

В. 1846 йилда АҚШнинг Лоизина штатида

Г. 1847 йилда Германиянинг Дойчи шаҳрида

5.Кредит уюшмаларининг пассив операциялари:

А. – уларга даромад келтиради;

Б. – уларни харажат қилишга ундайди;

В. – рискли операциялар ҳисобланади;

Г. – актив операциялар ҳисобланади.

6.Кредит уюшмаларининг актив операциялари:

А. – уларга даромад келтиради;

Б. – уларни харажат қилишга ундайди;

В. – рисксиз операциялар ҳисобланади;

Г. – пассив операциялар ҳисобланади.

7.Ломбардлар қандай молия муассаса ҳисобланади?

А.Тижорат – молиявий муассаса

Б.Ҳисоб – китобларни амалга оширувчи ташкилот

В.Воситачи – молиявий муассаса ҳисобланади

Г. Ихтисослашган тижорат ташкилоти

8.Ломбардлар фаолиятини қандай ташкилот рўйхатга олади ва лицензиялайди?

А.Марказий банк

Б.Адлия вазирлиги

В.Молия вазирлиги

Г.Банклар асоциацияси

IV БЎЛИМ. ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАР

15 – БОБ

ХАЛҚАРО ВАЛЮТА МУНОСАБАТЛАРИ ВА ҲИСОБ – КИТОБ ОПЕРАЦИЯЛАРИ

15.1. Валюта тизими ва унинг элементлари

Халқаро валюта муносабатларининг ривожланишида мамлакатлар ўртасида халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, халқаро бозорларнинг пайдо бўлиши, хўжалик юритишнинг халқаро тизимини шаклланиши ва халқаро иқтисодий алоқаларнинг глобаллашуви ҳамда интернационаллашуви асосий омиллардан бўлиб ҳисобланади.

Халқаро валюта муносабатлари халқаро ижтимоий – иқтисодий муносабатларни ривожланиши билан бевосита боғлиқ. Халқаро такрор ишлаб чиқариш ва валюта муносабатлари ўртасида бевосита ва қарама–қарши алоқа мавжуд бўлиб, улар халқаро даромадли товарлар, молиявий капитал ва хизматларни айирбошлаш жараёнида намоён бўлади.

Мамлакатлар ўртасида валюта муносабатларининг ҳолати маҳаллий ва халқаро иқтисодиётнинг ривожланиши, мамлакатлар ўртасидаги сиёсий муҳит, шунингдек, бошқа қатор омиллар билан баҳоланади.

Халқаро иқтисодиётнинг глобаллашуви ва интернационаллашуви жараёнида ички ишлаб чиқариш жараёнлари ташқи омилларга боғлиқ бўлиб қолади. Жумладан, халқаро ишлаб чиқариш, савдо, фан ва техника тараққиёти, хорижий капиталнинг миграцияси каби бошқа жараёнлар валюта муносабатлари орқали тартибга солиб борилади. Халқаро валюта муносабатларининг заифлашуви, жаҳон молиявий инқирозлари маҳаллий ва

халқаро даражадаги такрор ишлаб чиқариш жараёнига салбий таъсир кўрсатади.

Мамлакатлар ўртасида халқаро ижтимоий – иқтисодий муносабатлар – нинг ривожланиши халқаро валюта муносабатларининг шаклланиши ва мазмунан ривожланиб, такомиллашиб боришига замин яратди. Бу ўз навбатида валюта тизимини шаклланишига хизмат қилди.

Валюта тизими – валюта муносабатларини ташкил этиш ва тартибга солиш шакли бўлиб, маҳаллий қонунчилик ёки халқаро келишув асосида мустаҳкамланади. Халқаро иқтисодий адабиётларда – миллий, халқаро ва ҳудудий валюта тизимлари мавжудлиги эътироф этилади.

Дастлаб миллий валюта тизимлари вужудга келган. Миллий валюта тизимлари халқаро амалиётдаги нормаларни инобатга олган ҳолда маҳаллий қонунчилик ҳужжатлари асосида тартибга солинади. Миллий валюта тизими мамлакат пул тизимини ташкил этиб, эркин равишда мамлакат ҳудудидан ўзга ҳудудларда тўлов воситасини бажариши мумкин. Бунинг учун қатор омиллар мавжуд бўлиши лозим. Хусусан, миллий иқтисодиётнинг барқарорлиги ва рақобатбардошлиги таъминланган бўлиши, миллий валютани сотиб олиш қобилияти мустаҳкам бўлиши, мамлакат жаҳон ҳўжалигида юқори мавқие ва рейтингга эга бўлиши кабилар шулар жумласидандир.

Халқаро валюта тизимининг вужудга келишининг асосини мамлакатларнинг миллий валюта тизими ташкил этади ва мамлакатлар ўртасида ўзаро келишувлар асосида мустаҳкамланади. Дастлабки халқаро валюта тизимининг вужудга келиши 1850 йилларга тўғри келади. Халқаро валюта тизимининг барқарор самарали амал қилиши, унинг тегишли тамойилларига риоя этилиши, мамлакатлар ўртасида сиёсий иқтисодий барқарорлик таъминланишини талаб этади, акс ҳолда халқаро валюта тизими вақти – вақти билан инқирозга учрайди, бунинг натижасида амалдаги валюта тизими барҳам топиб, унинг ўрнига янгиси ташкил топади.

Миллий ва халқаро валюта тизимининг амал қилиши, уларнинг элементларида намоён бўлади.

Миллий валюта тизимининг асосий элементлари қуйидагилардан иборат:

миллий валюта;

конвертерлаш шартлари;

миллий валюта паритети;

миллий валюта курсининг режими;

валютавий чегаранинг мавжудлиги ёки чегараланмаганлиги, валюта назорати;

мамлакатнинг халқаро валюта ликвидлигини тартибга солиш тартиби;

халқаро кредит маблағларидан тўлов воситаси сифатида фойдаланиши регламенти;

мамлакатнинг халқаро ҳисоб – китоблар регламенти;

маҳаллий валюта ва олтин бозорларини фаолият кўрсатиш режими (тартиби);

мамлакат валюта муносабатларини тартибга соладиган ва бошқарадиган маҳаллий органлар.

Халқаро валюта тизимининг элементлари:

жаҳон пулининг функционал шакли;

валюталарни ўзаро конвертирлаш шартлари;

валюта паритети режимининг регламенти;

давлатлараро валютавий чегараларни тартибга солиш;

халқаро валюта ликвидлигини давлатлараро тартибга солиш усули;

халқаро кредит маблағлари муомаласини унификациялаш қоидалари;

халқаро ҳисоб–китоблар шаклларини қўллашнинг қоидалари;

халқаро валюта ва олтин бозорларининг фаолият юритиш режими;

давлатлараро валютани тартибга солувчи халқаро ташкилотлар;

Миллий валюта тизимининг асосини шу мамлакат миллий валютаси ташкил этади. Ушбу валюта тегишли қонунчилик ҳужжатлари асосида мамлакатда ягона тўлов воситаси сифатида мустаҳкамланади. Халқаро ҳисоб – китобларда қўлланиладиган пул (миллий валюталар) валюта деб юритилади.

15.2. Валюта тизимининг ривожланиш босқичлари

15.2.1. Классик олтин стандарти

(1815 – 1914 йй.)

Жаҳон цивилизациясининг асрлар давомида ривожланиши, дунёдаги турли мамлакатлар ижтимоий – иқтисодий ҳаёт тарзига турлича таъсир кўрсатди. Шу нуқтаи назардан XIX асрни том маънода ғарб цивилизациясининг олтин асри ёки классик олтин стандарти ҳукмронлиги асри дейишимиз мумкин. Бу даврда муомалада олтин билан бирга кумуш ҳам тўлов воситасини бажарган, лекин мамлакатлар ўртасидаги ҳисоб – китоблар олтинда амалга оширилар ва жаҳон мамлакатлари иқтисодиёти олтин стандарти остида бирлашган эди.

Мамлакатда амал қилган миллий валюталар (доллар, фунт, франк ва ҳ.к.) эса, фақатгина белгиланган олтин қийматини ўлчов бирлиги бўлиб хизмат қилган. Масалан, долларнинг номланиши – 1/20 унция оғирликка тенг бўлган олтинни англатган, фунт стерлинг номи эса – олтиннинг $\frac{1}{4}$ унция оғирлигини англатган. Шундан келиб чиқиб, айирбошлаш курслари давлат иштирокисиз қатъий белгиланган баҳоларда амалга оширилган. Мамлакат миллий валюталари ўлчов бирлигига боғлиқ равишда бир – бирига доимо мос келган. Яъни, 1 фунт (ўлчов бирлиги) доимо 16 унцияга, худди шундай 1 фунт стерлинг (олтин ўлчов бирлиги) 4,86 долларга тенг бўлган.

Халқаро олтин стандарти инсонларга жуда катта имкониятлар яратган ва бутун жаҳонда амал қилувчи универсал пул вазифасини ўтаган. АҚШнинг ривожланган ва бой мамлакат даражасига етишининг асосий сабабларидан бири сифатида, дунёнинг деярли барча давлатларида долларнинг тўлов

воситаси сифатида амал қилиши муҳим аҳамият касб этади. Бунини иқтисодиётнинг ривожланишида меҳнат тақсимотида, халқаро капитал оқимида, халқаро ишчи кучи миграциясида ва бошқаларда кўришимиз мумкин.

Шуни қайд этиш жоизки, олтинни эркин иқтисодиётда амал қилиши, барча товарларга эркин айрибошланадиган умумий эквивалент “махсус товар” сифатида тан олинishi учун 100 йиллар талаб қилинди ва давлатнинг бу жараёнлардаги ўрни унчалик катта эмас. Чунки, олтинни муомалага чиқиши давлат ихтиёри билан эмас, балки бозор талабидан келиб чиқиб белгиланган. Халқаро олтин стандартининг амал қилиши мамлакатда сунъий инфляцияни юзага келишига йўл қўймаслиги билан бирга, мамлакат тўлов балансининг мувозанатини таъминлаган.

Мамлакатда пул таклифини ортиши маҳаллий товар ва хизматлар баҳосининг ортишига олиб келади. Ўз навбатида аҳолининг номинал даромадлари ортади, бу эса импортнинг ўсишига таъсир кўрсатади. Чунки, импорт товарлар баҳоси маҳаллий товарларга нисбатан анча паст бўлади. Натижада мамлакатда экспортнинг ҳажми импортга нисбатан қисқаради. Ўз навбатида мамлакат ташқи савдо балансида тақчилликни келтириб чиқаради. Бу эса мамлакат олтин валюта захираларини камайишига олиб келади. Шу ўринда айтиш жоизки, банк депозитларининг сунъий равишда ошиши ва банк томонидан бериладиган кредитлар ҳажмининг ортиши ҳам олтин – валюта захираларини камайишига олиб келади. Чунки, бу ҳолда ҳам импортерлар ёки банк мижозлари депозитларни олтин миқдорида қайтаришни талаб қиладилар. Шунинг учун мамлакатда пул таклифини камайитиш ва унинг тегишли меъёрини сақлаш лозим бўлади. Пул таклифининг пасайиши товарлар нархини тушишига олиб келади ва шу тариқа бозорда нархлар мувозанати таъминланади. Бу эса экспорт ҳажмини ошириш эҳтиёжини туғдиради ва мамлакатга олтин оқимининг ортишига ижобий таъсир кўрсатади. Бу ҳолат ўзаро савдо – иқтисодий муносабатда

бўлган барча давлатларда нархлар мувозанати таъминлангунга қадар давом этади.

Ўз даврида давлатнинг олтин стандарти пул тизимини мустақил амал қилишига аралашуви, унинг самарадорлигига салбий таъсир қилган ва ушбу пул тизимининг мукамаллигидан қатъий назар инфляция, рецессия натижасида иқтисодий циклнинг изидан чиқиш ҳолатлари юз берган. Олтин тангаларни зарб этиш устидан давлат назоратини ўрнатилиши, қонуний тўлов воситаларининг давлат томонидан белгилаб қўйилганлиги, қоғоз пулларни жорий этилиши ва инфляцияни рағбатлантирилиши каби йўналишлар орқали давлат эркин пул бозорини бошқаришга ҳаракат қилган. Давлатнинг пул муомаласига таъсир этиш чораларини жорий этилишига қарамай, ушбу соҳадаги ўзгаришлар асосан бозор талабидан келиб чиқиб амалга оширилган.

15.2.2. Биринчи жаҳон уруши ва ундан кейинги давр (1914 – 1926 йй).

Классик олтин стандарти пул тизими мукамал бўлиб, ҳозирги кунгача инсонлар ундан самаралироқ ва қулайроқ пул тизимини ўйлаб топа олишмаган. Ўз навбатида “Агар олтин стандарти мукамал амал қилган бўлса, нима учун муомаладан йўқолди деган савол туғилади.” Бунинг асосий сабаби, давлатнинг пул тизимига аралашувининг ортиши ва банкларнинг ўз мажбуриятларини тўлиқ бажармаслиги оқибатида пул тизимининг издан чиқишидир. Биринчи жаҳон уруши натижасида урушда иштирок этган барча давлатларда харажатларнинг ошиши натижасида пул таклифини ҳаддан зиёд кўпайтиришга мажбур бўлдилар. Ўзаро урушда иштирок этаётган мамлакатларда инфляция даражаси шу даражада юқори эдики, улар харажатларни қоплаш мақсадида эмиссия қилинган қоғоз пуллар олтин ва бошқа қимматбаҳо металллар билан таъминланмаган эди. Шу тариқа ушбу

давлатлар олтин стандартидан воз кечдилар ва ўзларини банкрот деб эълон қилдилар.

Урушда иштирок этган давлатлар ичидан фақатгина АҚШда долларнинг таклифи белгиланган меъёридан орттирилмади. Ўз вақтида бошқа давлатларда девальвациянинг ортиши, ўзаро турли валютавий тўсиқларнинг юзага келиши, божхона тарифлари ва квоталарининг жорий қилиниши натижасида халқаро савдо ва инвестиция фаолияти издан чиқди, бу эса мамлакат пул тизимига жиддий салбий таъсир кўрсатди. Инфляция оқибатида Англия фунти, Франция франки, Германия маркаси олтинга нисбатан қадрсизланди. Бу ҳол кейинчалик долларнинг ҳам олтинга нисбатан курсини тушишига олиб келди. Ушбу вазиятда дунё пул тизими инқирозга учраган ва дунёнинг етакчи экспертлари ва сиёсатчилари иқтисодий барқарорликни таъминловчи олтин стандартига қайтиш устида бош қотираётган эди.

15.2.3. Олтин қўйма ва олтин девиз стандарти (1926 – 1931 йй.)

Биринчи жаҳон уруши натижасида жаҳон валюта тизими инқирозга учраган эди. Урушдан кейинги даврга келиб, мамлакатлараро валюта – пул тизимини йўлга қўйиш мақсадида олтин стандартини жорий қилишнинг имкониятларини кўриб чиқиш заруриятини юзага келтирди. Ўша даврда юзага келган вазият шуни тақозо этар эдики, европа мамлакатлари пулларини олтинга нисбатан қадрсизланишидан келиб чиқиб, валюта курслари ўртасидаги нисбатни пул таклифи ва нархлар даражасига боғлиқ равишда қайтадан ўрнатиш керак эди. Чунки, агар урушдан олдинги даврда фунт стерлинг 4,86 долларга тенг бўлган олтин бирлигига айрибошланган бўлса, уруш сўнгида инфляция оқибатида валюта бозоридаги фунт стерлингнинг курси 3,50 долларгача тушиб кетди. Бошқа давлатларни пуллари ҳам шу тариқа қадрсизланган эди. Шунинг учун Буюк Британия олтин стандартига

кайтадиган бўлса, фунтнинг ҳақиқий қиймати 3,50 доллар нисбатида белгиланишини талаб этар эди. Ўз навбатида олтин стандарти амал қилиши учун барча давлатлар ушбу ҳолатга рози бўлиши керак эди. Лекин бу борада мамлакатларнинг бир тўхтамга келиши қийин бўлди. Масалан, Буюк Британиянинг камчилиги шунда эдики, нафақат олтин стандартини қайта тиклаш, балки фунтнинг аввал амалда бўлган 4,86 доллар даражадаги курсига қайтариш эди.⁷¹

Буюк Британиянинг бундай сиёсати дунёнинг молиявий маркази бўлган Лондоннинг обрўсини сақлашга қаратилган эди. Буни амалга ошириш учун Буюк Британия энг аввало пул таклифини камайтириш ва товарлар нархини пасайтиришга эришиши керак эди. Лекин, фунт курси 4,86 долларга тенглашган ҳолда Буюк Британия товарларларини жаҳон бозоридаги нархи ортиб рақобатбардошлигига салбий таъсир кўрсатар эди. Касаба уюшмалари таъсирининг ортиши ва давлат томонидан ишсизлик учун нафақаларни жорий қилинганлиги пул таклифини камайтириш имконини бермас эди. Дефляцияни амалга ошириш (пул таклифини камайтириш билан аҳоли номинал даромадларини пасайтириш) учун Буюк Британия ижтимоий ҳимояга асосланган давлат куриш назариясидан воз кечиши ёки айрим “ижтимоий кафолат”ларни музлатиши керак эди. Бунинг ўрнига Буюк Британия ижтимоий ҳимояга асосланган давлат дастурларини бажариш мақсадида пул таклифини янада орттириб борди, ўз навбатида инфляция даражаси ҳам ўсиб борди.

Йигирманчи асрнинг 20 йилларга келиб, Буюк Британияда инфляция ва ишсизлик даражаси юқори нуктага келган, мамлакат экспорт ҳажми ҳам тушиб кетган эди. Бу даврда бошқа европа давлатларида иқтисодий ўсиш кузатилаётган эди. Шунинг учун Буюк Британияда қабул қилинган қарорлардан воз кечмаган ҳолда юзага келган вазиятдан чиқиш муаммоси кўндаланг турган эди. Шу мақсадда 1922 йили Генуя шаҳрида бўлиб ўтган

⁷¹ О принципиальной ошибке Великобритании и ее последствиях, пришедших к депрессии 1929 г., см.: Robbins L. The Great Depression. New York: MacMillan, 1934.

конференцияда Буюк Британия янги пул стандарти бўлган олтиндевиз стандартини таклиф қилди.

Дунё мамлакатлари ичида АҚШда классик олтин стандарти сақланган бўлиб, Буюк Британия ва бошқа европа мамлакатлари 1926 йилга келиб классик олтин стандартига тенглаштирилган янги пул тизимига ўтишди. Унга кўра Британия фунти ва бошқа валюталар олтин тангаларга эмас, балки фақатгина йирик ташқи савдони амалга оширувчилар учун олтин куймаларга айрибошланар эди. Буюк Британия ва бошқа Европа мамлакатлари фуқаролари кундалик ҳаётда олтин тангалардан фойдалана олмас эдилар. Бу банк кредитларини ва инфляцияни рағбатлантиришга хизмат қилар эди. Янги олтиндевиз стандартига асосан Буюк Британия фунтни сўндиришда олтин билан бирга доллардан ҳам фойдаланар, бошқа давлатлар эса ўзларининг валюталарини олтинга эмас, фунтга айирбошлар эдилар. Шу йўл билан аксарият мамлакатларда миллий валюталар курси сунъий оширилди ва олтин стандартига қайтишди. Натижада олтинга асосланган молиявий пирамида ташкил топди. Унинг асосини қисман фунт билан таъминланган Европа минтақаси валюталари, қисман доллар билан таъминланган фунт, қисман олтин билан таъминланган доллар ташкил этган ва бу “олтиндевиз стандарти” деб аталди, доллар ва фунт эса “таянч валюталар” ҳисобланган.

Буюк Британия иқтисодиётида пул таклифи ҳамда кредит ҳажмининг ортиши ҳисобига ташқи савдо балансида тақчиллик юзага келди. Бундай вазиятда олтин стандарти инфляцияни чеклашга хизмат қилмай қўйди. Олтиндевиз стандарти Буюк Британияга миллий валюта таклифини ошириш ва инфляция даражасини ошишига шароит яратган. Европанинг бошқа давлатлари фунтни олтин билан қоплашни талаб қилмас эди. Шу тариқа Европа ва Буюк Британияда инфляция даражаси таборо чуқурлашаётган, ташқи савдо камомади ортиб бораётган эди. Ундан ташқари, Буюк Британия мамлакатдан олтин ва долларни чиқиб кетишини олдини олиш мақсадида АҚШ Федерал захира тизимининг доллар таклифини оширишига эришган эди.

Олтиндевиз стандартининг алоҳида хусусияти шунда эдики, у узок муддат амал қилиши мумкин эмас эди. Чунки ушбу молиявий пирамиданинг издан чиқиши қочиб бўлмас ҳақиқат бўлган. АҚШ, Франция ва бошқа давлатлар иқтисодиётида катта ҳажмда таъминланмаган Буюк Британия фунт стерлинги йиғилди. 1931 йилда Европа мамлакатларида инфляция даражаси юқорилигидан Франция "каттиқ пул" сиёсатини олиб борди ва Буюк Британиядан иқтисодиётда йиғилган фунт стерлинг ўрнига олтин айирбошлашни талаб қилиши европа банкларини банкрот бўлишига олиб келди. Бу эса Буюк Британияни бутунлай олтин стандартдан воз кечди. Бунинг натижасида барча Европа мамлакатлари ўзини банкрот деб эълон қилдилар.

15.2.4. Таъминланмаган қозғоз пуллар (1931 – 1945 йй.)

Биринчи жаҳон урушидан кейин амалдаги олтин стандарти пул тизими ўзининг хусусиятини йўқотиб, давлатлар классик олтин стандартини сақлаб қолиш мақсадида турли чораларни қўллади. Лекин йигирманчи асрнинг 30 йилларида дунё мамлакатлари иқтисодиётида юзага келган молиявий тартибсизликлар оқибатида муомалада олтин стандартини амал қилишини бутунлай тўхтади. Мамлакатлар иқтисодиётидаги инқироз таборо чуқурлашиб, ишсизлик даражаси ортиб бормокда эди. Халқаро иқтисодий муносабатларда давлатлар ўз манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида турли валюта чекловларини ўрнатиш, миллий валюталарни девальвациялаш, савдо ва валюта устидан назоратни кучайтириш орқали ўзаро иқтисодий ва молиявий уруш олиб боришди. Иқтисодиётда тўғри ва эгри сузиб юрувчи валюта курслари юзага келди⁷². Халқаро савдо ва инвестицияларни тўхтаб қолиши натижасида ўзаро савдони амалга ошириш учун ҳукуматлар

⁷² “Clean floating” – плавающий курс, определяемый действием закона спроса и предложения на рынке. – *Прим. пер*

иштирокида тузилган битимга кўра товарлар бартер қилинди. АҚШ давлат котиби Корделл Холл ушбу ҳолатга изоҳ бериб, “Иккинчи жаҳон урушининг асосий сабаби 30 йилларда юзага келган молиявий ва иқтисодий келишмовчиликлар” – дея таъкидлаган эди.⁷³

АҚШда олтин стандартини амал қилиши Европага нисбатан икки йилга чўзилди. 1933 – 1934 йилларда АҚШнинг, “турғунликни олдини олади” – деган тескари сиёсати туфайли олтин стандарти амалиётда тўхтатилди. Америка фуқароларига мамлакатда (шу жумладан хорижда) олтинни ишлатиш, олиб юриш ман этилди ва долларли ҳисоб – китобларни олтин билан сўндириш таъқиқланди. Лекин, 1934 йилдан кейин ҳам АҚШда олтин стандартининг ўзига хос янги шакли амал қилди. Унга асосан кадрсизланган доллар 1/35 унция олтинга тенглаштирилиб, олтин билан чет эл ҳукуматлари ва банклар талаблари қондирилган. Долларнинг олтинга оз бўлсада боғлиқлиги ва Европадаги тартибсизликлар ҳисобига АҚШга кираётган олтин ҳажми янада ортди.

Милтон Фридман ва Чикаго мактаби вакилларининг қарашларида иқтисодий ва сиёсий камчиликлар мавжудлигини 1930 йиллардаги иқтисодий тартибсизликлар кўрсатиб берди. Фридман ва унинг издошлари – эркин бозор шароитида қандай таклиф билан чиқишди? Уларнинг қарашлари бўйича дастлаб олтин стандартидан воз кечиш ва миллий валютани чиқариш ваколати давлат ихтиёрида бўлиши лозим эди. Яъни, давлат томонидан чиқарилган таъминланмаган қоғоз пуллар, қонуний тўлов воситасини бажаришига эришиш назариясини илгари сурилган. Шундан сўнг дастлаб давлат қоғоз пулларни муомалага чиқариши ва бошқа валюта курсларига нисбатан тебранишига имкон бериш керак. Бунда инфляция даражасини белгиланган меъёрда бўлишини давлат томонидан назорати таъминланиши лозим эди. Лекин 1930 йиллардаги жаҳон иқтисодиётидаги

⁷³ Hull C. Memoirs. New York, 1948. Vol. I. P.81. Шунингдек: Gardner R. Sterling – Dollar Conspiracy. Oxford: Clarendon Press, 1956. P. 141.

тартибсизликларни келиб чиқиши, айнан мамлакатлар пул тизимини издан чиқиши билан боғлиқ эди.

Шундай қилиб, 30 йилларнинг таъминланмаган қоғоз пулларига асосланган пул тизимининг аянчли тажрибаси ва уни оқибатида юзага келган иқтисодий танглик шуни кўрсатдики, иккинчи жаҳон урушидан сўнг халқаро иқтисодий муносабатларни, халқаро ишчи кучи миграцияси ва капитал оқимини йўлга қўйиш мақсадида АҚШ ўз олдида жаҳон пул тизимини қайта тиклаш вазифасини қўйди.

15.2.5. Бреттон Вудс ва янги олтин девиз стандарти (1945 – 1968 йй.)

Иккинчи жаҳон уруши тугагандан кейин АҚШ томонидан янги пул тизими таклиф этилди. Унинг қоидалари 1944 йилда Нью – Хемшир штатининг Бреттон – Вудс шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференцияда келишилди ва 1945 йилнинг июль ойида АҚШ Конгресси томонидан ратификация қилинди. Янги амалиётга киритилган Бреттон – Вудс пул тизимининг 1920 йилларда қабул қилинган олтиндевиз стандартидан фарқли жиҳатлари кўп эмас эди. Шу нуқтаи назардан, ушбу пул тизими ҳам камчиликлардан ҳоли эмас ва навбатдаги молиявий тартибсизликларни келиб чиқишига ташланган дастлабки қадам эди.

Бреттон – Вудс пул тизимининг эски олтиндевиз стандартидан амалдаги фарқи шунда эдики, унинг асосини икки “таянч валюта”(фунт ва доллар) эмас, балки ягона доллар ташкил этиб, 35 доллар 1 унция олтинган тенглаштирилган. Шу билан бирга, амалдаги тизимни 20 йиллардаги олтиндевиз стандартидан фарқли жиҳатлари, америка фуқаролари доллардаги ҳисоб – китобларни олтин билан сўндириш имкониятининг йўқлиги ва доллардаги ҳисоб – китоб қилиш ҳуқуқи хорижий давлатлар ва банкларга берилганлигини эътироф этиш лозим. Яъни, жаҳон пулини (олтин) доллар билан сўндириш ваколати фақат давлат органларига берилди. Шу

жиҳатдан Бреттон – Вудс тизими ҳам 1920 йилларни олтиндевиз стандарти каби молиявий пирамида асосига қурилди.

АҚШда молиявий пирамиданинг асосини, фақатгина хорижий давлат ҳукуматлари талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган олтин ташкил этгани ҳолда, муомалада таъминланмаган долларлар мавжуд бўлган. Бошқа давлатларда молиявий пирамиданинг асосини, валюта захираси сифатида сақланаётган доллар ташкил этгани ҳолда, муомалада таъминланмаган миллий валюталар амал қилган. Бундай молиявий пирамидани ташкил этиш учун АҚШда етарлича имкониятлар мавжуд эди. Чунки, иккинчи жаҳон урушидан кейин АҚШ да тўпланган жуда катта миқдордаги олтин захиралари (25 млрд долл.), уларга молиявий пирамида қуриш имконини берган. Бреттон – Вудс тизими амалиётга жорий қилиниши билан Европа давлатлари валюталарининг долларга нисбатан курси оширилди. Масалан, Буюк Британия фунт стерлинг курси урушгача бўлган вақтдаги қийматга, яъни 4,86 долларга тенглаштирилди. Фунтнинг сотиб олиш қобилиятига нисбатан қаралганда эса, унинг қиймати пастроқ бўлган. Таъкидлаш жоизки, 1945 йилда доллар курси сунъий пасайтирилиши ва бошқа давлатлар валюталарининг курси долларга нисбатан сунъий оширилиши натижасида “доллар танқислиги” юзага келди. АҚШдан ташқарида юзага келган “доллар танқислиги”ни олдини олиш мақсадида Америка ҳукумати томонидан Европа мамлакатларига молиявий ёрдам кўрсатилди. Бошқача қилиб айтганда, Европага молиявий ёрдам берилиши, доллар курсини сунъий пасайтирилиши натижасида АҚШ тўлов баланси профицитини қисман молиялаштиришга хизмат қилган.

Бреттон – Вудс тизимида Америка ҳукуматига шуниси аниқ бўлдики, ушбу тизим доирасида доллар инфляциясини оширилиши жавобгарликка олиб келмас эди. Шу нуқтаи назардан, урушдан кейинги даврда инфляцияни рағбатлантирилиши АҚШда давлат сиёсатига айланди.

1950 йиллар бошида доллар инфляцияси натижасида халқаро савдо оқими ўз йўналишини ўзгартирди. АҚШда пул таклифи ва кредит ҳажми

ортиб бориши натижасида, аксарият Европа мамлакатлари (Ғарбий Германия, Швейцария, Франция, Италия)нинг валюталари янада мустаҳкамланди. Инфляция даражаси юқори бўлган Буюк Британияда эса мамлакатдан долларни чиқишини олдини олиш мақсадида фунтни 2,40 долларгача девальвация қилинди. Европа ва Японияда ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожланиши АҚШ тўлов балансида камомадни юзага келишига сабаб бўлди. Инфляцияни чеклашда олтин танга стандартининг классик ёндошувчанлиги ўзининг хусусиятини бутунлай тўхтатиши билан бирга, Бреттон – Вудс тизимининг қоидалари Ғарб давлатларига доимий доллар захираларини кўпайтиришни ва бунинг асосида миллий валюта таклифи ва кредит ҳажмини оширишни талаб этган.

Шу тариқа 1950 – 1960 йилларга келиб, Ғарбий Европа мамлакатлари ва Япония доллар захирасини ошириб бориш сиёсати самарасиз эканлиги ҳамда янги тизим ташкил этилганда доллар курси сунъий баҳоланганлигидан саросимага тушди. Чунки долларнинг сотиб олиш қобилиятининг тушиши, Ғарб давлатларида долларга бўлган эҳтиёжни пасайтирди.

Бреттон – Вудс тизими Европа мамлакатлари иқтисодиёти учун “тузоқ” сифатида қаралди ва қарама – қаршиликлар ортди. Франция номидан Олтиндевиз стандартини ёқлаб ва амалдаги тизим қоидаларига қарши фикрлар билан давлат молиявий маслаҳатчиси де Голля Жак Рюэфф чиқди. Америка сиёсатчилари ва иқтисодчилари юзага келган қаршиликларга эътибор бермай, Европа долларни “таянч валюта” сифатида қабул қилганлигини таъкидлади. Уларнинг фикрига кўра, Европа айнан Бреттон – Вудс тизимини амал қилиши натижасида иқтисодий тангликдан чиқиш муаммосини ҳал этган. Давлатлар ўртасидаги келишувга асосан бошқа мамлакатларда долларнинг инфляция даражаси ортишидан қатъий назар, АҚШ янада пул таклифини ошириш ҳуқуқига эга эди.

Европада олтиннинг бир унцияси учун 35 долларга тенг бўлган миқдори сақланиб қолинган эди. 1950 йилларда Европада доллар массасини ортиб кетиши, унинг олтинга ва европанинг “қаттиқ” валюталарига нисбатан

кадрсизланишига ҳамда Америкадан олтинни чиқиб кетишига сабаб бўлди. Бунинг натижасида АҚШнинг олтин захиралари 25 млрд. доллардан, 9 млрд. долларгача камайиб кетди. Европа мамлакатлари ҳукуматлари ва Марказий банкларининг долларни олтин билан сўндириш талабини қондирилмаслиги оқибатида Бреттон – Вудс тизимининг издан чиқиш хавфи туғилган эди. Лекин, Европа мамлакатларида юзага келган ушбу салбий ҳолат ҳам АҚШни пул таклифини оширишдан қайтармади. Шу тариқа 60 йилларнинг охирида Европада 80 млрд доллардан ортиқ “евродоллар” номини олган пуллар пайдо бўлди. Европада муомалада бўлган долларни олтин билан сўндириш талабини тўхтатиш мақсадида АҚШ сиёсий босим ўтказа бошлади. 1930 йилда олтиндевиз стандартининг инқирозга юз тутишида ҳам Буюк Британия ва Франция ўртасида шундай вазият юзага келган.

Таъкидлаш жоизки, иқтисодий қонунларни айланиб ўтиш, АҚШ инфляцияни ҳисобга олмагани каби, мамлакатда ижтимоий – иқтисодий салбий оқибатларга олиб келади. Шу тариқа 1968 йилда Америка томонидан таклиф этилган “абдий ва бузилмас” Бреттон – Вудс тизими емирила бошлади.

15.2.6. Бреттон Вудс тизимининг барҳам топиши (1968 – 1971 йй.)

Европада доллар массасининг ортиб бориши ва АҚШда олтин захираларини камайиши, Лондон ва Цюрихдаги эркин олтин бозорларида олтиннинг унцияси учун белгиланган 35 доллар нархни таъминлаб туриш АҚШга қийинчиликлар туғдира бошлади. Мамлакатлар ўртасида Бреттон – Вудс тизимининг қоидалари келишилганда ушбу нарх (олтиннинг бир унцияси учун 35 доллар) бутун тизимнинг асосини ташкил этган. Америка фуқароларига 1934 йилда олтинга эгалик қилиш таъқиқланган бўлиб, бошқа давлат фуқаролари олтин қуйма ва олтин тангаларга қонуний эгалик қилиши мумкин бўлган. Уларнинг долларни олтин билан сўндириш имконияти фақат

эркин бозорда 35 долларга сотиш орқали амалга оширилган. Америкадаги инфляция даражасининг ўсиши, долларнинг янада кадрсизланиши натижасида АҚШ тўлов балансидаги камомад ўсди, олтинга эгалик қилган фуқаролар эса эркин бозорда фаол равишда олтин харид қилар эди. Ўз навбатида АҚШ, Лондон ва Цюрих эркин олтин бозорларидаги олтин нархини белгиланган миқдорда ушлаб туриш учун қисқариб бораётган олтин захирасидан беришга мажбур бўлди.

Эркин олтин бозоридаги долларга бўлган ишончсизлик, 1968 йилнинг март ойида АҚШ томонидан мавжуд пул тизимга ўзгартиришлар киритишига олиб келди. Яъни, амалдаги тизимни сақлаб қолиш мақсадида, олтинни эркин бозоридаги фаолиятини тўхтатиш зарур деган хулосага келди. Шундай қилиб, “икки поғонали олтин бозори”: олтинни эркин бозори – мустақил ва мамлакатлар Марказий банкларининг олтин ҳисоб – китоблари – мустақил фаолият юрита бошлади. АҚШ таклифига биноан олтиннинг эркин бозор баҳосини белгиланган 35 доллар миқдорида харид қилиниши рад этилди. Шу билан бирга, барча давлатлар олтин унцияси учун 35 доллар миқдорни абадий белгиланган нархда бўлишига келишиб олди.

Мамлакат Марказий банклари ва Ҳукуматлари “ташқи” (эркин) бозордан олтинни сотиш ва сотиб олишдан бош тортди, натижада олтин Марказий банклар ўртасидаги ҳисоб – китобларда ҳисоб бирлиги (1 унция = 35 долл) сифатида қўлланила бошлади. Олтиннинг эркин бозори ҳам умумий пул тизимига алоқаси бўлмаган ҳолда ривожланди.

Икки поғонали олтин бозорининг параллел равишда амал қилиши, АҚШни янги захира қоғозларини жорий этиш тўғрисидаги фикрини илгари сурди ва махсус ҳуқуқ берувчи бирлик (СДР)ни муомалага киритиш масласи кўрилди.⁷⁴ Америка бундай бирликни киритиш орқали олтиннинг ўрнини босувчи янги қоғоз пул шаклидаги жаҳон валютасини жорий этиш бўлган. СДРни амалиётга жорий этиш ва уни эмиссия қилиш ҳуқуқини Жаҳон банки ихтиёрига бериш режалаштирилган эди. СДРни жорий этиш ва уни жаҳон

⁷⁴ Special drawing rights.

валютасига айлантириш хусусида, илгари сурилган тизимни барпо этиш орқали АҚШ бошқа давлатлар билан бирлашган ҳолда пул таклифини янада ошириш имкониятига эга бўлар эди. Бу тизимни жорий этиш, албатта дунё иқтисодиётининг издан чиқишига жиддий хавф туғдирди.

СДР амалиётини тарқалишига қаршилик кўрсатаётган Ғарбий Европа ва қаттиқ валютага эга бўлган мамлакатлар АҚШ валюта захираларининг сезиларсиз миқдорини ташкил этган.

Қоғоз пуллар назариясини қўллаб – қувватлаган Милтон Фридман ҳам ўз қарашларида жаҳон валюта тизимидан олтинни бутунлай бекор бўлишини илгари сурган. Яъни, Бреттон – Вудс тизими жорий этилганда, АҚШнинг етакчи экспертлари саноатда долларга талаб ортиши натижасида олтин нархини 10 долларгача пасайишини тахмин қилишган. Лекин, ушбу тизимни мукамал ишлаши учун доллар инфляциясини белгиланган меъёردа сақлаш лозим эди. 1973 йилнинг бошларига келиб, олтиннинг бир унцияси 125 долларгача кўтарилди.

Бундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, АҚШнинг таклифига асосан икки поғонали олтин бозорининг яратилиши, Бреттон – Вудс тизимининг фаолият юритиш муддатини бир неча йилга чўзишга хизмат қилди. Чунки, инфляциянинг ўсиши оқибатида Американинг тўлов баланси камомади ортиб, олтин захиралари қисқариб борди. Европа Марказий банклари ҳисобварағларида эса, “евродоллар”лар миқдори ортиб борди. Ўз навбатида эркин олтин бозорида доллар массасини ортиши, олтин нархини ортишига ва долларга бўлган ишончсизликни ортишига олиб келди. Эндиликда, олтинга эгалик қилган шахслар, уни сотишдан воз кечаётган эди. Бу ўз навбатида аввалига эркин олтин бозори фаолиятини, кейинчалик Бреттон – Вудс тизимини батамом тўхташига олиб келди.

15.2.7. Сузиб юрувчи курс (1971 йил ва кейинги давр.)

1970 йилларнинг бошида АҚШ иқтисодиётида инфляция даражасининг юқорилиги Бреттон – Вудс тизими фаолиятини давом эттиришига ҳам жиддий хавф сола бошлади. Инфляцияни олдини олиш мақсадида 1971 йилнинг 15 августида АҚШ Президенти Никсон барча иш ҳақи ва нархларни музлатди, шунингдек, Бреттон – Вудс тизими қоидаларига мос келмайдиган қарорлар қабул қилди.

Хусусан, АҚШ Европа мамлакатлари Марказий банклари ҳисобварағларида йиғилган долларни олтин билан сўндириш ҳусусидаги талабини қондиришдан бош тортди. АҚШ Президенти олтин стандартидан бутунлай воз кечганлиги тўғрисида ахборот берди. Жаҳон пул тизими 30 йилларнинг тартибсизлигига қайтди.

1930 йилларда АҚШда долларни олтинга боғлиқлигини сақланиши, жаҳон пул тизимидаги тартибсизликларни чуқурлашиб кетишини олдини олган эди. Эндиликда, доллар олтин билан таъминланмаган оддий қоғоз пулга айланган эди. Бу ўз навбатида иқтисодий салбий оқибатларни: валюта тўсиқлари, девальвациянинг ортиши халқаро савдо ва инвестиция фаолиятини тўхташи каби молиявий, иқтисодий “уруш”ни юзага келишига, жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози бўлишига жиддий хавф туғдирди.

Барча давлатлар хавф солиб турган молиявий – иқтисодий инқирозни олдини олиш учун турли чора – тадбирлар лойиҳаларини ишлаб чиқди. 1971 йил 18 декабрда жаҳон пул тизимини сақлаб қолиш мақсадида АҚШ томонидан илгари сурилган таклиф Ямайка конференциясида муҳокама қилинди ва тасдиқланди. Ушбу келишувга асосан жаҳон валюта тизими олтин билан таъминланмаган бўлиб, Смитсон келишуви номини олди. Шу даврдан бошлаб, олтин миллий валюталарнинг таъминланганлик вазифасини бажаришни тўхтатди.

АҚШ Президенти Никсон томонидан жаҳон валюта тизимига киритилган янгилик, амалдаги Бреттон – Вудс тизими ёки 20 йилларнинг олтиндевиз стандартидан ҳам ишончсиз эди. Чунки, келишувга асосан мамлакатлар қатъий белгиланган валюта курсларини сақлаши билан бирга, янги тизимга кўра валюталар олтин ёки бошқа жаҳон пуллари билан таъминланмаганлиги бекор қилинди. Европа валюта курслари сунъий равишда баҳоланди. АҚШ долларининг курсини доимий 35 долл даражада бўлишини таъминлаши тўғрисидаги келишувга асосан долларнинг девальвацияси 38 доллар қилиб белгиланди.

Янги валюта тизимида валюталарнинг ягона айрибошлаш қоидаларининг мавжуд эмаслиги, уларни қатъий айрибошлаш курсини амал қилишида келишмовчиликларни келтириб чиқарди. Шунингдек, Смитсон келишувида АҚШдаги инфляцияни, доллар курси ва ташқи савдо камомадини тартибга солувчи қоидаларнинг йўқлиги, иқтисодий вазиятни янада чуқурлаштирди.

Европа мамлакатлари иқтисодиётида “евродоллар” массасини мунтазам ўсиши, олтинга айрибошлаш шаклининг барҳам топиши натижасида эркин бозордаги олтиннинг баҳоси 215 долларгача кўтарилди. Мамлакатлар валюта айрибошлаш курслари ўртасидаги номутаносибликларни келиб чиқиши, долларга юқори баҳо берилганлиги ва Европа, Япония давлатлари валюталари сунъий баҳоланганлигидан далолат берган эди. Бунинг натижасида 1973 йилнинг феврал – март ойларида жаҳон молия бозори иштирокчилари саросимага тушди. Чунки, долларга ишончсизликни юқорилиги натижасида, мамлакатлар доллар харид қилишдан бош тортди. Шундай қилиб, Смитсон келишуви имзоланишидан бир йил ўтиб, бу тизимни фаолият юритиши барҳам топди.

Смитсон келишувида белгиланган қоидаларни ўзини тўлиқ оқламаганлиги долларга бўлган ишончсизликни янада кучайтирди. Молия бозоридаги тартибсизликлар доллар деальвация қилинишини талаб этди. Қоғоз пулларнинг сузиб юрувчи курсида, валюта курслари талаб ва

таклифдан келиб чиқиб эркин аниқланди. Бу эса, Европа валюта биржаларида долларни қадрсизланишига, немис маркаси, Швейцария франки ва Япония иенаси каби қаттиқ валюталарни қадри кўтарилишига олиб келди. Шу қаторда евродоллар муаммосининг барҳам топиши билан АҚШ тўлов баланси камомади ҳам меъёрлашди. Чунки, доллар курси тушиши, АҚШнинг жаҳон бозоридаги товарларини баҳосига таъсир қилди ва Америка экспортини ўсишини таъминлади. Ўз навбатида валюта бозорини тартибга солиш учун вақти – вақти билан давлат томонидан валюта интервенцияси ўтказилиши, валюта бозорини эркин фаолият юритишига таъсир кўрсатди.

Кейинчалик ушбу тизимни амал қилишида ҳам қатор камчиликлар мавжудилиги аён бўлди. Чунки, қаттиқ валютага эга бўлган мамлакатлар миллий валютасининг қадрини ўсиши иқтисодиётга салбий таъсир кўрсата бошлади. Яъни миллий валютанинг узоқ вақт ўсиш тенденциясига эга бўлиши, миллий ишлаб чиқарувчилар товарларини нархини ўсишига, истеъмол товарлари бозорини Америка товарлари билан тўлишига олиб келди. Иқтисодиётда шу каби ҳолатларни олдини олиш мақсадида бошқа давлатлар 1930 йилларда бўлгани каби, турли валютавий назоратлар, валюта девальвацияси ва бошқа иқтисодий меъёрлар жорий қилинди. Шунини таъкидлаш жоизки, долларнинг қадрсизланиши, Америкада импорт товарларининг баҳосини ўсишига таъсир кўрсатди. Бошқа давлатларда арзон америка товарларига бўлган талаб янада ортади. АҚШ бозорларида эса экспорт товарларини ҳажмини камайиши, ички бозорда бундай товарларнинг (ғўшт ва буғдой) баҳосини ўсишига олиб келди. Айтиш жоизки, долларнинг қадрсизланиши экспортёрларга ижобий таъсир кўрсатаётган бўлса, бу – инфляция солиғини тўлаётган истеъмолчилар тўлов қобилиятига салбий таъсир кўрсатган.

АҚШ нинг 1971 йил августидан кейинги даврда олтин стандартидан воз кечиши ва 1973 йил март ойидан сузиб юрувчи валюта курсларини жорий қилиниши, жаҳон валюта тизимида узоқ вақт инфляцияни сақланишига сабаб бўлди. Қоғоз пул назарияси тарафдорлари бўлган кейнсчилар ва Милтон

Фридман каби иқтисодчилар, саноатни ривожланиши натижасида долларни олтинга нисбатан курси 8 – 10 долларгача тушишини тахмин қилишган эди. Амалиётда эса Бреттон – Вудс тизими жорий этилганда белгиланган олтин унцияси учун 35 доллар, ушбу давр ичида умуман пасаймади. Ақсинча, 1971 йилларга келиб олтиннинг бозор баҳоси бир неча марта ошиб кетди. Франциянинг давлат маслаҳатчиси Жак Рюэфф томонидан 50 – 60 йилларда, олтин унцияси учун 70 доллар миқдорига нарх таклиф қилиниши, АҚШнинг қаршилигига сабаб бўлган эди. Лекин 1970 йил бошига келиб, олтиннинг эркин бозордаги баҳоси 70 доллардан бир неча марта ошди.

1973 йилда бутун давлатлар иқтисодиётида ҳукм сураётган инфляцияни ижтимоий – иқтисодий оқибатлари табора чуқурлашиб борди. Эркин бозорда нархларни шаклланишида ноаниқликлар ва беқарорлик юзага келди. Бу жаҳон валюта тизимини қатъий валюта курсларига ва паритетига асосланган Бреттон – Вудс тизими қоидаларидан чиқиш билан изоҳланади. Яъни амалиётга валюталарнинг сузиб юрувчи курсларини киритилганлиги, олтиннинг расмий қийматини йўқолганлиги ва АҚШнинг бошқа давлатлар Марказий банклари ҳисобварағларида йиғилган “евродоллар”ларни олтинга айрибошладан бош тортиши, Бреттон – Вудс тизими тамойилларига мутлақо зид бўлган⁷⁵.

Мамлакатлар ўртасидаги савдо – иқтисодий муносабатларни ва инвестиция оқимини қайта тиклаш мақсадида 1976 йил Кингстон (Ямайка) шаҳрида бўлиб ўтган конференцияда Халқаро валюта фонди томонидан янги валюта тизими таклиф қилинди. 1978 йилнинг апрели ойида ратификация қилинган Ямайка келишуви, валюталарни қатъий белгиланган курсларини бекор қилди. Шу билан бирга, олтин ликвид актив сифатида Марказий

⁷⁵ 1967 йилда Франция Марказий банки ҳисобварағида йиғилган 4,704 млрд долларни 4,2 минг тонна олтинга айрибошланиши ва олтинга эркин конвертирланадиган франкни жорий қилиши, кейинчалик Германиянинг ҳам шундай йўл тутиши, 1971 – 1973 йилларда Бреттон – Вудс тизимини инкирозга учратди. Чунки АҚШ нинг олтин захиралари 12,5 минг тоннагача камайиб кетиши натижасида Р.Никсон раҳбарлигидаги Президент маъмуриятини олтинни эркин айрибошланишига чек қўйишига сабаб бўлди. Долларнинг 10 % га девальвация бўлиши натижасида олтиннинг баҳоси кўтарилди. Валюта инкирози НАТО таркибидаги АҚШ, Франция ва Германия ўртасида келишмовчилик келтириб чиқарди. (Шавишук В.М. Система глобальных финансов и ее современное состояние // Проблемы современной экономики. 2002. № 2. С. 46)

банкларда таянч валюта бўлиб қолди. Халқаро валюта жамғармаси Ямайка келишуви доирасида давлатларга валюта курсларини аниқлаш қоидаларини танлаш ҳуқуқини берди. Ямайка келишувига асосан олтин демонетизацияси⁷⁶ кўзда тутилган. Яъни :

икки давлат валюталари нисбатида – олтин ва олтин паритетининг расмий қиймати бекор қилинди;

давлат органлари ва Марказий банклар долларни олтинга айрибошлаш тўхтатилди;

олтинни бозор баҳосида сотиш ва сотиб олишга рухсат берилди;

мамлакатларга валюта курсларини аниқлаш режимларини танлаш ҳуқуқи берилди;

валюта курсларини қатъий белгиланган курси ўрнига сузиб юрувчи валюта курслари жорий этилди;

Халқаро валюта жамғармасига, аъзо мамлакатлар валюта сиёсати устидан назорат қилиш ваколати берилди;

Сузиб юрувчи валюта курсларининг доимий ўзгарувчанлиги, уларнинг барқарор фаолият юритишига таъсир кўрсатишини олдини олиш учун аъзо мамлакатлар, валюта тизимида қабул қилинган қоидалар тўғрисида ўз вақтида Халқаро валюта жамғармасини огоҳлантириш мажбуриятини олди. Халқаро валюта жамғармаси, аъзо давлатлардан батафсил олинган маълумотларга асосан, мамлакатларни валюталарнинг уч категориясидан бирига киритади.

бир ёки бир неча валюталарга боғланган валюта;

айрибошлаш курси бир ёки бир неча валюталарга нисбатан эгилувчан бўлган валюталар;

эгилувчанлиги юқори бўлган валюталарнинг айрибошлаш курси.

⁷⁶ Олтинда, пул функцияларини йўқолиши юридик ва реал жараёнлар билан изоҳланади. Ямайка валюта тизими қоидаларига асосан олтин демонетизацияси юридик мустаҳкамланди. Лекин Халқаро валюта жамғармаси низомида олтинни халқаро захира активи эканлиги ман этилмаган, шунинг учун ҳақиқатда олтин демонетизацияси тугатилмаган.

Таъкидлаш жоизки, Халқаро валюта жамғармаси мамлакатларни, учта категория бўйича гурухлаштиради ва бу ҳар йили ўзгариб туриши мумкин. Масалан, 1983 йилда жаҳоннинг 38 мамлакати ўз валюталарини долларга боғлаган, 1985 йилда уларнинг сони 31 тагача, 1990 йилда 28 тагача камайди. Аксарият давлатлар қаттиқ валюта сиёсати юритиб, валюта тизими кучли назорат остига олган. Шу ўринда мамлакат валюта айрибошлаш тизимини лицензиялаштирилиши⁷⁷ натижасида валюталар тўлиқ конвертация қилинмайди.

Ямайка валюта тизими Бреттон – Вудс валюта тизимига нисбатан эгилувчан бўлиб, мамлакатлар тўлов баланси ва валюта курслари беқарорлигига мослашувчан ҳисобланади. Шу билан бирга, Ямайка валюта тизимини амал қилиши жараёнида, бир қатор мураккаб муаммолар мавжудлиги кўзга ташланди. Хусусан, СДР стандартининг самарасизлиги⁷⁸, юридик жиҳатдан олтин демонетизация қилиниши ва ҳақиқатда эса, унинг жаҳондаги ликвид актив сифатида захирада шакллантирилаётганлиги, сузиб юрувчи курслар тизимининг мукамал эмаслиги билан изоҳланади.

15.3. Валюта курси ва унинг турлари

Иқтисодий адабиётларда валюта курси ва уни аниқлаш хусусида жуда кўп фикрлар ва ёндошувлар мавжуд. Улар кўп ҳолатда бир – бирига мос келмайди. Бунинг асосий сабаби валюта курси ҳақида билдирилган фикрлар турли географик ва ижтимоий – иқтисодий муҳитда яратилганлиги бўлса керак.

Валюта курси бўйича иқтисодчи олимлар томонидан билдирилган фикр ва ёндошувларнинг умумий мазмуни “*Валюта курси – бу бир мамлакат*

⁷⁷ Бунга асосан Марказий банк томонидан қатъий айрибошлаш курслари белгиланади ва экспортни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлари, валюта тушумлари бўйича белгиланган курсда айрибошлаш мажбуриятини олади.

⁷⁸ СДР стандарти мукамал эмас. Чунки, СДР ни амал қилиш доираси Халқаро валюта жамғармасининг операциялари доирасида чегараланган. Жаҳон валюта тизимида доллар стандарти амалий жиҳатдан сакланиб қолди. СДР нинг валюталар саватчасида долларнинг улуши 2001 – 2005 йилларда 39 – 45 % дан ортиб кетди.

миллий валютаси “баҳосини” бошқа мамлакат пул бирлигида ифодаланишини” англатади.

Валюта курси валюта тизимининг муҳим элементларидан бири ҳисобланади, чунки халқаро иқтисодий муносабатлар турли мамлакатларнинг миллий валюталарини бир–бирига ўлчашни тақозо этади. Бу эса валюта курси орқали аниқланади. Турли мамлакатлар валюталари бир – бирига таққослаб баҳосини аниқлаш ишлаб чиқариш ва айрибошлаш жараёнига асосланиб уларни объектив қиймат муносабатлари орқали амалга оширилади.

Валюта курси фундаментал ва бошқа объектив–субъектив омиллар таъсирида доимий равишда тебраниб туради, бозорда товарлар ва хизматлар хажмининг ўзгариши ҳамда пул тизимининг таъсирида валюталар курси аниқланади ва уни аниқлаш тартиби ҳам ўзгариб туради.

Халқаро амалиётда валюта курсининг **тартибга солиб туриладиган ва сузиб юрувчи** усуллари мавжуд.

Тартибга солинадиган валюта курси назариясинин тарафдорлари валюта курсини давлат томонидан тартибга солиш орқали уни мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг қўшимча механизми эканлигини таъкидлайди. Франция иқтисодчиси Дж. Мид, Р. Манделлнинг фикрича халқаро бозорларда валюта курсининг доимий равишда ўзгариши миллий иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатади, чунки давлат ҳар доим ҳам ундан самарали фойдалана олмаслиги мумкин, шунинг учун ҳам давлат миллий валюта курсини иқтисодиётнинг самарали ривожланиш йўналишидан келиб чиқиб ўзи белгилаши лозимлигини таъкидлайди, Америкалик иқтисодчи Е. Бирнбаум валюта курси давлатлараро ташкил этилган халқаро молиявий ташкилотларнинг ўзаро келишуви асосида ўрнатилиши лозимлигини таъкидлайди.

Валютанинг сузиб юрувчи курсининг назарияси тарафдорлари асосан неоклассик йўналишдаги иқтисодчилар ҳисобланади. Жумладан, уларнинг каторига М. Фридмен (Чикаго мактабининг йўлбошчиси), Ф. Махлуп

(Принстон университети), А. Линдбек (Стокгольм университети), Г. Джонсон (Чикаго ва Лондон университетлари), Л. Эрхард, Г. Гирш, Э. Дюрр (Германиянинг Фрейбург мактаби) ва бошқалар киради.

Валютанинг сузиб юрувчи курсининг каттиқ валюта курсидан куйидаги афзалликлари мавжуд:

- мамлакат тўлов балансини автоматик тарзда тартибга солади;
- мамлакатнинг ижтимоий – иқтисодий йўналишлари бўйича сиёсатни ташқи аралашувсизлар танлаш имкониятини беради;
- валюта савдосини ривожланишига кенг имконият беради, бозордаги талаб ва таклиф асосида кимдир юттиради кимдир эса ютади;
- халқаро савдони ривожланишини рағбатлантиради;
- валюта бозори валюта курсини давлатга нисбатан тез ва аниқроқ аниқлаш имкониятини беради.

Ҳар бир мамлакат валюта курсининг қандай усулини жорий этишни мустақил ҳал этади. Бунга қатор омиллар таъсир этади, жумладан, мамлакатнинг ижтимоий–иқтисодий ҳолати, мамлакат банк тизимида пул – кредит сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари, иқтисодиётнинг барқарорлиги ва рақобатбардошлиги кабилар шулар жумласидандир.

Валюта курсининг тартибга солинадиган усули амалиётда қўлланилганда миллий валютанинг курси асосан Марказий банк томонидан ўрнатилади, валюта курсининг ушбу тури асосан иқтисодиётни маъмурий бошқариш шароитига хосдир. Бу шароитда валюта курси мамлакат Марказий банки томонидан деректив кўрсатилган тарзда жорий этилиб, товар ва хизматлар баҳоси маъмурий усулда жорий этилади. Бундай шароитда, асосан миллий валюталар бошқа мамлакат валютасига эркин айирбошланмайди.

Валюта курсининг сузиб юрадиган тури, бозор иқтисодиёти шароитидаги товар – пул муносабатларида кенг жорий этилиб, бунда миллий валюталарнинг хорижий мамлакатлар валютасига нисбатан курси талаб ва таклиф асосида ўрнатилади.

15.4. Халқаро ҳисоб – китобларнинг вужудга

келиши ва моҳияти

Халқаро валюта ҳисоб – китобларнинг вужудга келиши ва ривожланишининг асосида мамлакатлар ўртасида товар ва хизматлар алмашивунинг мавжудлиги, капитал айланмасининг вужудга келиши ва унинг ҳажмини доимо ортиб бориши ётади. Халқаро ҳисоб – китоблар халқаро ташқи товар ва хизматлар айланмасини ташкил этиш, тижорат ва нотижорат операцияларни амалга ошириш, кредитлар бериш ва капитал ҳаракатида намоён бўлади.

Халқаро ҳисоб – китоблар – турли мамлакатлар юридик ва жисмоний шахслари ўртасида иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатлар натижасида вужудга келадиган пуллик талаб ва мажбуриятларни тартибга солиш усуллари дир. Мамлакатлар ўртасида амалга ошириладиган операцияларнинг асосий ҳажми хорижий валюталарни кўчириш, яъни халқаро ҳисоб – китоблар асосида амалга оширилади.

Халқаро ҳисоб – китобларни амалга оширишда банкларнинг хорижий мамлакатлардаги бўлимлари ёки хорижий банклар билан ўрнатилган вакиллик ҳисобрақамларидан (корреспондентлик муносабатлари) фойдаланилади. Корреспондент муносабатларда “лоро” (хорижий банкларнинг маҳаллий банклардаги), “ностро” (маҳаллий банкларнинг хорижий банклардаги) ҳисобрақамларини очиш орқали амалга оширилади. Халқаро ҳисоб – китобларда қўлланиладиган корреспондент ҳисобрақамлар очилганда банклар ўртасида ушбу ҳисобрақамлар бўйича ҳисоб – китобларни амалга ошириш тартиби, комиссия тўловларнинг миқдори, сарфланган маблағларни тўлдириш йўллари ва бошқа масалаларни бажариш ҳақида ўзаро келишув тузилади.

Банклар халқаро ҳисоб–китобларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириш мақсадида ликвидли валюталарда зарур миқдордаги валюта

позицияларни тaминлашга ҳаракат қилади, бунда асосий эътибор амалга ошириладиган ҳисоб–китобларни белгиланган муддат ва миқдорда тўлаб беришга қаратилади.

Халқаро банк амалиётидан маълумки, халқаро ҳисоб–китобларни амалга ошираётган банклар “ностро” ҳисобварақалари бўйича тегишли валютада даромад олиш, шунингдек, ушбу маблағларни жаҳон ссуда капитали бозорларида валютали активларга жойлаштириш мақсадида тегишли қолдиқни сақлашга ҳаракат қилади.

Халқаро ҳисоб – китобларда банкларнинг фаолияти тегишли маҳаллий ва халқаро миқёсдаги ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тартибга солинади. Халқаро жорий валюта операциялардан дунёнинг етакчи мамлакатлари миллий валютаси тўлов воситалари вазифасини бажаради. Биринчи жаҳон урушига қадар фунт стерлингда муомалага чиқарилган векселлар (тратталлар) халқаро ҳисоб–китоблар бўйича операцияларнинг 80 фоизини бажарди.

Мамлакатлар ўртасида меҳнат тақсимо­тининг кучайиши ва уларнинг иқтисодий­етини ривожланишида ўзаро мутаносиб­ликнинг вужудга келиши боис, англия фунт стерлинги халқаро ҳисоб–китоблардаги улуши 1948 йилда 40 фоизга, 1999 йиларнинг бошида эса 5 фоизга тушиб қолди.

АҚШ долларининг ташқи савдодаги улуши 1982 йилда 78 фоизга етди, 2000 йилларнинг бошида евро, япония иенаси, швецария франки ва бошқа етакчи мамлакатлар миллий валюталари халқаро тўлов воситаси сифатида фойдаланила бошланди, натижада АҚШ долларининг халқаро савдодаги улуши 55 фоизга тушди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатлар ўртасида амалга ошириладиган айрим ҳисоб – китобларда 1970 йилдан СДР (специальные прав заимствования), 2000 йилдан сўнг евро фаол қўлланила бошланди.

Халқаро ҳисоб – китобларнинг ривожланиши натижасида олтинни тўлов воситаси сифатидаги роли нафақат ички ҳисоб – китоблардан, балки халқаро тўловларни амалга оширишдан ҳам сиқиб чиқарилди. Олтин

стандарти энг ривожланган даврда ҳам халқаро ҳисоб–китобларда ундан тўлов балансининг пассив қолдиғини тўлашда фойдаланилди. Олтин стандартининг бекор қилиниши ва сариқ металлга кредит пулларни алмаштириш тўхтатилгандан сўнг халқаро мажбуриятларни олтинга тўлаш зарурияти йўқолди.

Бироқ, таъкидлаш жоизки, мамлакатлар ўртасида ижтимоий–иқтисодий барқарорлик бузилганда жаҳон пулини бажараётган миллий валюталарга нисбатан ишончнинг йўқолиши натижасида халқаро ҳисоб – китобларда олтиндан фойдаланиш ҳоллари амалиётдан маълум.

Масалан, иккинчи жаҳон уруши даврида халқаро ҳисоб–китобларнинг асосий қисми олтин слиткаларда амалга оширилган. Урушдан кейинги даврда (1950 – 1958 йилларда) айрим кўп томонлама ҳисоб – китоблар дастлаб 40 фоизгача, 1955 йилда 75 фоизгача олтин билан тўланган.

Замонавий шароитда мамлакатлар ўзининг тўлов баланси барқарорлигини таъминлаш мақсадида олтин захираларини дунёнинг етакчи валюталарига сотади. Бу ўз – ўзидан кўриниб турибдики, олтин халқаро ҳисоб – китобларда тўғридан – тўғри иштирок этмасдан, олтин бозорлари орқали ҳисоб – китобларни амалга оширишга эришмоқда.

Халқаро ҳисоб – китобларнинг ҳолати ва ривожланишига қатор омиллар таъсир этади. Хусусан, мамлакатлар ўртасидаги ижтимоий – иқтисодий сиёсат, валюта қонунчилиги, халқаро савдони ташкил этишнинг қонун ва қоидалари, шунингдек, молия – кредит тизимининг ривожланганлик даражаси шулар жумласидандир.

15.5.Халқаро ҳисоб – китобларнинг шакллари ва валюта риски

Мамлакатлар ўртасида товарлар ва хизматлар бўйича олди – сотди операцияларни амалга оширишда халқаро ҳисоб – китобларнинг қуйидаги шакллари қўлланилади:

хужжатли аккредитив;

инкассо;

банк ўтказмалари;

вексел ва чеклар билан ҳисоб – китоблар шулар жумласидандир.

Халқаро ҳисоб – китобларни амалга оширишда қуйидаги ҳолатларга алоҳида эътибор қаратилади.

1.Халқаро ҳисоб – китобларда экспортер ва импортерга хизмат кўрсатадиган банклар молиявий воситачи сифатида майдонга чиқади.

2.Халқаро ҳисоб – китоблар маҳаллий ва халқаро қонунчилик хужжатлари билан тартибга солинади.

3.Халқаро ҳисоб – китоблар турли валюталарда амалга оширилади. Асосан, дунёда тўлов воситаси сифатида тан олинган мамлакатларнинг миллий валюталарида (АҚШ доллари, евро, иена, юань).

4.Битта халқаро контракт доирасида бир неча ҳисоб – китоб шакллари қўлланилиши мумкин.

Экспортер ва импортерлар ўртасида товарлар ва хизматлар бўйича тўловларни амалга оширишда ҳисоб – китоб шакллари танлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади ва бунга қатор омиллар таъсир қилади. Хусусан:

товар ва хизматлар тури;

контргентларни тўловга лаёқатлилиги ва мавқеи. Айрим ривожланаётган мамлакатлар импортерларининг тўлов қобилияти заиф бўлганлиги боис, улар ўртасида халқаро ҳисоб – китобларнинг аккредитив шакли кўпроқ қўлланилади. Аккредитив ҳисоб – китоб шаклида экспортерга тўлов кафолатланади.

жаҳон бозорида сотиладиган товарларга бўлган талаб ва таклиф даражаси;

бошқа омиллар.

Валюта rischi ва валюта келишуви. Халқаро ҳисоб – китобларда валюта rischi ва валюта келишуви мавжуд бўлиб, халқаро валюта

муносабатларида иштирок этувчи томонларнинг иқтисодиёти, молиявий ҳолати ва ташқи сиёсатини барқарорлигини олдини олиш мақсадида тузилади.

Валюта рисқи – томонлар ўртасида ташқи савдо ва кредит шартномаларини имзолаш жараёнида тўлов воситаси сифатида фойдаланиладиган валюта курсининг ўзгариши туфайли вужудга келиши мумкин бўлган йўқотишдир.

Одатда валюта курси баҳосининг тушиши натижасида экспортёр ва кредитор зарар кўради, тўлов валютаси курсининг ошишидан эса импортёр ва қарздор молиявий маблағларини йўқотади.

Халқаро ҳисоб – китобларда валюта рискидан кўрилиши мумкин зарарларни олдини олиш мақсадида **ҳимоя келишуви** тўғрисида шартнома шартлари жорий этилади, бу шартлар экспортёр ва импортёр ўртасида тузиладиган шартнома ва контрактларда кўзда тутилади. Бреттон – Вудсе валюта тизими инқирозигача бўлган даврда ва олтин паритети бекор қилингунча олтин келишувлари қўлланилар эди, бунда тўлов воситасининг паритети олтинга нисбатан ўзгарадиган фарқ суммаси пропорционал равишда тўлаб берилган.

Валюта келишуви – экспортёр ва импортерига тўлов воситасининг қадрсизланишидан ҳимоя қилиш бўлиб, тўлов валюта курсининг ўзгариши натижасида вужудга келадиган фарқни пропорционал тарзда тўлаб бериш ҳақидаги келишувдир.

15.5.1. Аккредитив

Халқаро ҳисоб – китоблар ичида аккредитив жуда кўп қўлланиладиган пул ўтказмаларининг шакли ҳисобланади. Аккредитив билан ҳисоб – китобда импортёр бенефициарнинг номига аккредитив очиш юзасидан топшириқ беради, аккредитив суммаси бенефициарнинг товарлар етказиб берганлиги ёки

хизматларни кўрсатганлигини тасдиқловчи ҳужжалари асосида унинг ҳисобига ўтказилади.

Халқаро аккредитив билан ҳисоб – китобларни амалга оширишда қуйидаги томонлар иштирок этади:

импортер, банкка аккредитив очиш учун мурожаат қилувчи;

эмитент – банк, аккредитив очувчи банк;

авизо қабул қиладиган банк, ушбу банк импортер банкида бенефициар номига аккредитив очилганлиги ҳақида хабарни экспортерга етказди ва тўловни амалга оширади;

бенефициар – экспортер, унинг ҳисобига аккредитив очилади.

Халқаро ҳисоб – китобларнинг аккредитив шакли экспортерга тўловни қафолатлаши билан алоҳида аҳамият касб этади, чунки экспортер ва импортер ўртасида тузилган шартнома суммаси олдиндан экспортерга хизмат кўрсатадиган банкнинг аккредитив ҳисобварағига ўтказиб берилади. Шунинг учун экспортерлар халқаро ҳисоб – китобларда тўлов қобилияти нисбатан паст импортерлар ва сиёсий – иқтисодий жиҳатдан беқарорлик мавжуд бўлган мамлакат экспортерлари тўловларни амалга оширишда ушбу шаклдан фойдаланишни афзал кўради.

Аккредитив қўлланилиши даражасига қараб қуйидаги турларга бўлинади.

1. Эмитент – банк аккредитивнинг шартларини ўзгартириш нуқтаи назаридан, *чақириб олинадиган ва чақириб олинмайдиган* аккредитивдан иборат. Агар импортер ва экспортер ўртасида тузилган шартномада чақириб олинадиган аккредитив кўзда тутилган бўлса, шартномда келишилган муддат ичида импортернинг товарларни сотиб олиш ёки хизматлар бўйича қарори ўзгарса бенефициар фойдасига ўтказилган шартнома суммасини тўлиқ ёки қисман чақириб олиниши мумкин. Чақириб олинадиган аккредитивда эса импортерга бундай ҳуқуқ берилмайди.

2. Шартномада кўрсатилган суммани бенефициарнинг аккредитив ҳисобварағига ўтказиши нуқтаи назардан, *таъминланган ёки*

таъминланмаган аккредитивга бўлинади. Таъминланган аккредитивда импортер шартномада келишилган сумма тўлиқ бенефициарнинг банкида депонентланади, таъминланмаганда эса ушбу сумма импортернинг банки томонидан кафолатланади.

3. Аккредитив шартномасида кўрсатилган сумма бўлиб – бўлиб, бир неча марта бенефициарнинг банкида очилган аккредитив ҳисобварағига ўтказилиши мумкин, аккредитивнинг бу тури *тўлдириб бориладиган ёки револьвер аккредитив* деб юритилади. Аккредитивнинг ушбу шакли одатда ишлаб – чиқариш жараёни бир – бирига боғлиқ бўлган экспортер ва импортерлар ўртасида қўлланилади.

Халқаро ҳисоб – китобларда қўлланиладиган аккредитивнинг афзаллик жиҳатлари кўпроқ экспортерга тегишли бўлиб, унга жўнатилган товар ёки кўрсатилган хизмат учун тўлов кафолатланган. Бироқ, импортер бенефициар учун очилган аккредитив ҳисобварағига мабалағни ўтказиши натижасида унинг ихтиёридаги маблағ маълум муддатга четлашишига сабаб бўлади.

15.5.2. Инкассо

Халқаро ҳисоб – китобларда қўлланиладиган аккредитивларнинг асосий моҳияти шундан иборатки, экспортер жўнатилган товарлар ёки кўрсатилган хизматлар учун тўловни ундириб олиш мақсадида ўз банкига тегишли ҳужжатлар билан бирга инкассо тўлов ҳужжати ҳам тақдим этади.

Халқаро ҳисоб – китобларнинг инкассо шаклида товарлар ҳаракати пул ҳаракатидан олдинда юради. Шу боис ҳам ушбу ҳисоб – китобни амалга оширишда тижорат кредитининг бир кўриниши намоён бўлади, бу экспортерларни маълум даражада рискка дучор бўлишига сабаб бўлади. Бу ўз навбатида экспортер импортернинг молиявий ҳолати ва унинг тўловга қобилияти ҳақида, шунингдек, импортер бошқа мамлакатдан бўлса мамлакатдаги сиёсий – иқтисодий аҳволни ўрганиши жуда муҳим ҳисобланади.

Халқаро ҳисоб – китобларнинг шакли маҳаллий инкассо ҳисоб – китоблардаги каби, қуйидаги босқичларни ўз ичига олади.

1.Экспортер товарларни жунатгандан ўз банкига товарларни жўнатганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга инкассо ҳужжатини тақдим этади.

2. Экспортернинг банки инкассо ҳужжатларини халқаро талаблар доирасида тайёрланганлигини ўрганиб чиққандан сўнг СФИВТ электрон тзлов тизими орқали импортернинг банкига жўнатади.

3.Импортернинг банки инкассо ҳужжатлари келиб тушганлиги ва тўловни амалга ошираётганлигини унга хабар қилади ва маблағларни экспортернинг банкига жўнатади.

4.Экспортернинг банки валюта маблағларини унинг ҳисобварағига кирим қилгандан сўнг бу ҳақда хабар беради.

Халқаро ҳисоб – китобларнинг инкассо шакли қўлланилганда валюта курсининг ўзгариши, импортернинг молиявий ҳолати ёмонлашуви туфайли тўловни амалга ошира олмаслиги, импортернинг мамлакатада сиёсий ва иқтисодий вазиятнинг кескинлашуви оқибатида экспортер молиявий жихатдан зарар кўриши мумкин. Шу боис ҳам экспортер халқаро ҳисоб – китобларни амалга оширишда ҳисоб – китобларнинг ушбу шаклини танлашда жуда эҳтиёткорлик билан ёндашади.

15.5.3. Банк ўтказмалари

Халқаро ҳисоб – китобларда банк ўтказмалари асосан экспортер ва импортер ўртасидаги иқтисодий алоқалар доимий характерга эга бўлганда, уларнинг молиявий ҳолати бир – бирига тўлиқ маълум бўлганда ва тегишли даражадаги ишонч мавжуд бўлсагина жорий этилади.

Халқаро ҳисоб – китобларнинг ушбу шакли жуда оддий ва осон бўлиб, товарлар экспорт қилингандан сўнг тўловни амалга ошириш учун импортер ўз банкига топшириқнома аризасини тақдим этади. Импортер банки

топширикнома аризада кўрсатилган суммани экспортернинг банкига СФИВТ электрон тўлов тизими орқали ўтказиб беради. Экспортернинг банки унинг ҳисобварағига келиб тушган маблағ ҳақида хабар беради.

Халқаро ҳисоб – китобларда банк ўтказмаларининг ижобий жиҳатлари кўпроқ импортерга тегишли бўлиб, у олинган товарлар учун маблағ етарли бўлса тўловни амалга ошириши, агар маблағ мавжуд бўлмаса ёки етарли бўлмаса тўловни маълум муддатга кечиктириши, олинган товар ёки хом ашёдан тўловни амалга оширмаган бўлсада фойдаланиши мумкин бўлади.

15.6. Ўзбекистон банкларида халқаро валюта муносабатлари

Ўзбекистон тижорат банклари мустақиллик йилларида жуда кўп хорижий мамлакатларнинг банклари билан қатор валютали операцияларни амалга оширишни йўлга қўйди.

Ўзбекистонда халқаро валюта муносабатлари тегишли қонун ва меъёрий ҳужатлар билан тартибга солинади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни шулар жумласидандир. Ушбу қонун 1993 йил 7 майда қабул қилинган бўлиб, унга қатор қўшимча ва ўзгаришлар киритилган.

Ўзбекистонда халқаро валюта операциялари ваколатли банклар томонидан амалга оширилади. Ушбу банклар Марказий банкнинг бош лицензиясига эга бўлиб, улар:

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида очиқ валюта мавқие лимити доирасида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш бўйича, шу жумладан, ҳосила молиявий воситалар асосида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш бўйича бевосита ўзаро, ўз миқдорлари билан ҳамда валюта биржалари орқали, шунингдек халқаро бозорларда операцияларни амалга ошириш;

- Ўзбекистон Республикасининг банкларида ва чет эл банкларида вакиллик ҳисобварақларига ҳамда бошқа ҳисобварақларга эга бўлиш;

- нақд чет эл валютасини ҳамда чет эл валютасидаги тўлов

хужжатларини жисмоний шахслардан сотиб олиш ва уларга сотиш операцияларини амалга ошириш учун айирбошлаш шохобчаларини очишга ҳақли ҳисобланади.

Ваколатли банклар томонидан амалга ошириладиган операциялар, валюта тўғрисидаги қонунга кўра жорий халқаро операцияларни ва капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операцияларга бўлинади.

Жорий халқаро операцияларга қуйидагилар киради:

ташқи савдо, бошқа жорий фаолият олиб борилиши, шу жумладан, хизматлар кўрсатилиши бўйича тўловлар;

фоизлар ва бошқа даромадлар кўринишидаги тўловлар;

кредитларни, қарзларни узиш учун ёки тўғридан – тўғри инвестициялар амортизацияси учун мақбул суммаларни тўлаш;

савдо билан боғлиқ бўлмаган пул жўнатмаларини амалга ошириш бўйича операциялар киради.

Капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операцияларга жорий халқаро операциялар ҳисобланмайдиган барча операциялар киради. Хусусан:

инвестиция фаолиятини амалга ошириш;

кредитлар олиш ва бериш, лизинг операцияларини амалга ошириш;

кўчмас мулкни сотиб олиш ва сотиш;

хорижий давлатлардан маблағларни ҳисобварақлар ва омонатларга жалб этиш ҳамда хорижий давлатларда маблағларни ҳисобварақлар ва омонатларга жойлаштириш киради.

Бобга оид саволлар

- 1.Халқаро валюта тизимининг моҳияти.
- 2.Маҳаллий валюта тизимининг элементлари
- 3.Халқаро валюта тизимининг элементлари
- 4.Халқаро валюта тизимини ташкил этиш ва фаолият юритишидан кўзланган бош мақсад нима?
- 5.Олтин стандарти тизимини жорий этилиши ва уни афзалликлари
- 6.Олтиндевиз стандартини жорий этилиши ва унинг салбий оқибатлари

7.Бреттон – Вудс конференциясига асосан ташкил этилган валюта тизимининг қоидалари ва уни инкирозга учрашининг сабаблари нималардан иборат?

8.Ямайка валюта тизимини ташкил этилиши ва унинг асосий тамойллари нималардан иборат?

9.Халқаро муносабатларининг вужудга келиши ва ривожланишига қандай омиллар таъсир қилган.

10.Валюта курсининг турлари.

11.Халқаро ҳисоб – китобларнинг моҳияти ва турлари.

12.”Лоро” ва “ностро” ҳисобрақамларнинг моҳияти.

13.Халқаро ҳисоб – китобларнинг шакллари.

14.Валюта риски ва валюта келишуви.

Бобга оид тестлар

1. 1922 йилда бўлиб ўтган Генуя конференциясида қандай келишув имзоланди?

А. Биринчи жаҳон урушидан кейинги даврда олтин стандарти амал қилиши ҳусусидаги келишув.

Б. Янги олтин девиз стандартини амалиётга киритиш тўғрисидаги келишув.

В. Биринчи жаҳон урушидан олдинги пул тизимини қайта тиклаш ҳусусидаги келишув.

Г. Қоғоз пул – кредит тизимига ўтиш кераклиги ҳусусидаги келишув.

2. Бреттон – Вудс конференцияси қайси йили бўлиб ўтди ва бу конференциядан кўзланган мақсади нима бўлган?

А. 1945 йилда Бреттон – Вудс шахрида, олтин стандартини пул тизимини тиклаш мақсадида бўлиб ўтди.

Б. 1944 йилда Бреттон – Вудс шахрида, урушдан кейинги даврда жаҳон иқтисодиётини тиклаш мақсадида бўлиб ўтди.

В. 1944 йилда Бреттон – Вудс шахрида, олтин девиз стандартини амалиётга жорий этиш мақсадида бўлиб ўтди.

Г. 1944 йилда Бреттон – Вудс шахрида, Халқаро валюта жамғармасини ташкил этиш мақсадида бўлиб ўтди.

3. Девальвация нима?

А. Девальвация – бу миллий валюта курсининг чет эл валюта курсига нисбатан расман қонуний асосида пасайтирилиши

Б. Девальвация – бу миллий валюта курсининг чет эл валюта курсига нисбатан расман қонуний асосида оширилиши

В. Девальвация – бу миллий валюта курсининг чет эл валюта курсига нисбатан расман қонуний асосига тенглаштирилиши

Г. Девальвация бу – валюта сиёсатининг бир йўналиши бўлиб, импортни рағбатлантириш учун ўтказилади.

4. Бреттон – Вудс валюта тизимига кўра олтиннинг расмий қиймати қайси валютага бевосита боғланди.

А. Долларга, 1 унция олтин = 35 доллар

Б. Франция франкига, 1 унция олтин = 40 франк

В. Доллар ва фунт стерлингга, 1 унция олтин = 35 доллар, 25 фунт стерлинг

Г. Германия маркаси, 1 унция олтин = 38 марка

5. Ямайка конференциясига асосан жаҳон валюта тизимида қандай ўзгаришлар рўй берди.

А. Фунт стерлинг ва доллар жаҳон валютаси сифатида қабул қилинди.

Б. Олтин қиймати қатъий белгиланган баҳоларда аниқланиши белгилаб олинди.

В. Олтинни долларга нисбатан расмий қийматизълон қилинди.

Г. Валюта курсларини қатъий белгиланган курси ўрнига, сузиб юривчи валюта курслари жорий этилди;

6. СДР махсус тўлов бирлиги қандай операцияларда ишлатилади.

А. Мамлакатлар ўртасидаги валюта – кредит муносабатларида.

Б. АҚШ ва Европа давлатлари ўртасидаги экспорт – импорт операцияларда

В. Халқаро валюта жамғармасининг ҳисоб – китоб операцияларида;

Г. Мамлакатлар ўртасида қарз муносабатларида;

7. Дастлабки халқаро тизимининг вужудга келиши қайси йилларга тўғри келади?

А. 1830 йилларга

Б. 1840 йилларга

В. 1850 йилларга

Г. 1860 йилларга

8. Миллий валюта тизимининг элементлари қайси жавобда нотўғри келтирилган?

А. Миллий валюта

Б. Халқаро валюта

В. Конвертация шартлари

Г. Миллий валюта паритети

9. Миллий валюта тизимининг элементлари қайси жавобда тўғри келтирилган?

А. Валюталарни ўзаро конвертирлаш шартлари.

Б. Валюта паритети режимининг регламенти

В. Халқаро валюта

Г. Конвертация шартлари

10. *Халқаро валюта тизимининг элементлари қайси жавобда нотўғри келтирилган?*

- А. Халқаро валюта ликвидлигини давлатлараро тартибга солиш усули
- Б. Мамлакатнинг халқаро ҳисоб – китоблар регламенти**
- В. Халқаро кредит маблағлари муомаласини унификациялаш қоидалари
- Г. Халқаро ҳисоб–китоблар шакллари қўллаш қоидалари

11. *Банклар ўртасида корреспондент муносабатларда қўлланиладиган “лоро” ҳисобварақлар:*

- А. Хорижий банкларнинг маҳаллий банклардаги ҳисобварақлари**
- Б. Маҳаллий банкларнинг хорижий банклардаги ҳисобварақлари
- В. Ҳисоб – китобларнинг шакли
- Г. Банкларнинг валютадаги даромад ҳисобварағи

12. *Банклар ўртасида корреспондент муносабатларда қўлланиладиган “ностро” ҳисобварақлар:*

- А. Хорижий банкларнинг маҳаллий банклардаги ҳисобварақлари
- Б. Маҳаллий банкларнинг хорижий банклардаги ҳисобварақлари
- В. Ҳисоб – китобларнинг шакли
- Г. Банкларнинг валютадаги харажат ҳисобварағи

13. *Халқаро ҳисоб – китобларни амалга оширишда АҚШ долларининг улуши 1982 йилда:*

- А. 40 фоизга етади
- Б. 78 фоизга етди**
- В. 55 фоизга кўтарилди
- Г. 5 фоизга кўтарилди

14. *1955 йилда халқаро тўловларнинг олтин билан тўланидиган улуши:*

- А. 45 фоизни ташкил этди
- Б. 55 фоизни ташкил этди
- В. 65 фоизни ташкил этди
- Г. 75 фоизни ташкил этди**

15. *Халқаро ҳисоб – китобларда энг кўп қўлланиладиган ҳисоб – китоб шакли:*

- А. – аккредитив;**
- Б. – инкассо;
- В. – чеклар билан ҳисоб – китоб;
- Г. – банк ўтказмалари

16. *Ўзбекистон тижорат банклари қандай валюта операцияларни бажаради?*

- А. Жорий халқаро ва капитал ҳаракати билан боғлиқ операциялар**

- Б. Капитал ҳаракати билан боғлиқ бўлмаган валюта операциялар
- В. Жорий бўлмаган валюта операциялари
- Г. Халқаро ҳисоб – китобларни шакллари

16 – БОБ

ТЎЛОВ БАЛАНСИ

16.1. Тўлов баланси ва уни тузиш тамойиллари

Мамлакатлар ташқи ижтимоий – иқтисодий алоқаларини, савдо ва кредитлар айланмасини, хизматлар ва жорий операцияларининг ҳаракати қиймат кўринишида тўлов балансида акс эттиради.

Тўлов баланси – мамлакатнинг ташқи ижтимоий – иқтисодий алоқаларнинг бошқа мамлакатлар билан амалга ошириладиган алоқаларини қиймат кўринишида ифодаланишидир.

Тўлов балансида алоҳида олинган мамлакатни ҳақиқатда бошқа мамлакатларда тўлаган ва улардан тушган маблағлари ўртасидаги нисбатдир. Тўлов баланси одатда маълум давр (ой, чорак, йил)га тузилади.

Мамлакатнинг тўлов баланси қуйидаги таркибдан ташкил топади.

I. Жорий операциялар баланси

1. Савдо баланси

а) экспорт

б) импорт

2. Хизматлар ва нотижорат тўловлар баланси, “кўринмайдиган” операциялар баланси

II. Капиталлар ва кредитлар ҳаракати баланси (мамлакатга киритилган ва мамлакатдан чиқиб кетган давлат ва хусусий капиталлар, халқаро миқёсда олинган ва берилган кредитлар).

Юқорида келтирилганидек, тўлов баланси асосан иккита гуруҳдан ташкил топади. Тўлов балансининг биринчи гуруҳи ***савдо баланси ҳамда хизматлар ва нотижорат тўловлар*** бўйича операцияларни акс эттиради. Иккинчи гуруҳда ***капиталлар ва кредитлар ҳаракати*** бўйича операциялар баланси тузилади.

Тўлов балансининг *савдо балансида* мамлакатдан қилинадиган экспорт ва мамлакатга қилинадиган импорт товарлари ўртасидаги нисбат акс эттирилади. Одатда бу ташқи савдо айланмаси тарзида ифодаланиб, унинг натижаси ижобий ёки салбий қолдиқ кўринишида бўлади.

Агар мамлакат тўлов балансида жами экспорт суммаси импорт суммасидан ортиқча бўлса, ижобий ташқи савдо қолдиқ ҳисобланади. Тўлов балансининг ижобий савдо қолдиғи мамлакатдаги мавжуд ялпи талаб ички ишлаб чиқариш ҳисобига қондирилиётганилигини англатади, ўз навбатида бу кўрсаткич мамлакат миллий валютасининг барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Агар мамлакат тўлов балансида импорт суммаси экспорт суммасига нисбатан ортиқча бўлса, ушбу ҳолат салбий ташқи савдо қолдиғи ҳисобланади. Мамлакатда салбий ташқи савдо вужудга келиши маҳаллий ишлаб чиқариш етарли даражада ривожланмаганлигини ва ташқи ишлаб чиқариш омилларига боғлиқ эканлигидан далолат беради.

Хизматлар ва нотижорат, кўринмайдиган операциялар баланси ўз таркибига транспорт, суғурта, почта – телеграф, телефон алоқаси, воситачилик операциялари, туризм, маданий алмашувлар, пул ўтказмалари (иш ҳаққи, стипендия, пенсия, ворислик), дипломатик ва савдо консуллари, инвестициялар бўйича дивидендлар ва фоизлар, лицензия учун тўловлар, техник ёрдам, гонорар, ташқи мамлакатлардаги ҳарбий харажатлар бўйича тўловларни олади.

Ривожланган ва айрим ривожланаётган мамлакатлар хизматлар ва нотижорат баланси таркибида асосий улуш турли даражадаги хизматлар ҳиссасига тўғри келади, кейинги кўрсаткичлар туризм, илмий – техникавий йўналишлар ҳисобланади.

Тўлов балансининг савдо баланси, хизматлар ва нотижорат баланси *жорий операциялар баланси*ни ташкил этади, унинг деярли 70 фоизи савдо баланси ҳиссасига тўғри келади.

Тўлов балансининг иккинчи гуруҳи *капиталлар ва кредитлар ҳаракати баланси* ҳисобланади. Ушбу балансда мамлакатга давлат, хусусий капитал ва халқаро кредитлар нисбати ифода этилади. Халқаро иқтисодиётнинг глобаллашуви ва жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози шароитида тўлов балансининг ушбу бўлимининг аҳамияти ортиб боради.

Тўлов балансини тузишда қўлланиладиган статистик усуллар ва маълумотларни қайта ишлашни доимий равишда такомиллаштириб боришига қарамасдан унинг ноаниқлик даражаси юқориликча қолмоқда. Шунинг учун тўлов балансида **“Хатолар ва ҳисобга олинмайдиган”** алоҳида моддаси мавжуд. Ушбу моддада аниқлаб бўлмайдиган ёки ҳисобга олишни имконияти бўлмаган операциялар акс эттириб борилади. Бундай ҳолат халқаро молиявий – иқтисодий инқирозлар шароитида давлатлар ўртасида инвестиция, кредит ва бошқа операциялар кўринишда ноқонуний ёки норасмий равишда кўчиб юрган валюта маблағларининг суммаси кабиларни киритиш мумкин.

Масалан, мамлакатимиз аҳолиси ҳисобидан пул ўтказмалари орқали хорижий давлатлардан ҳар йили жуда катта миқдорда валюта маблағлари кириб келади. Статистик маълумотларга қарагандан 2007 – 2010 йилларда ушбу манба ҳисобидан мамлакатимизга ҳар йили 2,5 млрд доллардан 3,5 млрд долларгача валюта тушумлари келиб тушган, уларни мамлакатимиз тўлов балансида акс эттириш мумкин. Бироқ, хорижда ишловчи аҳоли ўзи билан олиб келган валюта маблағларининг, шунингдек, айланма йўллар орқали давлат божини тўламасдан киритилган товар моддий қимматликларнинг аниқ ва тўлиқ ҳисоби мавжуд эмас. Айнан шу каби операциялар тўлов балансининг **“Хатолар ва ҳисобга олинмайдиган”** моддасида акс эттирилади.

Тўлов балансини тузишни ўзининг тегишли усуллари, қоидалари ва тартиби мавжуд бўлиб, бунинг асосий жиҳати шундаки, тўлов балансидаги моддалар ва кўрсаткичлар халқаро иқтисодий алоқаларда иштирок этаётган барча иштирокчилар учун ўзининг ягоналиги талаб ва қоидалари асосида

тузилганлиги билан тегишли қарорларни қабул қилишда асос сифатида хизмат қилиши зарур. Акс ҳолда тегишли талаблар ва қоидаларга жавоб бермайдиган тўлов баланси халқаро даражада фойдаланиш имкониятини бермайди ва уни тузишдан мантиқ чиқмайди.

Тўлов балансининг моддалари, унинг маълумотлари ва кўрсаткичларини ягоналигини таъминлашда Халқаро валюта жамғармаси тавсиялари барча мамлакатлар учун асос сифатида қабул қилинган. Ҳозирги кунда ХВЖга аъзо бўлган барча мамлакатлар тўлов баланси айнан шу талаб асосида тузилади. Бу ушбу мамлакатлар ўртасида унинг ягоналигини таъминлашга хизмат қилади.

Тўлов балансини турлича талқин этилиши. Хорижий мамлакатлар иқтисодий адабиётларида тўлов балансини нисбатан берилган таърифларга эътибор берадиган бўлсак, тўлов баланси мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалари бўйича статистик маълумотлар шакли сифатида талқин қилинади.

Амеркалик иқтисодчилар Вассерман ва Уэйрнинг фундаментал ишларида тўлов балансини: «Тўлов баланси – мамлакатнинг маълум даврда мазкур мамлакат резидентлари ва бошқа мамлакатлар вакиллари ўртасида амалга оширилган ижтимоий – иқтисодий операцияларнинг статистик маълумотларда акс эттирган ҳужжатдир» деган тарзда ифодалайди.

Халқаро валюта жамғармаси методик кўрсатмаларида тўлов балансига янаям аниқроқ ва расмий маънода таъриф берилган. Унга кўра: “Тўлов баланси – статистик маълумотлар жадвали бўлиб, маълум даврга тузилади. Тўлов балансида: а) алоҳида олинган мамлакатни бошқа мамлакатлар ўртасида товарлар, хизматлар ва даромадлар бўйича амалга оширган операциялари; б) алоҳида олинган мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан СДР ва олтин стандарти бўйича ҳуқуқларининг ўзгариши ва в) ўзаро қопланадиган ва бухгалтерия ҳисобида акс этириладиган бир томонлама ўтказишлар ва бир – бирини тўлдирадиган ёзувлар” тарзида баён этилади.

Тўлов балансининг иқтисодий моҳияти бўйича ҳар – бир мамлакатда турлича талқинлар юритилсада, мамлакатлар ўртасида унинг тузилиши

бўйича ягона тамойилларга риоя этилади. Унда энг асосий кўрсаткичлардан бири резидент ва норезидент масаласини аниқлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Резидент тушунчаси. Тўлов балансини тузишда ташқи иқтисодий операцияларини ички иқтисодий операциялардан ажратиш муҳим аҳамият касб этган бир пайтда резидент, савдо келишуви, транзакция каби иқтисодий тушунчаларнинг моҳиятини теранроқ англаш лозим бўлади.

Резидент тушунчаси барча мамлакатда тегишли қонун ҳужжатлари асосида белгилаб қўйилади. Масалан, АҚШда барча ҳукумат ташкилотлари, миллий компаниялар ва мамлакат ҳудудида доимий равишда истиқомат қиладиган фуқарорлар резидентлар ҳисобланади.

АҚШнинг хорижий мамлакатларда яшайдиган фуқарорларини (давлат хизматчиларидан ташқари) АҚШ резиденти сифатида эътироф этилишида уларнинг яшаш даврини қисқа ёки узоқлигига эътибор қаратилади. АҚШ компания ва корпорацияларининг хорижий мамлакатлардаги филиаллари, қизлик компаниялари АҚШ учун чет эл компаниялари ҳисобланади. Худди шундай тартиб дунёнинг бошқа етакчи мамлакатларида ҳам мавжуд.

Ўзбекистон Республикасида ҳам тегишли қонунчилик ҳужжатларига асосан резидент ва норезидент шахсларга тегишли тавсифлар қўлланилади. Масалан, 1993 йил 7 майда қабул қилинган “Валютани тартибга солиши тўғрисида”ги Қонуннинг тўртинчи моддасига асосан банк операциялари доирасида резидентлар тоифасига қуйидагиларни киритади.

- а). Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари;
- б). Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойи бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;
- в). Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида рўйхатдан ўтган юридик шахслар;
- г). Ўзбекистон Республикасининг иммунитет ва дипломатик имтиёзлардан фойдаланадиган хориждаги дипломатия ҳамда бошқа ваколатхоналари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ташкилотларининг

чет элдаги, хўжалик ёки бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган ваколатхоналари.

Шу қонуннинг бешинчи моддасида эса Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари дейилганда ушбу Қонуннинг 4 – моддасига мувофиқ резидентлар жумласига кирмайдиган шахслар тушунилади, деб қайд этилган.

16.2. Ҳисоб – китоб балансининг тўлов балансидан фарқлари

Ҳисоб – китоб баланси – мамлакатни бошқа давлатлар олдидаги мажбуриятлари ва талаблари ўртасидаги нисбат. Одатда ҳисоб – китоб баланси йилнинг охирига ёки бошига тузилади.

Ҳисоб – китоб балансида мазкур мамлакатнинг бошқа давлатга берган кредитлари ва киритган инвестициялари, шунингдек, мазкур мамлакатни бошқа давлатлардан олган кредитлари ва уларнинг киритган инвестициялари акс эттирилади.

Ҳисоб – китоб баланси бўйича қолдиқ сумма ушбу мамлакатнинг нетто кредитлар ёки қарздор сифатидаги позициясини англатади.

Тўлов ва ҳисоб – китоб баланси таркибий тузилиши жиҳатидан бир – биридан фарқ қилмайди. Улар ўртасидаги фарқи шундаки, ҳисоб – китоб балансида мамлакатнинг хорижий давлатларга нисбатан мажбурияти ва талаблари, шунингдек, муддатида тўланмаган қарзлари акс эттирилади, тўлов балансида эса ҳақиқатда мамлакатдан чиқиб кетган ва келиб тушган валюта тушумлари ҳисобга олинади.

Тўлов ва ҳисоб – китоб баланслари ўртасидаги фарқ ушбу мамлакатнинг халқаро кредит муносабатларининг ривожланганлик даражасини англатади. Бу мамлакатнинг мажбуриятлари ва талаблари ўртасидаги узилиш ҳисобидан вужудга келади. Бунга эса қатор ижтимоий – иқтисодий объектив ва субъектив сабаблар мавжуд.

16.3. Мамлакат тўлов балансига

таъсир этадиган омиллар

Мамлакат тўлов баланси унинг ижтимоий – иқтисодий сиёсий ҳолатини, шунингдек, унинг ривожланиш даражасидан далолат берадиган халқаро кўрсаткичдир.

Мамлакат тўлов балансига таъсир этадиган қатор омиллар мавжуд бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

- мамлакатлар ўртасида иқтисодий ва сиёсий мавозанатнинг бузилиши;
- иқтисодиётнинг тебранишини даврийлиги;
- иқтисодиётни ҳаддан зиёд ҳарбийлаштириш ва ҳарбий харажатларни ортиб бориши;
- капитал ҳаракатини кенгайиши;
- халқаро савдо ва фоиз бозорларида баҳоларнинг тебраниб туриши;
- валюта – молиявий омиллар;
- инфляция ва ишсизлик;
- ва бошқалар.

Бобга оид саволлар

1. Тўлов балансининг моҳияти
2. Тўлов балансининг таркиби
3. Савдо баланси ва унинг хусусиятлари
4. Хизматлар ва нотижорат тўловлар баланси
5. Капиталлар ва кредитлар ҳаракати
6. Тўлов балансидаги “Хатолар ва ҳисобга олинмайдиган” модда
7. Тўлов балансига берилган талқинлар
8. Резидент ва норезидент тушунчаси
9. Ўзбекистон резиденти ва норезидентлари
10. Ҳисоб – китоб баланси ва унинг тўлов балансидан фарқи
11. Тўлов балансида “ижобий ва салбий” қолдиқлар моҳияти ва аҳамияти
12. Тўлов балансига таъсир қиладиган омиллар

Бобга оид тестлар

1. *Тўлов баланси бу:*

- А. – Марказий банк баланси;
- Б. – корхона ва ташкилотлар баланси;
- В. – мамлакат баланси;**
- Г. – Молия вазирлигининг баланси.

2. *Тўлов баланснинг таркибий тузилиши қайси жавобда тўғри ва тўлиқ келтирилган?*

- А. Жорий операциялар балансида экспорт ва импорт операциялари
- Б. Капиталлар ва кредитлар ҳаракати балансида қимматли қоғозлар ва инвестициялар билан боғлиқ операциялар
- В. Жорий операциялар ва капиталлар ҳамда кредитлар ҳаракати баланси**
- Г. Хизматлар ва нотижорат тўловлар баланси, “кўринмайдиган” операциялар баланси

3. *Савдо баланси тўлов баласининг нечинчи бўлимида акс эттирилган?*

- А. Биринчи бўлимида**
- Б. Иккинчи бўлимида
- В. Учинчи бўлимида
- Г. Бешинчи бўлимида

4. *Мамлакатнинг экспорт ва импорт операциялари тўлов баланснинг қандай бўлимида акс эттирилади?*

- А. Хизматлар ва нотижорат тўловлар бўлимида
- Б. Савдо баланси бўлимида**
- В. Капиталлар ва кредитлар ҳаракати баланси бўлимида
- Г. Хатолар ва ҳисобга олинмайдиган моддасида

5. *Савдо балансида жами экспортлар суммасининг импорт суммасидан ортишига нима дейилади?*

- А. Балансда салбий қолдиқ
- Б. Балансда ижобий қолдиқ**
- В. Экспорт суммасининг ортикчалиги
- Г. Импорт суммасининг тақчиллиги

6. *Савдо балансида жами экспортлар суммасининг импорт суммаси ҳажмидан камлигига нима дейилади?*

- А. Балансда салбий қолдиқ**
- Б. Балансда ижобий қолдиқ
- В. Импорт суммасининг ортикчалиги
- Г. Экспорт суммасининг тақчиллиги

7. АҚШ компанияларининг хориждаги филиалларига қандай тавсиф берилади?

- А. Норезидентлар
- Б. Чет эл компаниялари**
- В. Резидентлар
- Г. Миллий компаниялар

8. Ўзбекистон банк тизимида резидентлар тоифаси қандай ҳужжат асосида тартибга солинади?

- А. Марказий банк тўғрисидаги қонунга асосан
- Б. Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунга асосан
- В. Валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонунга асосан**
- Г. Гаров тўғрисидаги қонунга асосан

9. Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойи бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар:

- А. — норезидентлар ҳисобланади;
- Б. — резидентлар ҳисобланади;**
- В. — чет эл резиденти ҳисобланади;
- Г. — ҳукумат вакили ҳисобланади.


10. Қуйидагилардан қайси бири тўлов балансига салбий таъсир кўрсатмайди?

- А. Иқтисодиётни ҳаддан зиёд ҳарбийлаштириш
- Б. Капитал ҳаракатини кенгайтириш**
- В. Халқаро савдо ва фойиз бозорларида баҳоларнинг тебраниб туриши
- Г. Инфляция ва ишсизлик даражасининг ошиши

17.1. Халқаро молиявий институтларига умумий характеристика

Халқаро валюта – кредит ва молия муносабатларининг институционал тузилиши ўз ичига кўплаб халқаро молиявий ташкилотларни олади. Уларнинг айримлари йирик молиявий ресурс ва катта ваколатларга эга бўлиб, дунё иқтисодиёти ва молия – кредит жараёнларида бевосита ва билвосита иштирок этади. Бошқалари ҳукуматлараро молиявий масалаларни муҳокама этиш, молия – кредит сиёсати бўйича тавсиялар ва маслаҳатлар бериш ҳамда молиявий ёрдам кўрсатиш билан шуғулланади. Яна бошқалари ахборот йиғиш, муҳим валюта – кредит ва молия муаммолари ва умуман, иқтисодиётда статистик ва илмий – тадқиқот ишларини амалга оширади.

Ушбу халқаро молиявий ташкилотлар замонавий халқаро молиявий институтлари деб юритилади. Уларнинг вужудга келиши, ташкил топиши ва ривожланишининг асосий сабаби жаҳон халқаро иқтисодиётининг таборо глобаллашиб бораётганлигидир (қуйидаги расмга қаранг).



Расм. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви жараёни ва унга таъсир этувчи омиллар.

Бу институтларнинг асосий мақсади – халқаро ва маҳаллий ижтимоий – иқтисодий доирада юз бераётган мураккабликларга ва қарама – қаршиликларни бартараф этиш, юмшатиш ҳамда уларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлашга қаратилгандир.

Дунёда глобал аҳамиятга эга бўлган халқаро молиявий институтлар таркибига, БМТнинг ҳайрхохлигида ташкил этилган, ихтисослаштирилган Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ), Жаҳон банки гуруҳи, Бутунжаҳон савдо ташкилоти киради. Бу ихтисослаштирилган халқаро молиявий институтлар Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ)нинг фаолияти билан боғлиқ халқаро молиявий ва иқтисодий масалаларни ҳал этишда бевосита иштирок этади.

БМТнинг ихтисослаштирилган муассасаси – иқтисодий кенгаш – Европа, Африка, Осиё ва Лотин Америкаси учун 4 минтақавий комиссия тузган. Осиё ва Лотин Америкаси комиссиялари Осиё тараққиёт банки (ОТБ) ва Америкалараро тараққиёт банки (АТБ)ни ташкил этилишига воситачилик қилган. Махсус жамғармалар бу ташкилотларни тўлдириб туради.

«Маршалл режаси»нинг амалга оширилиши муносабати билан 1948 йилда тузилган Европа иқтисодий ҳамкорлиги ташкилоти, кейинчалик Европа тўлов иттифоқининг ташкил этилишига йўналтирилган (1950 – 1958 йиллар), 1960 йилда эса иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига (ИХТР⁷⁹, Париж) алмаштирилган. Ҳозирда бу ташкилот ўз ичига 32 мамлакатни олади, унинг вазифаларига – ташкилотга аъзо мамлакатларда иқтисодий ўсишга кўмаклашиш, молиявий барқарорликка қаратилган сиёсатни ишлаб чиқиш, халқаро савдони ривожлантириш, дискриминацион қарама – қаршиликларни чеклаш, ривожланаётган мамлакатларга ёрдам кўрсатиш кабилар киради ИХРТ рамакасида 100 га яқин кўмита фаолият курсатади.

Уларнинг таркибига Ноқонуний йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш группаси (ФАТФ) ҳам киради. Бу ташкилот

⁷⁹ОЭСР – Организацией экономического сотрудничества и развития.

1989 йилда ташкил этилган ва ИХРТга аъзо мамлакатлар билан ҳамкорликда ноқонуний даромадларни легаллаштиришга қарши кураш ишларини амалга оширади.

ИХРТнинг мақсади – эркин савдога, ёш давлатларнинг ривожланишига, аъзо мамлакатларни иқтисодий ривожлантиришга ва молиявий барқарорлаштиришга кўмаклашашидир. ИХРТ – ўзига хос клуб бўлиб, йилига 2 марта саноати ривожланган мамлакатлар учун фикрлар алмашиш ва иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш, валюта – кредит ва молия сиёсатни самарадорлигини ошириш, илмий – тадқиқот ишларини ташкил этиш, жаҳон иқтисодиётининг эконометрик андозалари асосида халқаро қиёслаш ва башоратларни ишлаб чиқиш борасида йиғилиб туради.

Кредитор мамлакатларнинг Париж клуби – ривожланган мамлакатларнинг норасмий ташкилотидир. Бу ерда мамлакатларнинг давлат қарзлари бўйича тўлов муддатларини бошқариш муаммолари муҳокама қилинади. Бир томонлама мораториядан қочиш мақсадида (тўловни узайтириш) кредиторлар ташқи қарзларни қайта кўриб чиқиш шартлари ҳақида қарздорлар билан «юзма – юз» битимлар олиб боради. Клуб фаолияти 1956 йилда ташкил этилган бўлиб, Аргентина кредиторлари Парижга қарздорлар билан музокарага таклиф қилинган пайтга тўғри келади.

Париж клубининг мажлисларида ХВЖ, Жаҳон банки ва бошқа йирик молиявий институтлардан кузатувчилар иштирок этишади ва кўпинча ташқи қарзларнинг жорий йилда тўланиши лозим бўлган қисми кўриб чиқилади.

Хусусий банк – кредиторларнинг норасмий Лондон клуби 1976 йилдан фаолиятини бошлаган бўлиб, қарздор мамлакатларнинг хусусий ташқи қарзларини тартибга солиш муаммоларини муҳокама қилади. Лондон клуби ХВЖ ва Париж клуби билан иқтисодий ҳамкорлик олиб боради.

1970 – йиллардан бошлаб давлатларо молиявий – иқтисодий муаммолар дастлаб “еттилик”, кейинчалик Россия Федерцияси қўшилгандан сўнг “саккизлик”, Белгия, Нидерландия, Швеция ва Швеция қўшилгандан кейин “ўнлик” давлат ва ҳукумат раҳбарлари даражасида ҳал

этилиши йўлга қўйилди. “Ўнлик” мамлакатлар раҳбарлари йиғилишида асосий эътибор халқаро валюта – кредит масалаларига қаратилади ва “ҳар ким ўзи учун”, яъни марказга интилиш тенденцияларига қарама – қарши бўлган халқаро ҳамкорлик ва либерализм тамойиллари асосида иш кўришга интилади.

Халқаро молия институтлари, Халқаро ҳисоб – китоблар (ХХКБ, 1930 йил) банкдан ташқари, асосан иккинчи жаҳон урушидан кейин пайдо бўлган.

Бу давлатлараро институтлар мамлакатларга кредитлар бериш, жаҳон валюта тизимининг амал қилиш тамойилларини ишлаб чиқиш, халқаро валюта – кредит ва молия муносабатларини давлатлараро тартибга солиш билан шуғуллансада, уларни ташкил этилишининг туб сабабларидан бири ривожланаётган мамлакатларда сиёсий мустақилликни жорий этиш, уларнинг халқаро доирадаги иштирокини фаоллаштириш, миллий иқтисодиётда вужудга келаётган муаммоларни минатқа ва халқаро даражада ечиш масалаларига қаратилган.

Шу билан бирга, замонавий халқаро молия институтларининг вужудга келишига қуйидаги омилларни келтириш мумкин.

Халқаро иқтисодиётда молиявий барқарорликни таъминлаш борасида кучларни умумлаштирган ҳолда ҳамкорликда фаолият юритиш.

Давлатлараро валюта ва молия – кредит сиёсатини тартибга солиш юзасидан халқаро андозаларни яратиш ва амалиётга жорий этиш.

Ҳамкорликда жаҳон валюта ва молия – кредит сиёсати юзасидан стратегик тактикани ишлаб чиқиш.

17.2. Халқаро валюта жамғармаси

Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) жамғармага аъзо мамлакатларнинг валюта – кредит муносабатларини тартибга солиш ва уларнинг тўлов баланси

дефицитини қоплаш учун хорижий валютада қисқа, ўрта ва узоқ муддатга кредит бериш билан шуғулланади.

Жамғарма БМТнинг расмий ихтисослашган муассаси статусига эга. У дунё валютасининг институционал асоси сифатида фаолият юритади. ХВЖ БМТнинг 1944 йил 1 – 22 июлда АҚШнинг Бреттон – Вудсе шаҳрида ўтказилган халқаро валюта – молия муносабатларига бағишланган конференциясида таъсис этилган.

Конференция ХВЖнинг Келишув моддаларини қабул қилди. Ушбу ҳужжат 1945 йил 27 декабрдан кучга кирди. Жамғарма ўз фаолиятини 39 аъзо – мамлакат билан 1946 йил майда бошлади, валюта операциялари фаолияти бўйича операциялари 1947 йил 1 мартдан кучга кирди. Собиқ иттифок Бреттон – Вудсе конференциясида иштирок этди, бироқ Жануб ва Ғарб ўртасидаги “совуқ уруш” туфайли жамғарма келишувларини ратификация қилмади.

ХВЖга аъзо мамлакатлар сони 2004 йилда 184 тага етди. Жамғарманинг бош офиси Вашингтонда жойлашган, шу билан бирга Брюссел, Париж, Женева ва Токиода офислари, Нью Йоркда БМТ ҳузурида ваколатхонаси мавжуд.

ХВЖнинг асосий мақсади қуйидагилардан иборат:

- 1) “валюта – молия доирасида халқаро ҳамкорликни рағбатлантириш”;
- 2) аъзо – мамлакатларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, бандлиликнинг юқори даражасини таъминлаш ва аҳолининг реал даромадини ошириш мақсадида “халқаро савдони кенгайтириш ва унинг мувозанатлигини таъминлашга ёрдам бериш”;
- 3) “валютанинг барқарорлигини таъминлаш, аъзо – мамлакатлар ўртасида валюта муносабатлари билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш” ва рақобатбардош муҳитни таъминлаш мақсадида миллий валютанинг барқарорлигини тушиб кетишининг олдини олиш;
- 4) аъзо – мамлакатлар тўлов балансидаги салбий қолдиқни бартараф этиш мақсадида кредитлар бериш;

5) аъзо – мамлактлар ўртасида ҳисоб – китобларни ташкил этишга ёрдам бериш, шунингдек валюта чекловларига барҳам бериш.

ХВЖнинг махсус ҳисоб – китоб валютаси ҳисобланган СДР (Специальных прав заимствования, Махсус айирбошлаш ҳуқуқи)нинг расмий курси СДР саватчасига киртилган валюталар асосида аниқланади. Қуйида ХВЖнинг СДР саватчасига киритилган валюталар ва уларнинг улуши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Жадвалдан СДР саватчисида асосий улуш АҚШ доллари ҳиссасига тўғри келганлигини кузатиш мумкин, кейинги ўринларда Европа иттифоқига аъзо мамлакатларда амал қиладиган евро пул бирлиги эгаллаб турибди.

ХВЖда овозлар “тортилган” тамойилга амал қилиб, аъзо – мамлакатлар уларнинг жамғармадаги аъзолик бадали миқдоридан қатъий назар 250 “асосий” овозга эга бўлиб, ҳар бир қўшимча овоз учун 100 минг СДР бадал тўланиши лозим.

Турли валютада 1 СДРнинг баҳоси (қавсда валюталарнинг СДР корзинасида тутган мавқие фоизда келтирилган)

Йиллар	USD	DEM	JPY	GBP	FRF
1981 – 1985	0,540(42%)	0,460(19%)	34,0(13%)	0,0710(13%)	0,740(13%)
1986 – 1990	0,452(42%)	0,572(19%)	33,4(15%)	0,0893(12%)	1,020(12%)
1991 – 1995	0,572(40%)	0,453(21%)	31,8(17%)	0,0812(11%)	0,800(11%)
1996 – 1998	0,582(39%)	0,446(21%)	27,2(18%)	0,1050(11%)	0,813(11%)
Йиллар	USD	EUR	JPY	GBP	
1999 – 2000	0,5820(39%)	0,3519(32%)	27,2(18%)	0,1050(11%)	
2001 – 2005	0,5770(45%)	0,4260(29%)	21,0(15%)	0,0984(11%)	
2006 – 2010	0,6320(44%)	0,4100(34%)	18,4(11%)	0,0903(11%)	

ХВЖда ҳозирги пайтда, 2004 йил 7 сентябрь ҳолатига, энг юқори овоз АҚШ – 17,1%, Япония – 6,1%, Германия – 6,0%, Буюк Британия ва Франция – 4,9%, Италия ва Саудия Арабистони 3,2%, Канада, Хитой ва Россия 2,7% мамлакатлари ҳиссасига тўғри келади. Жамғармада Европа иттифоқига аъзо

бўлган 15 та мамлакат ҳиссасига 29,8% ва ИХТРга аъзо бўлган 30 та ривожланган мамлакат 64,5% овозни, қолган 35,5 фоиз овоз эса аъзо – мамлакатларнинг 84% ҳиссасига тўғри келади. Жамғармада квоталарнинг тақсимланиши 5 йилда бир марта кўрилади.

Жамғармага аъзо – мамлакатлар сони ортиб бориши баробарида унга тўланадиган аъзолик бадали ҳажми 1947 йилда 7,7 млрд СДРдан 2004 йил 30 апрель ҳолатига 212,8 млрд СДР (308,9 млрд АҚШ доллари)га ёки 28 мартга ортган. Бироқ, жамғарманинг капитал миқдори ўсиши дунё ЯИМга нисбатан жудаям паст даражада қолмоқда. Бу ўз навбатида ХВЖнинг олдида турган вазифаларни тўлиқ бажаришга имконият бермаяпти.

17.3. Жаҳон банки

Жаҳон банки (ЖБ) БМТ таркибидаги ихтисослашган молиявий муассаса ҳисобланади. Жаҳон банки Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ) ва унинг бўлими ҳисобланган Халқаро ривожланиш ассоциацияси (ХРА), Халқаро молия корпорацияси (ХМК), Инвестицияларни ҳар томонлама қафолатлаш агентлиги (ИХКА) ва Инвестицион мунозараларни тартибга солиш бўйича халқаро маркази (ИМХМ) каби молиявий ташкилотларни ўз таркибига олади.

ЖБ таркибидаги биринчи учта молиявий ташкилот дунё ривожланиш банкининг вазифаларини бажаради, кейинги икkitаси эса ривожланаётган ва иқтисодиёти ўтиш жараёнини бошидан кечираётган мамлакатларга инвестиция оқимларини рағбатлантириш билан шуғулланади.

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки гуруҳ таркибида бош ташкилот сифатида Халқаро валюта жамғармаси билан биргаликда Бреттон – Вудседа 1944 йил 1 – 22 июлда бўлиб ўтган халқаро конференцияда ташкил топган бўлиб, фаолиятини 1946 йил июлдан бошлаган.

ХТТБнинг ресурслари икkitа манба:

биринчиси, акциядорларнинг капитали (6 фоиз атрофида) ҳисобидан;

иккинчиси, халқаро молия бозорларида акцияларни жойлаштириш орқали (95 фоизга яқини) шакллантирилади.

Ташкилий жиҳатдан ХТТБ акциядорлик жамияти тамойили асосида ташкил этилган. ХТТБда акциядорларни овоз бериш сони уларнинг устав капиталидаги улуши доирасида аниқланади. ХТТБда асосий овоз бериш ҳуқуқи АҚШга (16,8%) тегишли, бу АҚШга банкда қабул қилинаётган қарорларга вето қўйиш ҳуқуқини таъминлайди, қарорларни қабул қилиниши учун умумий акциядорларнинг 85 фоизи овоз бериши лозим бўлади. Овозлар сони бўйича иккинчи ўринда Япония (8%) туради, шунингдек Германия (4,6%), Буюк Британия ва Франция (4,4% дан) мамлакатлари сезиларли овозлар сонига эга.


ХТТБнинг бошқарув органи Бошқарув кенгаши ва Директор (ижрочи орган)дан иборат бўлиб, Бошқарув кенгаши таркиби унга аъзо мамлакатлар молия вазири ёки марказий банки бошлиқларидан ташкил топади. Бошқарув кенгаши ҳар йили бир марта йиғилиб тегишли қарорларни Халқаро валюта жамғармаси билан келишган ҳолда қабул қилади. Банк сиёсий ўйинлардан ҳоли эмас, у ташкил топгандан буён америка фуқароси бўлган шахслар томонидан бошқариб келинмоқда.

ХТТБ ташкил топганда унга 38 мамлакат аъзо бўлган бўлса, 2004 йил июнь ойида уларнинг сони 184 тага етган. ХТТБнинг асосий фаолияти инвестицион лойиҳаларни кредитлашга қаратилган.

ХТТБнинг 1950 — 60 йилларга қадар асосий мақсади аъзо — мамлакатларнинг халқ хўжалигини тиклашга қаратилган бўлиб, 1960 йиллардан сўнг ижтимоий лойиҳаларни кредитлаш масаласи биринчи даражага кўтарилди. Бунинг асосий сабаби кўпчилик мамлакатларда иқтисодий ўсиш сураётлари барқарор кўрсаткичга эга бўлсада, бой ва камбағаллар ўртасида фарқ ошиб бориш тенденцияси мавжуд бўлиб, бу эса ўз навбатида турли ижтимоий зиддиятларни келиб чиқишига сабаб бўлар эди. Шу боис, ХТТБ ўз кредитининг асосий қисмини айнан шу муаммоларни ҳал қилишга йўналтира бошлади.

ХТТБ дунёда юз бераётган иқтисодий интеграциялашув, шунингдек турли иқтисодий инқирозлар натижасида кредитлаш тамойилларини ва сиёсатини доимий равишда такомиллаштириб ўзгартириб боришга мажбур эди. Масалан, 1990 йиллардан кейин юз берган молиявий – иқтисодий инқирозларни бўлишида ХФЖ ва ХТТБ жиддий танқид остига олинди.

Қуйидаги расмда ХТТБнинг кредитларини тармоқлар кесимидаги таркиби келтирилган. Расмдан 1998 йилда банк томонидан берилган кредитларнинг деярли 30 фоизи молия соҳасига берилганлиги, 2008 йилда кредитларнинг асосий қисми давлат бошқаруви ҳиссасига тўғри келганлигини кўриш мумкин. Бу ХТТБнинг кредит сиёсатини унга аъзо – мамлакатларда юз бераётган ижтимоий – иқтисодий жараёнлар натижасида ўзгариб боарётганлигини англатади.



ХТТБнинг 1998 ва 2002 йилларда кредит портфели таркиби, жамига нисбатан фоизда.

Халқаро ривожланиш ассоциацияси (ХРА) 1960 йилда ташкил этилган бўлиб, ХТТБ ва ХРА бошқарув тартиби бир хил ва улар битта банк президенти томонидан бошқарилади. ХТТБнинг молиявий ресурслари муомалага чиқарилган қимматли қоғозлар бўлса, ХРАнинг ресурс манбаси аъзо – мамлакатларнинг бадаллари ва ХТТБнинг фойдаси ҳисобланади. ХРА 20, 25 ва 40 йил муддатга, 10 йиллик имтиёз даври билан кредитлар беради. Берилган кредитлар бўйича фоизлар ҳисобланмайди, бироқ жуда юқори бўлмаган 0,75 фоиз миқдорида комисион тўловлар ундирилади.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган йиллик даромад 875 АҚШ долларида кам бўлган мамлакатлар ХРАнинг кредитига даъвогарлик қилиши мумкин. Дунё бўйича бундай мамлакатлар сони тахминан 81 тани (2008 йил) ташкил этиб, ушбу мамлакатларда 2,5 млрддан ортиқ аҳоли яшайди.

ХРАнинг кредитлари асосан таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга йўналтирилади. Унга ХТТБга аъзо – мамлакатлар киришга ҳақли бўлиб, лекин кўпчилик мамлакатлар бу имкониятдан фойдаланмайди, шунинг учун ХТТБга аъзо бўлган 184 та мамлакатдан фақат 164 таси унинг аъзоси ҳисобланиди.

Халқаро молия корпорацияси (ХМК) 1956 ташкил этилган. У ХТТБ ва ХРАга нисбатан бошқа стратегик сиёсатни амалга оширади. ХМК асосан хусусий соҳани кредитлаш билан шуғулланиб, унинг кредитлари бўйича ХТТБ ва ХРАдан фарқли ўлароқ, давлат кафолати талаб этилмайди. ХМК бераётган кредитлар асосан лойиҳа суммасининг 25 фоизидан ортмайди. Кредитларнинг муддати асосан 7 – 8 йил ва энг юқориси 15 йилгача берилиши мумкин. ХМКнинг молиявий ресурслари халқаро молия бозорларидан қимматли қоғозларни жойлаштириш асосида шакллантирилади. ,

Инвестицияларни ҳар томонлама кафолатлаш агентлиги (ИХКА) ривожланаётган мамлакатларга тўғридан – тўғри инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш мақсадида 1988 йилда ташкил этилган. ИХКА аъзо – мамлакатларга киритилаётган инвестицияларни нотижорат рисклардан, яъни инвестиция мулкларини экспропорция қилиш, сиёсий катаклизм, валюта конвертациясини бекор қилиш, ҳукумат қарори натижасида контракт шартномаларини бажарилмаслик ҳолатларини кафолатлайди. Одатда инвестицияларни 15 йилга, айрим ҳолларда 20 йил муддатгача кафолатлайди. Кафолатланган инвестициялар бўйича муаммолар вужудга келганда уларнинг 90 фоизи ИХКА томонидан қоплаб берилади. ИХКА ўзининг

кафолатлаш фаолиятини миллий суғурта компаниялари билан ҳамкорликда ташкил этади.

Инвестицион мунозараларни тартибга солиш бўйича халқаро маркази (ИМХМ) 1966 йилда ташкил этилган бўлиб, инвестицион низоларни арбитраж ёрдамида, халқаро ҳуқуқ механизмлари асосида тартибга солиш асосида хорижий инвестицияларни жалб этишга кўмаклашади. Шу боис ҳам кўплаб инвестициялар ҳақидаги келишувлар шартида ИХКАнинг арбитраж ёрдамида ҳал этишга ҳавола қилинади.

17.4. Европа тикланиш ва тараққиёт банки

Франциянинг собиқ Президенти Франсуа Миттеран 1989 йилнинг 25 октябрда Европа парламентининг йиғилишида Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕЕТБ)ни ташкил этиш ташаббуси билан чиқди. Шундан сўнг 1990 йил 29 майда Париждаги келишувга асосан ЕЕТБ таъсис этилди ва бу келишув 1991 йил 28 мартдан кучга кирди.

1991 йил 15 – 17 апрел кунлари банк бошқарув кенгашининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди ва унда банк таъсисчилари бўлган 40 та мамлакат ва 2 та халқаро ташкилот, яъни Европа иттифоқи (ЕИ) ва Европа инвестиция банки (ЕИБ) иштирок этди.

ЕЕТБ фаолиятининг энг асосий жиҳатларини қуйидагиларда кўришимиз мумкин. 1991 йилнинг ноябрида ЕЕТБнинг Варшава ваколатхонаси очилди ва Эстония, Латвия ва Литва давлатлари банкга аъзолиги тасдиқланди. Бугунги кунда ЕЕТБнинг акциядорлари 60 мамлакат, ЕИ ва ЕИБ халқаро ташкилотлар ҳисобланади. Умумий имзоланган капитал – 1964 млрд евро, тўланган капитал – 5,2 млрд евро.

ЕЕТБнинг фаолият мақсади ва асосий вазифаси бозор муносабатларини ривожлантириш ва жаҳон иқтисодий интеграциясини чуқурлаштириш учун ташкил этиш ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан ЕЕТБнинг асосий вазифаси Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида, Россия ва Марказий осие

мамлакатларида режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнларини тезлаштиришдан иборат. Бугунги кунда ЕТТБ лойиҳалари Европа ва Осиёнинг 27 давлатида амал қилмоқда. Бошқа халқаро молия ташкилотларидан фарқли ўлароқ, банк низомига асосан лойиҳа амалга ошириладиган давлатларда кўп партиявийлик, плюрализм ва бозор иқтисодиёти тамойиллари амал қилиши шарт.

ЕТТБ нинг инвестиция лойиҳалари орқали:

саноатда таркибий ислохатлар ўтказиш;

рақобат, хусусийлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш;

молиявий ташкилотлар фаолияти ва ҳуқуқий тизимни барқарорлаштириш;

хусусий секторни ривож учун инфраструктурани қўллаб қувватлаш;


корпоратив бошқарув тизимини тадбиқ этиш, шу жумладан табиатни муҳофаза қилиш масалалари молиялаштирилади.

ЕТТБнинг таркибий тузилиши ва фаолияти устидан бошқарув кенгаши, директорлар кенгаши ва банк президенти назорат олиб боради. Бошқарув кенгаши ЕТТБнинг юқори органи бўлиб, банкнинг ҳар бир аъзосидан иккитадан шахсни бошқарувчи ва унинг муовинини ўз ичига олади. ЕТТБга аъзо мамлакатлар ҳохишига қараб, бу шахслар исталган вақтда ўзгартирилиши мумкин.

Директорлар кенгашининг 23 аъзоси бўлиб, унинг иккитаси ЕИ ва ЕИБ томонидан; 6 та директор АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Италия ва Япония томонидан сайланади. 15 та директорлар сайлаш бир хил давлатларга тўғри келади: 4 таси донор мамлакатлар, 5 таси истисно тариқасида лойиҳа амалга ошириладиган мамлакатлар томонидан ва 6 таси донор ва лойиҳа амалга ошириладиган давлатлар келишувига кўра сайланади. ЕТТБни йиғилишларида овоз бериш тартиби акциялар улушига қараб белгиланади.

ЕТТБ устав капитали таркибида ЕИ ва ЕИБнинг квоталари 51 % ни, Марказий ва Шарқий Европа давлатлариники – 13%, бошқа Европа мамлакатлариники – 11% , бошқа аъзо мамлакатлар ҳиссасига – 24 % квота тўғри келади. Банкнинг капитали таркибида энг юқори улуш АҚШ (10%), Италия, ФРГ, Франция, Буюк Британия ва Япония (8,5 % дан) мамлакатлари ҳиссасига тўғри келади.

Қуйидаги расмда ЕТТБнинг 2004 – 2008 йилларда инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш бўйича ажратган маблағлари ҳақидаги маълумотлар келтирилган.



ЕТТБнинг 2004 – 2008 йилларда инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш бўйича ажратган маблағлари ва динамикаси, лойиҳалар сони донада, кредитлар миқдори млн. еврода.

Расмдан кўриниб турибдики, банк томонидан молиялаштирилган инвестицион лойиҳалар сони 2008 йилда 2007 йилга нисбатан 51 тага, кредитлар ҳажми қарийб 1000 млн. еврога камайган. Бунинг асосий сабаби, 2008 йилда АҚШда юз берган жаҳон молиявий – иқтисодий инқирозидир.

ЕТТБнинг кредит сиёсатига эътибор қаратадиган бўлсак, асосан аъзо – мамлакатларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, шунингдек ҳамкорликда синдикат кредитларини бериш, корхоналарнинг устав капиталига инвестициялар киритиш, қимматли қоғозларни жойлаштиришни кафолатлаш, мамлакат инфрструктурасини ривожлантириш ва экспорт – импорт

операциялари бўйича дастурларни қўллаб – қувватлаш масалалари алоҳида ўрин тутди.

17.5. Минтақавий молия – кредит институтлари

Халқаро минтақавий банклари ҳисобланган Америкалараро тараққиёт банки (АТБ)нинг, Африка тараққиёт банки (АфТБ) ва Осиё тараққиёт банки (ОТБ) 1960 йилларда ташкил топган бўлиб, уларнинг ташкил топишига қатор ижтимоий – иқтисодий сабаблар мавжуд. Хусусан:

1) ўша йиллари кўпчилик мамлакатларда мустамлакачилик тузумининг ағдалиши натижасида сиёсий мустақилликни қўлга киритилиши, ривожланаётган мамлакатларни жаҳон ривожига мавқиеи кўтариш ва янги иқтисодий тузумни жорий этишга бўлган заруриятнинг кучайиб бориши;

2) ХВЖ ва Жаҳон банки эътиборидан четда қолаётган халқаро минтақавий ижтимоий – иқтисодий масалаларни ҳал этиш;

3) ҳудудий минтақалар иқтисодиётини кредитлаш учун ички молиявий ресурслардан, шунингдек ташқи манбалардан самарали фойдаланиш механизмини яратиш;

4) ривожланаётган мамлакатларда минтақавий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш, шунингдек иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш.

Қуйидаги жадвалда номлари келтирилган банклар ўртасидаги асосий фарқ уларнинг ижтимоий – иқтисодий, маданият ва маърифий даражаларининг турлича эканлиги, шу билан бирга уларнинг географик жойлашуви ва аҳолининг этник қатлами бўйича ҳам фарқ қилади.

Шу билан бирга, барча банкларнинг аъзо мамлакатлари 1/3 қисми ривожланган мамлакатлар ҳисобланади. Овоз бериш ҳуқуқининг юқорилиги туфайли ХАТБнинг ҳар қандай қарори АҚШ, ОТБнинг қарори Япония ва АҚШ томонидан бекор қилиниши мумкин.

Қуйидаги жадвалда учта минтақавий банк ҳақида айрим маълумотлар келтирилган.

Халқаро минтақавий тарққиёт банклари

Номи ва жойлашган жойи	Ташкил топган йили	Аъзо мамлакат – лар сони	Шундан ривожла – наётган	Устав капитали	Шундан тўлангани	Лойиха – ларни молиялаш – тириш
				Млрд доллар		
Америкалараро тараққиёт банки (АТБ), Вашингтон	1959	46	30	101,0	4,3	13,6
Африка тарққиёт банк (АфТБ), Абиджон	1963	77	51	29,7	2,0	2,6
Осиё тараққиёт банк (ОТБ), Манила	1965	61	45	47,0	3,0	5,4

АфТБ ташкил топган пайтда унга аъзо мамлакат сифатида фақат Африка қитъасидаги мамлакатлар кириши белгилаб қўйилган эди. Бироқ, кейинчалик банкнинг молиявий ресурслари базасини шакллантиришда муаммолар вужудга келганлиги сабабли ривожланган мамлакатларни аъзо бўлишига рухсат берилди.

Халқаро валюта ва кредит ташкилотлари ичида *Халқаро ҳисоб китоблар* банки (Базель) алоҳида ўрин тутди. ХХҚБ 1930 йилда олти мамлакат (Белгия, Буюк Британия, Германия, Италия, Франция ва Япония) нинг ҳукуматлараро Гага шартномаси ва шу мамлакатларнинг конвенцияси асосида Швейцарияда ташкил этилди.

ХХҚБ дунёдаги барча банклар учун капиталнинг етарлилиги бўйича халқаро талабларини ишлаб чиқади ва амалиётга жорий этади. Масалан, ХХҚБ банклар капиталини уларнинг рискка тортилган активларига нисбатан умумий капитали бўйича 0,08 ва асосий капитали 0,04 бўйича коэффицент бўлиши зарурлиги белгилаган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки айнан шу талабларни, мос равишда 0,05 ва 0,1 коффицентда ўрнатган. Хусусан, малакатимиз тижорат

банклари банкларида ушбу талаб юқори даражада бажарилаётганлигини Президентимиз Ислон Каримов алоҳида эътироф этиб: “Банкларимиз капиталининг етарлилик даражаси 23 фоиздан ошади. Бу эса банклар мониторинги билан шуғулланадиган халқаро Базел қўмитаси томонидан белгиланган халқаро стандартлардан қарийб 3 баробар кўпдир⁸⁰” дея таъкидладилар.

ХХКБ – марказий банкларнинг банки. ХХКБга унинг устави бўйича иккита асосий вазифа қўйилган. Биринчиси, марказий банклар ўртасида ўзаро алоқаларни рағбатлантириш, халқаро молиявий операцияларни амалга оширишга қулай муҳит яратиш; иккинчидан, унга аъзо мамлакатлар ўртасида халқаро кредит ва бошқа операцияларни амалга оширишда банк – агент ёки банк – депозитарий сифатида фаолият юритади.

ХХКБнинг асосий молиявий ресурс манбаси Марказий банкларнинг қисқа муддатли (асосан 3 ой муддатга) депозитлари ёки олтинлари ҳисобланади. Актив операциялари сифатида банкнинг Марказий банкларга хорижий валюталарда берадиган кредитларини таъкидлаш мумкин.

Араб валюта жамғармаси (АВЖ) минтақавий молиявий ташкилот бўлиб, 1976 йил 27 апрелда 20 та араб мамлакатлари иштирокида Мароккода ташкил этилган. Асосий мақсади, араб мамлакатларининг иқтисодий ва валюта сиёсатини тартибга солиб туришдан иборат. Жамғарманинг яна бир муҳим вазифаларидан бири, араб мамлакатларида нефтдолларни тартибга солиш бўлиб, жамғармага аъзо мамлакатлардаги ортиқча нефтдолларни ғарбдан эркин фойдаланиш бўйича мустақиллик даражасини оширишга қаратилган.

Европа иттифоқига аъзо малакталар томонидан ўнга яқин халқаро молиявий ташкилот, институт, марказлар (1960 – 65 йиллардан буён) ташкил этилган бўлиб. Уларни ташкил этилишининг асосий мақсади қуйидагилар билан изоҳланади:

⁸⁰ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т: “Ўзбекистон”, 2010. 36 – б.

ягона бозор ва ягона валютани яратиш асосида иқтисодиётнинг, шунингдек валюта – кредит ва молия муносабатларининг ривожланиши ва интеграциясини таъминлаш;

Ғарбий Европа мамлакатлари жаҳон иқтисодиётидаги мавқиени мустаҳкамлаш асосида АҚШ ва Япония марказлари билан рақобат қила оладиган муҳитини яратишга бўлган ҳаракат;

ривожланаётган иқтисодий ҳамкор мамлакатларга ёрдам бериш минтақада ижтимоий – иқтисодий сиёсатни барқарорлигини таъминлаш мақсадида қўшма жамғармаларни кенгайтиришга бўлган заруриятнинг мавжудлиги.

17.6. Ўзбекистоннинг халқаро молиявий институтлари билан ҳамкорлиги ва истиқболлари

Ўзбекистон Республикаси ва ЕТТБ нинг ўзаро ҳамкорлик алоқалари 1992 йил 30 апрелда бошланди. 1993 йилдан мамлакатимиз ЕТТБ нинг тўлақонли аъзоси ва акционери бўлди. Ўзбекистон ЕТТБ нинг ҳамкорликдаги алоқаларини ривожланишга қуйидаги ҳолатларни таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ. 1993 йил Республикамиз Президенти И.А.Каримов Буюк Британияга расмий ташрифи чоғида ЕТТБ нинг штаб – квартирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўналишига 60 млн доллар ҳисобидаги биринчи келишув имзоланди. 1994 йил Тошкентда ЕТТБ нинг ваколатхонаси очилди ва шу йилнинг 10 январида ЕТТБ Ўзбекистонда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари учун мажбурий гаровни бекор қилди. Бу эса, икки томонлама ҳамкорликнинг янада ишончли тусга кирганидан хабар беради. 2002 йилнинг якунида ЕТТБ Президенти Жан Лемьерани юртимизга расмий ташрифи ЕТТБ ва Ўзбекистон ўртасида 2003 йил 4 мартдан стратегик ҳамкорлик бошланишига сабаб бўлди.

ЕТТБ томонидан амалга оширилган лойиҳалар Ўзбекистонда асосан пахта ва нефтни қайта ишлаш, қурилиш, текстиль ва тоғкон саноати, темир

йўл транспорти, банк сектори ва қимматбаҳо қоғозлар бозори соҳаларига йўналтирилган. Бундан ташқари банк кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, туризм ва энергетикани ривожланишида фаол иштирок этмоқда.

ЕТТБ нинг 60 млн доллар қийматидаги биринчи кредит линияни кичик бизнесни қўллаб қувватлаш мақсадида Ташқи иқтисодий фаолият (ТИФ) Миллий банки орқали амалга оширилди. Ушбу кредит линияси орқали умумий қиймати 96,47 млн долларлик 21 та лойиха 1996 йил ниҳоясига етди.

Бозор муносабатларининг ривожланишини белгиловчи омиллардан бири, бозорда соғлом рақобат мухитини шакллантиришдан иборат. Шу мақсадда 2002 йилнинг 7 – 9 август кунлари Европа тикланиш тараққиёт банки, Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Осиё тараққиёт банки иштирокида Ўзбекистондаги хусусийлаштириш жараёнлари ва телекоммуникация соҳасидаги қонунчилик ҳолати бўйича “айлана стол” ташкил этилди.

1995 – 1996 йилларда бевосита ЕТТБ иштироки билан Ўзбекистонда “Ўзбеклизинг Интернейшнл” лизинг компанияси ташкил этилди. Ушбу лойихага ЕТТБ 0,9 млн.доллар компания устав капиталининг 15 % ни йўналтирди.

ЕТТБ Япония ҳукумати билан келишган ҳолда Ўзбекистонда BAS дастурини амалга оширди. Дастур мақсади Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сертификатлаштириш ва ташқи бозорга олиб чиқишдан иборат. Бу дастур бугунги кунда бозор иқтисодиётига ўтаётган 10 та давлатда амал қилиб, экспорт корхоналарининг сертификатлаштириш билан боғлиқ 50 % ҳаражатларини қоплайди.

Осий тараққиёт банки (ОТБ)нинг асосий вазифаси Осиё ва Тинч океани минтақасидаги мамлакатларга иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожланишда кўмаклашиш, иқтисодий ўсишни жадаллаштириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, инсон ресурсларини ривожлантириш, экологик

муаммолар, жумладан иқлим ўзгариши билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда ёрдам беришдан иборатдир.

1966 йилда ташкил этилган Осиё тараққиёт банки бугунги кунда катта молиявий ва техник имкониятларга эга 67 та давлат, жумладан, Осиё – Тинч океани минтақасининг 48 та, Европанинг саноати ривожланган катор мамлакатлари, шунингдек, Канада ва АҚШ мазкур банкнинг аъзолари ҳисобланади. Банк ривожланиш ва минтақавий ҳамкорликка оид лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда ушбу соҳаларда техник кўмак бериш билан бирга аҳолининг миллий салоҳияти ва турмуш даражасини оширишга йўналтирилган, пухта ўйланган ижтимоий – иқтисодий сиёсатни амалга ошираётган мамлакатларга ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

**2007 – 2008 йиллар давомида Марказий осий давлатларига қилинган
ажратмалар тўғрисидаги маълумотни қуйидаги жадвалдан
олишимиз мумкин⁸¹. млн.евро**

№	Мамлакатлар	2007 йил	2008 йил	1991 – 2008 йилларда
	Қирғизистон	12	12	165
	Монголия	34	51	102
	Тожикистон	26	35	96
	Туркменистон	3	10	123
	Ўзбекистон	15	33	545
	Жами	90	141	1031

ОТБнинг Ўзбекистон билан узоқ муддатли ва самарали ҳамкорлиги бунга ёрқин мисол бўла олади. Мамлакатимиз 1995 йилдан буён ушбу йирик халқаро молия ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзосидир.

1996 йилдан ОТБ нинг лойиҳалари Ўзбекистон ҳудудида транспорт, энергетика, сув таъминоти, молия ва таълим соҳаларида амал қилмоқда. Бугунги кунга қадар ОТБ томонидан ажратилган 1,29 млрд доллар қийматидаги қарз маблағлар ва 40,83 млн доллар грант маблағи техник ёрдам дастури доирасида амал қилмоқда.⁸² Ушбу ресурсларнинг 27 %

⁸¹ www.imf.org ЕТТБ нинг 2008 йиллик ҳисоботидан

⁸² www.adb.org ОТБ нинг 2009 йиллик ҳисоботидан

кишлоқ хўжалиги, 23 % таълим, 21 % транспорт ва 15 % сув таъминотида ўзлаштирилмоқда. Бозор муносабатларида микромолиялаш тизимини ривожлантириш муҳим ривожланиш омил бўлиб ҳисобланади. Шу мақсадда 2008 йилдан Ўзбекистонда ОТБ нинг икки босқичли лойиҳаси амал қила бошлади. Лойиҳага асосан ушбу соҳани ривожлантириш учун 2008 йилда 137,4 млн доллар, 2009 йилда 125,9 млн доллар ажратилди.

Шу билан бирга, қиймати 300 миллион АҚШ долларлик “Сув таъминоти ва канализация соҳасида мултитраншли молиялаш дастури” 2009 йилдан амалга оширилаётган йирик лойиҳалардан биридир. Илгари қабул қилинган ана шундай лойиҳани амалга ошириш доирасида Қашқадарё ва Навоий вилоятларининг 170 та аҳоли пунктида қувурлар ўтказилмоқда ҳамда мавжуд ускуналар ҳолати яхшиланмоқда.

ОТБ Бошқарувчилар кенгашининг 43 – йиллик мажлисида ОТБ Президенти Харухико Курода ва Жаҳон божхона ташкилотини бош котиби Кунио Микурия томонидан Осиё – Тинч океани ҳудудида стратегик ҳамкорликни таъминлаш мақсадида меморандуми имзоланди. Меморандумнинг асосий мақсади халқаро савдони ривожлантиришдан иборат.

Бундан ташқари Осиё тараққиёт банки президенти Ўзбекистон раҳбариятига ОТБнинг Тошкентдаги форуми юксак савияда ташкил қилингани ва уни ўтказишга яхши тайёргарлик кўрилгани ҳамда тадбирнинг самарали ўтишига ёрдам бергани учун самимий миннатдорлик изҳор этди. ОТБ Бошқарувчилар кенгашининг бу йилги мажлисида Осиё – Тинч океани минтақаси мамлакатларининг жаҳон молиявий – иқтисодий инқирозидан самарали чиқиши ва инқироздан кейинги ривожланиши билан боғлиқ қисқа, ўрта ва узоқ муддатларга мўлжалланган долзарб масалалар кўриб чиқилди. Шу мақсадда минтақанинг иқтисодий барқарорлигини ошириш, унинг глобал иқтисодий бошқарувга, минтақавий интеграцияни кенгайтиришга ҳисса қўшиши учун зарур чораларни кўриш лозимлиги ҳамда бу жараёнлар ОТБ томонидан бундан кейин ҳам қўллаб – қувватланиши таъкидланди. ОТБ

томонидан ишлаб чиқилган "Стратегия – 2020" айнан ушбу масалаларни ҳал этишга қаратилган. Барқарор иқтисодий ривожланишга бевосита дахлдор бўлган иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва қуёш энергиясидан янада кенг фойдаланиш мажлисида кўриб чиқилган муҳим масалалар сирасидандир.

ОТБнинг Ўзбекистондаги энг йирик лойиҳаларидан бири кредит уюшмаларини фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, бугунги кунда ОТБнинг ушбу лойиҳаси натижасида 100 та кредит уюшмаси депозитида 88 млн АҚШ долларга ва 107 млн АҚШ доллар кредит портфелига эга бўлган 141000 та аъзони бирлаштирди. Бу эса ўз навбатида миллий иқтисодиётни ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Бобга оид саволлар

- 1.Халқаро молия институтлари ўз таркибига қандай ташкилотларни олади?
- 2.Халқаро молия ташкилотларининг ваколатлари.
- 3.Халқаро молия ташкилотларининг мақсадлари.
- 4.Глобал аҳамиятга эга бўлган халқаро молиявий институтлар.
- 5.Европа иқтисодий ҳамкорлиги ташкилоти қачон ва қандай мақсадда ташкил этилган?
6. Халқаро валюта жамғармаси қачон ва қандай мақсадда ташкил этилган?
7. Жаҳон банки қачон ташкил этилган, унинг таркибига қандай молиявий ташкилотлар киради?
8. Инвестицияларни ҳартомонлама кафолатлаш агентлиги қандай ташкилот ва у инвестицияларни неча йилгача кафолатлайди.
9. Европа тараққиёт ва тикланиш банки кимнинг ташаббуси билан ва қачон ташкил этилган?
10. Европа тараққиёт ва тикланиш банки устав капиталининг энг юқори улуши қандай мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади?
11. Халқаро минтақавий институтлар таркибига қандай ташкилотлар киради ва уларнинг асосий миссияси нимадан иборат?
12. Ўзбекистоннинг халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорлик доираси.

Бобга оид тестлар

1. *Европа иқтисодий ҳамкорлиги ташкилоти қандай режа асоси ташкил этилган?*

- А. Черчель режасига асосан
- Б. Қироича Елезавета режасига асосан
- В. Маршалл режасига асосан**
- Г. Марк Твен режасига асосан

2. *Кредитор мамлакатлар Париж клубининг мақсади:*

- А. – ривожланган мамлакатларга кредит беради;
- Б. – ривожланаётган мамлакатларнинг сиёсатини ишлаб чиқади;
- В. – ривожланган мамлакатларнинг норасмий ташкилотидир;**
- Г. – молия – кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солади.

3. *Халқаро молия институтлари асосан қачон пайдо бўла бошлаган?*

- А. Биринчи жаҳон урушидан кейин
- Б. Иккинчи жаҳон урушидан кейин**
- В. Буюк инқироздан кейин
- Г. 2008 йилдаги жаҳон молиявий – иқтисодий инқирозидан кейин

4. *Халқаро молиявий институтларни вужудга келишига таъсир қилган омиллар қандай жавобда нотўғри келтирилган?*

А. Халқаро иқтисодиётда молиявий барқарорликни таъминлаш борасида кучларни умумлаштиришган ҳолда ҳамкорликда фаолият юритиш.

Б. Капитализм ва социализм тузуми ўртасидаги иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш.

В. Давлатлараро валюта ва молия – кредит сиёсатини тартибга солиш юзасидан андозаларни яратиш ва амалиётга жорий этиш

Г. Ҳамкорликда жаҳон валюта ва молия – кредит сиёсати юзасидан стратегик тактикани ишлаб чиқиш.

5. *Халқаро валюта фонди қандай мақсадга кредит беради?*

- А. Мамлакат қишлоқ – хўжалигини ривожлантириш учун
- Б. Мамлакатларнинг валюта – кредит муносабатларини тартибга солиш учун

В. Мамлакатларнинг тўлов баланси дефицитини қоплаш учун

Г. Б ва В жавоблар тўғри

6. *Халқаро валюта жамғармасига аъзо мамлакатлар сони 2004 йилда нечтани ташкил этди ва унинг бош офиси қандай шаҳарда жойлашган?*

- А. 204 та, Парижда
- Б. 184 та, Вашингтонда**
- В. 189 та, Женевада
- Г. 184 та, Нью Йоркда

7. Жаҳон банки қайси ташкилот таркибидаги қандай муассаса ҳисобланади?

А. Халқаро валюта жамғармаси таркибидаги, ихтисослашган молиявий муассаса

Б. Бирлашган миллатлар ташкилоти таркибидаги, ихтисослашган молиявий муассаса

В. Европа иттифоқи таркибидаги, молиявий муассаса

Г. Ривожланган мамлакатлар таркибидаги, молиявий муассаса

8. Қандай халқаро молиявий ташкилотнинг кредитлари бўйича фоизлар ундирилмайди?

А. Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки

Б. Халқаро молия корпорацияси

В. Халқаро ривожланиш ассоциацияси

Г. Инвестицияларни ҳартомонлама кафолатлаш агентлиги

9. Европа тикланиш ва тараққиёт банки кимнинг ташаббуси билан қачон таъсис этилган ?

А. Маршаллнинг таклифи билан, 1989 йил 29 май

Б. Франсуа Миттераннинг таклифи билан, 1990 йил 29 майда

В. Клинтоннинг таклифи билан, 1991 йил 30 октябрда

Г. Жак Шеракнинг таклифи билан, 1988 йил 25 июнда

10. Қуйидагилардан қайси бири халқаро минатқавий тараққиёт банклари таркибига кирмайди?

А. Америкалараро тараққиёт банки, Вашингтон

Б. Африка тарққиёт банк, Абиджон

В. Жаҳон банки, Вашингтон

В. Осиё тараққиёт банк, Манила

11. Ўзбекистон Европа тикланиш ва тараққиёт банк билан алоқалари қачон бошланди ва унинг тўлақонли аъзоси қачон бўлган?

А. 1989 йил 20 майда алоқалар ўрнатилди ва 1990 йилда аъзо бўлди.

Б. 1991 йил 25 апрелда алоқалар ўрнатилди ва 1992 йилда аъзо бўлди

В. 1992 йил 30 апрелда алоқалар ўрнатилди ва 1993 йилда аъзо бўлди

Г. 1993 йил 30 майдан алоқалар ўрнатилди ва 1994 йилда аъзо бўлди

12. Ўзбекистон Осиё тарққиёт банки билан қачондан бошлаб тўлақонли ҳамкорликни йўлга қўйган?

А. 1991 йилдан

Б. 1993 йилдан

В. 1995 йилдан

В. 1997 йилдан

Тестларнинг жавоблари

№	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
1-боб	В	Г	В	Б	Б	А	Б	Б	В	В	Б	В								
2-боб	Б	Б	В	Б	В	Б	А	В	В	Б	Б	В	Б	А	Г	Б	В	В	Б	Г
3-боб	В	В	А	Б	А	Б	Г	Б	А	В										
4-боб	Б	А	Г	Г	Б	Б	Б													
5-боб	Б	В	В	Б	А	Б	А	Г	А	В	В	Б	Г	В	Б	В	В	В	Б	Г
6-боб	В	В	В	В	В	Б	В	А												
7-боб	Б	В	Б	Г	В	Б	А	Б	А	А										
8-боб	А	Б	В	Б	Б	Б	А	Б	А	В										
9-боб	Б	В	А	Б	В	А	Б	Г	А	А	Б	Б	В	В	В	В	Б	В	В	Б
10-боб	Б	В	В	Б	А	Б	Г	Г	Б	Б	Г	Б								
11-боб	Б	Б	Б	В	Б	В	В	В	В	Г										
12-боб	Б	В	Б	В	В	А	Б	Б	В	В	В	В								
13-боб	Б	Б	Б	Б	А	Г	Б	Б	Г	А										
14-боб	Б	Г	Б	А	Б	А	Г	Б												
15-боб	Б	Б	А	А	Г	В	В	Б	Г	Б	А	Б	Б	Г	А	А				
16-боб	Б	Б	А	В	В	А	Б	В	Б	Б										
17-боб	В	В	Б	Б	Г	Б	Б	В	Б	В	В	В								

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни. –Тошкент, 1995.

Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни. –Тошкент, 1996.

Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т.14. –Тошкент, Ўзбекистон, 2006. – 176 б.

Каримов И.А. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир. –Тошкент, Ўзбекистон, 2007. –64 б.

Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Тошкент, Ўзбекистон, 2009. –54 б.

Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. –Т.: “Иқтисод – молия”, 2007, – 348 б.

Аристотель. Сочинения: 4 т. –М.: 1983. Т. С.325.

Банки и банковские операции: Учебник для вузов/ Е.Ф.Жуков, Л.М.Максимова, О.М.Макарова и др.; Под ред. проф Е.Ф.Жукова. –М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 1997. – 471 с.

Белоглазова Г.Н. Деньги, кредит, банки. –М.: «Юрайт», 2005.

Деньги мира. Ред.группа: О.Елисеева, Т.Евсеева и др. –М.: Мир энциклопедий Аванта+, Астрель, 2009. – 184 с.: ил. –(Самые красивые и знаменитые).

Деньги, кредит, банки: Учеб. – 2 – е изд., перераб. и доп./под ред. В.В.Иванова, Б.И.Соколова. –М.: ТК Велби, изд – во Проспект, 2008. – 848 с.

Деньги, кредит, банки: Учебник для вузов. Под. ред. проф. Щегорцова В.А. –М.:ЮНИТИ – ДАНА, 2005. – 383 с.

Деньги, кредит, банки: учебник/кол. авт.: под ред. засл. деят. науки РФ, д.э.н. проф. О.И.Лавшурина. –5 –е изд., стер. –М.:КНОРУС, 2007. –560 с.

Долан Э., Кэмпбелл, Кэмпбелл Р. Деньги банковское дело и денежно – кредитная политика. –М.: Профико, 1991. –С.

Жуков Е.Ф. Деньги, кредит, банки. –М.: «Ютити», 2003.

Краткий экономической словарь. /под ред. А.Н. Азрилияна. –2 – е изд. Доп. и перераб. –М.: Институт новой экономики, 2002.

Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. В. 2 т.: Пер. с англ. 11 – го изд. Т. I. –М.: Республика, 1992. – 399 с.:

Маркова О.М., Сахарова Л.С., Сидиров В.Н. Коммерческие банки и их операции. –М.: «Банк и Биржи», 1995.

Харрис Л. Денежная теория. –М.: 1990. –С.75; Долан Э., Линдсей Д. Макроэкономика. – СПб.: 1994, – 854 с.

Масленников В.В. Зарубежные банковские системы. – М.: «Элит – 2000».

Муллажонов Ф.М. Ўзбекистон Республикаси банк тизими. – Т.: «Ўзбекистон», 2001.

Пезенти А. Очерки политической экономики капитализма: в 2 т.: пер. С итал. Т.1. – 785 с.

Рашидов О.Ю. ва бош. Пул, кредит ва банклар. Дарслик. –Т.: ТДИУ, 2008. – 432 б.

Самуэльсон П. Экономика вводной курс. –М.: 1964. –698 с.

Смит А. Исследование природе и причинах богатства народов. Том 1. –С.418, 421.

Современно финансово – кредитный словарь /Под общ. Ред. М.Г.Лапусты, П.С.Никольского. –2 – е изд. Доп. –М.: ИНФРА –М, 2002.

Тижорат банклариди касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқнома. –Т.: «Ўзбекистон», 2004.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимида бухгалтерия ҳисобини юритишга оид ҳужжатлари тўплами. –Т.: «Ўзбекистон», 2003.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. –Т.: «Ўзбекистон», 2003.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операцияларига оид ҳужжатлари тўплами. –Т.: «Ўзбекистон», 2003.

Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. –М.: 1993. –774 с.

Эдвин Дж. Долан, Колин Д. Кэмпбелл, Розмари Дж. Кэмпбел. Деньги, банковское дело и денежно – кредитная политика. Пер. с англ. к.э.н. А.А.Лукашевич, А.П.Маноцкова, к.ф.н. Е.Б.Ярцева, к.ф – м.н. М.Б.Ярцев. –М. – СПб., 1991. – 448 с.

International Financial Statistics. IMF, June 2008. – 1263 p.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БЎЛИМ. ПУЛ	
1 – БОБ ПУЛНИНГ ЗАРУРЛИГИ ВА МОҲИАТИ	6
1.1. Пулнинг вужудга келиши ва зарурлиги	6
1.2. Пулнинг моҳияти	12
1.3. Пулнинг ривожланиш тарихи	15
<i>Бобга оид саволлар</i>	21
<i>Бобга оид тестлар</i>	22
2 – БОБ ПУЛНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ ВА ТУРЛАРИ	24
2.1. Пулнинг функциялари	24
2.2. Пулнинг турларига умумий тавсиф	32
2.3. Натурал пуллар	33
2.4. Металл пуллар	36
2.5. Қоғоз пуллар	39
2.6. Электрон пуллар	43
2.7. Товар ҳўжалиги шароитида пулнинг роли	44
<i>Бобга оид саволлар</i>	47
<i>Бобга оид тестлар</i>	47
3 – БОБ ПУЛ АЙЛАНМАСИ ВА ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ	51
3.1. Пул айланмасининг моҳияти	52
3.2. Нақд пул айланмасини ташкил этиш	54
3.2.1. <i>Нақд пулларни қабул қилиш тартиби</i>	60
3.2.2. <i>Нақд пулларни бериш тартиби</i>	62
3.3. Нақд пулсиз ҳисоб – китобларнинг тамойиллари	64
3.4. Нақд пулсиз ҳисоб – китобларнинг шакллари	67
3.4.1. <i>Тўлов топишириқномалари билан ҳисоб – китоблар</i>	68
3.4.2. <i>Тўлов талабномалари билан ҳисоб – китоблар</i>	71
3.4.3. <i>Аккредитивлар билан ҳисоб – китоблар</i>	75
3.4.4. <i>Инкассо топишириқномалар билан ҳисоб – китоблар</i>	79
3.4.5. <i>Чеклар билан ҳисоб – китоблар</i>	81
3.4.6. <i>Пластик карточкалар билан ҳисоб – китоблар</i>	83
<i>Бобга оид саволлар</i>	87
<i>Бобга оид тестлар</i>	87
4 – БОБ ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА ПУЛ МАССАСИ	90
4.1. Пул муомаласи тушунчаси ва таркиби	90
4.2. Нақд пуллар айланмаси ва унинг таркибий қисми	91
4.3. Нақд пул муомаласининг ўрни ва зарурияти	98

4.4.	Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг нақд пул муомаласи бўйича асосий вазифалари	103
4.5.	Муомала учун зарур бўлган нақд пуллар миқдорини аниқлаш асослари	105
4.6.	Пул массаси ва пул агрегатлари	111
	<i>Бобга оид саволлар</i>	113
	<i>Бобга оид тестлар</i>	113
5 – БОБ	ПУЛ ТИЗИМИ	116
5.1.	Пул тизимининг моҳияти ва элементлари	116
5.2.	Пул тизимининг турлари	122
5.3.	Ўзбекистон пул тизимининг ташкил топиши ва ривожланиши	127
5.4.	Ўзбекистон пул тизимининг элементлари	133
	<i>Бобга оид саволлар</i>	134
	<i>Бобга оид тестлар</i>	135
6 – БОБ	ИНФЛЯЦИЯ	139
6.1.	Инфляциянинг моҳияти ва турлари	139
6.2.	Инфляциянинг вужудга келиш сабаблари	146
6.3.	Инфляциянинг ижтимоий – иқтисодий оқибатлари	148
6.4.	Инфляцияга қарши сиёсат	150
	<i>Бобга оид саволлар</i>	151
	<i>Бобга оид тестлар</i>	152
7 – БОБ	ПУЛНИНГ НАЗАРИЯЛАРИ	154
7.1.	Пул назариясининг моҳияти	154
7.2.	Пулнинг металллик назарияси	155
7.3.	Пулнинг номиналлик назарияси	129
7.4.	Пулнинг миқдорий назарияси	163
	<i>Бобга оид саволлар</i>	170
	<i>Бобга оид тестлар</i>	170
8 – БОБ	АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ПУЛ ТИЗИМИ	172
8.1.	АҚШнинг пул тизими	172
8.2.	Буюк Британиянинг пул тизими	174
	<i>Бобга оид саволлар</i>	178
	<i>Бобга оид тестлар</i>	178
II БЎЛИМ. КРЕДИТ		
9 – БОБ	КРЕДИТНИНГ МОҲИАТИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ	181
9.1.	Кредитнинг зарурлиги ва моҳияти	181
9.2.	Кредитнинг функциялари ва таъйинлари	184
9.3.	Кредитнинг шакллари ва турлари	188
9.3.1.	<i>Давлат кредити</i>	192
9.3.2.	<i>Банк кредити</i>	196
9.3.3.	<i>Истеъмол кредити</i>	198
9.3.4.	<i>Тижорат кредити</i>	202

9.3.5. <i>Халқаро кредит</i>	203
<i>Бобга оид саволлар</i>	204
<i>Бобга оид тестлар</i>	204
III БЎЛИМ. БАНКЛАР ВА НОБАНК КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАР	
10 – БОБ БАНКЛАРНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ	208
10.1. Банкларнинг вужудга келиши ва моҳияти	208
10.2. Банкларнинг функциялари	212
10.3. Банкларнинг турлари	217
10.4. Банкларнинг иқтисодиётдаги роли	222
<i>Бобга оид саволлар</i>	227
<i>Бобга оид тестлар</i>	228
11 – БОБ МАРКАЗИЙ БАНК	231
11.1. Марказий банкларнинг вужудга келиши ва функциялари	231
11.2. Ўзбекистон Марказий банки, мақсади ва вазифалари	237
11.3. Марказий банкнинг пул – кредит сиёсати	242
<i>Бобга оид саволлар</i>	251
<i>Бобга оид тестлар</i>	251
12 – БОБ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ	254
12.1. Тижорат банклари ва уларнинг ташкил топиши	254
12.2. Тижорат банкларининг пассив операциялари	260
12.3. Тижорат банкларининг актив операциялари	265
12.4. Тижорат банкларининг ноаънанавий операциялари	269
12.4.1. <i>Факторинг операциялари</i>	269
12.4.2. <i>Кредит – ижара (лизинг)</i>	270
12.4.3. <i>Конткоррент операциялари</i>	272
12.4.4. <i>Форфейтинг операциялари</i>	273
12.4.5. <i>Траст операциялари</i>	275
12.5. Тижорат банклари даромад ва харажатлари	276
<i>Бобга оид саволлар</i>	280
<i>Бобга оид тестлар</i>	280
13 – БОБ АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР БАНК ТИЗИМИ	283
13.1. АҚШ банк тизими	283
13.2. Буюк Британия банк тизими	286
<i>Бобга оид саволлар</i>	290
<i>Бобга оид тестлар</i>	290
14 – БОБ НОБАНК КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАР	293
14.1. Кредит уюшмалари ва уларнинг операциялари	293
14.2. Ломбардлар ва уларнинг ташкил топиши	298
<i>Бобга оид саволлар</i>	299
<i>Бобга оид тестлар</i>	299

IV БЎЛИМ. ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАР

15 – БОБ	ХАЛҚАРО ВАЛЮТА МУНОСАБАТЛАРИ ВА ҲИСОБ – КИТОБ ОПЕРАЦИЯЛАРИ	301
15.1.	Валюта тизими ва унинг элементлари	301
15.2.	Валюта тизимининг ривожланиш босқичлари	304
15.2.1.	<i>Классик олтин стандарти</i>	304
15.2.2.	<i>Биринчи жаҳон уруши ва кейинги давр</i>	306
15.2.3.	<i>Олтин қўйма ва олтин девиз стандарти</i>	307
15.2.4.	<i>Таъминланмаган қогоз пуллар</i>	310
15.2.5.	<i>Бреттон Вудс ва янги олтин девиз стандарти</i>	312
15.2.6.	<i>Бреттон Вудс тизимининг барҳам топиши</i>	315
15.2.7.	<i>Сузиб юрувчи курс</i>	318
15.3.	Валюта курси ва унинг турлари	323
15.4.	Халқаро ҳисоб – китобларнинг вужудга келиши ва моҳияти	326
15.5.	Халқаро ҳисоб – китобларнинг шакллари ва валюта rischi	328
15.5.1.	<i>Аккредитив</i>	330
15.5.2.	<i>Инкассо</i>	332
15.5.3.	<i>Банк ўтказмалари</i>	333
15.6.	Ўзбекистон банкларида халқаро валюта муносабатлари	334
	<i>Бобга оид саволлар</i>	336
	<i>Бобга оид тестлар</i>	336
16 – БОБ	ТЎЛОВ БАЛАНСИ	340
16.1.	Тўлов баланси ва уни тузиш тамойиллари	340
16.2.	Ҳисоб – китоб балансининг тўлов балансидан фарқлари	345
16.3.	Мамлакат тўлов балансига таъсир этадиган омиллар	346
	<i>Бобга оид саволлар</i>	346
	<i>Бобга оид тестлар</i>	347
17 – БОБ	ХАЛҚАРО МОЛИЯ ИНСТИТУТЛАРИ	349
17.1.	Халқаро молиявий институтларига умумий характеристика	349
17.2.	Халқаро валюта жамғармаси	352
17.3.	Жаҳон банки	355
17.4.	Европа тикланиш ва тараққиёт банки	359
17.5.	Минтақавий молия – кредит институтлари	362
17.6.	Ўзбекистоннинг халқаро молиявий институтлари билан ҳамкорлиги ва истиқболлари	365
	<i>Бобга оид саволлар</i>	369
	<i>Бобга оид тестлар</i>	370
	<i>Тестларнинг жавоблари</i>	372
	ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	373

ОМОНОВ АКРОМ АДИНАЗАРОВИЧ
ҚОРАЛИЕВ ТҰРАБОЙ МАМАТҚУЛОВИЧ

ДЕНЬГИ, КРЕДИТ И БАНКИ

Учебник

Ответственные редакторы:

д.э.н., профессор – А.В.Вахабов

к.э.н., доцент – Э.Ф.Гадоев

Рецензенты:

О.Х.Хамраев – д.э.н., профессор

Т.И.Бобоқулов – д.э.н., доцент

С.Х.Норқобилов – к.э.н., доцент

Деньги, кредит и банки: учебник. А.А.Омонов, Т.М.Каралиев.- Ташкент: “.....” 2011. 388 стр.

Учебник подготовлен в соответствии с основными правилами Государственного стандарта непрерывного образования в Узбекистане и охватывает разделы типовой программы предмета «Деньги, кредит и банки» в области знаний «Гуманитарные предметы, бизнес и право».

Теоретические аспекты процессов возникновения, развития и совершенствования денег, кредита и банков, а также образование международных финансовых организаций, их цели и задачи в учебнике написаны коротко, понятно и ясно.

В книге отдельное внимание уделено образованию денежно-кредитной системы в Узбекистане и их особенностям, а также вопросам взаимного экономического сотрудничества нашей страны с международными финансовыми институтами.

Книга рассчитана на студентов и преподавателей экономического направления, научных исследователей, специалистов в области банка и финансов.

MONEY, CREDIT AND BANKS

textbook

Under the general edition:

A.V.Vahabov - Doctor of Economics, professor

E.F. Gadoev - Candidat of Econ.Sci.

Reviewers:

O.H.Hamraev – Doctor of Economics, professor

T.I.Boboqulov – Doctor of Economics, senior lecturer

S.Kh.Norkobilov – Candidat of Econ.Sci.

Money, credit and banks: the textbook. A.A.Omonov, T.M.Karaliev. - Tashkent:
“.....” 2011. 388 p.

The textbook is prepared according to key rules of State standard of continuous formation in Uzbekistan and covers sections of the typical program of a subject «Money, credit and banks» in field of knowledge «Humanitarian subjects, business and the right».

Theoretical aspects of processes of occurrence, development and perfection of money, the credit and banks, and also formation of the international financial organizations, their purposes and a problem in the textbook are written shortly, clearly and clearly.

In the book the separate attention is given monetary and credit system formation in Uzbekistan and to their features, and also questions of mutual economic cooperation of our country with the international financial institutions.

The book is calculated on students and teachers of an economic direction, scientific researchers, experts in the field of bank and the finance.

СОДЕРЖАНИЕ

ВВЕДЕНИЕ	5
РАЗДЕЛ I. ДЕНЬГИ	
ГЛАВА 1 НЕОБХОДИМОСТЬ ДЕНЕГ И ИХ ВОЗНИКНОВЕНИЕ	8
1.1. Возникновение денег и их необходимость	8
1.2. Сущность денег	14
1.3. История развития денег	17
<i>Вопросы по главе</i>	23
<i>Тесты по главе</i>	24
ГЛАВА 2 ФУНКЦИИ И ВИДЫ ДЕНЕГ	26
2.1. Функции денег	26
2.2. Общее характеристика видам денег	34
2.3. Натуральные деньги	35
2.4. Металлические деньги	38
2.5. Бумажные деньги	41
2.6. Электронные деньги	45
2.7. Роль денег в условиях товарного хозяйства	46
<i>Вопросы по главе</i>	49
<i>Тесты по главе</i>	49
ГЛАВА 3 ДЕНЕЖНОЕ ОБРАЩЕНИЕ И ЕГО ОРГАНИЗАЦИЯ	53
3.1. Сущность денежной системы	53
3.2. Организация наличного денежного обращения	56
3.2.1. <i>Порядок приема наличных денег</i>	62
3.2.2. <i>Порядок выдачи наличных денег</i>	64
3.3. Принципы безналичного расчета	66
3.4. Формы безналичного расчета	69
3.4.1. <i>Расчеты с платежными поручениями</i>	70
3.4.2. <i>Расчеты с платежными требованиями</i>	73
3.4.3. <i>Расчеты с аккредитивами</i>	77
3.4.4. <i>Расчеты с инкассовыми поручениями</i>	81
3.4.5. <i>Расчеты с чеками</i>	83
3.4.6. <i>Расчеты с пластиковыми карточками</i>	85
<i>Вопросы по главе</i>	89
<i>Тесты по главе</i>	89
ГЛАВА 4 ДЕНЕЖНОЕ ОБРАЩЕНИЕ И ДЕНЕЖНАЯ МАССА	92
4.1. Понятие и структура денежного обращения	92
4.2. Обращение наличных денег и их составная часть	93
4.3. Роль и значение наличного денежного обращения	100

4.4.	Основные задачи Центрального банка Республики Узбекистан по наличному денежному обращению	105
4.5.	Основы определения количество наличных денег необходимых для обращения	107
4.6.	Денежная масса и денежные агрегаты	113
	<i>Вопросы по главе</i>	115
	<i>Тесты по главе</i>	115
ГЛАВА 3	ДЕНЕЖНАЯ СИСТЕМА	118
5.1.	Сущность и элементы денежной системы	118
5.2.	Типы денежных систем	124
5.3.	Организации и развитие денежной системы Узбекистана	129
5.4.	Элементы денежной системы Узбекистана	135
	<i>Вопросы по главе</i>	136
	<i>Тесты по главе</i>	137
ГЛАВА 6	ИНФЛЯЦИЯ	141
6.1.	Сущность инфляции и её виды	141
6.2.	Причины возникновения инфляции	148
6.3.	Социально-экономические последствия инфляции	150
6.4.	Антиинфляционная политика	152
	<i>Вопросы по главе</i>	153
	<i>Тесты по главе</i>	154
ГЛАВА 7	ТЕОРИИ ДЕНЕГ	156
7.1.	Сущность теории денег	156
7.2.	Металлическая теория денег	157
7.3.	Номинальная теория денег	161
7.4.	Количественная теория денег	165
	<i>Вопросы по главе</i>	172
	<i>Тесты по главе</i>	172
ГЛАВА 8	ДЕНЕЖНАЯ СИСТЕМА НЕКОТОРЫХ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН	174
8.1.	Денежная система США	174
8.2.	Денежная система Великобритании	176
	<i>Вопросы по главе</i>	180
	<i>Тесты по главе</i>	180
РАЗДЕЛ II. КРЕДИТ		
ГЛАВА 9	СУЩНОСТЬ КРЕДИТА И ЕГО ФУНКЦИИ	183
9.1.	Необходимость и сущность кредита	183
9.2.	Функции и принципы кредита	188
9.3.	Формы и виды кредита	192
9.3.1.	<i>Государственный кредит</i>	196
9.3.2.	<i>Банковский кредит</i>	198
9.3.3.	<i>Потребительский кредит</i>	200

9.3.4.	<i>Коммерческий кредит</i>	204
9.3.5.	<i>Международный кредит</i>	205
	<i>Вопросы по главе</i>	206
	<i>Тесты по главе</i>	206
РАЗДЕЛ III. БАНКИ И НЕБАНКОВСКИЕ КРЕДИТНЫЕ ОРГАНИЗАЦИИ		
ГЛАВА 10	ВОЗНИКНОВЕНИЕ И РАЗВИТИЕ БАНКОВ	210
10.1.	Возникновение банков и их сущность	210
10.2.	Функции банков	214
10.3.	Виды банков	219
10.4.	Роль банков в экономике	224
	<i>Вопросы по главе</i>	229
	<i>Тесты по главе</i>	230
ГЛАВА 11	ЦЕНТРАЛЬНЫЙ БАНК	233
11.1.	Возникновение Центрального банка и его функции	233
11.2.	Центральный банк Республики Узбекистан, его цели и задачи	239
11.3.	Денежно-кредитная политика Центрального банка	244
	<i>Вопросы по главе</i>	253
	<i>Тесты по главе</i>	253
ГЛАВА 12	КОММЕРЧЕСКИЕ БАНКИ	256
12.1.	Коммерческие банки и их возникновение	256
12.2.	Пассивные операции коммерческих банков	262
12.3.	Активные операции коммерческих банков	267
12.4.	Нетрадиционные операции коммерческих банков	271
12.4.1.	<i>Факторинговые операции</i>	271
12.4.2.	<i>Кредит – аренда (лизинг)</i>	272
12.4.3.	<i>Коррентные операции</i>	274
12.4.4.	<i>Факторинговые операции</i>	275
12.4.5.	<i>Трастовые операции</i>	277
12.5.	Доходы и расходы коммерческих банков	278
	<i>Вопросы по главе</i>	282
	<i>Тесты по главе</i>	282
ГЛАВА 13	БАНКОВСКАЯ СИСТЕМА НЕКОТОРЫХ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН	285
13.1.	Банковская система США	285
13.2.	Банковская система Великобритании	288
	<i>Вопросы по главе</i>	292
	<i>Тесты по главе</i>	292
ГЛАВА 14	НЕБАНКОВСКИЕ КРЕДИТНЫЕ ОРГАНИЗАЦИИ	295
14.1.	Кредитные союзы и их операции	295
14.2.	Ломбарды и их организация	300

<i>Вопросы по главе</i>	301
<i>Тесты по главе</i>	301
РАЗДЕЛ IV. МЕЖДУНАРОДНЫЕ ФИНАНСОВЫЕ ОТНОШЕНИЯ	
ГЛАВА 15 МЕЖДУНАРОДНЫЕ ВАЛЮТНЫЕ ОТНОШЕНИЯ И РАСЧЁТНЫЕ ОТНОШЕНИЯ	303
15.1. Валютная система и её элементы	303
15.2. Этапы развития валютной системы	306
15.2.1. Классические золотые стандарты	306
15.2.2. Первая мировая война и послевоенный период	308
15.2.3. Золотослитковый и золотодевизный стандарты	309
15.2.4. Необеспеченные бумажные деньги	312
15.2.5. Бреттон Вудский и новый золотодевизный стандарт	314
15.2.6. Прекращение Бреттон Вудской системы	317
15.2.7. Плавающий курс	320
15.3. Валютный курс и его виды	325
15.4. Возникновение международных расчетов и их сущность	328
15.5. Виды международных расчетов и валютный риск	330
15.5.1. Аккредитив	332
15.5.2. Инкассо	334
15.5.3. Банковские переводы	335
15.6. Международные валютные отношения в банках Узбекистана	336
<i>Вопросы по главе</i>	338
<i>Тесты по главе</i>	338
ГЛАВА 16 ПЛАТЕЖНЫЙ БАЛАНС	342
16.1. Платежный баланс и принципы его составления	342
16.2. Расчетный баланс и его отличие от платежного баланса	347
16.3. Факторы влияющие на платежный баланс страны	348
<i>Вопросы по главе</i>	348
<i>Тесты по главе</i>	349
ГЛАВА 17 МЕЖДУНАРОДНЫЕ ФИНАНСОВЫЕ ИНСТИТУТЫ	351
17.1. Общая характеристика международным финансовым институтам	351
17.2. Международное валютное сбережение	354
17.3. Мировой банк	357
17.4. Европейский банк реконструкции и развития	361
17.5. Региональные финансово-кредитные институты	364
17.6. Сотрудничество Узбекистана с международными финансовыми институтами и его перспективы	367
<i>Вопросы по главе</i>	371
<i>Тесты по главе</i>	372
СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ	374

INTRODUCTION	5
SECTION I. MONEY	
CHAPTER 1 NECESSITY OF MONEY AND THEIR OCCURRENCE	8
1.1. Occurrence of money and their necessity	8
1.2. Essence of money	14
1.3. History of development of money	17
<i>Questions under chapter</i>	23
<i>Tests under chapter</i>	24
CHAPTER 2 FUNCTION AND KINDS OF MONEY	26
2.1. Functions of money	26
2.2. The general характеристика to kinds of money	34
2.3. Natural money	35
2.4. Metallic currency	38
2.5. Paper money	41
2.6. Ecash	45
2.7. A role of money in the conditions of a commodity economy	46
<i>Questions under chapter</i>	49
<i>Tests under chapter</i>	49
CHAPTER 3 MONETARY CIRCULATION AND ITS ORGANIZATION	53
3.1. Essence of monetary system	53
3.2. The organization of cash monetary circulation	56
3.2.1. An order of reception of cash	62
3.2.2. An order of delivery of cash	64
3.3. Clearing settlement principles	66
3.4. Clearing settlement forms	69
3.4.1. Calculations with payment orders	70
3.4.2. Calculations with payment requirements	73
3.4.3. Calculations with letters of credit	77
3.4.4. Calculations with collection orders	81
3.4.5. Calculations with checks	83
3.4.6. Calculations with plastic cards	85
<i>Questions under chapter</i>	89
<i>Tests under chapter</i>	89
CHAPTER 4 MONETARY CIRCULATION AND MONETARY WEIGHT	92
4.1. Concept and monetary circulation structure	92
4.2. The reference of cash and their component	93
4.3. A role and value of cash monetary circulation	100
4.4. The primary goals of the Central bank of Republic Uzbekistan on cash monetary circulation	105
4.5. Bases of definition quantity of cash necessary for the reference	107
4.6. Monetary weight and monetary units	113
<i>Questions under chapter</i>	115
<i>Tests under chapter</i>	115
CHAPTER 5 MONETARY SYSTEM	118
5.1. Essence and elements of monetary system	118

5.2.	Types of monetary systems	124
5.3.	The organizations and development of monetary system of Uzbekistan	129
5.4.	Elements of monetary system of Uzbekistan	135
	<i>Questions under chapter</i>	136
	<i>Tests under chapter</i>	137
CHAPTER 6	INFLATION	141
6.1.	Essence of inflation and its kinds	141
6.2.	The reasons of occurrence of inflation	148
6.3.	Social and economic consequences of inflation	150
6.4.	An anti-inflationary policy	152
	<i>Questions under chapter</i>	153
	<i>Tests under chapter</i>	154
CHAPTER 7	OF THE THEORY OF MONEY	156
7.1.	Essence of the theory of money	156
7.2.	The metal theory of money	157
7.3.	The nominal theory of money	161
7.4.	The quantitative theory of money	165
	<i>Questions under chapter</i>	172
	<i>Tests under chapter</i>	172
CHAPTER 8	MONETARY SYSTEM OF SOME FOREIGN COUNTRIES	174
8.1.	Monetary system of the USA	174
8.2.	Monetary system of Great Britain	176
	<i>Questions under chapter</i>	180
	<i>Tests under chapter</i>	180
SECTION II. THE CREDIT		
CHAPTER 9	ESSENCE OF THE CREDIT AND ITS FUNCTION	183
9.1.	Necessity and essence of the credit	183
9.2.	Functions and credit principles	188
9.3.	Forms and categories of credit	192
9.3.1.	<i>The state credit</i>	196
9.3.2.	<i>The bank credit</i>	198
9.3.3.	<i>The consumer credit</i>	200
9.3.4.	<i>The commercial credit</i>	204
9.3.5.	<i>The international credit</i>	205
	<i>Questions under chapter</i>	206
	<i>Tests under chapter</i>	206
SECTION III. BANKS AND THE NEBANKOVSKY CREDIT ORGANIZATIONS		
CHAPTER 10	OCCURRENCE AND DEVELOPMENT OF BANKS	210
10.1.	Occurrence of banks and their essence	210
10.2.	Functions of banks	214
10.3.	Kinds of banks	219
10.4.	A role of banks in economy	224
	<i>Questions under chapter</i>	229
	<i>Tests under chapter</i>	230
CHAPTER 11	THE CENTRAL BANK	233
11.1.	Occurrence of the Central bank and its function	233
11.2.	The central bank of Republic Uzbekistan, its purpose and a problem	239
11.3.	The Monetary and credit policy of the Central bank	244
	<i>Questions under chapter</i>	253
	<i>Tests under chapter</i>	253

CHAPTER 12	COMMERCIAL BANKS	256
12.1.	Commercial banks and their occurrence	256
12.2.	Passive operations of commercial banks	262
12.3.	Active operations of commercial banks	267
12.4.	Nonconventional operations of commercial banks	271
12.4.1.	<i>Faktoringovye operations</i>	271
12.4.2.	<i>The credit – rent (leasing)</i>	272
12.4.3.	<i>Kontokorrentnye operations</i>	274
12.4.4.	<i>Fofejtingovye operations</i>	275
12.4.5.	<i>Trastovye operations</i>	277
12.5.	Incomes and expenses of commercial banks	278
	<i>Questions under chapter</i>	282
	<i>Tests under chapter</i>	282
CHAPTER 13	BANK SYSTEM OF SOME FOREIGN COUNTRIES	285
13.1.	Bank system of the USA	285
13.2.	Banking system of Great Brettan	288
	<i>Questions under chapter</i>	292
	<i>Tests under chapter</i>	292
CHAPTER 14	NO BANKING ORGANZATIONS	295
14.1.	The credit unions and their operations	295
14.2.	Pawnshops and their organization	300
	<i>Questions under chapter</i>	301
	<i>Tests under chapter</i>	301
SECTION IV. THE INTERNATIONAL FINANCIAL RELATIONS		
CHAPTER 15	THE INTERNATIONAL CURRENCY RELATIONS AND SETTLEMENT RELATIONS	303
15.1.	Currency system and its elements	303
15.2.	Stages of development of currency system	306
15.2.1.	<i>Classical gold standards</i>	306
15.2.2.	<i>The First World War and the post-war period</i>	308
15.2.3.	<i>Golden standards</i>	309
15.2.4.	<i>Poor paper money</i>	312
15.2.5.	<i>Бреттон Vudsky and new золотодевизный the standard</i>	314
15.2.6.	<i>The termination of Bretton of Vudsky system</i>	317
15.2.7.	<i>A floating rate</i>	320
15.3.	The rate of exchange and its kinds	325
15.4.	Occurrence of international payments and their essence	328
15.5.	Kinds of international payments and currency risk	330
15.5.1.	<i>The letter of credit</i>	332
15.5.2.	<i>The collection</i>	334
15.5.3.	<i>Bank remittances</i>	335
15.6.	The international currency relations in banks of Uzbekistan	336
	<i>Questions under chapter</i>	338
	<i>Tests under chapter</i>	338
CHAPTER 16	THE BALANCE OF PAYMENTS	342
16.1.	The balance of payments and principles of its drawing up	342
16.2.	Settlement balance and its difference from the balance of payments	347
16.3.	Factors the countries influencing the balance of payments	348
	<i>Questions under chapter</i>	348
	<i>Tests under chapter</i>	349

CHAPTER 17	THE INTERNATIONAL FINANCIAL INSTITUTIONS	351
17.1.	A general characteristic to the international financial institutions	351
17.2.	The international currency savings	354
17.3.	World bank	357
17.4.	The European bank of reconstruction and development	361
17.5.	Regional financially-credit institutes	364
17.6.	Cooperation of Uzbekistan with the international financial institutions and its prospects	367
	<i>Questions under chapter</i>	371
	<i>Tests under chapter</i>	372
LIST OF THE	USED LITERATURE	374

